ЁШЛИК '87

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ



(71)
Ноябрь

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1982 йилдан чиқа бошлаган

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Улуғбек МУСАЕВ,
Фарҳод МУСАЖОНОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Урие ЭДЕМОВА,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ.

Тошкент
«Ёш гвардия» нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келажак умиди

Тоҳир Малик

Менинг отам, онам Буюк инқилобдан анча илгари туғилишган... Инқилобнинг биринчи кунларидан тортиб, урушлар, қийинчиликлар... ҳамма-ҳаммасини кўришган. Мен урушдан кейин туғилганман. Очарчилик, нон танқислиги... булар менга бегона. Болалигимда кўрганим — танқисликлар ота-онам кўрган азоблар олдида ҳолва. Менинг болаларим эса «танқислик» деган сўзнинг маънисига ҳам тушунишмаса керак. Чунки бу сўзни ишлатишга ҳожат сезилмаган.

Етмиш йил ичида қувончли кунлар ҳам, оғир кунлар ҳам бўлди. Халқ ҳаммасига чидади, чидадигина эмас, барча машаққатларни енгиб ўтди. Бу ҳақда кўп гапирилади, ёзилади. Шу сабабли мен бошқа мавзудан сўз очай. Дебочада айтганимдай, кейинги қирқ йил ичи ҳаёт тўлиб оқаётган дарёдай кечяпти. Моддий жиҳатдан яхши таъминланганмиз. Аммо маънавий жиҳатдан-чи? Мени кўпроқ шу савол қийнайди. Чунки, тинчлик бўлиб турса моддий таъминотимиз тобора яхшиланаверади, бунга шубҳам йўқ. Аммо маънавий бойлигимиз-чи?

Биз инқилобдан кейин жуда кўп нарсалардан воз кечдик. Жуда кўп нарсаларга «эскилик сарқити» деган муҳр босиб юбордик. Чиндан ҳам сарқитлар кўп эди: мактабни диндан ажратдик, ерни ишлаганларга бердик. Шу зайлда янги жамиятнинг пойдеворини қўйдик. Янги жамиятнинг янги маданияти юзага келди. Лекин етмиш йил илгари «эскилик сарқити» деб муҳр босилган жуда кўп қусурларга нима учун барҳам беролмадик? Гражданлар урушида ғолиб чиқдик, кейин ҳокими мутлақ бўлиш истагидаги даҳшатли кучни енгдик. Нима учун «эскилик сарқитлари» олдида ҳануз ожизмиз? Мен бу ўринда хотинларнинг тугун кўтариши, тўйлардаги исрофгарчилик...ни назарда тутаётганим йўқ. Булар майда иллатлар, вақти келиб ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Мен порахўрликни, сансалорликни, манманликни, бюрократликни (бунинг «тўраларча муносабат» деган яна бир номи бор), лоқайдликни, бойликка ҳирсни назарда тутяпман. Кўпчилик бу қусурларни «эскилик сарқити» деб ўрганиб қолган. Назаримда, 20-30 йилларда шундай десак тўғри бўларди. Орадан етмиш йил ўтиб кетса ҳам, ўзимизни оқ қилиб кўрсатиб, айбни ўтмишга ағдарамиз. Йўқ, энди мардлик қилиш пайти келди, булар ўзимизнинг сарқитимиз. Аниқроғи, ўзимиз ўтмишдан икки қўллаб олиб қолган ва эъзозлаб, ардоқлаётган қусурларимиз.

Мен урушдан кейин туғилганимни бежиз тилга олганим йўқ. Гап шундаки, шу «эскилик сарқитлари»ни гуллатаётган, пораларни олди-кетига қарамай олаётган, ўзгаларни менсимай осмонда сузиб юрган, тўра бўлиб олган, на халқ мулкига, на давлат мулкига жони ачимайдиган одамларнинг асосий қисми менинг тенгдошларим бўлади. Эътибор беринг: зориқмай ўсган, нон деб силласи қуримаган авлод бу. Пора олиш, халқ мулкини ўғирлаш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш деярли бир хил жиноят ҳисобланади. Бу жиноятга одамни муҳтожлик етаклаши мумкин. Лекин ҳозиргиларни бу йўлга нима бошлаяпти? Очкўзлик, фақат очкўзлик! Очкўзлик эса маънавий қашшоқликнинг бир кўриниши.

Кейинги йилларда бу хилдаги жиноятлар кўп фош қилинди. Кураш кучайгандай бўлди. Лекин порахўрлик ҳамон давом этмоқда, халқ бойлигини ўғирлаш ҳамон авжида, бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш ҳам «рисоладаги»дай боряпти. Ён-атрофимизга разм солсак, одамларни эмас, чумолиларни кўргандай бўламиз. Мен баъзи одамларни чумолига қиёсладим-у, бу кичкина жониворни ҳақорат қилдим. Чунки чумоли қорин ғамида ёз бўйи меҳнат қилади. Булар эса мол-дунё деб ғимирлайдилар. Бу йўлда виждонни сотадилар, имонни сотадилар, эътиқоддан юз ўгирадилар, диёнатдан бегона бўладилар.

Хўш, бу сарқитлар яна қанча яшайди? Ота-боболаримиз нурли жамият учун қон тўкканлар, меҳнат қилганлар. Совет халқи, унинг ажралмас бўлаги — ўзбек халқи коммунистик жамият қуриш йўлида жонбозлик қиляпти. Айни пайтда сарқитлар ҳам қўйнимизда жон сақлаяпти. Ҳеч бир ташвиш чекмай яшаяпти. Улар ҳам барча ҳалол одамлар сингари инқилоб берган неъматлардан баҳраманд, турли лавозимларда «ишлашади», мажлисларда баландпарвоз нутқлар сўзлашади. Шубҳам йўққи, эртанги муаззам байрам кунлари ҳам кўкракларини кериб юрадилар. Зиёфатларда яйраб ўтирадилар...

Мен буюк байрам арафасида ана шуларни хаёлимдан ўтказаман. Ота-онам бундай байрамларнинг етмиштасини кўришибди. Умрим уларникига ўхшаса, мен байрамларнинг байрами — инқилобимизнинг юз йиллигини ҳам кўришим мумкин экан. Хўш, ўша айёмга нима билан борамиз, деб ўйлайман. Бугунги маразларни яна йиллаб авайлаб, авлодларимизга «қўшқўллаб» топширамизми ё комил маънавият хазинасини инъом этамизми?

Қуруқ дабдабалар, кўзбўямачиликлар даври ўтган экан, энди шу муаммолар ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилиш керак.

Мен бу жабҳадаги курашнинг кескин авж олишини, «эскилик сарқитлари»нинг аёвсиз тугатилишини истар эдим. Жуда-жуда истар эдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Матёқуб Қўшжонов

Тоза виждон билан

Ҳаёт! Унинг, бу сўзнинг оҳанрабоси нақадар кучли! Муҳаббат ва ҳижрон, шодлик ва армон — бари-барчаси шу бир сўзда жам. Мен учун бари бир, деб айтолмайман, йўқ, аксинча, уни бағоят қадрлайман. Ундан жудо бўлиш ақл бовар этмайдиган фожиа!..

Ёшлик, навқиронлик! Бундан ҳам азизроқ нарса борми оламда?..

Истиқболнинг беқиёс режалари чизилиб, энди ишга киришилган кезлар қўққисдан уруш бошланди. Ҳаётнинг бу жабҳасидан яна ўрнингни топиш, Ватаннинг жонфидоси бўлиш ҳаётий заруратга айланди, — деб ёзади денгизчи Евгений Червоний. Ҳар гал унинг 1942 йил, жанг арафасида битган сўнгги мактубини ўқир эканман, сатрларга сиғмай турган яшашга иштиёқ, ҳаётга муҳаббат ҳисси баногоҳ юрагимга кўчгандек бўлади. Денгизда, шу мактубни битатуриб, ҳадемай бошланадиган қирғин жанг на шодлик, на қувонч, балки оғир мусибат келтиришини, ажал ўзи бағоят қадрлаган ҳаёт оғушидан беомон юлиб олишини, бинобарин, жон қадар азиз бўлган ёр-дўстларидан, тириклик каби бебаҳо неъматдан тоабад жудо бўлишини у теран ҳис этган, хатнинг руҳидан бу яққол сезилиб туради.

«Одамнинг яшагиси келади, — деб ёзади ўлими олдидан комсомол қиз Нина Попцова, — ахир, ёшманда, эндигина йигирмага тўлдим-а! Ажал эса шундоқ рўпарамда кўзини тикиб турибди...»

Армон тўла бу сўзларни мен «Ҳалок бўлган қаҳрамонлар сўзлайди» деган китобдан олдим.

Қирмизи жилд бу мажмуадан жой олган ҳар бир хат бир инсоннинг тақдири, демакдир, улар Ватаннинг бошига оғир кунлар тушганда кишиларимизни жипсликка ундаган, юракларни ларзага солган юксак инсоний туйғуларга йўғрилган. Зеро, жазирамада, қорли-қаҳратон кезларда ҳам, шону шавкатга бурканган ёки аксинча, жудолик мусибати кўнглимизни чўктирган дамларда ҳам таскин ва умид, эртанги кунга, ғалабага ишонч туйғусининг барқарорлигини таъминлаган, ҳеч тап тортмай ажал билан юзма-юз олишишга ундаган аслида мана шу ҳароратдир!

Муса Жалил бундан қирқ тўрт йил муқаддам, авжи қаҳратонда, Маобит турмасида битган мактубни бир эсга олинг-а! «...Ўлим жазосига ҳукм этишди. У ўлади, лекин ундан 115 та шеър қолади...» Бу асарларини шоир ноумид кунларда, аянчли шароитда, яъни маобитчилар қийноғига дош бературиб яратганлигига эътибор қилсангиз, Ватаннинг шавкатли ўғлонлари қирғин-баротларда кўрсатган жасорат юракдаги эҳтиёж туфайли туғилганлигига яна бир бор иқрор бўласиз. Уруш йилларигина эмас, ундан олдин ҳам бу жасорат кишиларимизга хос эди...

Ўлим тўшагида ётиб ўлмас асарлар яратган Николай Островский матонати бундан каммиди? Унинг ҳаёт йўли, фидойилиги даврининг ўзига ўхшаган минг-минглаб юрагида ёли бор ёшларникига жуда-жуда уйғун кечмаганми, ахир! Ҳа, бу хислатни биз инқилобчи аждодларимиздан мерос қилиб олганмиз. Островскийнинг имконсиз ҳолатдан имкон қидириши, Муса Жалилнинг ноумидлик исканжасида умиддан шеърлар яратиши аслида шундан, деб биламан мен. Етмиш ёшга тўлган мамлакатимиз тўйини нишонлаш баробарида ҳеч иккиланмай қайта қуриш фаслига қадам қўйиши ва бу фасл инқилобий ўзгариш дея қаралиши ҳам шундан деб биламан.

Мусибатли кунларда кишиларни якдиллаштирган, осойишта кезлар барчаси бирдек улуғвор ишларга сафарбар этадиган куч эртанги кунга бўлган чексиз ишончдир. Шу туфайли ҳам кечаги кун иллатлари, ўзимиз йўл қўйган хато ва камчиликлар ҳақида ошкора гапиришдан сира чўчимаймиз, аксинча, бундан тегишли хулосалар чиқаришга ошиқамиз.

Кечаги кун мамлакат солномасида нохуш излар қолдирганлиги сир эмас. Кўламли ишларни амалга ошириш баҳонасида айрим шахслар эзгу интилишларимизга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатишди, бу ҳақда, шунингдек, шахсга сиғиниш йиллари ҳақида, бу даврлар қолдирган асорат ҳақида бугун биз очиқ гаплашиб, юракдаги гапларни рўй-рост айтмоқдамиз ва айни пайтда ҳақ гапни айтиш, ўз ўзини танқид билангина чекланиб қолмасдан дадил амалий ишга ҳам ўтмоқдамиз, бу қувончли, албатта. Бир жойда депсиниб туришдан, ёв қочса ботир кўпаяр қабилида иш юритиб, ўзимизни ҳақиқатпарвар қилиб кўрсатмоқдан кўра аянчлироқ аҳволнинг ўзи йўқ! Бугунги куннинг аччиқ ҳақиқатларини айтишдан кўра кечаги кун ҳақида гапириш, табиийки, осон, лекин, ўйлайманки, ёшларимиз бу нобоп йўлдан боришмайди, улар ўз даврларининг виждонига айланишади.

Кечаги кун кўнглимизда фақат нохуш таассуротлар қолдирдими? Йўқ, албатта. Совет кишилари космос асри равнақига улуш қўшиш насибасидан бебаҳра қолишмади. Шунинг баробарида улар катта хўжалигимиз тараққиёти йўлида заҳмат чекиб, бурчларини ҳалол ўтаб келишаётир. Зеро, ўтмишда хатоларга йўл қўйган ҳам улар эмас, улар доҳий таълимотларига ҳамиша содиқ. Ҳаётимизни нурлантириб турган ҳам аслида шуларнинг дилидаги бокира туйғулар, эътиқод зиёларидир.

Ҳақиқатни айтиш қанчалик мушкул бўлмасин, кечаги кунда ҳам ҳаётнинг ички тўлқинлари катта маҳорат билан ифода этилган ва ижодий жасорат маҳсули сифатида бино бўлган асарлар яратилганлигидан кўз юма олмаймиз. «Тобутдан товуш»дан токи «Диёнат»гача, «Юзма-юз»дан токи «Гаплашадиган вақтлар»гача... китобхон қалбига виждон ноласи каби кириб борганлиги ва ҳамиша бизни ҳушёрликка ундаганлиги сир эмас-ку, ахир. Эндиликда бу саф янада бойиётир, хусусан, истеъдодли ёшларнинг янгроқ овози ҳисобига...

Биз инқилобий ўзгаришлар фаслида яшаётирмиз. Бу давр ҳар биримиздан ижодий жасорат талаб этади, фидойилик сўрайди. Сурбетларча қилинган ўғирликларга, маънавий йўқотишларга, разил жиноятларга бизнинг бефарқ қараб туришимиз асло мумкин эмас! Эндиликда ёзувчи сўзи кўклам нафаси каби кўнгилларни яшнатиб, янада бедорликка, виждоний уйғоқликка ундаши, ҳар қачонгига нисбатан янада баралла жаранглаб туриши лозим, деб ўйлайман.

«Ёзувчининг халқ олдидаги масъулияти жуда каттадир, ҳа, бениҳоя катта, — деган эди Михаил Шолохов, — биз ҳаммамиз биргаликда ва ҳар қайсимиз шахсан халқимизнинг виждони бўлмоғимиз керак!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаббат, муҳаббат...

Ҳикоялар



Олим Отахонов

Расмларни **Д. Мурсалимов** ишлаган.

Йўқолган рўмол

I.

Бир хил русумдаги оқ кўйлак кийган ўн икки-ўн уч ёшлардаги уч қиз энсизгина йўлак бўйлаб тез-тез юриб борарди. Ер қуруқ, офтоб чарақлаб нур сочар, унда-мунда лойга ёпишиб ётган барги хазонни айтмаса, эрта билан шивалаб ўтган ёмғирдан асар қолмаган. Қизлар шундай шошилишар эдики, учовининг ҳам юзлари қизариб, манглайлари терчирай бошлаган эди. Муюлишдан чапга бурилиб, ўн қадам юрмаслариданоқ бирдан улар таққа тўхташди. Кейин Заҳро секин-секин тислана бошлади.

— Наси... қизлар... Икром! — дея шивирлади у ранги оқариб.

— Ўлдинг энди, Заҳро! — деди Насиба. — Вой, энди нима қилдинг?

— Сизлар бораверинглар, — деди Заҳро, — мен Чиғатойдан айланиб ўтиб орқаларингдан етиб оламан.

— Кеч қоласан унда. Сени еб қўядими шу!

— Емайди! Емасликка емайди-я, лекин боёқиш икки кечаю икки кундуздан бери кутиб турибди-да буни! — деди Насиба.

— Ўл-е, нафасингни ел олсин, — деди Заҳро.

— Юринглар!

— Қўрқаман, — деди у ва дув қизариб кетди.

— Нега қўрқасан?

— Чунки Икром... — дея Насиба гап бошлаганди, Заҳро унинг оғзини кафти билан ёпди.

— Жим бўл, Наси...

— Заҳро, Насиба, ёш болага ўхшаманглар! — У олдин дугоналарига, сўнгра болалар турган томонга кўз ташлади. Заҳро билан Насибани лол қолдириб, болалар томонга йўл олди. Дугоналари ҳам юрак ҳовучлаб олдинма-кетин унга эргашдилар.

Етти-саккиз чоқли бола орасидан иккитаси ажралиб чиқди-да, намойишкорона уларнинг йўлини тўсиб кела бошлади. Заҳро ердан бош кўтармас, ҳозиргина ҳазил-ҳузилни кучайтираётган Насиба нима қиларини билмай бармоқларини ўйнар, олдинда бораётган дугонасига етиб олиш учун илдам қадам ташлар эди.

Олдинда кетаётган қиз бошини баланд тутганча кўрфазга кираётган кема сингари болалар орасига эмин-эркин, осойишта кириб борди.

Кузак қуёши болалар эгаллаган чоғроққина ерни чиндан ҳам кўрфаз сингари ёритган, шамол эса бу ерга хазон япроқларни учириб келар эди.

Қиз болаларнинг ўртасида тўхтади.

— Қайси бирингиз Икром? — деб сўради у.

Заҳро билан Насиба унинг пинжига суқилди.

Симёғочга суяниб турган ялпоқ бурни хиёл қийшиқ, шалпангқулоқ бола гугурт қутисини ирғитиб ўйнаганча жавоб қилди:

— Мен Икромман!

Қиз унга мусаффо кўзларини тикди. Кулимсиради.

— Нима ишинг бор менда? — деб сўради Икром тиржайиб. Ёнидаги бола хиёл чўзилиб унинг қулоғига бир нима деб шипшиди.

Заҳро секин ортига тисарилиб кета бошлади. Буни пайқаган Икром рўпарасида турган қизнинг елкаси оша:

— Сенда ишим бор, Заҳро, тўхтаб тур! — деди.

Заҳро тўхтади.

— Хўш, яхши қиз, Икромда нима ишлари бор? Агар

www.ziyouz.com kutubxonasi

менинг кўнгилли лашкарим сизга халал бераётган бўлса... — Икром симёғочдан узилиб қизнинг устига юрди. — ...улар бизни холи қўйишади. Хўш?

Кутилмаганда қиз Икромнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Икром буни сира кутмаган бўлса-да, ёлғондан юзини чангаллаб гандираклаб кетди, сўнг хохолаб кула бошлади. (Унинг бу қилиғини бир нима деб изоҳлаш қийин...) Қиз эса бўйнидаги ҳарир рўмолини шоша-пиша ечиб олди-да, унга ирғитди.

— Ма, буни ўраб ол. Қизларнинг йўлини тўсишдан кўра сенга шу кўпроқ ярашади.

Икром буни кутмаган эди. У рўмолни муштига ўраб ғижинди, қизнинг ўткир, сокин нигоҳига тик қараёлмаётган бўлса ҳам, ургани қўл кўтарди.

Қиз киприк қоқмай тураверди.

Икром қўлини туширди, унга бу қандай қиз ўзи, дегандек тикилиб қолди.

Қиз эса энди дугоналарига юзланди.

— Юринглар, энди йўлингизни ҳеч ким тўсмайди, — Сўнг у атай йигитга теккизиб деди: —тўғрими, Икром?

У шундай деди-да, болалар ёнидан ўтиб қоялар ўраб турган кўрфаздан зиён-заҳматсиз чиққан кема сингари икки дугонасини эргаштириб йўлга тушди.

Ўша мен эдим, жуда ўжар, ёввойи эканман у пайтда, ҳозир эсласам ғалати бўлиб кетаман. Ўн уч яшармидим, ўн иккимиди... ҳар қалай, янглишмасам, шу маҳаллага кўчиб келганимизга энди бир йилдан ошганди. Лекин ўшанда Икром, ҳайронман, нега индамади, нега мен ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ кулоғининг тагига уриб қолгандим, эслолмайман. Икром деса тамом, қизларнинг ўтакаси ёриларди... Агар янглишмасам, ўша пайтлар Заҳрони Икром яхши кўради деган гаплар қулоғимга чалинганди. Заҳро чиройли қиз эди — кўзлари мовий, сутга чайиб олгандек оппоқ, ўзиям шунга яраша кийинарди. Қизларнинг ҳаваси келарди унга. Яшириб нима қилдим, ўша пайтларда мен ҳам Заҳрога ҳасад қилардим. Ҳозир нима учун ҳасад қилишимнинг сабабини изласам, ҳар хил ўйлар келади миямга.

Қизлар урушқоқ деган сайин кўзимга Икром довюрак бўлиб кўринарди. Рости ўша кун нечоғлик уни Заҳродан қизғанишимни ўзим ҳам ҳис этдим. Икром мени эмас, Заҳрони яхши кўрганлиги учун ҳам уни... Э-э, бу гапдан нима фойда, кеч энди, кеч...

Яхшими, ёмонми, ҳамманинг диққат марказидаги бола нима эканини қизлар яхши билади.

Хуллас, нега Икром индамаганди, менга қоронғу. Лекин, тўғриси, ундан ўша куни зиғирча ҳам қўрқмагандим, аммо уч кундан кейин... кечқурун бувимларникидан келаётсам...

Кеч куз эди. Бирдан биров йўлимни шартта тўсиб чиқса бўладими. Додлаб юборай дедим қўрққанимдан. Қарасам, Икром! Кўз олдим қоронғилашиб кетди.

Ана энди уради деб ўйладим. Аммо сир бой бермай гап очишини кутдим. Икром менга яқин келди, жуда яқин келди, қоронғуда кўзлари ёнарди. Ҳозир бир бемаъни қилиқ қилади-ёв, деб юрагимни ҳовучлаб турардим.

— Ма, рўмолингни ташлаб кетибсан, — деди у. Ва қўйнидан бир нимани олиб узатди. Мен қўлига эмас, унинг ёниб турган кўзларига қарадим.

— Кечир, кеча келтириб беролмадим. Лекин... қўлинг қаттиқ экан. Ўғил болаларникидан қаттиқроқ. Кўзимдан олов чиқиб кетди ўзиям.

Рўмолимни олаётганда бармоқларим унинг бармоқларига тегиб, сесканиб кетдим. Икром менга ўша ёнар кўзлари билан тикилди. Ҳозир дош беролмаган бўлардим унинг нигоҳига.

— Сен мени қарз қилиб қўйдинг, Муҳаббат. Пайти келса, албатта тўлайман.

«Қанақа қарз, Икром?»

— Сен бир урдингу кўзим очилгандек бўлди. Рўмолингни отдингу сени шу пайтгача пайқамай юрганимга афсус чекдим.

«Тушунмаяпман, қанақа қарз, Икром?»

— Сенга ким ёмон гапирса, менга айт, Муҳаббат.

«Хўп, хўп, сенга айтаман, Икром. Сендан бошқа бирон болага айтсам, тилим...»

— Лекин... — Икром шундай дея гап бошлади-ю, чайналди, сўнг кутилмаганда бирдан билагимдан тутди. Унинг бармоқлари пўлатдан қуйилгандек қаттиқ эди. Биз шу кўйи пича турдик. Ҳозиргина Икром берган рўмол қўлимдан тушиб кетди, тағин унинг оёғи остига... Лекин у пайқамади. Рўмолни босиб ортига тисарилди ва қандай келган бўлса, худди шундай ғойиб бўлди. Ўртоқлари олдида юзига тарсаки туширгиб уни қандай шоширган бўлсам, бу ташрифи билан у менга шундай таъсир қилди.

Ўша пайтда ўн уч яшар қизалоқ эдим. Лекин икки дақиқа ичида балоғатга етиб қолгандек, улғайиб қолгандек бўлганман. Икромнинг ортидан тикилар эканман, вужудим қизиб, юрагим шундай тез уриб кетдики, орадан уч минут ўтар-ўтмас, мажолсизланиб қолдим. Оёғимда мадор йўқ, беҳол уйга жўнадим. Йўлда кетяпман-у, беҳушман, вужудим алангада ёнарди...

Ўша кечаси рўмолим... йўқолганини ҳам негадир ҳали-ҳали унутолмайман.

Кунлар ўтди, ўшандан кейин ойлар ўтди. Умр ҳам ўтиб кетди. Аммо Икром йўқ. Мен ўша пайтда энди у ҳаётимга бутунлай кириб келади, деб ўйлаган эдим. Йўқ, пешонамга ёзилмаган экан...

II

Деразани тарақлатиб очган бола сакраб ерга тушдида, кафтларини бир-бирига уриб қоқди.

— Хўш, қани шоввозлар, бошладик энди, — деди у терисига сиғмай. Сўнгра юзини ишқаб туриб сўради: — Ким биринчи?

Болалардан бири деразага талпинди, бориб, энгашиб пастга қарагач, нафаси ичига тушиб кетди.

— Баланд-ку жуда, Рашид! — деди у ва лабини чўччайтирганча кифтини қисди.

— Ростдан баланд эканми? — деди Рашид, бироқ унинг гап оҳангидан на кесатганини, на қўшилишганини билиб бўлмасди. — Сенга баланд бўлиб кўринса менга ҳам шундай бўлиши керакми? — У бир сакраб дераза токчасига чиқди ва қуйига қараганча чўзиб ҳуштак чалди. — Қани, ким мендан кейин сакрайди? Борми ичларингда довюракроқ?... — Ҳаммага у бир-бир қараб чиқди. Деразадан кираётган шамол унинг сочларини тўзғитар, оппоқ кўйлагини шиширгиб ўйнар эди. Ҳеч ким индамаганини кўриб у бирдан бошини чангаллаганча энгашди ва чайқала бошлади. Шу чоқ дафъатан оғиб кетдию болалар «и-ий» деб юбордилар. Рашид эса, дераза рахини ушлаб, қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. У силкиниб-силкиниб кулар экан, худди учиб кетишга шайланаётган улкан қуш каби таассурот қолдирарди болаларда.

— Қани, ким иккинчи?

Семиз, юзлари лўппи бола олдинга чиқди:

— Мен иккинчи.

— Яна ким, Ботир сен-чи?

— Сакрайдиган бўлсак, ҳаммамиз сакрайлик-да...— деди оғзи катта, лаблари дўрдайган Ботир.

— Ростданам, — деб унга қўшилди партада ўтирган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бола, — бўлмаса, эртага сакраб масхара бўлиб юрамиз. — У шундай деди-ю, кўзларини яширмоқчи бўлди чоғи, бошини қуйи солди.

— Нега масхара бўласан?

— Мен фақат ўзимни назарда тутаётганим йўқ, — дея эътироз билдирди ўша бола. — Биттасининг оёғи қайрилиб кетса, биттасининг шими йиртилса, бу ёкда бошқаси ўзи сакрамай туриб, уларни мазах қилиб юрса... Сакрашми, ҳамма сакрасин. Бўлмаса, мен сакрамайман.

Унинг таклифи жуда ўринли экани ўша заҳоти ҳаммага аён бўлди-қолди.

— Бўпти! — деди Рашид ва ўзи сакрашга чоғланди. У аввал чўкка тушиб олди, сўнг қўлини илкис кўтариб пастга сакради. Болалар югуриб дераза олдига келдилар-да, туртиниб-суртиниб пастга қарашди. Рашид тиззасини қоқа-қоқа уларга қўл силкиди ва келишилганидек ҳуштак чалди. Болалар қўрқа-писа бўлса ҳам бирин-кетин сакрай бошладилар. Синфда фақатгина бир бола каловланиб турарди.

— Сен сакрамайсанми, Илҳом? — деди Рашид унинг тепасига келиб. — Қара, ҳамма сакради, ҳеч қўрқадиган ери йўқ. Юр, сакра!

Бола индамади, ўрнидан қўзғалмади ҳам.

— Ишонмасанг, ана, болалар айтсин. Қўрқинчлими? — дея синфга юзланди Рашид. Ҳамма бош чайқади.

Илҳом деганларининг лаблари ночор кулимсирашга ўхшаш бир нимадан қийшайди, аммо мўлтираб ўтираверди.

— Қўрқаяпти! — деди Рашид. Ботир ҳам уни масхара қилди.

— Қўрқмаяпман, — деди Илҳом, — сакрагим келмаяпти.

— Сакрагинг келмаса биз учун сакра бир марта, — деди Рашид.

— Мен бирга сакрайман.

Бола бошини кўтармай секин бош чайқади.

— Эй, Дедал ўғли Икар, — деди дўриллаб Ботир ва жиддий қиёфада Илҳомнинг елкасига қўлини қўйиб кўзларини юмди. —Сен сакрамоғинг лозим. Мен сенга учмоқни ва ерга тушиб чилпарчин бўлмоқни қисмат қилганман, сакра, бўтам.

Болалар қотиб-қотиб кулдилар. Қип-қизариб кетган Илҳом гина қилиб Ботирга қаради. Ботир шерикларининг қаҳ-қаҳаси остида давом этди:

— Сенинг қанотларинг қуёш нурларида эриб кетади; сен юксаклардан қулаш ваҳмини туясан, аммо сенга денгизлар ҳам, ўрмонлар ҳам, муқаддас гиёҳу инсжинслар ҳам ёрдам беролмайди, чунки мен уларга амр қилганман... Тур, қанотингни ростла, Икариддин!

Илҳомнинг боши янаям эгилди.

— Болалар, — деди Рашид бир пайт, — яхшиликча сакрамас экан, қани, Икариддинга би-ир кўмаклашиб юборайлик...

Болалар чувиллашиб келиб Илҳомни кўтариб олишди-да, дераза томон юришди. Илҳом типирчилар, бир нималар деб бақирар, аммо ҳеч ким унинг арзу додига қулоқ солмас эди.

Уни дераза токчасига ўтқазиб қўйдилар.

— Охирги марта айтамиз, сакрайсанми, йўқми? — деди Рашид. — Учгача санаймиз. Би-ир!..

Илҳомнинг кўзлари ёшланди. Нажот кутгандек болаларга термулди.

— Ик-ки!

Остонадан аҳён-аҳён ичкарига бош суқиб қараб қўяётган қизча секин чиқиб кетди. Илҳомнинг қийналиб кетгани юзларида акс этар, бироқ шавқи хуруж қилаётган болалар буни пайқамас эди.

— У-уч!

Шу чоқ эшикдан уч нафар қиз югуриб кирди. Улардан бири тўппа-тўғри болаларнинг орасига кириб тўхтади. Унинг ранги оқариб кетган, ҳансираб нафас олар, Илҳомга қараб, хайрият, дерди.

— Нима қиляпсиз? — деди у. — Нега қийнаяпсизлар?

— Сани нима ишинг бор? — дея дўриллади Мақсуд. — Бу бизнинг ишимиз. Бошда рози бўлмаслиги керак эди, энди ҳамма қатори уям сакрасин-да.

— Сакрамайди у, бошқа куни сакрайди, — деди қиз ва Илҳомга юзланди, — тўғрими Илҳом,бошқа куни сакрайсан, а?

— Ҳафшанба кунимми? — деди кимдир.

Болалар кулиб юборишди. Қиз югуриб кирганда сўна бошлаган эҳтирос яна уларнинг юракларини қиздира бошлади.

— Йўқ, эртага сакрайди, тўғрими, Илҳом? — қиз ўтингандек Илҳомга қаради.

— Йўқ, ҳозир сакрайди! Қани, болалар!..

Болалар яна қий-чув кўтара бошлаган эди, қиз Илҳомнинг қўлидан ушлаб олди.

— Нари турингглар, Илҳом сакрайди! Мен кафилман, — деди.

Болалар келишиб олгандек бирдан жим бўлиб орқага чекинишди.

Қиз дераза токчасида иккала оёғини осилтириб ўтирган Илҳомга ялина бошлади.

— Илҳом, сакрай қол.

—...

Қиз деярли шивирлаб:

— Қўрқма, ҳеч нарса қилмайди, — деди, қара унчалик баланд эмас.

Илҳом бунга жавобан секин сирғалиб ичкарига тушди.

— Илҳом, илтимос қиламан сендан, ўтинаман, — қиз Илҳомнинг юзидаги ифодани кўриб худди биров гапини шартта кесгандек тўхтади. — Болалар, Илҳомнинг ўрнига мен сакрайман, майлими? — деди у ўзига қараб турган синфдошларига юзланиб ва жавобини кутмай дераза токчасига чиқди-да, пастга қаради, кейин негадир худди учишга шайланган қуш сингари қўлларини ёйиб...

Ўшанда оёғим синган эди. Кўзларимни чирт юмдимда, пастга сакрадим, бўлмаса, шаҳдимдан қайтардим, шекилли. Чунки иккинчи қават бўлса ҳам жуда баланд эди. Ҳавода учиб тушяпману ўзимни бир умр шундай — учиб юрадигандек сезаман. Бир вақт кимдир тўқмоқ билан солгандек бўлди — миям қаттиқ оғриди. Қарасам, кўнглим айниб, гулзорда ётибман.

Ўшанда, ҳозир эсимда йўқ, ишқилиб, қайсидир муаллимимиз дарсга кирмаган ва биз нима қиларимизни билмай...

Қизлар билан ҳовлида ўтирсак, синфдошимиз Нигора ҳовлиққанча келиб:

— Қизлар, — деди, — деразадан сакрайсан деб Илҳомни болалар мажбур қилишяпти!

Қизлар нима қилишни билмай бир-бирларига қарашди, шунда негадир юрагим ҳаприқиб, ўрнимдан шартта турдим, синфга югурдим. Эсимда йўқ, ортимдан яна икки нафар қиз эргашганмиди-ей...

Ичкарига кирсам, ростдан ҳам болалар шундай қилишаётган экан...

Биласизми, ўшанда мен бир нарсани — одамзоднинг бераҳмлигини чуқур ҳис этдим. Ўзи шундай экан: кимки кўпчиликнинг райини қайтарса ёки кўпчиликнинг ғазабига йўлиқса, тамом, уни ҳолдан тойгунча азоблайдилар, бу ҳам камдай сулайган, тавбасига таянган одамни

www.ziyouz.com kutubxonasi

кун кўргани қўймайдилар, балки... Илҳомни роса камситиб хўрлашгани етмагандек қўл-оёғидан кўтариб дераза ёнига олиб боришгани-чи! Агар, Илҳом ҳар қанча гуноҳкор бўлган тақдирда ҳам шунчаликка бориш ваҳшийлик эмасми? Ҳолбуки, у бор-йўғи «сакрайман» деб қўйган экан, холос. Ўша пайтда мен илтимосу кўз ёшлар болаларни қайтаролмаслигини билмас эдим. Шунга қарамай улардан нафратланиб кетдим. Илҳомдан илтимос қилдим. Илҳомжон, дедим, шу болаларнинг олдида мард бўл, буларнинг оғзига ур, дедим. Афсуски, у гапимни эшитгани билан тушунмади. Ўзи табиатимда бир нима бор, шекилли. Ҳамиша шундай қийин аҳволга тушиб юраман. Илҳом менга ким? Нари борса, синфдошим, бошқалар ҳам. Борларинг-е, деб чиқиб кетсам, нима ўзгарардию нима юз берарди? Осмон узилиб тушардими ерга? Йўқ! Болаларни ҳеч нарса тўхтатолмаслигига кўзим етгач, ўзим ҳам шундай — қайтмайдиган ҳолатга тушдим. Илҳомга тушунтириш беҳуда эканлиги ҳам кўриниб турарди.

Бир тарафда болалар, бир тарафда Илҳом, бир тарафда мен... Биримизни эҳтиросли шавқ, иккинчимизни кўркув, учинчимизни алам шу йўлдан қайтишга қўймасди. Охири, Илҳомнинг ўрнига ўзим сакрашга қарор қилдим. Аммо деразага чиқиб, шундай пастга қараганимни биламан, бошим айланиб кетди. Агар, яна бир нафас тараддудлансам ёки Илҳомга яна бир марта қарасам борми, тамом, сакрамас эдим.

Эсимда, пастда кузаки гуллар очилиб ётар эди. Мен кўзларимни чирт юмдим, сўнг деразадан пастга сакрадим.

Оёғим синиб, касалхонада ётганимда Илҳомни сакрашга зўрлаган Рашид кўргани келган. Қўлида пушти ранг қийиқча, қийиқчада нок. Индамай палатага кириб келди у. Қўлидагини тумбочка устига қўйиб, менга қараб ишшайди, сўнг кечирим сўради. Шунда негадир юрагим эзилиб кўзимга ёш қуюлди. Аммо унинг бошини эгиб ўтирганини кўриб кулгим қистади. Рашид ҳамон бош кўтармай: «...оғримаяптими?» деб сўради...

Ўшанда у ўзини айбдор санаганидан кўзимга қараёлмаганди шекилли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Касалхонада икки ойча ётдим. Лекин Илҳом бир марта ҳам хабар олгани келмади. Уялгандир деб ўйладим. Йўқ, дарсларга қўлтиқтаёқда қатнай бошладим ҳамки, кўнгил сўрамади.

III

— Менга қара, сени яхши кўраман, яхши кўраман, нима десанг, розиман, фақат... — Юсуф декчадек бошини силкиб пишқирди ва қизнинг билагига осилди.— Айт, фақат тўғрисини айт, менга нисбатан кўнглингда бирон нима борми?

Ундан кўз узмай турган қизнинг бирдан афти бужмайди.

— Қўйиб юбор, — деди у жаҳл билан, — қўлим оғриб кетди. Бунча қўполсан?!

Юсуф энди бошини сарак-сарак қилиб кулди.

— Мени йўлимни тўсма Юсуф, ҳозир болалар чиқади мактабдан, — деди қиз ва бир ўрим қалин сочини олдига олиб ўйнай бошлади.

— Анави мишиқи ҳам шу ердами? — деб юборди Юсуф бехосдан.

— Кимни айтяпсан?

— Кимни бўларди. Орқангдан юрганмишу! Болалар айтишди...

Қизнинг кўзларида истеҳзо ўти ёнди:

— Сени нима ишинг бор, юрадими-йўқми?

Юсуф бундай дангал гапни кутмаган эканми тутилди, кейин бир нима деб ғудранди, сўнг ерга қараб, ёқимсиз товушда дўриллади:

— Агар... Айтиб қўй унга, яна эшитсам, ўзидан кўрсин.

Қиз пиқ этиб кулди.

— Сен хўжайин эмассан, балки ўзим хоҳларман.

Юсуф бошини кўтардию анграйганча қизга қараб қолди. Кейин:

— Ростми шу? — деб сўради бўғилиб.

— Ҳазиллашдим, — деди қиз, кулди.

Юсуф унинг тепасига келди.

— Тўғрисини айт!

Қиз ортига тисарилди. Елкаси деворга тегди. Энди чироқ нурида унинг юзи равшанроқ кўринар эди.

— Тўғриси... Кеч бўлиб қолди, уйдагилар хавотир олади. Нари тур. — Юсуфнинг қайноқ нафаси юзига урилиб, қиз унинг кўкрагидан итарди. Юсуф унинг қўлларидан ушлади. Шу чоқ мактаб тарафдан қадам товушлари, ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди.

— Қўлимни қўйвор, — деди қиз ва жон-жаҳди билан ўзини халос этишга урина бошлади. — Қўйвор...

Юсуф қўйиб юбормади, аксинча уни ўзига тортди.

— Сени яхши кўраман...

Мактаб томондан келаётганларнинг овози кучайди. Шу чоқ Юсуфнинг панжалари кўкрагига ботдию қизнинг вужуди ёниб кетди, жон ҳолатда унинг юзига қарсиллатиб урди.

— Уятсиз!

Юсуф жаҳл устида уни итариб юборди. Қиз деворга ёмон урилди. Симёғочдаги чироқ тебрандими шуъласи лопиллай бошлади. Муюлишда болаларнинг қораси кўринди. Уларга кўзи тушиб бирдан қизнинг хўрлиги келди ва ўша томонга юзланиб:

— Усмон! — деб юборди.

Болалар беш нафар эдилар. Юсуф уларга қаради.

— Усмон! — деди қиз яна.

— Нима қилиб турибсан, Муҳаббат? — деди Усмон. У болалардан ажралиб чиқди-да, уларнинг ёнига келди.

Қиз унга талпинди, аммо Юсуф қўйиб юбормади. Қизнинг кўзлари намланди.

— Қўйиб юбор Юсуф, — деди Усмон.

— Сен йўлингдан қолма, — деди Юсуф ўдағайлаб.

— Қўйиб юбор! — деди Усмон яна ва унинг қўлига ёпишди.

— Нари тур! Кет деяпман сенга! — Усмон уни итариб юборди. Юсуф ўзини ўнглаб олгач, гурзидек мушт билан Усмоннинг кифтига бир туширди.

— Унга ҳадеб осилаверма, кунингни кўрсатиб қўяман, — деди у.

— Сени нима ишинг бор, — деди Усмон.

— Менга қара, оғайни, Муҳаббатни орқасидан юрмагин, тушундингми?

Бу гап Усмоннинг ҳамиятига тегди шекилли, у, «э-э», деганча қўл силтаб ўгирилди. Юсуф унинг ёқасидан олди.

— Хўпми, деяпман сенга!

— Бор, тошингни тер, — деди Усмон.

— Вой, мишиқи...

Юсуф гапини тугатмасданоқ Усмон унинг башарасига бир мушт урди. Иккови ёқалаша бошлагач, Усмоннинг шериклари секин жуфтакни ростлашди. Деворга суянганча қотиб қолган қиз бармоғини тишлади, нима қиларини билмай атрофга алангади. Шу чоқ Усмон нима сабабдандир чўккалаб қолди ва юзини кафтлари билан яширди, сўнг ёнбошига қулади.

Қиз чинқириб юборди...

Ойсиз кеча эди, Муҳаббат, эсингдами? Усмон атак-чечак юришни энди ўрганган боладек бирдан йиқилди, сен қалтирардинг, Юсуфнинг баҳайбат сояси қора чойшаб каби Усмоннинг устига «ёпилган» эди, симёғочдаги чироқ шуъласи энди лопилламас, ҳаммаёқ ёп-ёруғдек, одамни ваҳм босгудек ёп-ёруғ эди, Муҳаббат, Усмоннинг оппоқ кўйлаги, қўли қора чойшабдек кўланка остидан чиқиб турарди, Муҳаббат...

Қиз тишлаб лабини қонатиб юбораёзди ва нажот кутгандек тўрт тарафга алангалай бошлади...

...Бир нафасдан сўнг, яна Усмонга ташланаётган пайтида Юсуф бирдан чинқириб юборди ва иккала қўли билан бошини чангаллаганча мук тушди, сўнг Усмоннинг ёнига йиқилди.

Усмон қўлига таяниб ўрнидан турди. Юсуфнинг тепасида сочлари тўзғиган қиз кўзларини юмганча қотиб турарди.

«Тош билан бошига урдингми, Муҳаббат?»

«Урдим, урдим, қўрқиб кетдим, Усмон».

«Тош билан урдингми, а?!..»

Ойсиз кеча эди...

Ўшанда тўққизинчида ўқирдим, мактабда спорт кечаси ўтказишга тайёрланаётган эдик шекилли. Бир куни вақт алламаҳалда уйга бир ўзим қайтдим.

Кўча зимистон, ойсиз кеча эди. Жимжит. Энди, мактаб зинасидан тушиб девор ёқалаб кетаётган эдим, кимдир ортимдан эргашганини сездим. Очиғи, жуда қўрқиб кетдим, кейин Усмон кузатиб қўймоқчи бўлиб чиққандир, деган ўйга бордим, ўгирилдим. Қарасам — Юсуф. Бир оз енгил тортдим-у, лекин энсам қотди. Юсуф саккизинчи синфни битиргач, ўқишни ташлаб кетган эди. Уларнинг уйи мактабнинг шундоқ биқинида. Ундан ҳайиқардим шекилли.

Хуллас, Юсуф ҳаллослаб етиб келди-да, дўриллаган овозда:

— Хайрият, — деди, — бошқа бировни сенга ўхшатдимми деб...

— Ўласан-а, — дедим мен, — юрагимни ёрай дединг...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юсуф ҳиринглаб кулди.

— Қаердан келаяпсан шу пайтда?

— Мактабдан. Нимайди? — дедим энсам қотиб. — Хўжайинмисан?

Юсуф-ку содда бола-я, лекин сал хиралиги ёқмасди-да.

— Бир ўзинг қўрқмайсанми?

— Нимадан қўрқаман? Ўзинг нима қилиб дайдиб юрибсан ярим кечаси?

— Бир жойдан келаётгандим. Қарасам, худди сенга ўхшаган қиз зинадан тушяпти. Таваккал қилиб югурдим... — Юсуфнинг пойинтар-сойинтар гапларидан кулгим қистади.

— Мен эканманми, қарасанг? Хўп, хайр энди.

— Бирпас тўхта, — деди Юсуф, — ҳеч бўлмаса икки оғиз гапимни эшит.

— Керакмас, жуда кўп эшитганман, — дедим норози оҳангда.

Кўпинча қизлар, Юсуфнинг сенда кўнгли бор, дейишарди-ю, лекин рости, унинг оғзидан ўз қулоғим билан эшитгим келарди. Ҳозир ҳам атай раъйини қайтардим...

— Менга қара... — Юсуф шундай деди-ю, бошқа гапиролмади.

— Қараб турибман, гапир!

Юсуф бир оз ғудраниб турди-да, бирдан билагимдан ушлади.

— Менга қара, биласан-ку ўзинг, сени яхши кўраман жуда...

Ўзингиз ўйланг, шундай вақтда нима қилиш, нима дейиш лозим...

— Қўлимни қўйиб юбор, оғрийди ахир, — дедим гўё жаҳлим чиққан бўлиб.

— Хўп, мана, қўйиб юбордим. Лекин жавоб бер, илтимос қиламан...

— Урасанми жавоб бермасам?

Юсуф ишшайди.

— Ҳалиям ўша латта орқангдан юрибдими?

— Қайси латта, нималар деяпсан?

— Кимни айтаётганимни жуда яхши биласан, ўзингни гўлликка солма. Қуёнботирни айтяпман.

Мен энди оғиз жуфтлаган эдим, орқа тарафдан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди.

— Болалар... — деб юбордим.

Юсуф ўгирилиб ўша ёққа қаради.

— Уям борми?

Мен жавоб қилмадим.

Эҳ Юсуф, сен-ку майли-я, бошқалар ҳам мени Усмонга ройиш деб ўйлашарди. Лекин ҳеч ким мени тушунмасди, унинг кўнглига қараганим азбароймеҳрга зорлиги туфайли эди-ку... Синфдаги болалар латта эди, Юсуф. Эсингдами, саккизинчи синфда ўқирдик. «Фотима» деган фильм бўларди ўша пайтлар, ҳаммамиз жуда севиб, ҳар сафар ҳаяжон билан кўрардик, мен хаёлан Жонбулотга ошиқ эдим. Ҳамма қизлар Жонбулотга тош отганларида, мен уни ёқлаганларим, бутун синфга қарши чиққанларим эсингдами? Ҳолбуки, шунинг ўзиёқ менинг қандайлигим ҳақида тасаввур бермайдими?.. Қизлар билишмасди, Жонбулотга ройишлигим унинг ўзини эмас, ўт-оловлигини ёқтирганимдан эди шекилли. Синфимиздагилар бир оз майдагап болалар эди. Сен озгина ўхшардинг Жонбулотга, Юсуф, ўхшардинг. Шунинг учун сен билан гаплашгим келарди. Сен эса, менга кўнгил қўйган, деб ўйлардинг. Аммо сенинг мен ўйлаганчалик, ром қилгулик зеҳнинг йўқ эди... Сени жисминг Жонбулот эди, руҳинг эса... Агар, Усмонда сенинг табиатинг ёки сенда Усмоннинг зеҳни бўлгандами...

— Кет, Юсуф, жўна тезроқ, — дедим, қадам товушлари тобора яқинлашиб келаётганини сезиб. Сен саватдек бошингни чайқадинг.

Болаларнинг қораси кўринди. Мен ҳозир Усмон билан Юсуф ўшанда нима учун ёқалашиб кетганини ипидан-игнасигача эслолмайман. Лекин бир нарса ёдимда. Эсимдан чиқармиди?! Иккови мендан ўн қадамча нарида даҳанаки уришяпти-ю, гаплари мен ҳақимда:

«Мен уни яхши кўраман».

«Сен яхши кўришга қобил эмассан, Юсуф!»

«Сен, қуёнботир, унга арзимайсан».

«Менга Америка очма. Ўзим биламан арзийманми-йўқми».

Қани эди ҳозир мени иккови ўртага олиб талашса, мен учун тортишса, қайси бири кўпроқ ёқтиришини далиллаш учун жанжаллашса, ёқа бўғишса...

Ўшанда биринчи бўлиб Усмон урган эди. Мен нима қилишимни билмай турардим. Юсуф жуда кучли эди, бир зумда уни йиқитиб олди. Усмон мендан истиҳола қилдими, қўрққанини сездирмади. Юсуф, қўрққанингни айтсанг қўйиб юбораман, бўлмаса шундай ётаверасан, — деганида ҳам қўрқдим, демади. Юсуф Жонбулотга ўхшарди ўша пайтда. Қурбонининг устида беомон тантана қилаётган бургутга ҳам ўхшарди у. Усмон эса оппоқ кўйлакда қўлларини қимирлата олмай ётарди...

Юсуф ўрнидан тураётиб унинг қорнига тепди, Усмон типирчилаб қолди. Томоша қилиб турган болалар секин жуфтакни ростлашди. Шунда, рости, қўрқиб кетдим, ҳаммасига ўзим айбдор эдим, югуриб Усмоннинг тепасига бордим. Лекин унга нима деганимни ҳануз эслолмайман. Қутуриб кетган Юсуф мени итариб юборди-да, Усмоннинг қўлини босди. Усмон оғриққа чидолмай инграб юборди. Бир қадам нарида ётган тошга кўзим тушдию титраб кетдим...

Бир пайт ўзимга келиб бундай қарасам, Усмон оёқларини узатиб ўтирибди, Юсуф унинг ёнида бошини чангаллаганча юзтубан ётибди. Эсимда, Усмон негадир ўшанда ночор ва паст овозда:

— Тош билан урдингми, Муҳаббат? — дея сўраган эди.

IV

Ниҳоят, ҳозиргина уларнинг тўйи бўлиб ўтган ҳовлидаги ҳорғин ғала-ғовур, сўнгги шовқин-суронлар тинди...

...чироқлар ўчди, хона зулмат қучоғига чўмди. Бир қадам наридаги одамни кўриб бўлмайди, фақат унинг нафас олишигина эшитиларди, холос. Пардага илинган темир ҳалқалар шиқирлаб сурилганда у ҳатто қўрқиб кетди. Аммо дераза очилиб ойнинг сутдек шуъласи қуйилдию ичкари сал-пал ёришди ва у қорувли гавдани кўрди. Димоғига йигитнинг баданидан таралаётган ҳид келиб урилди.

— Очиқ турaверсинми? — ундан шивирлаб сўради, сўнг ва шитирлатиб кўйлагини еча бошлади. Деразани очган шарпа полни ғижирлатиб токча ёнига борди, токчадан, чамаси, зиёдонни олиб оёғи остига қўйди ва узун симни тўғрилаб улагичи топди, бир оз каловланишдан кейин энгашди. Шу пайт унинг:

— Ёқманг, — дея илтижо қилгани эшитилди.

— Нега? — дея ҳайрон бўлиб сўради.

— Ўтинаман, ёқманг!— дея ўтинилди. Ўтинган тахмондаги сандиққа суянганича тиззаларини қучиб ўтирарди.

Сўраган унинг тепасига келди, оёқлари остида ойнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

сарғиш шуъласи кўлмак сингари хира жимирлаб ётар эди. Ўтинган бошини кўтариб қарамади. Сўраган чўкка тушиб унинг кифтига қўлини қўйди. Ўтинган унинг кафтларидаги ҳароратдан сесканди. Совуқдан қунишгандек ғужанак бўлиб олди.

Ой нури унинг ним яланғоч елкасини ёритар эди. Сўраган елкасига лабини теккизганида у чўчиб, сапчиб турди-да, ихтиёрсиз равишда дераза тарафга ўтди. Пардани суришга чоғланди. Сўраган ортидан келиб унинг белидан қучди. Ўтинган ток ургандек сесканди.

— Қўрқманг,— деди йигит.

Қўрқмайман, нега қўрқаман, фақат ҳайронман, тушимми бу, ўнгимми, нега бу ерга келганимни, қандай, қачон бу ҳодисалар рўй берганини сира ақлимга сиғдиролмаяпман. Бу мен ўзимманми ё ўрнимда бошқа одамми? Нега у ёт-бегонага ўхшаяпти?

— Қўрқманг, сизни яхши кўраман, биз бахтли яшаймиз, сизни яхши кўраман, ахир!

Мен-чи?! Одам ҳам бахтдан шунчалар қўрқадими? Ҳамма нарса тамом бўладиганга ўхшайди. Ҳаммаси тамом, наҳотки? Мендан қандай ҳидлар келяпти?

Йигит қизнинг кўзларидан оқаётган дув-дув ёшларни кўриб ҳаяжонланди, унинг қонига бу ғайрат ва шавқ олиб кирди, сархуш эди, унга талпинди. Лекин қиз жон ҳолатда тахмон ёнига — титраб-титраб ҳамон силжиётган сарғиш шуъла тарафга югурди. У дераза панжарасига осилиб, қафасга тушган қушдек ташқарига талпинди — ҳамон аъзойи бадани иситма ва васваса ичида ёнарди. Қанотлари шалвираб, қафас панжарасига ёпишиб қолган жонсиз қушни кўрганмисиз? Қиз ҳозир худди ана шу алфозда турарди.

Ташқарида тун, ичкарида зимистон — мана шу унинг тақдири эди.

Қиз дафъатан ҳавода бир нималар учиб, ҳаволаб юрганини сезди. Қоғоз парчаларими у ёки хазонрезгиларми? Ажабо, шу дақиқаларда буларнинг нима эканини жуда-жуда билгиси келди. Ҳавода учиб юрган нарсалар биров ҳовучлаб-ҳовучлаб сочгандек дераза панжаларига келиб урилди ва дераза тагига тўшала бошлади, ойнинг бир тутам шуъласида ҳам уларнинг нима эканини пайқай олмади ва, кўршапалаклар бўлса керак, деб ўйлади. Аммо бу пайтда, хазонрезги маҳалида кўршапалак учмаслиги эсига келмади. Бир дамдан сўнг у чеккан оҳ, армон тўла ўкинч садоси панжаранинг нариги томонида учиб юрган қора шарпаларга қўшилиб аста-секин кучая бошлаган шамол исканжасида тун қўйнига сингиб кетди...

Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза

У сарсон изларди ўзини-ўзи.
А. Рембо

Ҳаётда ҳеч нарса ўзидан-ўзи содир бўлмайди: беамр тикан кирмайди, деганлари бежиз эмас — рўй берган ҳар қандай ҳодисанинг сабаби мавжуд — бироқ кеч кузнинг замҳарир кунларидан бирида тасодифан учраб, хаёлингни алғов-далғов қилиб юборган нарсанинг сабабини сен ҳеч қачон топа олмайсан: қолаверса, бунга ҳатто қизиқиб ҳам кўрмайсан...

Башарти қизиқсанг — ўша осмон, ўша сайёҳ қушлар, замҳарир қайғулар ва хаёлларнинг ғамгин товушларидан бўлак нима ҳам ёдингга тушарди?! Мабодо қизиққан ва бир-бирига ҳалқа-ҳалқа уланиб кетган бу манзаралар чашманинг тубидаги тошчалар каби кўз ўнгингда равшан тикланган тақдирда ҳам уларга ортиқча аҳамият бериб ўтирмасдинг.

Ҳолбуки, ҳаммасига арзимаган нарса — осмонни тўлдириб ўтаётган йўловчи қушларнинг ғамгин товушлари сабаб бўлган эди.

Эсингдами, ўша куни кеч қайтдинг: қорайган осмон, рутубатли ҳаво... Чакмонинг ёқасини кўтариб, негадир болалигингда юз берган бир воқеани эслашга уринган кўйи ёмғир ювиб ўтган йўлкадан юриб келардинг. Кўнглинг бир оз ғаш эди, эҳтимол, юрагингга ҳеч нарса сиғмасди.

«Нима қилиш керак?— дея ўз-ўзингдан норози бўлардинг ва секин-аста аллақандай умидсизлик юрагингга чўкиб бораётганини сезардинг.— Худди ҳаётимда бир нима юз берадигандек доим ниманидир кутиб юраман... Нима қилиш керак?»

Сен чуқур хўрсиниб баланд иморатлар сари бурилдинг ва кимсасиз майдонга кирганингда чор-атрофга алангладинг; нечанчи маротаба бу беўхшов иморатлар орасида девсифат одамлар юртига келиб қолган Гулливер хаёлингдан ўтди; этинг жунжикди: дарвоқе, изғириқнинг дами кесилган ерда жунжикишинг ажабланарли...

Сен кўримсизгина бино томон юриб ва худди шундай кўримсиз йўлак орқали ўтиб чапга буриласан. Йўл ўртасида калта-култа шохларини узатишга чоғланган кўйи қотиб қолган дарахт ёнидан ўтаётиб хўрсинасан. У ёнган устундек шумшук ва аянчли равишда қаққайиб турарди.

Дунёда хосиятсиз нарсалар кўп: хосиятсиз кунлар, хосиятсиз тушлар, ҳатто хосиятсиз тасодифлар... Сен ирим-чиримларга ишонмаганинг учун бу хосиятсиздек дарахтга бошқа кўз билан қарардинг.

Шамол энди рўпарадан эсарди, сен чиқишдан кўра тушиш ноқулай ва қийин бўлган зина тарафга юрасан. Зина тепасига етганда теварак-атрофни алланечук шовур-шувур тутиб бораётгандай туюлади; сен пастга туша бошлайсан — қуйироқ тушганинг сари шовқин кучайиб боради. Сўнгги поғонага оёқ қўйганингда дастлаб бошинг узра денгиз тўлқинлари гувиллагандек, илкис бош кўтариб, учиб бораётган қушлар галасига кўзинг тушганда эса ҳазин садолар янграб кетади.

Осойишта қанот қоқиб бораётган қушлар... Уларнинг товушидаги оҳанглар шунчалик маъюс ва шунчалар ҳам кучли эдики, беихтиёр таъсирланиб томоғингга бир нима тиқилганини ҳис қиласан. Зум ўтмай зина панжарасига беҳол суянган кўйи улардан кўз узмай туриб, «Ҳозир ёмғир ёғади» деган ўй кўнглингдан кечади.

Қушларнинг товушидаги ғамгинлик уларнинг қанот қоқишидаги вазминликка уйғун эди. Шу асно боя йўлда келаётиб сен эслашга уринган болалигингдаги воқеа

www.ziyouz.com kutubxonasi

ярқ этиб ёдингга тушади: завол пайти қабристон девори ёқалаб ёлғиз югуриб кетаётибсан, ёмғир шивалаётганга ўхшайди, бошдан-оёқ оппоқ кийинган бир киши рўпарангдан чиқиб алланималарни сўрайди, сен жавоб берасан, сўнг ўша одамнинг ортидан қараш учун ўгириласан... Аммо қабристон кўчасида ҳеч зоғ кўринмайди. Ўшанда бир неча кунгача шу воқеа ҳақида ўйлаб юргандинг.

Сен кўзингни беҳол юмасан. Кўз олдингда зангори зулматнинг сирли шакллари ёниб-ўчади ва болалик хотиралари бир тўлқин каби юрагинг соҳилларига тинмай урилаётганини ҳис қиласан.

Қулоғинг остидан қушлар ноласи анчагача кетмайди, сен кўзингни очасан-да, уйларнинг сон-саноқсиз деразаларида кетма-кет ёнаётган ва зарҳал ипларга осилгандек сезилар-сезилмас силкинаётган чироқлар шуъласига термуласану ёлғиз эканингни армон билан ҳис қиласан. Эгасиз боққа бегона қушлар ёпирилиб келганидек, ғаш ва ҳувиллаган кўнглингга кутилмаган кечинмалар кира бошлайди.

Худди мана шу қушлар жуда кўп нарсалар ҳақида сени огоҳ қилиши мумкиндек ва ҳаётинг қўнғироқчаларини чалиб юборишга қодирдек дафъатан уларга талпинасан.

Бироқ, қарасанг қушлар йўқ, улар узоқда қора доғлардек қип-қизил шафаққа сингиб борарди. Сен мунғайиб улар ортидан термуласан, назарингда яна бошқа қушлар тўдаси учиб ўтадигандек ҳеч қаерга жилмай кўзинг толгунча қараб тураверасан. Бехосдан бир нарсага кўзинг тушади-ю, ҳаммасига тушунасан.

Бу ҳозиргина тепасидан сайёҳ қушлар учиб ўтган иморатнинг тўртинчи қаватидаги дераза эди — ундан астасекин қуюқлашаётган қоронғилик қўйнига ипакдек майин шуъла тараларди. Бамисли нотинч денгизда адашиб-улоқиб юрган ва кунлардан бир кун нур сочаётган маёқни кўрган денгизчилар илкис қувончдан ўзларини йўқотиб қўймай, дастлаб жилвагар маёқнинг нажотбахш рафторига мафтун бўлганидек сен ҳам бир неча сония тўртинчи қаватдаги сарғиш деразага ҳайрат билан тикилиб қоласан. Дераза чиндан ҳам маёққа ўхшарди: у иморлар ёхуд чорлар ва бу дераза шаклидаги ёруғлик манбаи оҳанрабодек домига тортарди. Сен беихтиёр: «Қушлардан хотира бу» деб хаёл қиласан: дарвоқе, деразадан ёғилаётган қизғиш шуъла билан қушлар овозида муайян умумийлик бор эди — икковининг замирида ҳам унсиз фарёд кучли, иккови ҳам деярли бир хил таъсир этарди.

Эсиз, эртаклардаги афсонавий қушлар ёдингга тушмайди, бўлмаса бу сарғиш деразани албатта уларга қиёслаган ва афсонавий қушларнинг тириклик суви, мангу гўзаллик яширинган маконларни излаб топишда одамларга кўмак бергани ёки ўша манзилларга олиб борувчи воситалар — олтин гардишли кўзгу билан дулдул ҳадя қилганлари билан боғлармидинг?

Қоронғилик ҳамон қуюқлашарди, сен эса бу сирли деразадан кўнгил узолмайсан; қоронғилик борлиқни қўрқинч пардасига қалинроқ ўрагани сайин дераза равшанлашиб, ўн тўрт кунлик ойдек тўлишиб бормоқда эди. Бу бир мўъжизага ўхшарди! Беш қаватли уйнинг деярли барча деразаларида чироқлар ёнганди, лекин уларнинг бамисли ойдек порлаган тўртинчи қаватдаги анави дераза олдида ёнарқуртлар ёки туман қўйнида хира йилтираган юлдузлардан фарқи йўқ эди.

Охири кўзинг толиқади, оҳиста хўрсинасан, йўлга тушасан, ўн-ўн беш қадам юргач, ўнг қўлдаги энсиз йўлкага ўтиб яна деразага назар соласан. Бу ердан дераза кўзга яхши чалинмайди.

Сен йўлканинг адоғига боргач, яна бош кўтариб қарайсан. Энди деразани бафуржа томоша қилса бўларди, чунки сен унинг нақ рўпарасидасан. Назарингда дераза ҳамон кимнидир чақирар, кимнидир ўзидан огоҳ қиларди: нимадандир умидворга ўхшарди. Сен дафъатан мана шу илтижони пайқаб қолганинг учун зум ўтмай у илтижонинг қизғиш бармоқлари вужудингга ёпишиб юрагингни пайпаслаётганини сезиб, сесканиб кетасан. Ҳа, у юрагингни изламоқда эди! Беихтиёр энтикасан.

Бу ердан ҳатто четларига лоларанг тўр ҳошия бостирилган дераза пардасининг заррин гуллари аниқ кўринарди. Сен, ана ҳозир парданинг бир четини оҳиста қайириб, биров қараб қоладигандек ёки парда бехос қимирлаб кетадигандек юрагингни ҳовучлаб кутасан. Аммо парда қилт этмайди ва сен оёғингни судраб уйга жўнайсан.

Шу куни алламаҳалгача мижжа қоқмай, тунчироқни ёқиб ўтирасан, кўзларинг қум тиқилгандек ачишади; юрагинг безовталана бошлайди. Охири қақшаб оғриётган елкаларингни силаб-сийпаб, тунчироқни ўчирмасдан ухлаб қоласан.

Орадан икки кун ўтгач, яна шу йўл билан уйга қайтасан. Тўғри, бу йўлдан юришга асли одатланмагандинг. Лекин сарғиш дераза кун бўйи хаёлингдан кетмагани учун шу йўлдан келгандинг. Кимсасиз майдонча. Мана ўша хосиятсиз дарахт. Дарвоқе, сен тут бўлса керак, деб ўйлаган дарахтга ўзингча ном қўйиб олгандинг: «Роғ!»

Шу ерга кўчиб келган пайтларингда эндигина «Роғ!» деган достон ёзиб тугатгандинг.Ўшанда достоннинг ғайри табиий сарлавҳасига худди келишиб олгандек ҳамма бараварига очиқдан-очиқ қарши чиққан эди. Олимлар ҳам, шоиру ноширлар ҳам бу сўзни тушунмаган, унинг замирида қандай маъно ётганини билмаган бўлсалар ҳам, астойдил, самимият билан танқид қилгандилар. Сен ўшанда пинагингни бузмагандинг, чунки улар назарингда сен усталик билан қўйган тузоққа илинган, яъни ниҳоятда калтабин эканликларини фош қилган эдилар. Айримлар достон қолиб кўпроқ архаик сўзлар, мистика ва роғ ҳақида оғизларига келганини валдирагандилар; баъзилар сарлавҳа туфайли достоннинг ютуғи хиралашиб турибди, деганди. Ким минбарга чиқиб гапирса, гапини нимадан бошламасин ва умуман нималар ҳақида тўхталмасин, барибир охир-оқибат муқаррар сарлавҳадаги шу сўзга келиб тўхтар ёки барча фикрлари беихтиёр шунга боғлиқ бўлиб қолаверарди.

Ҳеч ким, бунинг маъноси нима, деб сўрамаганди. Ҳолбуки, сен ўзинг ҳам билмасдинг. Шунинг учун муҳокама ниҳоясида сўзга чиқиб, ҳаммаларини мулзам қилган ва сизларнинг фикрингиз ҳам, шеъриятга муносабатларингиз ҳам роғ деб кулган эдинг.

У сувлар оқиб кетди. Бироқ ўша достоннинг руҳи, кайфияти кейин нима ёзган бўлсанг, ўшанда акс этаверди ва ҳатто ҳаётинг тарзига ҳам таъсир қилди. Ўша достон ўзлигини сарсон бўлиб тополмаётган инсон ҳақидаги ўйларингдан ташкил топган эди.

Ҳозир беўхшов дарахтга кулимсираб қараганингда ана шулар кўнглингдан кечди. «Роғ, роғ, боғ-роғ...» дея шивирлайсан зинадан туша бошлаганингда.

Сен иложи борича деразага қарамасликка тиришасан. Лекин дилингнинг бир четида сарғиш деразанинг худди ўша кунгидай порлаб турганига ишонч бор эди. «Балки ўша куни чиндан ҳам тасодифан шундай бўлгандир»,— дея хаёлингдан кечирасан-у, барибир қарамаслик учун ўзингни чалғита бошлайсан.

Сен дуч келган нарсалар ҳақида эслайсан: дастлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

Верлен ҳақида ўйлайсан, кейин Муҳаббатга берган ваъданг хаёлингдан кўтарилгани, унга юборган сўнгги мактубнинг ниҳоясида: «Менга сенинг кўзларинг эмас, мана шу кўзларинг хаёли муҳим» деган мужмал, ҳозир эслаганинг ҳамоно тутуриқсиз ва бачкана бўлиб туюла бошлаган жумлаларни эслаб, пешонанг тиришади, алоҳа барибир яна сарғиш дераза хаёлларинг орасига аста кириб қолади.

Зинадан тушиб, энсиз йўлканинг адоғига келиб қолганингни пайқаб, ноилож бош кўтариб қарайсан.

Сарғиш дераза сени кутаётган эди.

Қараганинг заҳоти дераза худди сен билан саломлашмоқчидек парпирайди ва ёришиб кетади — гўё қоронғилик қўйнида гуриллаб гулхан ёна бошлагандек.

Сен беихтиёр қўл кўтариб ишора қилмоқчи бўласан, аммо орқа тарафдан қадам товушлари эшитилиб, фикрингдан қайтасан. Икки киши ёнингдан шоша-пиша ўтиб кетади. Бу одамлар шунчалик ҳовлиқиб борар эдики, оёқлари чалишиб, ҳар қадамда қоқилиб-сурилардилар.

Дафъатан, «Шулар ҳам менга ўхшаб сарғиш деразани кўриб, фикру зикри у билан банд бўлиши мумкинми?» деб ўйлайсан.

Бу сарғиш деразага ҳар куни қанчадан-қанча одамнинг кўзи тушмайди дейсан?! Бироқ, ич-ичингда биронтаси унга аҳамият бериш тугул, қайрилиб ҳам қарамаслигига ишончинг комил эди.

Эҳтимол, сен ҳам шу чоққача қарамай, сайёҳ қушлар осмонни тўлдириб учиб ўтган ўша оқшом кўриб қолгандирсан? Эҳтимол, ҳар бир одам учун алоҳида бир тасодиф керакдир?!

Бора-бора бу сарғиш дераза фикру-хаёлингни ўғирлаб қўйди. Сен ҳатто баъзи кунлари тезроқ қоронғи тушса-ю, тезроқ ўша дераза олдига борсам, дея кутадиган бўлдинг. Гоҳо ишхонангда деразадан серқатнов кўчага қараб ўтирган пайтларда бирдан кўз олдингга сарғиш дераза келар, юрагинг орзиқиб кетарди. Сарғиш дераза бамисоли маҳбубанг эди, маҳбуба бўлганда ҳам юлдуздек чарақлаган, зориққан кўзларида, ҳорғин ва ўйчан қарашлари, зариф табассумида интизорлик, илтижо ва алоҳида меҳр жилваланган маҳбуба!

Бир кун ҳаво беҳад совуб, қор ҳиди келаётганига қарамай кечки пайт ёмғир қуйиб берди. Сен деразани қия очиб шовуллаб ёғаётган ёмғирни пича кузатиб турганингда хаёлинг қочди ва кўз олдингга ўз-ўзидан сарғиш дераза келди.

Кейинги пайтда сени бир нарса ажаблантира бошлаган эди. Сарғиш деразанинг нимаси ўзига асир қилиб олди, дея бошинг қотарди. Бошинг қотарди-ю, аммо ўйлаганинг сари енгил тортардинг, йўқ, тўғрироғи қалбингда бир хушнудлик туярдинг, руҳингда бир кучланиш сезардинг. Шунинг баробарида, барибир нимасига учганингни ҳам билгинг келарди.

Ўша, қия очиқ деразадан ёмғирни томоша қилиб турганингда дафъатан, шу бугуноқ у кимнинг уйи эканини аниқлашга қарор қиласан ва беихтиёр хонага сиғмай, ғира-шира йўлакка чиқиб, ташқарига юрасан. То биринчи қаватга тушиб, шляпангни кийиб кўчага чиққунингча бу истак-хоҳиш кучаяверади. Сен ёш боладек ҳаяжонлана бошлайсан. Бу авзойингдан сезилади шекилли, кийимхонадаги аёл ҳам, эшик ёнида хайрлашгани бош силкиб қўйган киши ҳам ажабланаётганини яширмай, ортингдан қараб қолади.

Кўчага чиққач, ёмғирга ҳам қарамай йўлга тушасан.

Метронинг оппоқ нур тўшалган зиналаридан тушиб бораётганингда платформада ёқиб қўйилган сон-саноқсиз чироқлар шуъласидан кўзинг қамашади: станция кундузгидек чароғон — бу чароғонлик одамларнинг қалбига етиб бормаётгандек туюлади сенга. «Нега оддий, сарғиш дераза менинг юрагимни бунчалик забт этгани ҳолда, метродаги нур бир зарра ҳам таъсир қилмайди. Бунда қандай сир бор?» дея ажабланасан.

Метродаги илиқ ҳаво элитади сени, лоҳас бўласан, фақатгина тоза ҳавога чиққачгина енгил тортасан.

Ёмғир шиваларди; сен автобусга чиқасан, автобус чамаси ўн минут юргандан сўнг қоронғи бир бекатда сени қолдириб жўнайди. Сен кўчанинг нариги юзига ўтасан — фикру-хаёлингда ҳамон сарғиш дераза.

Дафъатан, сарғиш деразани кўришдан кўра, уйда ким истиқомат қилишини билиш истаги кучаяди.

Бу сарғиш деразага ўрганиб қолган дастлабки пайтда ҳам, кейинчалик ҳам хаёлингга келмаганди. Аммо илк бор деразага кўзинг тушган куннинг эртасидан бошлаб унга нақадар қизиқиб қолган бўлсанг, ҳозир, орадан икки ҳафта ўтгач, у ерда ким яшаётганини билишга шу қадар қизиқа бошлайсан ва битта-яримтасидан сўраб билишга қарор қиласан.

Истаган одамингни йўлак ёнида учратасан. Аввалига у нима демоқчи бўлаётганингни англай олмайди, кўзларингга тикилади, аммо индамайди. Сўнгра елка қисади ва бу кекса боғбонни уйнинг орқа томонига олиб ўтишдан бошқа иложинг қолмайди.

Афсуски, чолга бир нималарни узоқ тушунтиргач, бош кўтариб қараганингда, даминг ичингга тушиб кетади.

Кўзларинг ўрганиб қолган сарғиш деразани тополмайсан, у ўз ўрнида бўлгани билан нурафшон эмас — эски ғорнинг ваҳимали оғзидек қорайиб турарди.

Чол елкангга қоқиб қўяди ва уйига таклиф қилади, сен узр сўраб, тинка-мадори қуриган кимсадек оёғингни судраб уйингга жўнайсан.

Аранг тўртинчи қаватга чиқиб, эшикни очасан ва уйга кирасан. Уйнинг совуқлиги сени ажаблантиради, бориб радиаторни ушлаб кўрасан, сўнг чакмонингни ечиб, стул суянчиғига ташлайсан-да, диванга беҳол чўзиласан. Ётган ерингда бош томонингдаги тунчироқни ёқиш учун чўзиласан ва дафъатан бармоқларинг, кафтинг бир ҳароратни туйиб ҳайрон бўласан. Ўрнингдан туриб тунчироқ лампочкасини ушлаб кўрасан. Лампочка яқинда ўчирилгандек илиқ. Ҳали совиб улгурмаган бўлади.

Эртасига пешинга довур ҳардамхаёл юрасан; дам-бадам деразадан кўчага қарайсан. Аҳён-аҳён ҳовлига тушиб айланасан — аммо кўнглинг жойига тушмайди. Ўзингча сарғиш дераза ҳақида турли тахминлар тўқийсан: гўё у ерда яшаётган кимса узоқ пайт кутавериб чарчагану чироқни ўчирган, энди ҳеч қачон қайта ёқмайди ёки кеча уйида бўлмагани учун чироқни ёқиб кетишни истамаган; ёхуд мен бормасимдан хиёл аввал чироқни ўчириб, қўни-қўшнисиникига чиқиб кетган...

Кутилмаганда борди-ю, кеча ёмғирда сайр қилгани ҳовлига тушган бўлса-чи, деган ўй кечади ва сен «Агар шундай бўлса, демак у мени кўргандир. Эҳтимол, мен унга парво қилмагандирман» деган хулосага келасан.

Шунга қарамай, сен бугун, албатта, нимадир ойдинлашиши керак, деб ишонасан. Башарти, сарғиш деразани бугун ҳам тополмасанг, у ҳолда тамом — умидингни узишинг мумкин. Агар сени кутиб олса, демак кечаги изтиробларинг ўринсиз — бирор кор-ҳол рўй берган чиқади.

Иш вақти тугаб, кўчага чиққанингда ҳамон ёмғир ёғарди. Эзиб ёғарди. Кечагига ўхшаб метрода эмас, трамвайда кетасан. Трамвай жуда узоқ, айланма йўллар билан қатнагани учун унга камдан-кам чиқардинг.

Декабрнинг бошлари эди. Сен трамвайдан тушиб, кўчани кесиб ўтасан-да, орқага бир оз юрасан, сўнг чап қўлдаги дўкон ёни билан бориб, баланд уйлар томонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

буриласан. Ёмғир тезлашиб, икки қадам нарини кўриб бўлмасди, сен шалаббойинг чиқиб, зина ёнига етиб борасан, зинадан тушар-тушмас, бошингни кўтариб қарайсан. Сочларингдан, юзингдан ёмғир сувлари оқарди. Ҳарчанд тикилма, сарғиш деразани тополмайсан. Бу худди бевақт ташлаб кетган ҳамроҳдек кўксингни тирнайди. Сен йиғлагудек бўлиб яна қарайсан — дераза йўқ, яна ва яна қарайсан — фақат ёмғир ёғаётир, ёғаётир — ёмғирдан бўлак нарса кўринмаётир: сен хуноб бўласан ва йўлингда давом этасан, бошмоқларингдан сув ўтади, қизиб кетган баданингга чиппа ёпишган кўйлагинг ғашингга тегади. Сен энсиз йўлканинг адоғига боргач, яна — бу сафар жавдираб қарайсан ва ҳафсаланг пир бўлади. Кифтларинг, куракларинг, тиззаларинг ачиша бошлайди. Шу чоқ кимдир чақиргандек бўлади-ю, тўхтаб қарайсан, аммо ҳеч ким кўринмайди. Зум ўтмай тўнига ўралиб, соябон кўтариб олган бир киши пайдо бўлади, сен уни кузатиб турасан ва ёнингга етиб келганда бирдан тўхтатиб, сарғиш деразани кўрсатиб сўрайсан. Ҳа, ҳа икки кундан бери чироқ ёнмайди. Қандайдир шубҳали, дея у кишини қизиқтирмоқчи бўласан, бироқ соябонли одам бир қарайди, икки қарайди ва лом-лим демай, жўнаб кетади.

Тарвузинг қўлтиғингдан тушиб яна қарайсан, қарайсан-у, юрагинг бирдан увишиб, тўхтаб қолгандек бўлади.

Ёмғир тўзони оралаб сарғиш дераза элас-элас милтирарди.

Бирдан кўнглинг бузилиб, ўша томонга юрасан, дераза тагига яқинлашганинг сари назарингда у тобора равшанлашиб боради. Ана у! Сарғиш шуълаларга бурканган, ҳорғин ва интизор. Томоғингга бир нима тиқилиб ачишади ва юрагинг гурсиллаб ура бошлайди. Сочларинг ивиб, бўйнингга, қулоқларингга ёпишиб қолган.

Сарғиш деразани инжулар билан безаётган ёмғир тинмайди. Теварак-атрофда товушлар кучаяди, бу товушлар дунёни тутади. Сен энди шукроналар айтасан — кўнглингда муҳаббат уйғонади, зотан, бу муҳаббат баҳор ёмғирларида ивиб эзилган майсаларга ўхшайди.

Сен деразанинг шундоқ рўпарасига бориб оласан-да, худди Сулла легиони қаршисида якка ўзи қилич яланғочлаб турган Антоний сингари ўзингни ҳам ожиз, ҳам ҳар нарсага қодир сеза бошлайсан...

Бу бир жоду эди. Чунки сен сарғиш деразасиз ғариб ва бенаво эканингга ишонган ва йўқотиб қўйишдан қўрқа бошлагандан эътиборан, уни авайлашга, унинг ҳолидан хабар олиб туришга ва эртами-кечми унга етишишга аҳд қиласан ва бу аҳд сизот сувлар каби юрагингнинг теран қатламларига оқиб киради.

Энди фақат сен унга эмас, балки сарғиш дераза ҳам сенга талпинаётгандек ва у ҳам сенга ўхшаб нажот кутаётгандек туюлди.

Сен ўзингни худди узоқ йўлнинг машаққатли довонларидан ўтиб олгандек ҳис этасан. Гўё сарғиш дераза билан ораларингда бир-бирини англаш ва ўзаро ҳамдардлик бошланган эди.

Оқибат сен қайси йўл билан бўлмасин мен ёрдам беришга тайёрман деб унга тасалли бериб қўйиш йўлларини ахтара бошлайсан. Аммо қандай қилиб? Бунинг учун ўша уйда ким яшаётганини аниқлаш зарур эди. Шу тариқа аввал қизиқиб, сўнг ҳафсаланг пир бўлгач, унутиб юборган муаммо яна безовта қилади.

Ўша куниёқ эрталаб ишга кетаётганда фаррош хотиндан баъзи нарсаларни сўрайсан. Азбаройи бирон фойдаси тегармикан, деган илинжда эзма хотиннинг ҳасратларини тинглайсан, унга далда берасан ва охири сен қолиб у ўзига керакли нарсаларни сўраб, бошингни қотиришга тушади. Қўл силтаб, ишга жўнайсан.

Кечқурун ҳам барча уринишларинг зое кетади. Ҳеч ким аниқ жавоб бермайди. Ҳамма ажабланади ва бир нималар деб минғирлайди. Ҳатто баъзилари эса сенга бошдан-оёқ разм солиб, индамайди ёки бош чайқаб қўяди.

Ниҳоят, кунларнинг бирида сен уйда ўтиролмай юрагинг зиқ бўлиб кўчага чиқасан-да, ўша тўртинчи қаватдаги сарғиш деразали уйни йўқлашга қарор қиласан. Эшик ёнида нафас ростлаб, қўнғироқ тугмасини босасан. Негадир ҳаяжонланасан. Ичкаридан юмшоқ қадам товушлари эшитилгандек бўлади. Аммо икки-уч дақиқа ўтади ҳамки, ҳеч ким жавоб бермайди. Сен яна қўнғироқ чаласан, бироқ ҳеч ким чиқмайди. Шунда қўнғироқ тугмасини узоқ то уйда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгунча босиб турасан, сўнг пастга тушиб, бинони айланиб ўтасан-да, деразага қарайсан: сарғиш дераза алланечук файзкор чарақларди.

«Ичкарида биров бору, эшикни очмаяпти,— деб ўйлайсан.— Аммо ўша заҳоти: «Балки ҳеч ким йўқдир»— деган хаёлга борасан.

«Унда дам ёниб, дам ўчишининг сири нимада?» Сен минг хаёлда уйингга қайтиб борганингда нима қилишни билмасдинг.

Кунлар ўтди.

Тўртинчи қаватдаги сарғиш деразали уйда ким яшашини билиш истаги шунчалик кучайдики, азбаройи аниқламагунча еганинг ичингга тушмас бир аҳволга етдинг.

Аммо сен бир нарсани унутиб қўяётган эдинг: сен учун сарғиш деразанинг мавжудлиги муҳимми ёки шу уйда ким яшашими? Ҳолбуки, айни чоқда мана шу нарсани ойдинлаштириб олиш зарур эди. Чунки булар аслида тамоман бошқа-бошқа нарсалар эди. Дастлаб сарғиш дераза сабаб вазифасини ўтаган бўлса, у энди гўё оқибат эди — сабабини излаш орқага қайтиш деганидир.

Кунларнинг бирида мана шундай ҳал қилиб, мушкул кечинмалар билан ишдан қайтаётган пайтингда декабрь охирлаб қолган, ҳавода майда қор учқунлаётган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен кўксингни тўлдириб нафас олганча қор учқунларининг тобора йириклашаётгани ҳамда тезлашаётганини сезиб ажабланардинг.

Баланд иморат остидан ўтиб, ҳувиллаган майдончага етганингда қор яна ҳам тезлашади. Тўхтаб, атрофга разм соласан. Гўё шу қор туфайли ҳаётингда бир ўзгаришлар рўй берадигандек эди, зеро, бу баланд-баланд иморатлар ҳам энди бесўнақай ва кўримсиз туюлмасди.

Қор ёғарди.

Сен Роғ ёнига келганингда уни танимай қоласан: дарахт оппоқ, ҳарир либосга бурканган...

Зинадан тушаётганингда эса шамол кучаяди ва кўп ўтмай чинакам қор бўрони бошланади. Шамол қор учқунларини чангаллаб олганча чир айланиб елар, дам уйларнинг деворига, деразаларига келтириб урар ва дам этакларини ҳилпиратиб осмону-фалакка кўтариларди.

Сен зинадан тушгач, кўзларингни кафтинг билан паналаб деразани излайсан. Сон-саноқсиз қор учқунлари оралаб, сарғиш дераза сени чақирмоқда эди. Назарингда у ҳорғин эмас, сокин эди. Сен энсиз йўлканинг адоғига бориб, қўл силкийсан ва бир изтироб вужудингни секин қамраб ола бошлайди-ю, унсиз, елкаларинг силкиниб-силкиниб, худди узоқ айрилиқдан сўнг фарзандини кўрган она кўйига тушасан...

Уларни тарбиялаган тун

Хавода пиёз иси кезинарди.

— Ким шу тобда тери куйдираётган экан, а? — деди Фарҳод.

— Куюндимас, — деди Одил, — пиёз ҳидию!

Фарҳод оғзини кафти билан тўсди-да, силкиниб-силкиниб кулди.

— Пиёзмиш, — деди у бирдан тўхтаб, — яхшилаб ҳидлаб кўр-чи, балки картошканикидир.

Фарҳоднинг кулганидан эмас, очиқдан-очиқ менсимаганидан Одил ўкинди.

— Билмасанг, уриб енгмагин-да Фарҳод, ростдан ҳам пиёзнинг ҳиди-ку, — дея гапга аралашди Ҳамид. — Вали ака ҳар йили шу пайтда уйига пиёз туширади. Ўшанинг...

Одил енгил тортди: «Али десам Вали дейди-я нуқул!»

Фарҳод оғзини карнайдек очиб узоқ эснади, эснайтириб бир эмас, иккала қўли билан юзини тўсди.

— Чиқса чиқа қолмайдими энди, — деди Ҳамид ҳам эснаб. — Одил, чақирсанг-чи!..

— Боягина чақирдим, беш минут ҳам бўлгани йўқ, — деди Одил, ичида эса, «топдиларинг аҳмоқни», деб қўйди. — Яна озгина кутайлик, чиқмаса, унда... уй-уйига, тўппа-тўйига.

Одил ҳамманинг кўнглидаги гапни айтгандек оғзининг таноби қочиб, зимдан болаларга разм солди. Аммо ҳеч ким гапини қувватламади. Фарҳод эса:

— Нима? Тўппа-тўйига?.. — дея тўнғиллади ҳам.

— Яна чақирсанг бирон еринг камайиб қолмас, Одил? — деди бетоқат бўлган Ҳамид.

Одилнинг пешонаси тиришди.

— Керак бўлса ўзинг чақир, — деди-да, зарда билан ўгирилиб олди. Кўчанинг адоғидаги дарвоза тепасида қизариб турган чироққа тикилиб ўтираверди. Унинг димоғига яна пиёз ҳиди урилди, бу ҳид негадир бутунлай ўзга олам, ўзга манзара — болалиги, илк бор мактабга борганида ёмғирда ивиганларини эсига солди. Болаларнинг ғўнғирлаши гўё деворлар ортидан келаётгандек аранг қулоғига чалинар, улар нима ҳақда тортишаётир, буни англай олмас эди. Фақат товушлар...

Торгина кўча ҳам, паст-баланд деворлар ҳам, уйларнинг ваҳимали соялари ҳам дафъатан кўнглидан кеча бошлаган болалик хотираларидек сирли туюлди.

— Тўхта, Ҳамид, намунча шошмасанг? — бу Фарҳоднинг овози эди. — Эҳтимол, отаси уйдадир. Мавридини топиб чиқар. Ҳусан битта гапиради — чақирсанг уйдагиларнинг кўнглига бирон гап келади.

Одил эснади.

— «Гап келади» дейсан Фарҳод, ахир соат ўн бирдан ошдию, — деди Ҳамид.

Фарҳод кепкаси айвонининг тасмасига қистириб қўйган бир матоҳни авайлаб олди-да, узоқ ҳидлади, сўнг бепарво оҳангда:

— Минг бўлмайдими! — деди.

— Нима деганинг бу?! Зах ҳавода бир соатдан буён турибмиз-у, тағин «минг бўлмайди» дейсан. Чиқса-чиқсин, резинка қилиб ўтирадими? Оёқдан совуқ ўтиб кетдию ахир, — дея қизишди Ҳамид.

— Ярим соатдан бери турган бўлсанг, оёғингдан совуқ ўтган бўлса кетавер, сени биров боғлаб қўйгани йўқ, — деди Фарҳод, гўё анчайин нарса ҳақида гапираётгандек бепарво.

Нохуш жимлик чўкди. У чўнтагидан уч суям занжир чиқариб шаҳодат бармоғида айлантириб ўйнай бошлади. Сўнг:

— Ким кетмоқчи бўлса, тўрт томони қибла, — деди янаям хотиржам, янаям заҳар овозда.

Ҳамид тутоқди, бироқ вазиятни ҳисобга олдими ёки у билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп кўрмадими, ҳар қалай индамади, пичадан сўнг яна тўнғиллаётган эди, Фарҳод шартта кесиб деди:

— Беш минут сабр қил! Чиқади, мен кафил.

Одил унга кўз қирини ташлади, юзидаги ифодани яхши илғай олмади, унга ҳаваси келди, афту ангорини: қимтилган лабларию гавҳари бўртиб чиққан кўзини, бир оз қийшиқ бурнини тасаввур қилди — зўр! Фарҳод назарида, тизза бўйи баландликда ўтиргандек хўрсиниб, секин унинг ёнига ўтди. Шунда дилида ўзига ишонч туғилди, чуқур нафас олди-да, енгил тортиб осмонга қаради. Кўкда йилт этган юлдуз кўринмас, аста ҳаволаб бораётган ой тилларанг ёғду сочар эди.

Гапга аралашмай симёғочга суяниб турган бола сукунатни бузди:

— Фарҳод, гапни ким бошлайди, ким чақиради — шуни келишиб олайлик.

— Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ, — деди Фарҳод. Сўнг занжири билан Одилнинг елкасига туртди: — Манави чақиради. — У ишшайиб Одилга қаради. — Ҳа, даминг чиқмайди, нима гапим ёқмадими?

Ҳамма Фарҳоднинг оғзига қараб турарди. У занжирни қайтадан бармоғига ўради.

— Одил чақирганда Ҳусан билан мен панароқда, беш-олти қадам берида турамиз. Аблининг ўзи гаплашсин. Урган — Батиш, калтак еган — у, ўзлари орани очди қилсин. Балки тил топишар. Йўқса...

Ҳамиднинг кўз олдига ерга урса осмонга сапчийдиган Батиш келди. Уларнинг тил топишишига ишонгиси келмади. Чунки Батиш ҳуда-беҳуда қўл кўтармайди.

— Овчаркасини етаклаб чиқса-чи? — Одил шундай дедию бир қадам ортига чекинди. Айни шу саволни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундан кутгандек Фарҳод қўлини силтаб илкис ҳамла қилди, пўлат занжир бўйнига чирс урилганда Одил додлаб юборди. Болаларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Одил ловуллаб ёнаётган қулоғини тез-тез силар экан, болахонадор қилиб сўкинди.

— Ўв-в, тирранча, ўчир-р! — Фарҳод ёнидагиларга юзланиб, буни қаранглар, ҳазилниям билмайди-я, деган каби қўлларини ёйди, сўнг чап биқинидаги Сатторнинг елкасига ҳам занжир билан урдида:

— Оғридими, Саттор? — деб сўради.

Саттор — ўртабўй, тикроқ, қалпоқ кийиб олган бола тишини-тишига босиб, «йўқ», деган маънода бош чайқади.

— Анави бўлса, ҳайронман, қиз болага ўхшаб додлайди-е... Батишга рўпара келсанг, билмадим-ов...

— Шу занжир билан ўзингниям би-ир... Ушанда биласан! — деди Одил.

Фарҳоднинг тепа сочи тикка бўлди, Одилнинг ёқасидан олган эди, симёғочга суяниб турган бола унинг билагидан тутди.

— Кучинг етганга ёпишавериш яхшимас, — деди у. Фарҳод зарда билан силтанди-ю, бироқ унинг дастидан қутулиш у ёқда турсин ҳатто қўлини қимирлатолмади ҳам. Жаҳли чиқди:

— Қўйвор!

— Тегмайман десанг, қўйиб юбораман.

— Қўйвор, бўлмаса...

— Сал секинроқ, оғайни, сал секинроқ! — Бола Фарҳоднинг қўлини қайирди, унинг тишлари ғижирлаб кетди.

— Рустам, қўйвор деяпман!

Рустам дегани — паканароқ, сочлари жингалак бола, Фарҳоднинг қўлини бўшатди. Кейин камзули енгини тузатганча бориб яна симёғочга суянди.

Қоронғилик қуюқлашди, ойнинг заиф шуъласи кўчани яна ҳам равшанроқ ёрита бошлади, акраб изғирини этларни жунжиктирар эди.

Фарҳод сўкина-сўкина ерда ётган занжирини олдида:

— Бахтингга бирга кетяпмиз, мавриди эмас, — дея тўнғиллади. Рустамга қарата шундай дедими ёки Одилгами — буни ўзи ҳам билмас эди. Одил обидийда қилди:

— Собир... тишлаганида қирқта укол олганим етади, шунга... сўровдим-да. — Унинг гинаси Фарҳоднинг дийдасини юмшатди.

— Бўпти, бўпти, — деди у, — қирқта укол олганингни пеш қилаверма ҳадеб. Олсанг олибсан-да, менга нима? Кучуги билан чиқса, сени чақиришяпти, дегину кетавер. Индамасанг тегмас? — У Сатторга юзланди: — Тавба, мунча қалтирамаса бу? Еб қўярмиди Батиш?!

Саттор бош ирғаб унинг гапини маъқуллади. Ичида пушаймон бўлаётганди. «Ахир, негаям боришга кўндим, а?!», дерди у ўзига ўзи.

Шу чоқ кўча адоғидаги дарвоза тепасида чироқ ёндию унинг ёғдусида челаклаб шаҳд билан сепиб юборилган сув болаларнинг оёғи остига довур етиб келди.

— Яшасин! — деди Фарҳод.

Одил четроқда тиззаларини қучиб ўтирар, кўзларини қисиб дарвоза томонга қарарди. У гина-кудрат билан: «Ҳусан-Ҳусан! Ким бўпти ўзи!» деб қўйди ичида.

Бир четда чурқ этмай ўтирган Саттор Фарҳоддан папирос сўради. Бошқалар енгилгина хўрсинишди. Айиқдек лапанглаб келаётган Ҳусан ҳали ўтирганларга етмасданоқ ортидан — боягина чироқ ёнган дарвоза тарафдан майин овоз эшитилди:

— Ҳусан ака, ойим узоққа кетмасин, дедилар!

«Назира!..» Ҳамиднинг юраги шиғ этди. Қизнинг товушини яна эшитармикинман деган илинжда кўзларини юмиб қулоқ осди.

Қиз энди узоқдан қичқирмади, балки шундоқ қулоғи остида ўпкали шивирлади:

«Абдулҳамид, сиз нима қилиб юрибсиз буларнинг орасида?»

«Назира!»

— Кир уйга! — деган бақириқ жимжит кўчада қўрқинчли янгради, шунинг баробарида тошми, кесакми тарақлаб дарвозага урилди.

«Кўрдингизми, Абдулҳамид?»

«Кўрдим, биламан, Назира».

«Қаёққа кетяпсизлар?»

«Ўзим ҳам билмайман»

У Ҳусанга ижирғаниб қаради. Сўнг Алишер билан маъноли кўз уриштириб олди.

Ҳусан бирин-кетин қўл бериб ҳамма билан кўришгач, чўнтагидан оқиш қутича чиқарди-да намойишкорона очди ва ўтирганларга мираат қилди.

— Ўҳ-ҳў, ишлар зўр-ку, — деди Фарҳод.

— Камбағалчилик, айбга қўшмайсан оғайни, — деди Ҳусан сипо ва жиддий.

Одил билан Рустамдан бошқа ҳамма сигарет тутатди. Халта кўчада тамаки барги ёқилгандек хушбўй ҳид анқиди.

— Батиш ҳам «БТ»ни хуш кўради, унгаям қолсин-да, а? — Ҳусан ўзича аския қилган бўлди, бироқ ҳеч ким кулмади. Батишнинг номи тилга олинган заҳоти Одил билан Ҳамид бир-бирига ўйчан ва маъноли қараб қўйишди.

— Кутавериб Батишнинг кўзи тўрт бўлгандир?! — деди яна Ҳусан, кейин сигаретни бармоқлари орасига олиб, чертиб юборди. — Ўзи қидириб келмас бизни, тўғрими Фарҳод?

— ...кетдик, — деди Фарҳод.

Ҳусаннинг аввалги қочирими ҳам, кейинги киноясі ҳам кўпчиликка бачкана туюлган бўлса-да, бари бир, боягина сен-менга борганларнинг гина-кудратини тумандай тарқатиб юборди. Фарҳоднинг бояги совуқ қилиғи ҳам унутилди, Одил ҳам ўзини анча бардам сеза бошлади.

Улар йўлга тушдилар.

Катта кўчага чиққач, Ҳусан бирдан тўхтаб, ҳаммага намойишкорона қараб чиқди-да:

— Э-э, эсдан чиқибдию, — деди.

— Нима, нимайди? — дея ҳовлиқиб сўрашди Фарҳод билан Саттор бараварига.

— Ялов! Ялов эсдан чиқибди-ку!

Болалар қотиб-қотиб кулишди. Баногоҳ янграган шаддод қаҳқаҳадан кўча ёришиб кетгандек бўлди. Рўпарадаги бир тавақаси қийшайиб қолган дарвоза ғийқиллаб очилдию яна «ғумб» этиб ёпилди, ортидан кучукнинг ангиллагани эшитилди.

— Касал кўрдига эмас, Батиш билан ора очдига боряпмиз, ўртоқлар! — деди Ҳусан. Унинг енгил-елпи ҳазиллари шерикларига таъсир қила бошлади. У йўлдошларининг ҳар бирини феъл-атворига яраша ўринли-ўринсиз аския қилиб, тўхтовсиз латифа айтиб кетаверди. Чиндан ҳам хайрли бир ишга бораётгандек ҳамманинг вақти чоғ, руҳи тетик, совуқни ҳам писанд қилишмасди.

— Хўш, афанди кейин нима қипти? — деди у бошқаларга нисбатан жиддийроқ. Сўнгра Рустамнинг елкасига қўл ташлади.

Рустам жонланди, замҳарир кузак шамоли тўзғитган сочларини бармоқлари билан тараб, кулимсиради, сўнг:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Узоқми ҳали? — деб сўради.

— Анови томга чиқсанг, кўринади, — Ҳусан шундай дедию шеригининг саволомуз нигоҳидан у ҳеч вақога тушунмаганлигини фаҳмлаб:

— Яқиндан узоқ, узоқдан яқин, — деди. — Тушунмадинг-а? Сени нима қилсам бўлади, полк ўғли?

Рустамнинг отаси ҳарбийлардан, аввал улар Украина шаҳарчаларидан бирида яшашган, шу боисдан у рус мактабида таълим олган. Улар икки йил бурун кўчиб келишганди. Ҳануз у маҳалла болаларининг баъзи муносабатларига тушунолмас, шу тариқа билиб-билмай улар ўртасига тўсиқ бино бўлган эди. Боз устига табиатан содда бола эди у. Ҳусан полк ўғли деяётиб шунга ишора қилганди.

Гарчи бу ҳазилни яхши англамаса-да, Рустам бош қимирлатиб қўйди, кейин Одилга кўз қисиб:

— Қалай? — деди.

Одил индамади. У ҳалпиллаган камзулининг ёқасини кўтариб олганча хаёл суриб борар эди. Болаларнинг бетартиб қадам товушлари, ғўнғир-ғўнғирлари торгина кўчада ўрадан чиқаётгандек гумбурлаб эшитилар, ариқ бўйидаги зич дарахтлар қорайиб кўринар, буталар остида уйқудаги қизларнинг ширин тушлари ёрқанотлар сингари сассиз-шарпасиз кезиб юргандек туюлар эди. «Барглар соясида ўйнайди беҳол. Уйқудаги қизнинг беҳол тушлари...» — дея пичирлади Одилнинг лаблари. Рустам яна чучук тилда ҳол сўради:

— Хомушсан, Одил? Нимага хомуш бўлдинг?

«Хомуш бўлдинг?, — у кулимсиради, — Э, Рустам, Рустам! Бирдан юракка қил ҳам сиғмай қолди. Мана шу кўчадан гўё биринчи марта ўтаётгандекман. Шамол ҳам бошқача. Ҳавони айтмайсанми. Бир пайт келиб, шу ердан ўтаётиб, бугунги тентирашимизни эслармикинман? Пиёз ҳиди келганини-чи? Юрагим сиқилса шу — ёмғир, ё пиёз ҳиди димоғимга урилгандек бўлаверади. Ғалати, сира тушуниб бўлмайди, ўлай агар тушунсам. Гўё мени астойдил яхши кўрадиган бир қиз бору ҳозир у роса менинг гапимни қилаётгандек; қулоғим қизиб кетяпти. Ким у? Ким ўзи у?»

— Хомушсан Одил? Нимага хомуш бўлиб қолдинг?

У бошини кўтариб, елкама-елка келаётган болага қаради, шунда унинг нигоҳидаги осудаликни кўриб Рустам ҳайрон бўлди. Ўзи билган Одил эмас, балки отаси қараб тургандек уялди, кўзларини олиб қочди. Кейин буни кимгадир айтиш, негадир Одилга эмас, Ҳамидга айтгиси келди, уни излади. Ана у! Ариқ ёқалаб боряпти. Бош яланг, узун шарфи осилиб қолган, хаёл суриб кетяпти.

Улар кемага ўхшар, сукунатни ёриб боришар эди, ҳозир орага жимлик чўкди. Жимлик...

Ҳамид ҳам бу жимликни бузишни истамагандек енгилгина қадам ташлар, боя Рустам кўнглидагини унга айтгиси келган пайтда у нега боришаётгани, бунга нима мажбур қилаётгани ҳақида бош қотираётган эди. «Нима учун беш киши бориб ора очди қилиши керак? Аблини ҳам қўшсак, олти нафармиз. Ўзи борса бўлмайдими? Ахир, уни Батишнинг бир ўзи...» Шундай деб ўйларди-ю, асосли бир жавоб тополмасди. Изғирин муздек қўллари билан юзларини силаб-сийпаган сари вужуди қизир, юраги орзиқар эди. Бошқалардан у икки-уч қадамча кейинда борарди, болаларни бемалол кузатиши мумкин эди. Ана, Саттор Фарҳод билан Ҳусанга эргашиб, мум тишлаб кетяпти, бошини қуйи солиб олган. Балки у ҳам иккиланаётгандир?

Аввал Сатторларнинг ҳовлиси, кейин унинг кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлган акаси нечундир Ҳамиднинг кўз олдига келди. Саттор яхши бола-да... Одил унга яқинлашди, энди кўнглига қўл солиб кўрмоқчи бўлган эди, Фарҳод ўгирилиб қаради. Шунда у юзини четга буриб олди. Фарҳод!.. У яхши бола эмас-у, лекин шундай қилиқлари борки, яхши кўриб кетасан одам. Ҳусан-чи, Ҳусан?! У, айиққа ўхшаб лапанглаб бораётган болага қаради. Миясига ҳеч бир фикр келмади, нима деярини билмади у ҳақда. Кимгаям ўхшаб кетади у...

Ҳусан улардан тахминан икки-уч ёш катта, кўпчилик ундан чўчир, гапини икки қилолмас, иложи борича унга яхшилик қилишнинг пайида бўлишарди. Ҳамид ҳам ундан чўчидими-йўқми — ўзи ҳам билмайди. «Шунинг бир оғиз гапи туфайли кетяпман-ку, демак чўчирканман-да?» Ҳусандан чўчиш тугул, буни хаёлига ҳам келтирмасди. Аммо шунга қарамай, мана, унинг бир оғиз гапи билан Батишни дараклаб боряпти.

Пича юришгач, чап томонга бурилишди. Муюлишда Фарҳод билан Ҳусаннинг сафига Саттор ҳам қўшилди. Улар кўчанинг қоқ ўртасидан юриб боришар, Ҳамид эса ҳамон орқароқда келарди. Саттор бу гуруҳга тасодифан қўшилиб қолгандек гапга аралашмас, жимгина келар эди.

Уч қадамча кейинда, хиёл чап ёнда Рустам борар, оқимнинг охирида — кўчанинг қоқ ўртасидан Одил судралиб келар эди.

Рустам энди Ҳамидга ёндашаётганида, Ҳусаннинг:

— Зўр-а! Ҳар эҳтимолга қарши... — деганини эшитиб қолди. «Нима экан?»

— Ҳар эҳтимолга қарши. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, дейишади-ку, — деди Ҳусан паст, аммо жиддий товушда.

Рўпарадан эсаётган шамол унинг гапини япроқлардек учириб кетдими, узуқ-юлуқ эшитилди ҳаммага. Ҳамид «тошнинг оғирлиги...» деганини англади, холос. Одил эса... «қарши» деган сўзни эшитди-ю, ҳеч вақони тушунмади. Фақат Рустам сергак тортди. У Ҳусаннинг ёнгинасида бораётган эди, гап бир буюм, буюм бўлганда ҳам кўпчилик билмаслиги лозим бўлган, эҳтимол, яроқ ҳақида бораётганлигини фаҳмлади. «Нима бўлди бу?» Унинг боши қизиди. Гарчи табиатан совуққон бўлса-да, ҳозир анавининг қўлидаги матоҳ нима эканлигини билгиси келиб, ҳаяжонланди.

— Зўр! — деди Фарҳод.

— «Пичоқ!» — Ҳаво етмаётгандек Рустам чуқур нафас олди. — «Йўғ-э!» Ҳусан билан Фарҳод баравар ўгирилди.

— Ҳа, Рустамчик, нима гап? — деди Ҳусан. У мик этмади. Баралла: «Йўғ-э!», деб юборганини фаҳмлаб мулзам бўлди.

Ўн қадамча юришгач:

— Лекин оғиргина экан, — деди Фарҳод.

«Демак, пичоқ эмас!» дея мушоҳада қила бошлади Рустам.

— Оғи-ир, бу нима — Гераклнинг мушти нима, — Фарҳод кулди. — Э-э, кастет, бўлди, бўлди.

Рустамнинг эти увишди.

— Буни нима қилади Ҳусан?

Унинг аччиғи келди. «Битта одам билан ора очдига шунчамиз боряпмиз, кастетларнинг нима кераги бор экан? Балки иш жанжалгача етиб бормас. Оёқдан ҳам совуқ ўтиб кетди. Мен нимага боряпман. Абли ким ўзи?»

— Ачавотлик... Ўша... Икки йил бўлди, танийсан-а?

— Ҳа, — деди Фарҳод бамайлихотир. — Бултур стадионда Аъзам билан ҳам оралари бузилиб қолган эди, шекилли? — шундай дея туриб Рустамга ўгирилиб қаради.

— Шунчаки гап талашиб... Ярашиб кетишган, — деди Ҳусан, муҳим янгиликдан огоҳ қилаётгандек жиддий оҳангда. Одил эса: «Уйга қайтаман, бўлди»

www.ziyouz.com kutubxonasi

деган тўхтамга келдию Ҳамидга буни айтиш ниятида қадамини тезлатди.

— Қайси, ҳажмаллик Аъзамми? — дея гапга аралашди Рустам. Фарҳод эса ажабланганнамо унга юзланди. «Сенга нима?» дегандек лабини жийирди. Буни Рустам илғамади, у ҳаяжонлана бошлаган, шу боис саволи Фарҳодга ёқмаганлигини пайқамаганди, ўзининг Ҳусанга яқинлигини билдирмоқчидек яна қайта сўради. Сўрайтуриб, улардан ўзига бир нима юқаётганини ҳис қилди, жавоб кутиб тезгина шуларнинг ёнига ўтиб олди. Ҳусан жавоб бермади, ўзини эшитмаганга солди...

— Нега индамайсан? — деди Одил секин.

— Ўзинг биласан, — деди Ҳамид. — Мен ҳам шунга ҳайрон бўлиб кетяпман.

— Қочиб кетишмадими, ишқилиб? — деди Фарҳод.

Рустам унинг нима деганини тушунолмади. Аммо Фарҳодни ёмон кўриб кетди.

— Батиш бир пайтлар Аласкарлар билан қалин эди, а?

— Э, уларнинг... — дея чайналди Ҳусан.

— Бизларниям... Пайти келса... — деди Одил. Ҳамид унга баланддан қаради.

— Шунақалигини билар экансан, бор, уйингга жўна!..

Фарҳод лабини чўччайтириб бошидан кепкасини олди.

— Сигаретингдан бер, Ҳусан, — деди Саттор.

— Индашмаганми?

— Ма. Гугуртим йўқ лекин. Индашган, индашган... Аммо... Кейин айтиб бераман. Бу ерда бошқа гап бор, Фарҳод.

Рустам орқада қола бошлади.

— Кимнинг ғийбати, — дея сўради Одил. Гугурт чақиб сигарет тутатаётган Фарҳод унинг гапини эшитиб қолди.

— Қора қулоқни!

— Сендан сўрамаяпман, — деди Одил норози оҳангда. Унинг аъзойи бадани қичиша бошлади. Ўкинди. Шу чоқ Саттор:

— Абли қаерда кутиб туради? — дея сўради.

— Ким билсин, тоза югурдагига айлантириб олдию, — деди Ҳамид.

— Ёмон урганми, — деди Фарҳод.

— Боя кўрдинг-ку, — деди Ҳусан.

— Кимни айтяпсан? — деди Одил.

— Кимни айтяпсанмиш!

— Яхши аҳамият бермабман, — деди Фарҳод.

Рустам энди бир ўзи, ҳаммадан чапроқда борарди. Бирдан унинг кўз олдига Батиш келди. Ғалати, у Батишни ҳар қанча эслашга уринмасин, эслаёлмас, шунинг учун ҳам Аблини дўппослаган Батишга нисбатан нафрат, ғазаб ўрнига қизиқиш ҳисси туғила бошлаган эди. Шамол юзини сийпалади, сочларини силади. Батиш нимаси биландир унинг ўзига ўхшайдигандек туюлди. Рустам уларнинг уйини эслади, дарвозалари ёнидаги доим кўчага ёруғ тушиб турадиган дераза кўз олдига келди, енгил тортди. Шуни Ҳамидга айтиш ниятида қадамини секинлатди. Унинг бир гап айтмоқчилигини Ҳамид ҳам сезди. Рустамдан, уйга кетамизми қайтиб, деган гапни кутди.

Шу чоқ бехосдан Одил:

— Абли! Ана Абли! — деб қичқириб юборди.

— Нега бақирасан? Кўрдик! — деди Фарҳод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абли — жиккаккина, сочлари узун-узун, пешонаси тиришган, юзи қаримсиқ, озғингина бола, муюлишда дилдираб турарди.

— Нега кечикдиларинг? Бир соатдан бери турибмана? — дея тўнғиллади Абли, ҳамма билан қўл олиб кўришар экан. Унинг чап қўли билагига қадар бинт билан ўраб боғланган, лунжи шишган, дўрдайган лаби ялпоқ бурнига ёпишиб кетгандек туюларди. Гарчи боя қош қорая бошлаганда худди мана шу ерда хайрлаша туриб қайта-қайта тайинлаган бўлса-да, яна Одилга ва ўзига менсимай қарагани Ҳамиднинг энсасини қотирди, бироқ индамади.

— Отряд, — дея қўлини кенг ёйиб болаларга ишора қилди Ҳусан, — ҳужумга тайёр!

Улар йўлда давом этишди.

Энди саф-саф бўлиб боришар эди: олдинда Ҳусан, Фарҳод, Абли, улардан бир қадам орқада Рустам билан Саттор, яна ҳам кетинроқда, хиёл четда Одил билан Ҳамид. Ҳамид йўл-йўлакай: «Эртага кун яхши бўлади», — дея ўйлади, сўнг тип-тиниқ осмонга, ундан кейин Одилга қараб қўйди. — Қуёш чиқади». Қуёшни эслаши билан танига ҳарорат таралгандек бўлди.

...Қадам товушлари бир текис тараларди.

Одил мана шу товушлар орасидан ўзиникини ажратолмай ажабланди. Назарида, ўзлари жуда узоқ йўлни босиб келишаётгандек. Бирдан, шериклари орасида ҳеч ким, ҳатто Ҳамид ҳам, ҳозир, айни шу лаҳзаларда ўзи ҳақида ўйламаётганлигини эслаб қолди, бундан аввал таажжубланди, кейин кўнгли ўксиди. «Ахир, мана, мен, улар ҳақида ўйлаяпман-ку, — деди ичида, — Майли, яхшими, ёмонми, барибир ўйлаяпман! Мен ҳақимда ҳеч ким ўйламаса-я? Асли улар бағритош болалар, айниқса, Ҳусан билан Фарҳод. Абли мени танимайди ҳам. Рустам кўнгилчан-у... Ҳамид-чи, Ҳамид? У Назирани яхши кўради. Мана, яна шулар ҳақида ўйлаяпман. Назира чиройли қиз, акасига сира ўхшамайди. Оёқдан совуқ ўтди. Бирон нарсани баҳона қилиб қайтиб кетсамми? Боя жўнаворсам бўларкан-да... Назира — чиройли қиз. Агар, қуёш десам, қуёш десам, қу-ёш десам, қуёш деса, шундай кетаверсак, кетаверсак — ҳеч тўхтамасак. Бир пайт эрталаб уйқудан туриб кийинаётганда, қу-ёш, десам, Рустам... Назира — яхши қиз. Уни ўйласам, гўё кўнглим бир нимадан тўйинади. Эртага — чоршанба. Бир соат физкультура, икки соат адабиёт, физика, математика, сўнг яна физика. Назираларда иккинчи соат — физкультура. Айтиш керак. Айтгим келяпти. Айтаман. Эртага айтаман, бўлди. Агар, мен айтсам... нега энди?.. Нима қилиш керак? Оёқдан совуқ ўтди. Мановилар пайтава ўраб олишганми дейман. Шартта кетворсаммикан?»

— Хаёл суряпсанми? — деган овоз келди. Қараса, Фарҳод ишшайиб турибди. Ундан сигаретнинг ёқимсиз ҳиди келарди.

— Ма, тугатиб қўй, — деди Фарҳод меҳрибончилик қилиб. — Боя сўраган эдинг.

Одил нима қиларини билмай сигаретни олди. Фарҳоднинг бақа кўзлари ўзига қадалиб турганини кўриб, чекди, ўқчиб юборишига оз қолди. Тутундан, тамакидан эмас, сигарет фильтрида йиғилиб қолган ғиж-ғиж намдан.

«Одам бўлмайди бу», деди ичида Ҳамид таъби тирриқ бўлиб. Шу пайт ариқ бўйидаги дўнгликка кўзи тушиб, сергак тортди. Уч қадамча юргач, ўша ерда нимадир қимирлаганини пайқади. Ундан бошқа ҳеч ким буни илғамади. Ҳамид нима экан бу, дегандек ўша ёққа ўтди. Қараса, ариқ бўйидаги човрак тагида бир одам букчайиб ётарди. Энгашиб, унинг юзига қаради. Сўнг қаддини ростлади-да:

— Рустам, Одил, — деб овоз берди, — бу ёққа келинглар.

Ҳамма тўхтади.

Рустам билан Одил унинг ёнига борди.

— Хазина топдингми? — деди Ҳусан жойидан жилмай.

Ҳаво совуқ эди.

Улар уччовлашиб юзтубан ётган одамни кўтаришдида, йўлкага олиб ўтишди, ёруғда унинг юзига қарашди.

— Мастми, касалми? — деди Ҳамид. — Танияпсанми, Одил?

— Танишга ўхшайди. Менимча, Паттоҳнинг дадаси. Сомон бозорнинг тепасида туришадию?

— Уйларини биласанми, уйларини?

— Биламан.

Рустам кишидан таралаётган ҳидни хушламай тисарилди. Шу чоқ Фарҳод кишига яқинлашди-да, бирдан унинг қулоқларини кафтлари билан ишқай бошлади. Киши қаршилик қиламан деб гандираклаб кетдию жон аччиғида Фарҳодга ёпишиб олди. Барибир ўзини тутолмай гурс этиб йиқилди, унга қўшилиб... Фарҳод ҳам қулаб тушди. Киши ётган ерида хириллаб унинг ёқасига ёпишди. Ҳаммаси кўз очиб юмгунча содир бўлди. Уларнинг тепасида турган Ҳамид билан Одил нима қиларини билмай туришар, Фарҳод жон-жаҳди билан ўзига ёпишган қўлдан қутулишга уринарди. Ҳеч бўлмагач, Ҳамид ёрдамга ошиқди, бор кучи билан унинг бармоқларини эзди, ниҳоят киши Фарҳодни қўйиб юборди ва кўчани бошига кўтариб бўкирди:

— Ўғрр-рр-ил-л-ллар... Қўйво-орр!

— Э-э, тинчгина ётган эди, қўзғотиб нима қилардиларинг? — деди Абли. Унинг кўзи мушукникидек ялтирарди.

— Қўй-вор-ларр-инг... — Киши ўрнидан тура бошлади.

Биқинидаги уйда чироқ ёнди, деразанинг бир тавақаси очилди-да, кимдир хотинчалиш овозда чийиллади:

— Ҳозир мелиса чақираман, йўқол ҳамманг!

Рустамнинг юраги шув этиб кетди. Фарҳод эса жўрттага қўлини кўтариб, гўё тош отаётгандек ҳамла қилди.

— Елканлар кўтарилсин! — деди Ҳусан шерикларини тезлаб.

Болалар шоша-пиша жўнашди. Беш қадамча юргач, бир нимага суриниб кетиб, «гурс» этган товуш эшитилди, Ҳамиднинг юраги ачишди, кишининг ғиқ этмай ётганини кўриб тоқатсизланди.

— Менга қара, Фарҳод, — деди у, — ёмон йиқилди, бирор бало бўлмасин яна.

— Йиқилиш бўйича жаҳон чемпиони бўлади, — деди Ҳусан, — агар, шу ҳунарини чемпионатда яна намойиш этса!

— Қўявер, — деди Фарҳод, — бало ҳам урмайди.

Ҳамиднинг эти жунжикди.

— Уйига обориб қўйиш керак, — деди Рустам.

«Тўғри, уйига обориб қўямиз», дея кўнглидан кечирди Ҳамид.

— Вой, меҳрибонлар-эй, юракларинг ачишяптими, а? — деди Фарҳод.

— Бўлди энди, Фарҳод! — деди Ҳамид.

Орага Абли суқилди. Унинг ҳиссиз, шалтанг овозини эшитиб болалар жим бўлиб қолишди.

— Менга қара, сан, отинг нимайди, оғайни? Шарикларинг жойидами ўзи? Шу аҳволда олиб борсанг, уйидагилари сендан домонгир бўлади эртага. Ёнидаги пули йўқолса биздан кўриб юради. Емаган сомсага пул тўлаш зарилми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамид унга жўяли эътироз билдиролмади, бироқ шулар билан боришга рози бўлганидан ич-ичидан афсусланди. Аблидан у кўз узмай тураверди. Шамол кучайди, теракнинг мўрт шохчалари қирсиллаб синиб ерга тушди.

— Барибир бу ерда қолдириб бўлмайди, — деди Рустам.

«Тўғри, бу ерда қолдириб бўлмайди», — деб қўйди ичида Ҳамид.

— Эҳ-ҳе, ҳи-ҳи... — кулди Абли. — Тоза топишибмизу! — Бир оздан сўнг у Ҳусанга юзланиб деди: — Ҳали тухум-ку буларинг.

Ҳусан гап тополмай чайналди. Аблига сўз берган, Ҳамид ҳам бегона эмас, нима қилиш керак — боши қотди.

— Менга қара, Ҳамид. Бўлмаса, сен қолавер амакинг билан. Уйига обориб қўясанми, тепасида алла айтасанми, ўзингнинг ишинг. Чўзиб ўтирадими? — деди Фарҳод.

— Фақат бизни бугун кўрганинг йўқ, — дея илова қилди Абли.

Бу гап Ҳамиднинг суяк-суягидан ўтиб кетди. У тишини-тишига босиб:

— Бўпти, кетаверларинг! — деди.

— Бу бошқа гап: қисқа ва лўнда. Ўзи бормаслигини бояёқ сезувдим. Кетдикми? — Фарҳод «қўйсанг-чи буни», дегандек қўл силтади. Ҳамиднинг товонигача ачишиб кетди. Фарҳоднинг гапи ҳамиятига тегди.

— Бунақа мардликни сенларга чиқарган — бир кишига еттовинг... Битта одам камайса нима қипти?

— Тилинг ҳар қанча узун бўлса ҳам оғзингга қараб гапир, оғайни, — деди Абли. Унинг хириллаган овозида ошкора таҳдид сезиларди.

Шу асно — булар ади-бади айтишаётганида ўрнидан туришга улгурган ҳалиги киши кутилмаганда Ҳамиднинг қулоқ-чаккасига бир мушт тушириб қолди. Рустам билан Одил югуриб келди. Оғриқдан Ҳамиднинг кўзи ёшланди. У ҳадеб лов-лов ёнаётган чаккасини ишқарди. Бир пайт қараса, Фарҳод унинг тепасига ўдағайлаб боряпти, у Фарҳоднинг йўлини тўсди.

— Бу киши Фаттоҳнинг отаси-ку, тегма!

Фарҳод сир бой бермай:

— Қараб тураверайми, томошабин бўлиб, — деди.

— Ўзимниям қўлимдан келади жавоб қайтариш.

Ҳусаннинг аччиғи чиқди.

— Йиғиштирларинг ғиди-бидини. Бўпти, биз ўн минут шу ерда кутамиз, тез бориб ташлаб келларинг.

Рустам билан Ҳамид кишининг қўлтиғидан олиб йўлга тушишди. Борсамми, бормасамми, деб иккиланиб турган Одил ҳам уларга эргашди.

«Ановилар қолди, биз галварслар ўшаларни деб кетаётгандик», дея ўйлади Ҳамид. Рустам эса: «Ана жиннилик! Ҳозир биттасининг қутқуси билан тентираб юрувдим, энди бошқасининг гапига кириб, манавини орқалаб юрибман» деб кўнглидан кечирди.

Улар бу аҳволда узоққа боролмасликларига кўзлари етгач, сайҳонгина ерда тўхташди.

— Менга қаранглар, — деди Одил шерикларига, — калламга бир фикр келди. — Уларнинг савол назари билан индамай қараб турганини кўриб, секин шивирлади: — Сувга пишиш керак, сал ўзига келса кетаверади, қалай идея?!

— Маъқул, — деди Рустам.

Бармоқлари увишиб қолаётган Ҳамид ҳам чор-ночор рози бўлди. Кишини водопровод ёнига элтгач, Одил чизиллатиб сув сепаётганида унинг ичи ачишиб кетди. Кап-катта кишини бошдан оёқ сувга бўкиш... У бирдан отасини эслади. «Шамоллаб қолса-чи?»

— Бўлди, Одил, бўлди, — деди у бетоқатланиб. Ўзи эса кишининг тепасига бориб йиғламсираган кўйи: — Амаки, ўзингиз кета оласизми буёғига? — деди.

«Амаки» кўзларини йириб очди-да, совуқдан дағдаг қалтираганча тишлари тақирлаб Ҳамидга қаради. Унинг нима деяётганини англаёлмагандек бақрайиб турди-да, бошини бир-икки силкиди. Ҳамиднинг яна юраги ачишди. Бироқ, киши бошини кескин силкиганини кўриб, уни ваҳм босди. Кўча жимжит эди. Бирдан киши орқасига тисарила бошлади.

— Ёрдам беринглар, — дея қичқириб юборди у. — Безорилар, ўх, лаънати... — Бу овоз дарада отилган ўқдек кўчани ларзага солди. Ҳамид азбаройи довдираб қолганидан тош қотди. Рустам эса секин уй томонга ўтди, юраги шундай дукурлаб ура бошладики, беихтиёр тиззалари қалтираб деворга суянди. Одил келиб Ҳамиднинг билагидан ушлади. Яқин атрофдаги хонадонларнинг деразасидан чироқ ёғдуси тўкилди, водопроводнинг рўпарасидаги уй дарвозаси тарақлаб очилди-да, тўнини елкасига ташлаб олган бир эркак кўринди. Оёқ остида пайдо бўлган лайча уларга ҳамла қилиб акиллай бошлади. Айни шу чоқда Одил ҳаво хийла совуқ эканини сезди. Ҳамид тушунмади, билагини унинг қўлидан бўшатди. Шундан кейин Одил орқа-олдига қарамай қочди. Зум ўтмай унинг:

— Кетдик, Ҳамид! — дегани эшитилди. Рустам бирдан ўзига келиб унинг ортидан югурди. Анча ергача чопиб боргач, қайси томондан келганларини ҳам, Одил қайси тарафга кетганлигини ҳам билолмай қолди, сўнг тусмол билан энсиз йўлкага қайрилди.

Ҳамид эса... секин ортига тисарилди. «Нега қочишим керак? Нима айбим бор?» деган фикр миясига ўрнашиб қолган эди.

— Зумрашалар, иккитаси қочди. Кимнинг ўғли, таниб ол! — деган овоз келди ён тарафдан. Ўша одамнинг гапи баданига игнадек санчилдию юраги шув этди. Уятни ҳам унутиб ариқдан бир ҳатлаб ўтди-да, ура қочди.

— Ушла!

«Ушлаб бўпсан!»

Бояги ит анча жойгача ортидан қувиб келди, муюлишга етганида у қайрилиб жон ҳолатда итни бир тепди. Ит чапга бурилдию орқасига қарамай вангиллаб қочди.

«Нималар бўляпти ўзи?» — деди ички бир овоз.

Болаларнинг ёнига етиб келганида у қора терга ботган, нафасини ростлаёлмай ҳансирар эди, шунга қарамай сир бой бермасликка ҳаракат қилди. Рустам билан Одилнинг йўқлигини сезгач, аввалига ҳайрон бўлди, улар қаердалигини энди сўрашга чоғланганида Фарҳод қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Бу Ҳамидга оғир ботди. Кўзига қон қуйилди, кутилмаганда Фарҳоднинг нақ жағига туширди.

Фарҳод дарахтга суяниб қолди, кафти билан оғзини арта-арта энгашиб бармоқларига қаради. Ва бирдан Ҳамидга ташланди — юзига калла қилди. Ҳамиднинг кўзидан олов чиқиб кетди, бироқ ўзини қўлга олиб Фарҳодга хезланди. Ҳусан билан Саттор унинг йўлини тўсди. Бир алам қилди, бир алам қилди!..

— Ҳамид, нима кераги бор? — деди Ҳусан тутақиб. — Зарурмиди шу ҳозир?

— Ҳозир-позири борми, нокаслигини қара! — деди Ҳамид.

— Сен нокас, — деб бўкирди Фарҳод.

— Қўйларинг энди, ёш боламисанлар? — деди хириллаб Абли. Кейин у Ҳусанга юзланди: — Бу чақичмонлигинг қанақа одам ўзи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусан елка қисиб:

— Қайдам, — деди.

Абли Ҳамидга яқин келиб унга масхараомуз ишшайди. Ҳамид муштини тугиб ортига бир қадам тисарилган эди, у бошини сарак-сарак қилиб сўлжайди.

— Кетдикми? Нега турибмиз? — деди у Ҳусанга қараб, — Сен энди бормассан, оғайни?

Ҳамид тумтайиб Ҳусанга қаради...

Улар йўлга тушдилар: олдинда Ҳусан билан Абли, кетидан Фарҳод билан Саттор, орқада эса Ҳамиднинг бир ўзи.

Йўл қиялай бошлади. Дарахтлар сийраклашди, улар илдам юриб кетишди. Муюлишга етишганда кимдир оғир хўрсингандек бўлди. Саттор бошини кўтариб алангланди: томлар оша маҳобатли, каттакон ой мўралар эди. «Энди нима бўлади, дея ўйлади Саттор. Ҳойнаҳой, ким чақиради энди, деб сўрашади. Шунда, мен, дейман, бориб чақираман, ким чиқса ҳам айтаман, ростини айтаман. Нега келдим ўзи? Қара, ҳурпайиб олган қарғага ўхшайди касофат! Беш киши... бир одамга қарши?..

Эртага кун яхши бўлади, энди, барибир — осмон узилиб ерга тушсаям айтаман: Назира мен сени... дейман, аканг билан энди ошначилик қилмайман! Батиш, Батиш, сен яхши бола эмасмисан? Жуда яхши бола...»

Ялангликка чиқишди, нариги томондан яна қатор уйлар бошланарди. Шу ерга етганда болалар тўхташди.

— Мана шу уй, — деди Фарҳод. У шундай дедию негадир ўзи Ҳусаннинг орқасига ўтди.

— Болахонали уймн? — деб сўради Абли.

Ҳамид олдинроққа ўтиб уйга қаради. Унинг ёнига Саттор келди. Кўчани ой тамомила ёритган, кеча тинч, сокин хонадонларнинг деразаларида чироқ кўринмас, зотан, чироққа эҳтиёж ҳам йўқ, ойнинг сутдек ёғдусига ғарқ бўлган, ўйқуга кетган одамлар тушларида чироқ кўтариб юришар, беш нафар боланинг тўрттаси шуни чуқур ҳис этар, гўё ўзлари ҳам чироқ кўтариб туришгандек эди; улар болахонали уйдан — ой нурини эмаётган ва нечундир шу тобда учишга шай афсонавий қушга ўхшаб кўринаётган уйдан кўз узолмас, гўё томи ойга тегиб турган шу уйдан келаётган мукаррам аллани тинглашга соме эдилар.

— Ким чақиради? — деди Абли нима қиларини билмай.

Унинг саволига ҳеч ким жавоб бермади.

ТАНИШУВ ◆ ТАНИШУВ ◆ ТАНИШУВ ◆ ТАНИШУВ ◆ ТАНИШУВ ◆ ТАНИШУВ ◆ ТАНИШУВ ◆ ТАНИШУВ ◆ ТАНИШУВ



Машъал Хушвақт

Қуш

Куз келди.
Сафар олдидан қушлар
Шохларда ўтирар.
Ғамгин хайрлашар —
Дарахт шохларини маҳкам сиқишар...
Дарахт қушлар билан учишни,
Узоқ-узоқларга кетишни истар.

Ахир, у ҳам бир қуш —
Тинмай қанот қоқаётган.
Енга олмай оғирлигини
Парлари тўзиётган,
Парлари тўкилаётган бир қушдир.

* * *

Ҳаёт мени топгунга қадар,
Миллион йил қидирди, миллион йил.
Миллион йил машаққат чекди бу ҳаёт
Биргина мени яратмоқ учун.

Энди бўлса,
Ҳаёт миллион йилда топган нарсани,
Ғоят азоб билан топган нарсани,
Йўқотмоқчимисан етмиш йил ўтмай,
Меҳнатнинг қадрини билмаган ўлим!

Ўкинч

Қишни кузатгани ҳеч ким чиқмади,
«Оқ йўл» тиламади ҳеч кимса унга.
Сиғмади, сиғмади, бу қиш сиғмади,
Тўқсон кундан ортиқ Ўзбекистонга.

«Оқ йўл» деган сўзга зор бўлган
Шўрлик қиш индамай кетди йўлида.
Фақат кузатишга кечикиб келган
Баҳорнинг гуллари қолди қўлида.

* * *

Чидаш мумкин эмас, қийиндир чидаш:
У билан яшашни ортиқ истамас.
Севишга бағри тош, бағри тош
Бу эркакни бошқа қистамас.

Ортиқ қистамайди, ортиқ севмайди,
Турмайди у билан бу аёл бошқа.
Ахир қандай аёл истайди,
Тунлари бош қўйиб ухлашни тошга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирпўлат Мирзо

Онасан, табиат

Дунё ишларидан безиб мен гоҳо,
Юрагим чекканда озор, азият,
Чиқиб кетгим келар бағрингга танҳо —
Юпанчим бўласан ўзинг, табиат.

Юксак тоғларингнинг қошида бесас
Ўйларга толаман — сокин, улуғвор.
Шаффоф сойларингга термилсам
бирпас,
Тарқайди дилимдан кудурат, ғубор.

Яйдоқ қирларингда кезиб елвагай,
Ловиллаган кўксим совутсам дейман.
Кабир чинорларинг остида қушдай
Толиққан кўнглимни овутсам дейман.

Тортинчоқ чечакка дуч келиб бирдан
Худди дўст топгандек кўзга сурарман.
Болалик сирдошим гиёҳлар билан
Қулф дилим очилиб суҳбат қурарман.

Табиат, сен бунча танти ва буюк,
Табиат, сен бунча содда, бокира!
Сенинг кошонангда нифоқ, низо йўқ,
Хусуматни билмас даргоҳинг сира.

Сенда беғараздир сафдош дарахтлар,
Ёбонингда гуллар ҳусн талашмас.
Бари бир-бирларин суяр, ардоқлар,
Зинҳор бир-бирига завол тилашмас.

О, улуғ табиат, мўътабар хилқат,
Боқий удумларинг зикр этдим бир он.
Сен сўнгсиз фараҳга ёр эдинг, фақат
Бузди ҳаловатинг таъмакор инсон.

Ахир, каж тафаккур, кибр, юҳо нафс
Олдида ожиздир уммон ҳам, тоғ ҳам.
Бу кун коинот ҳам топди-ку шикаст,
Заҳарга йўғрилди тошу тупроқ ҳам.

Аммо сен исёнлар қилмайсан нечун
Ютасан ҳар қачон ичга қаҳрингни?!
Ахир, онасан-да — фарзандинг учун
Очмоқчи бўласан мудом бағрингни.

Табиат, сен мангу таскин ҳам шифо,
Инсонга ўзингни тутмагансан ёт.
Лекин қачон кенглик топиб бу дунё —
Сендан ибрат олиб яшар одамзот?!

Янги ой

Ҳарир оқшом чўкиб,
шаффоф осмонда
ярқираб кўринди бир лайт янги ой.
Гўёки яшарган янглиғ шу онда —
топди кўҳна дунё
масъум бир чирой.

Гўё абас бўлди ғусса, дард, алам —
гўё ер юзидан
ювилди бари
ва қилди борлиқни сирли, муҳташам
бокира ҳилолнинг
ҳафиф нурлари.

Аммоки биргина мен ғамнок эдим,
мағрур руҳим эди
пажмурда, синиқ.
Бир ғашлик кемирар эди вужудим:
нима у —
ўкинчми, ўчми, хўрсиниқ?..

Севдим-ку дунёни,
ахир, бетаъма
одамларга меҳрим бердим-ку, бироқ
топдим эвазига хусумат, таъна
ва ранжу маломат
топдим мен кўпроқ.

Алдоқлар, таҳқирлар
эзган бу кўнглим
кашф этди ўзига қадим бир ҳикмат:
разилларга ҳаргиз бешафқат бўлгин,
бу мангу курашдан
чекинма минбаъд!

Ва туйдим томирда қайноқ интиқом,
туйдим — қайлардадир
ғаюр қабоҳат...
Руҳимни ўзига ютиб ваҳший ком,
безанди қаҳрим-ла
шамъи малоҳат.

Эй каззоб, эй иблис,
сени қайдан ҳам
ёд этдим — ойдин тун сафоси сўнди!
Ҳилол эмас — кўкда
ял-ял товланган
ўткир ойболтага ўхшарди энди!

* * *

Хўб аломат замонлар кечиб —
Юртни ғурбат комига олди.
Еру кўкни ғубор забт этиб,
Гард юқмаган одам кам қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тубан кетди ҳамма бир бошдан,
Содир бўлди айниш, жиноят.
Бари энди тарих — сен ёшсан,
Тақдир сенга қилди иноят.

40-йил ўспиринлари

Улар бари орзуманд. Лекин
Орзулари синажак чил-чил.
Қанчасини қаршилар ўлим,
Ўтар-ўтмай атиги бир йил.

Боқар улар ҳаётга ташна,
Умид чақнар гарчи барида, —
Қаҳрамону хоинлар яшар
Лекин ҳозир ораларида.

Айни кўклам сўқир қабоҳат
Янчган каби чаппор гулларни —
Оний қазо, қаттол жароҳат
Ва қийноқлар кутар уларни.

Кимдир шаҳид кетгайдир эрта,
Кимдир сотқин — ном олар қаро.
Кимдир душман исканжасида
Тонг оттирар ҳандақлар аро.

Ҳали бўса таъмини билмай,
Етмай ишқий фароғатларга,
Айланарлар улар пайдар-пай
Юртга учган «қора хат»ларга.

Қирғин тугаб, омон қолганлар
Кўксин эса тилар дард — фарёд:
Дўст мурдаси, суронли жанглар
Уйқуларин бузади бот-бот.

Қарайману дуркун ҳаётга,
Гоҳ орқага тортиб кетар дил.
Ва дейманки, ҳеч бир авлодга
Кўз тикмасин «қирқ биринчи йил»!

Янги йил удуми

Янги йил —
эски дард, ғамларга якун,
ажибдир бу байрам удуми, ўйи:
уни қай ҳолатда
кутган бўлсанг сен,
шундоқ кечар эмиш умринг йил бўйи.

Севгилим,
меҳрингни тутмагин дариғ,
кел, бахтга ўрайлик бу оқшом дилни.
Гина-кудуратлар домида тағин
бой бериб қўймайлик
бутун бир йилни!

* * *

Дилга ишқ солдим мен — пок, сара бўлдим,
Лекин юрак-бағри хун, яра бўлдим.
Дунёда жоҳиллар бунча кўп экан,
Кўринганга мазах-масхара бўлдим...

Ярим тун...

Ярим тун. Мен уйқусиз эдим,
Ўлтирардим бетаскин, дилгир.
Ва бир маҳал ҳовлига чиқдим —
Сергак тортди юлдузлар бир-бир.

Боғчаларни сайр этдим секин,
Жимжит кеча бағрини очди.
Қадамимнинг товшидан лекин
Атиргуллар уйқуси қочди.

Фараҳли дард-изтироб ичра
Ҳижронингда кездим тун ярми...
Бесаранжом қилдим шу кеча
Юлдузларни, атиргулларни.

* * *

Онажон, у қандоқ хуш дамлар экан —
Сиз ҳали навқирон, ёш бўлган чоғлар!
Менга туюлади ўша кезлар шан,
Гўё йўқдек унда армонлар, доғлар.

Лекин сиз у олис йилларни ҳар гал,
Биламан, эслайсиз кўз ёшлар ила.
Биламан, шу ёруғ кунларни маҳтал
Кутгансиз тўзиму бардошлар ила.

Эҳ, мен-чи, хаёлан қайтаргим келар
У қайтмас дамларни бир зум, онажон, —
Хусусан, сизни дард қийнаган пайтлар,
Хусусан, хасталик хуруж қилган он.

Ёшлигингиз сизга — балки оғир туш,
Менга-чи, дардларга ўжарлиги хуш...

* * *

Юрагимни эзиб ғам-армон,
рўшноликни
кутардим карахт...
Нурга чўмдим бир кун ногаҳон,
хайрият,
юз ўгирмабди бахт!

Қайтмас энди,
дейман ғам-дардлар, —
ёруғ кунлар бағрида туриб...
Ва туюлар:
мендан ҳасратлар
кетган каби мангу юз буриб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАСР ◆ НАСР ◆ НАСР ◆

бўрилар ўша кўйи қаққайганларича, хотиржам турав-ришди. Рўпарасида тўсатдан пайдо бўлган бўриларни кўрган йўлбошчи айғир ёнга бурилди-да, жон-жаҳди билан яна бостирма томон чопди. Дупурлаб келаётган уюр итоаткорона бурилиб, йўлбошчи айғир кетидан эргашди. Кўк ўзини бия томон ташлаб, уни қўрқитиб, уюрдан четлата бошлади. Отлардан ажраб қолган бия Кўкдан қочиб, жон ҳолатда югурарди. Кўк бияни тўппа-тўғри бўриларга қараб ҳайдаб келаверди.

Яқинлашаётган бияни кўрган бўрилар ерга қапишиб олишди. Ерга синггудек бўлиб ётган бўриларни бўртиб турган тошдан фарқлаш қийин эди. Жон аччиғида қочиб келаётган бия улар олдидан шиддат билан елиб ўтди. От кетидан сопқондек отилган бўрилар уни Бўри ўнгир томон қувиб кетди. Бўрилар бияга етиб олишгач, Кўк қувишдан тўхтаб, ортига ўгирилди. Кейин эллик қадамча югуриб бориб тўхтади-да, тилини ерга теккудек осилтириб нафас ростлай бошлади. У итларни лақиллатиб кетган шерикларини кутаётганди.

Кўп ўтмай тепалик томондан итларни эргаштириб келаётган икки бўрининг қорасини кўрди. Улар тўғри Кўк томон чопиб келишаётганди. Чарчаш нималигини билмай чопаётган итларни кўрган Кўк аёвсиз жанг бўлишини сезди. Очиққан бўриларнинг толиқиши сезилаётганди. Кўк уларнинг яқинлашишини кутиб турди. Кейин изма-из келаётган боши катта итнинг изидан югурди. Кўкни кўрган калладор ит ундан хавфсирамай, бепарво келаверди. Кўк эса ўқдек келаётган бўрини ёнидан ўтказиб юборди-да, унинг изидаги калладор итнинг бўғзига ёпишди. Хириллаш овози эшитилиши биланоқ бўрилар тўхтаб, орқаларига ўгирилишди. Тишларини шарақлатиб бир-бирлари билан тўқнашдилар. Ириллаш ва ҳирқироқ овозларга аянчли ангиллаш қўшилиб кетди. Жанг узоқ давом этмади. Калладор итнинг бўғзини тилкалаб саранжомлагач, Кўк яна бўрини талаётган икки итдан бирининг гарданидан тишлаб ажратиб олди-да, тупроққа белаганча, бўйнини ғажиб ташлади. Итларнинг бўғиздан ололмаслиги, фақат гардандан тишлаши ўлжани хиппа бўғизловчи бўриларга қўл келди. Улар жон-жаҳдлари билан итларнинг бўғзидан тишлашга ҳаракат қилишарди. Уларга нисбатан жуссадор бўлган бўрибосар итлар куч жиҳатидан устун бўлсалар ҳам, тишлари бўриникига нисбатан тўмтоқроқ эди. Шунинг учун улар узоқ тишлаб туришолмасди.

Иккинчи итни ҳам тинчитиб бўлган Кўк қонга беланган шерикларининг яккама-якка олишувини кузатиб турди. Ит остидан чиқиб олган бўри рақиби ўзини ўнгламаёқ унинг биқинидан тишлаб қорнини ёриб ташлади. Оғриқдан вангиллаб қолган ит икки букчайиб питирлай бошлади. Бўри бир силтаниб олди-да, чавақланган қорнидан отилаётган қонни ялашга тушди. У қонга тўйиб бўлгач, тумшуғини олдинга чўзиб, қон томиб турган қип-қизил тишларини иржайтирганича Кўк томон қараб қўйди. Бу орада иккинчи бўри ҳам ўз рақибини саранжомлаётганди.

Шу пайт отлиқлар шарпаси кўриниб, ит қонини ялаётган бўрилар Бўри ўнгир томон равона бўлишди. Ҳейҳувлашиб олатасир ўқ отиб келаётган йилқичилар етиб келишганда бўриларнинг изи ҳам қолмаганди. Биринчи бўлиб етиб келган отлиқ қўлидаги милтиғини эгар қошига иласолиб отдан тушди-да, жон талашиб ётган итлар тепасига келди. Кўк ғажиб ташлаган ит шамдек қотганди, қолган икки бўрибосар қонсираб, сўнгги нафасларини олаётганди.

— Адо бўпсан-ку, жигарим! — Йилқичи ўзига-ўзи сўзлагандай қонга беланган итнинг бошини силади.

— Мана буни айиқ ғажиганми дейман?

— Айиққа бало борми, хумпар. Ҳаммаси бўрининг иши. Падарига минг лаънат. Анча тинчиб қолувди-я...

— Энди итсиз ҳолимиз не кечаркин?

— Ўзимиз ит бўламиз, ўзимиз! Кунбўйи итчилик қиламиз! Уқдингми?

— Буларни эртага кўмамиз, кўмишдан олдин «мазгигиппус»га кўрсатамиз. Йўқса, бошни қотиради.

Сой бўйига етолмай ағдарилган бия эса бўриларга ем бўлди.

Ёлдор бўри

Кўк бу кеча тушида яна чавкар билан тўқнашди. Бу гал чавкар уни бўйнидан тишлаб улоқтириб юборди.

Кўк биқинига тумшуғини тираб ётган урғочи бўрини бир ҳидлаб қўйди-да, аста ўрнидан турди. Сўнг олдинги оёқларига тиралганича керишди. Кўкнинг уйғонганини пайқаган бошқа бўрилар ҳам аста ўринларидан туришди. Энг охири урғочи бўри уйғонди.

Кун чошгоҳга етиб, бўрилар ётган қоя панасига ҳам офтоб тушаётганди. Уйғонган бўрилар негадир бугун ўзларини ғалати тутишарди. Улар урғочи бўри атрофида гирдикапалак бўлишарди, гоҳо тўсатдан бир-бирларига ташланиб ириллашарди. Урғочи бўри тишларини қайраб бирортасини ҳам ёнига яқинлаштирмасди. Шерикларига ниҳма бўлганини англаёлмай турган Кўк аста урғочи бўрига яқинлашди. Ҳамиша унга ҳамроҳ бўлиб келган йўлдоши бу гал даҳшатли ириллаш билан кутиб олди. Урғочи бўрининг росмана таҳдиди Кўкни жойида тўхташга мажбур этди. Шундан сўнг урғочи бўри ҳеч нимага парво қилмай, қоя ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Бу сафар бўрилар унга эргашмадилар. Ҳеч нарсага тушуна олмаган Кўк аламдан увлаб юборди. Бир оз ўтгач, қолган бўрилар ҳам ҳар томон тарқаб кетишди. Нима қиларини билолмай ёлғиз қолган Кўк у ёқ-бу ёққа аланглагач, бўриларни чорлаб узоқ увлади. Кейин урғочи бўрининг ҳидини олиб, қоя томон кетди. Доимо адашмай бошқарувчи буюк туйғу уни шунга мажбур этди.

Кўк изни ҳидлай-ҳидлай тепалик томон кетаверди. Қояни айланиб тепадаги сайҳонликка чиққач, урғочи бўрини учратди. У ёлғиз эмас, рўпарасидаги баҳайбат бўрига итоаткорона тикилиб турганди, Кўк бу нотаниш «меҳмонни» биринчи бор кўриши эди. Унинг қаршисида арслон ёлли, туси яшилга мойил, тумшуғи узун, кенг кўкракли, улкан бўри турарди. Бу — сўққабош Ёлдор бўри эди. Овчилар ва йилқибоқарлар негадир бу бўрини муқаддас билиб, уни отишмасди. Гўё буларни тушунгандек, Ёлдор бўри ҳам уларга зиён етказмасди. У билан тасодифан тўқнаш келиб қолган одамлар салом бериб, индамай ўтиб кетаверардилар. Одамлар орасида Ёлдор бўрининг яхшиликлари ҳақида турли мишмишлар юрарди. Тоғда эса ундан ҳайиқмайдиган бўри зоти йўқ эди.

Кўк нимасидир ўзига ўхшаб кетувчи бу бўрига анча вақт тикилиб турди. Ёлдор бўри Кўк томон бепарво назар ташлади. Кейин тек қотиб турган урғочи бўрини ҳидлашга тушди. Мана шу лаҳзада Кўкнинг пайлари таранг тортилиб, кемтик қулоқлари асабий титради, вужуди ғазабга тўлди. У даҳшат билан ириллаганича Ёлдор бўрига ташланди. Ўзини четга ололмаган урғочи бўри унинг тўшига урилиб думалаб тушди. Шу лаҳзадан фойдаланган Ёлдор бўри чап беришга улгурмаганда бўғзи Кўкнинг жағида бўларди.

Умр бўйи аёвсиз жангларни кўрган кекса Ёлдор бўри ярми ит, ярми бўри бўлган бу махлуқнинг ғазабига илк бор дуч келганди. Кўп олишувларда чиниққан ва ғолиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келган Ёлдор бўри бу кураш ҳаёт-мамот жанги эканлигини сезди.

Кўк яна ғазабнок шиддат билан рақибига ташланди. Кекса Ёлдор тирик қолишнинг ягона йўли Кўкни обдон чарчатиш эканлигини биларди. Шунинг учун бу сафар ҳам ҳужум қилмай, уни ўтказиб юборди. Аммо Кўкни бошқарувчи буюк туйғу унинг учинчи марта алданишига йўл қўймади. Кўк бир бўйин олдинга сакраб, оёқларини ерга тиради-да, важоҳатли ириллаб, Ёлдорнинг ҳужумини кута бошлади. Ёлдор қочишни эп кўрмади, тумшуғини пастга эгиб, Кўкка тик келаверди. Бўрининг ҳурпайган ёли ва кенг кўкрагига монанд ингичка бели унга ёввойи қиёфа бағишлаганди. Улар тўқнашгач, ириллашдан тўхтаб, ниманидир кута бошлашди. Майса устида томошаталаб ётган урғочи бўри эса оғзини йиртилгудек очиб, эснаб қўйди. Икки рақиб эса худди кўз уриштираётгандек бир-бирларига тикилиб тураверишди. Урғочи бўри иккинчи марта эснаганда, улар гўё келишилгандек, бир-бирларига тик ташландилар.

Бир зумда иккининг ҳам танаси қонга бўялди. Иккинчи тишлашида Ёлдор бўрининг тили узилиб тушди. Кўк эса лабининг ярмидан айрилди. Майсалар чак-чак томаётган қондан қизил тус олди. Бу ҳал қилувчи олишув эди. Узоқ тишлаб туролмаган рақиб албатта ўлимга маҳкум бўларди.

Қарилик ўз ишини қилди. Кекса Ёлдорнинг пайлари бўшашиб, жағлари қалтирай бошлади. Бу эса муқаррар мағлубиятдан далолат эди.

Бўрининг қуввати кетаётганини сезган Кўк бошини бир силтаб, тумшуғини унинг жағидан ажратиб олди ва ўша заҳотиёқ томоғидан бўғиб ерга босди. Кейин бир-икки ғажиб кекирдагини узиб ташлади. Ер ҳалқоб-ҳалқоб қонга тўлди...

Рақибининг ўлими билан ғазабини сўндирган Кўк на бўрига, на итга хос бўлган одат ила Ёлдорнинг сўнаётган кўзларини ялай бошлади. Бу эса буюк зурёдлик туйғусининг буйруғи эди. У ўз отасини ўлдирганди...

Унинг онаси дайди ит, отаси эса мана шу Ёлдор бўри эди.

Кўк Ёлдор бўрининг жонсиз танаси ёнига ётиб олди. Кейин гўё қилган ишидан пушаймон бўлгандек, юракни ўртовчи мунг билан ув торта бошлади. У ҳар нола қилганда кўзлари намланиб, бир-икки ёш ерга думаларди.

Кўкнинг увлаши тонг саҳардан бўрилар изига тушган Ҳайдар билан Зилолга қўл келди. Кунбўйи Бўри ўнгирда беҳуда кезиб юрган бу икки йилқичи тўппа-тўғри қоя пастидаги сайҳонлик томон юришди.

Одам ҳидини сезган урғочи бўри бир сапчиб ўрнидан турди. Безовталаниб, югурганча ҳид келаётган томонни аниқлади. Кейин увиллаётган Кўк ёнига келиб, бўйнидан тишлаганча уни ўрнидан турғиза бошлади. Кўк ҳам одам исини олди. Аммо ўрнидан турмади. Саросимада қолган урғочи бўри Кўкни ташлаб кетолмай зир югурарди.

Йилқичилар кўрингач, иложсиз қолган Кўк аста ўрнидан турди ва шошилмай тошлар орасига қараб югурди. Урғочи бўри унга эргашди. Йилқичилар биринкетин ўқ узишди. Ўқлар зое кетди. Бўрилар кетидан чопаётганлар ўлиб ётган Ёлдорни кўриб тўхташди. Бўрининг жонсиз танаси чўзилиб, янаям ҳайбатли бўлиб кетганди.

Сабоқ

Чавкар эрта тонгданоқ безовта эди. Қуёш эндигина тиккага кела бошлаган пайтда у зўр бериб уюрни тўплай бошлади. Айғир тарқоқ ўтлаётган отларни зир югуртириб ўтов томон суриб келар, дам-бадам сергак тортиб қотиб қоларди. Отлар ўтов ёнидаги яйловда ўтлай бошлаганларидагина чавкар бир оз тинчиди.

Осмонда парча булут кўринмайди. Тоғ тарафдан эсадиган майин шабада икки кундан бери ўз-ўзидан тиниб қолди. Ердан кўтарилаётган ҳовур ҳамма ёқни дим қилиб юборганди.

Беш қадам юрмай худди зотилжам одамдек ҳарсиллаб жиққа терга ботаётган йилқичилар кўйлакларини ечиб, ўтов соясида ётишарди.

Шу пайт чавкарнинг чўзиб кишнаган овози келди. Отнинг хавотирли кишнашини эшитган Ҳайдар йилқичи ўрнидан турди.

— Ия, уюр нега бу ерга келиб қолди? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Ҳаммасини чавкар бошлаб келган, — деди Зилол.

Ҳайдар йилқичи шу пайт уюр томон ташвишли нигоҳ ташлади-да, ўтовга кириб кетди. Ичкаридан милтиқнинг шарақ-шуруқ овози эшитилди.

— Нима бало, битта-яримтамизни отмоқчими? — Риза шундай деб ғулдиради-да, ўгирилиб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, қаршисидаги махлуқни кўриб қотиб қолди.

Унинг рўпарасида тошдек қотган Кўк турарди.

— Ия!.. Кўк? Ҳайдар ака, Кўкимиз!

Ризанинг гапи оғзида қолди. Ҳозиргина рўпарасида турган Кўк эллик қадамча наридаги харсангда ётган бўрибосар ит томон ўқдек учди.

Ўтовдан милтиқ кўтариб чиққан Ҳайдар йилқичи итни пийпалаётган Кўкка жон ҳолатда бақирди:

— Қайт! Қайт!

Кўк собиқ эгасининг ундовига парво қилмади. У бўйин бермаётган итнинг кўксини тилкалаётганди. Ҳайдар йилқичи милтиқни елкасига тираб мўлжал олди.

— Отманг, Ҳайдар ака! Сиртлонга тегиб кетади!..

— Эй, Зилолжон, Сиртлондан умидингни узавер энди. Бари бир ўнгланмайди...

— Бўри! Бўри!!! — ҳайиқиб бақирди Риза.

Ўтов ортидан югуриб чиққан бўри зич тўпланган уюрга қараб чопаётган эди. Бўрибосарлар ҳаво димлигида қаерларда пусиб ётганини ҳеч ким билмасди. Ҳайдар отларга яқинлашган бўрига милтиқни тўғрилади.

Уюрни безовта ва саросимали депсинаётган айғирлар ўраб туришарди. Ғазабнок пишқириб уюр атрофида зир югураётган чавкар бўри ёнидан чиқди. Ҳайдар йилқичи милтиққа жойлаштирган патроннинг «кўзи» йўқлиги, тепкини босганда отилмай қолгани учун тўнғиллаб сўкинарди.

Бўри билан тўқнаш келган чавкар орқа оёқларида тик кўтарилиб, кишнаб юборди. Олдида тоғдек турган от салобатидан ҳайиққан бўри ириллаганча пусиб қолди. Чавкар тишларини иржайтириб турган бўрининг бўйнидан тишлаб, ён томонга силтаб юборди. Бу ҳодиса шунчалик тез содир бўлдики, ҳатто йилқичиларнинг баъзилари нима қиларини билмай кузатиб туришарди.

— Э, маладес, чавкар! — ҳаяжонини боса олмай бақириб юборди Зилол.

Ғазабга минган чавкар тинчимади. У ерда типирлаётган бўри ёнига келиб, олдинги оёқлари билан тепиб-тепиб унинг бошини ёриб ташлади. Бўри аввал қон қусиб, кейин жон берди.

Олатасирда зум ўтмай аллақаёқдан вовуллаган кўйи итлар пайдо бўлишди.

Уюр орқасидаги айғирларнинг саросимали кишнашлари эшитилиб, тепаликдан яна икки бўри отилиб чиқди. Бўриларни кўрган Ҳайдар йилқичи:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Олапар! Оқтош! Саттор! — дея жон-жаҳди билан итларга бақирди. Лақабларини эшитган итлар эса ўтов олдида турган йилқичилар томон югурардилар.

Зилол анграйиб турган Ҳайдар йилқичининг қўлидан милтиқни тортиб олиб, кетма-кет ўқ узди. Иккинчи ўқдан орқадаги бўри ер тишлади. Бир оз ўзига келган Ҳайдар чўнтагидан иккита ўқ олиб, Зилолга узатди. Омон қолган бўри бурилганча Сиртлон билан олишаётган Кўк томон югурди. Итлар ана шу лаҳзадагина бўрини пайқадилар. Унга биринчи бўлиб Оқтош ташланди. Унинг кетидан қолган итлар ҳам чопишди.

Кўк чалажон Сиртлонни холи қолдириб, пастликка қочди. Уч бўрибосар Кўк билан бўрини қувлаганча кўздан ғойиб бўлишди.

— Риза, отларни эгарла! — бор овози билан бақирди Ҳайдар.

— Катта холамнинг отини эгарлайманми?! — аччиғи қистаб жавоб қайтарди Риза.

Йилқибоқарлар салт миниладиган отларни уюрга қўшиб қўйишганига уч кун бўлганди.

Ўтовдан силтов кўтариб чиққан Зилол ҳали ҳам тарқамай турган уюрга қараб чопиб кетди. Арқон кўрса юраги зириллайдиган чавкар ип кўтариб келаётган Зилолни кўрган замониёқ орқа-олдига қарамай кишнаб жўнаб қолди. Йўлбошчи айғирнинг кетидан қолган отлар ҳам тепаликка, бўрилар пистирма қўйган ёққа чопиб кетдилар.

Уюр тарқалди. Йилқичилар ҳай-ҳайлаганларича отлар кетидан югуришди.

Итлар билан бу сафарги учрашувининг шафқатсиз якунланишини сезган Кўк қочиб қутулиш мумкин эмаслигини ҳис этди. Пистирмадаги шериклари томон борадиган йўл жуда узоқ эди.

Кўк югуришдан тўхтади. Йўлбошчининг ҳужумга шайланганини пайқаган бўри ҳам тўхтаб, орқасига ўгирилди.

Олдинда келаётган Оқтош рўпарасида турган Кўкка ташланди. Кўк азалдан тиш қайраб юрган бу бўрибосарни шафқатсиз кутиб олди. Кучуклик чоғидан уни ёқтирмайдиган Оқтош ҳам «тузлиққа тупурган» Кўк билан жони борича олишарди. Тик қучоқлашганча бирбирларини ғажиётган рақиблар ҳаёт-мамот жангига киргандилар. Бу олишувда табиатан бақувват бўлган рақибгина енгиши мумкин эди. Бир дақиқалик ожизлик эса бу жангнинг фожиавий хотимаси бўларди.

Бўрилар билан олишавериб чапдаст бўлиб кетган Оқтош гарданини «ушлатмаётган» Кўкни босиш учун орқа оёқларига тираниб бор оғирлигини кўкрагига солганча уни ёнбошга торта бошлади. Бу — унинг хатоси эди. Мана шу хато унга ажал келтирди.

Оқтошнинг оғирлигига бардош беролмай ағдарилган Кўк ўз устига тушган итнинг томоғидан ғарч тишлади...

Саттор ва Олапар лақабли итлар билан олишаётган бўри тамоман ҳолдан тойди. Олапар қонсираб кучдан қолаётган бўрининг гарданидан тишлаб, ерга босиб олди. Иккинчи бўрибосар эса унинг биқинидан тишлаб, жон-жаҳди билан тортқилай бошлади.

Талвасадаги Оқтош остидан чиқиб олган Кўк қон таъмидан қутуриб кетганди. Унинг бутун борлиғини ғазаб қоплаб, вужуди фақат ўлдириш истаги билан ёнаётганди.

Бўри гарданини ғажиётган Олапар устига қоплондек отилган Кўк бўрибосарнинг нақ бўйнидан олганди. Унинг кучли жағлари итнинг бўйнини қарсиллатиб синдириб юборди. Кўкнинг бир-икки шиддаткор силтовидан сўнг Олапарнинг танаси бир қоп гўштга айланди. Даҳшатли ириллашни эшитган учинчиит жон сақлаш умидида ўтовга қараб қочиб қолди. Кўк эса унинг ҳам тирик қолишини истамади, у Олапарнинг жонсиз танасини қўйиб, ит кетидан қувиб кетди.

Ўтов олдида йилқичилар қорасини кўрмаган Саттор паноҳ излаб ўтовга кирди. Изма-из етиб келган Кўк ҳам ҳеч нарсадан ҳайиқмай ичкарига ўзини урди.

Ўтов четига қисилиб олган ит шафқат сўрагандек бошини қуйи эгганча ерга термулиб турарди. Бундай ҳолларда итлар бир-бирларини аяшади. Лекин Кўк энди ит эмасди.

Ичкарига важоҳат билан отилган Кўк юввош қотган бўрибосарнинг устига ташланиб, уни кўрпачага босиб олди. Кейин уни худди, қўйдек бир зумда бўғизлаб ташлади. Унинг шиддатидан ўтов силкиниб қимиз солинган шишалар ағдарилиб кетди. Кўрпача юзасида ҳалқобланаётган ит қонига пўкаги отилиб кетган шишадан оқаётган қимиз қўшилиб иргамчик бир ранг ҳосил қилди.

Типирчилаганча ўз қони билан ўтовни булғалаётган бўрибосарнинг умрбод турмаслигини билган Кўк ташқарига чиқиб, пистирма томон йўл олди. У тепалик олдига келиб эндигина пастга тушмоқчи бўлганди, қаршисидаги манзарани кўриб таққа тўхтаб қолди.

Пистирмадаги урғочи бўри билан унинг шеригини олдига солиб тирқиратганча чавкар келаётганди...

Бўйни парвоздаги оққуш бўйнидек олдинга чўзилган, ёли байроқдек ҳилпираб, ҳайиқиш нималигини билмай пишқираётган чавкарнинг важоҳати Кўкни чўчитди.

Йўлбошчи айғир ортидан тошқиндек ёпирилиб уюр келаётганди.

Кучуклигидан отлар орасида ўсган ва бир ҳуришда уюрбоши айғирларни истаган томонга буриб юборадиган Кўк бу сафар чавкарга ташланишга ботина олмади. У бурилиб бўрилар олдига тушганча қочаверди.

Тирик қолиш учун жаг ва тишларига ишонган Кўк бугун оёқларига суянишга мажбур бўлди. Яшаш учун муттасил югуриш керак эди.

Чавкар Кўкнинг галасини (энди уни гала деб ҳам бўлмасди) Бўриўнгир томон қувиб кетди.

Отлар ортидан югуриб, тиллари оғзига сиғмай қолган йилқибоқарлар ўтов олдига келганларида уюр анча олислаб кетганди.

Риза милтиғига суянганча Ҳайдарга қараб тиржайди.

— Нимага илжаясан? — деди Ҳайдар тўнғиллаб.

— Мен аҳмоқ Кўкнинг келганидан қувонибман-а.

Зилол Ризага бирпас анқовсираб турди-да, кейин хохолаб телбалардек кула бошлади. Риза унинг кулгусига заррача ҳам парво қилмай яна вайсай кетди.

— У бўлса ўз гўрсўхталарини нақд тумшуғимиз тагига опкелиб қўйибди-я, тавба. Эҳ, пишмаган калла бари бир пишмас экан-да! — Риза шундай деб пешонасига урди. Сўнг қўлидаги милтиқни қўйиш учун ўтовга кириб кетди.

Риза ичкаридан ҳамма ёғи қонга беланган, узилган кекирдаги ликиллаб турган ит мурдасини судраб чиқди.

— Каттака, бунинг хунини ким тўлайди? Ёдингизда бўлса керак, Қосим подачидан бир эмас иккита қўзичоққа[1] олгандим.

Ўзини босолмай турган Зилол қизишди.

— Сиртлон-чи? Сиртлонни ким тирилтиради? — У бирдан жимиб қолди. Кейин бир нарса эсига тушгандай яна давом этди.

— Ия, ҳалиги бўри билан Кўкни қувиб кетган итлар ичида бу ҳам бор эди-ку! Қандай қилиб ўтов ичига кириб қолди?

[1] Қўзичоқ — коньяк демоқчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шайтан! Ранадо! Ранадо! Ранадо

— Кўк қувиб келган чиқар? — деди Ҳайдар хўрсиниб.

— Бўри кўпайса куппа-кундузи босади, дейишарди. Бу ит уруғлар роса урчиганми дейман, Ҳайдар ака? — деди Риза.

— Йўқ, бу ерда бошқа гап бор.

— Нима гап бўларди?

— Э, Риза, очиғини айтсам, от ғирромни ёқтирмайди. Бугунги машмаша сенинг касофатингга бўлди! Ука, кўнглингга олмагин-у, аммо тўғрисини айта қолай; йилқига касринг урмасдан туриб, тўрва халтангни кўтар! Бундан буён қозон-товоғимиз бўлак бўлади!

Гапга Зилол аралашди.

— Жўра, иззатинг борида жўна! Яна сени биттаяримта от тепиб қўйса товонингга қолиб юрмайлик!

— Йилқингизни елкамнинг чуқури кўрсин, Ҳайдар ака! От мени эмас, сени тепади, ошна! Сенларга кўзим учиб тургани йўқ, дунё кенг, биз ҳам бир бурчагига сиғармиз! Эй, кетмаган асти номард-эй!..

Риза жаҳл билан ўтовга кириб кетди. Ичкаридан идиш-товоқларнинг зарда билан йиғиштирилаётгани овози эшитилди.

Риза қопчиғини орқалаб қишлоқ йўлини қоралаганида, пастлаётган офтоб юзини нуқра булутлар тўсиб, ўтлоққа ола-чалпак соя тушди, уфқ сурма ранг тус олди. Айиқ товоннинг сариқ тугмача гуллари тиришиб, юмила бошлади. Бу бўлажак ёмғирдан дарак эди.

Кечга томон шивалаган ёмғир саҳаргача ёғди.

Тонг отди. Тиниқ осмон юзидаги оқ булутлар бир-бирларига айқаш-уйқаш қоришганларича аста чўққилар ортига ўтиб кетди.

Қуёш акси майсалардаги шабнамларда кўринадиган пайт бўлса ҳамки, отлар ҳамон бостирмада эди. Водий тарафдан эсаётган шабада барглардаги шудрингларни тўкиб, атрофга исмалоқ ҳидини таратарди.

Туни билан ёмғирда ивиган итлар нами кўтарилган тошлар устида бу сафар кўринишмади...

Кўкнинг сўнгги ҳамласи

Сўнгги дамларда касалманд бўлиб қолган Ҳайдар йилқичи ёзнинг бошларида саратон касалидан вафот этди. Унинг ўрнига Зилол катта йилқибоқар этиб тайинлангач, Риза минг бор тавба-тазарру қилиб яна унинг ёнига қайтди.

Қора бия қулунлади. Тойча қуйиб қўйгандек чавкарнинг ўзи бўлиб, фақат холлари қорамтир эди. Зилол унга «Чавкарча» деб ном қўйди. Ҳайдарнинг ўлимидан сўнг қийналиб қолган йилқибоқарлар Ризанинг ўқишга киролмай қайтиб келган Раҳимберди деган жиянини ўзларига ёрдамчи қилиб олишди.

Ўша мудҳиш воқеадан сўнг тузукроқ бўрибосар тополмаган Зилол шаҳарга тушиб, тўртта кучук бола топиб келди. Бу кучуклар Шарқий Европа овчаркалари эди. Катта бўлиб, бўри нусха ола бошлаган бу итларни «Чавкарча» уюр атрофига йўлатмай, кўрган жойида қувиб, тинка-мадорини қуритарди. Отдан ҳуркадиган бу итлар йилқибоқарларга иш бермаса-да, Зилол, бақироқ туянинг бори яхши, деб уларни боқиб юраверди.

Йилқига бўри ораламай, отбоқарлар анча вақтгача тинчиб қолишганди.

Ёзнинг жазирама кунлари тугаб, кузнинг нафаси сезила бошлади. Отлар қовжираган ўтларни хушсиз чимдишар, биқинлари мешдек шишган бўғоз биялар эса эрта келган куз ҳавосини кўтаролмай, ҳолсизланиб тез-тез ётиб қолишарди. Бундай пайтларда «Чавкарча» силжиётган уюрни тўхтатиб, бияларнинг туришини кутиб турарди.

«Чавкарча»га суяниб қолган йилқилар кўпинча ўтов олдида хотиржам ётишарди. Айниқса Риза уни еру кўккка ишонмай қўйганди. Агар Раҳимбердининг икки кундан бери итлар билан ўйнашаётган ғалати ит ҳақидаги хабари бўлмаганда, уларнинг хотиржамлиги узоқ давом этиши мумкин эди. Ҳаммадан Зилолнинг тинчи бузилди. У Раҳимбердининг гапларидан уюр атрофида ўралашаётган Кўкни таниб олганди.

Зилол Кўкни уч кун пойлади. Тўртинчи куни ҳайбати Ёлдор бўрини эслатувчи, аммо кемтик қулоқлари ва кесилган тўмтоқ думидан бўрибосарга ўхшаб кетувчи Кўк пайдо бўлди. Унинг қораси кўриниши биланоқ Зилол ёнида ётган тўрт ит ўша ёққа югурди. Кўк уюрга тескари бўлган тоғ томондан тушиб келган эди. Шу туфайли отлар уни пайқашмаётганди.

Зилолнинг итлари Кўк олдида кучук боласидек кўринарди. Худди онасига талпинаётган кучукчалардек Кўкка ёпишиб, уни ялаб-юлқиётган итларга қараб туриб Зилол нафратланиб кетди. Аввалига ҳамма итларни Кўкка қўшиб отиб ташламоқчи бўлди. Шу тоб хаёлига яшиндек урилган фикрдан сесканиб тушди. Дарҳол ўгирилиб тепалик ортидаги уюрга қаради. Зилол итлар билан бемалол ирғишлаётган Кўкнинг ҳолатини ҳийлага йўйиб, у бошлаб келган бўрилар орқадан отларга ҳамла қилишади, деган ўйга борган ва ўқни беҳуда нобуд қилгиси келмай фикридан қайтган эди.

Ер тагида илон қимирласа сезадиган чавкарнинг ҳотиржам ўтлаётганини кўрган Зилол бир оз тинчланди. Кейин ёнида нафас олмай Кўкни кузатаётган Раҳимбердига гап қотди:

— Ука, бўри деган жонивордан қўрқмайсанми?

«Бўри» сўзини эшитган Раҳимбердининг нафаси ичига тушиб кетди.

— Йў-ў-қ... — аранг гапира олди у.

— Ундай бўлса уюрни бир айланиб чиқ. Отлар орасида бўри юрган бўлса мени чақирасан. Борақол! — Шундай деб Зилол унинг ортидан қувлик билан тикилиб қолди.

Раҳимберди ҳадеганда қимирлаёлмай, унинг қўлидаги милтиққа тикилиб тураверди.

— Нима бало, умрингда милтиқ кўрмаганмисан?

— Кўрганман...

— Нега бўлмаса милтиққа қараб анқаясан?

— Далда бўлармикан?..

— Ия, қўрқяпсанми?

— Қўрқмаяпман, ҳарҳолда қўлда милтиқ бўлса...

— Сен қўрқмасдан боравер, ука! Мабодо отлар орасида бўрини кўриб қолсанг, «қашқи-ир!» деб бақиргину оёғингни қўлингга олиб мен томон қочавер. Кетингдан қувса, бир ўқ билан ерга михлаб қўяман! Юракни кенг қилиб кетавер, ука!

Тоғасидан Кўк галасининг ваҳимали таърифини эшитган Раҳимберди бўри номини эшитиши биланоқ эсанкираб қолган эди. Шу сабабли Зилолнинг ҳазилини англай олмасдан гаранг эди.

Номус ғолиб келди шекилли, Раҳимберди уюр билан ўзи турган ерни чамалаб чиқди. Қочиб қутулишгами ёки Зилолнинг мерганлигига ишондими, хуллас, рангига хиёл қизиллик югуриб, отлар томон одимлаб кетди.

У узоқлашгач, Зилол ўзининг ҳазилидан ўзи завқланиб, мириқиб кулди. Аслида ҳазил қилишни истамаганди. Шунчаки, ҳар эҳтимолга қарши отлардан хабар олиб келишни Раҳимбердига айтмоқчи бўлганди. Унинг ўтакаси ёрилаёзганини сезгач, негадир ҳазиллашгиси ва бир йўла унинг феълини ҳам синаб кўрмоқчи бўлди.

Итлар билан сапчиб-сапчиб ўйнашаётган Кўк ҳеч ҳайиқмай Зилол томон яқин келаверди.

Ўладиган ҳўкиз болтадан тоймайди, деганлари шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлса керак. Куни битганини сезяптими, ё мени пайқамадими? — Зилол шундай деб, милтиқни отишга шайлаб, Кўкнинг яна ҳам яқинроқ келишини кутиб тураверди.

Кўкнинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай кузатиб турган Зилол унинг ҳуда-беҳуда сакрамаётганини, аксинча, итларга ниманидир ўргатаётганини пайқаб қолди. Шундан сўнг бу ўйинни охиригача кўришга қарор қилди.

Тилларини осилтирганча Кўк ёнида тинмай сакраётган итлар гоҳо-гоҳо унинг бўғзига ёпишиб қолишарди. Ана шу дамда Кўк итни ерга босиб олар ва зум ўтмай қўйиб юборарди. Ўрнидан туриб олган ит гўё хатосини англагандек, энди унга тик ташланарди. Кўк ҳам тик қарши олиб, итга ўз томоғини қўйиб берарди. Агар рақиби унинг бўйнидан тишлай олмаса, Кўк хато қилган итнинг гарданидан аябгина тишлаб секин ерга булғаларди. Мабодо ит унинг нақ бўғзидан олса, Кўк атайин ит остига йиқиларди.

Ит зотига аёвсиз қирғин келтирган Кўкнинг бу қилиқлари Зилолни ўйлатиб қўйди. Энди у Кўкни отишга ҳам иккиланиб қолди. Худди унинг бир қарорга кела олмаётганини сезгандек Кўк ҳам тобора яқинлашаверди. Орадаги масофа йигирма қадам қолганда Зилол ҳаяжонини боса олмай ўрнидан туриб кетди. Кўк ҳам унга боққанича донг қотди. Итлар эса парвойи палак, ҳамон кучук боладай суркалишарди.

Зилол милтиқ оғзини Кўкнинг пешонасига тўғрилаб мўлжал олди. Шу пайт қулоқлари остида қалтироқ товуш эшитилди.

— Тепкини босақолинг... — Бу Зилолнинг ортида дир-дир титраётган Раҳимбердининг овози эди.

Кўк ҳеч нарсадан ҳайиқмай, ажалга тик боқиб турарди. Агар у инсонлар тилида гапира олганида, Зилолга икки оғизгина: «Кўряпсан-ку, якка-ёлғизман! Тушунмаяпсанми бир ўзим келганлигимни!» деган сўзларни айтган бўларди. Афсуски у гапира олмайди.

Зилолнинг юраги гупиллаб, баданини совуқ тер босди. У Кўкнинг ўткир нигоҳига ортиқ чидай олмаслигини сезди.

— Босинг тепкини!

Зилол беихтиёр тепкини босди. Ўқнинг гумбурлаган овозига юракни ўртовчи аянчли ангиллаш қоришиб кетди.

Ўқ овозидан чўчиган Кўк жон ҳолатда тоғ томон қочаётганди.

Тепки босилишидан ярим дақиқа олдин ўйноқлаб ўзини Кўк устига отган итнинг биқинини ўқ ўпириб юборганди.

Зилол ўз итини отиб қўйиб, бу сафар ҳам Кўкни бой берди. Доғда қолган йилқичи аламидан бор овози билан гарангсиб турган Раҳимбердига бақирди:

— Ҳе, энангни... сенинг. Нега тепкини бос, дединг?!

Орадан роппа-роса ўн кун ўтди. Бу кунлар ичида Кўк бирор марта ҳам қорасини кўрсатмади. Зилол ҳар куни унинг келишини пойларди.

Ўн биринчи куни эрта тонгда ҳавога булут чиқиб, атроф рутубатга бурканди. Кузнинг илк ёмғир дараклари эшитилди. Пешингача Кўкни пойлаган Зилол милтиғини Раҳимбердига бературиб:

— Сен кўз-қулоқ бўлиб тур! Мен бориб овқат олиб келаман, — деб тайинлади.

— Овқатни Риза акамнинг ўзлари олиб келадиларку? Овора бўлиб ўтирасизми?

— Оёқнинг чигилини ёзай, назаримда оёқларим занглаб қолгандай бўляпти. — Шундай дея у ўтов томонга кетди.

Ўтов ёнига яқинлашиб қолганида кажавали мотоцикл ёнида Риза билан гаплашиб турган одамни кўриб қадамини тезлатди. Зилол яқинлашган сари бегона одамнинг қиёфаси унга таниш кўринаверди.

Зилол илжайиб келаётган одам қаршисида тўхтади.

— Э, мазгигиппус, бормисиз?! — ҳазиллашиб қичқирди Зилол.

— Кўриб турибсиз-ку, бор эканманми?! — деб қучоғини очди Расулжон. Улар қучоқлашиб кўришдилар.

— Биз томонга бошқа қадам босмасангиз керак деб ўйлагандим.

— Ўзим ҳам аввалига шундай қарорда эдим. Ўйлаб кўрсам шаҳар кўрган така эканман!..

Зилол ўзининг бир пайтлар унга айтган гапларини эслаб кулиб юборди.

— Ҳаммадан ҳам отларни соғиндим, — деди Расулжон.

— Бутунлай келдингизми?

— Онамни ҳам кўчириб келдим! Тўйни ҳам шу ерда қилмоқчиман!

— Чавкар эсингиздан чиқмадими?

Зилолнинг гапи чала қолди. Шу пайт гумбурлаган ўқ овози эшитилди.

— Милтиқни ким отди? — хавотир билан сўради Расулжон.

— Падарига лаънат, кетишимни пойлаб турган экан-да...

Зилол ўпкаси оғзига тиқилиб, уюр томон югурди. Ҳеч нарсани тушунмаётган бўлса-да, Расулжон ҳам унинг кетидан чопди. Ўтов ичидан Риза отилиб чиқди.

Милтиқ иккинчи марта гумбурлаганида улар ўтлоққа етиб келишди.

Уч итни эргаштириб олган Кўк чавкарга ҳужум қилаётганди.

Зилол қўрқувдан ўзини йўқотиб, даф-даф титраётган Раҳимбердининг қўлидан милтиқни тортиб олди-да, Кўкни мўлжалга олиб тепкини босди. Бироқ тепкининг шиқиллашидан бўлак ҳеч вақо эшитилмади. Зилол шундагина иккала ўқ ҳам отилганини эслади. Жон ҳолатда чўнтакларини кавлади.

— Риза, ўтовга чоп! Ўқ йўқ! — Зилол шундай деб чавкар билан олишаётган Кўк томон югуриб кетаётган Расулжоннинг ортидан чопди.

Икки итни тепиб думалатган чавкар аранг ўзини ўнглаб олди, итлар билан овора бўлиб қолганда унинг ёнига келиб олган Кўк айғирнинг ҳалқумини мўлжалга олиб сапчиди. Чавкар жон аччиғида кишнаганча тик кўтарилди. Отнинг ҳалқумидан ололмаган Кўк жонжаҳди билан унинг тўшига ёпишиб, осилиб олди...

Чавкарнинг кўз ўнгида бундан икки йил аввал Кўкнинг унга қилган илк ҳужуми намоён бўлди. Ўшанда Кўкни тепиб абгор қилган чавкар унинг қайта турмаслигига ишонганди. Аммо Кўк ўрнидан тура олди...

Йўлбошчи айғир тўшига осилиб, уни ағдармоқчи бўлаётган рақибининг қасос ҳиссида жангга кирганини сезди.

Ҳаёт баркамоллик учун муттасил курашни тақозо этади. У тириклик учун инъом этган қисқагина муддатига бешафқат ва катта тўлов сўрайди. Яшаш — бетиним курашдир. Ўлим — хотима! Тирикликнинг аччиқ ҳақиқати эса — маёғи нуқтадек кўринадиган йўл...

Чавкар Кўкни тепиб мажақлашдан ўзга иложи йўқлигини ҳис қилди. Уни яксон қилиш учун бор оғирлигини солиб, Кўкни босганича ерга ағдарилди. От тагида типирчилаётган Кўк сўнгги нафасигача тишлаган жойини қўйиб юбормади.

Кўзлари қинидан чиққудек бўлиб ётган отнинг тепасига келган Зилол милтиқнинг қўндоғи билан Кўкнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

жағига қаттиқ бир уриб ажратиб олди. Шундан сўнг айғирнинг ғажилган тўшидан қон сиза бошлади. Чавкар ўрнидан турмоқчи бўлиб интилди. Расулжон эпчиллик билан отнинг устига ўзини ташлаб, уни гавдаси билан боса бошлади ва Зилолга қичқирди:

— Отнинг туришига йўл қўйманг. Арқон билан оёғини боғланг!

Зилол бир қулочча туя пайидан тўқилган арқончани олиб чаққонлик билан айғирнинг оёқларини чирмаб боғлади. Шундан сўнг чавкар бошини ерга қўйган кўйи узала ётиб қолди.

Расулжон уюрбоши айғирнинг ярасини кўздан кечираркан, Зилолнинг наматдан тўқилган қалпоғини сўраб олди.

— Қалпоғингизни ёқамиз энди, хафа бўлмайсиз!

— Э, чавкар учун агар ўтовни ёқсангиз ҳам розиман-э!

Расулжон чўнтагидан зажигалкасини чиқариб қалпоқнинг учидан тутатди. Зилол ёниб қоракуя бўлаётган кигизни чавкарнинг ярасига босди. Чўғдек наматнинг азобидан жонини қўярга жой топа олмаётган чавкар пишқириб тўлғанар, оёқлари боғлиқ бўлгани туфайли ўрнидан тура олмасди.

— Э дўстим, бу ҳаётни чидаганга чиқарган, сал оғирроқ бўл энди, — деди Расулжон худди одамга гапиргандай чавкарнинг бошини силаб.

Ўтовдан дори олиб келган Риза милтиқни ўқлади. Кейин жон беролмай қон қусаётган Кўкка қуролни тўғрилаганди, Расулжон милтиқнинг қувурини тепага кўтариб деди:

— Керак эмас, ошна. Қўйиб бер, ўз ажали билан ўлсин!

Бу воқеаларни индамай кузатиб турган Раҳимберди томчилай бошлаган ёмғирнинг кучайишидан чўчиб ўтов томон йўртди...



НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆

Қадим-қадимларнинг эй улуғ товши,
Мен сени тинглайман юрак ютиб, жим.
Тинглайман:
«Қисматнинг кўкраги тошдир,
Дунёда бахтиёр бўлмаган ҳеч ким!»
Фақат бардош қолур ёруғ жаҳонда,
Бардошнинг бағрида шуълаланган ком.
Дўстлар, «Шашмақом»нинг илдизи қонда,
Қоннинг юрагида янграр «Шашмақом».
«Шашмақом», бу — бир жом,
Бу бир олтин жом,
Бу азиз оламдан ўтгувчи ҳар жон
Ўз кўнгил шаробин қуйиб сипқорар.
Бу жомда порлайди оташин илҳом,
Хаёл музликларин куйдириб борар;
Куйиблар сипқорар,
Суйиб сипқорар...

«Шашмақом», у — бир қиз,
Соҳиби жамол,
«Ойни уялтирар қошлари — ёйи».
Кулиб туриб сизни йиғлатар хушҳол,
У — бир қиз,
Йиғлаган сари чиройли...

Мен бу куй наҳрида суздим ҳубобдек,
Теппасида қушдек учдим чарх уриб.
Руҳимга пайваста бўлди доим эрк,
Яйрадим аждодлар хаёлин суриб.
Яйрадим ва туйдим бахтиёрлик — чўнг,
Кенгайгандек бўлди кўкрак қафасим.
Поклади зеҳнимни куйлардаги мунг,
Сўзлардаги олов тоблади сасим...

Ҳей, мени кечирсин Ғарб, Жануб, Шимол,
Фақат Шарқда бордир бундоқ мусиқа!
Фақат Шарқ, сеҳрли мусиқа мисол,
Бўзлаган, чўммаган қуш уйқусига.
Тилларнинг остида гавҳартош янглиғ
«Шашмақом» асралди ёдаки — бедор.
Гоҳ подшо бўлиб, гоҳ девона, далли,
Шарқ уни куйлади такрор ва такрор.
Куйлади мазлумлик фаслида бот-бот,
Куйлади Инқилоб тантанасида.
Бу дарё шамоли уфурар ҳаёт,
Токи дард бор экан халқ нафасида.
Бадном бўлаверар «сувинг ҳаром» деб,
Унга тупурмоқни истаган каслар,
Саҳролар кўксига гул-чечак тақиб,
Гулшанлар яратиб оқар сар-басар.
Зеро у сийрати эрур ўзбекнинг,
Демак, қисматида мангулик қоим.
Юнус Ражабийдек устозлар элни
Бу дарё васлига етаклар доим...

Не чоғлик фахр бу, не чоғ бахт, кўринг!
Айтмоқ қийин оддий сўз билан:
Бу юксак дарёнинг гулдур-гулдурин
Тингламоқ мумкиндир энди кўз билан!

Бу фахр тарихлар қатига сингди,
Сингди келажаклар тубига маҳкам.
Кўз билан куйламак мумкиндир энди,
«Шашмақом»ни куйлар гунгу карлар ҳам!..

Умр, бу эл-юртга хизмат қилмоққа
Берилган имкондир, имкондир қутлуғ.
«Шашмақом» — ўзбекман деб керилмоққа
Юртим фарзандига беҳоён ҳуқуқ!
Бу дарё кўксида ҳаёт нафаси,
Бу дарё тубида марварид, маржон.
Бу дарё унутмас ўз фидойисин,
Бу дарё ҳайқириб жўш урар ҳар он,
Оқаверар, оқаверар асрлар бўйи.
Санъат шайдоларин ўтида ёқар,
Ёқаверар, ёқаверар асрлар бўйи.

Эшаги билан учишни хоҳлаган ҳамқишлоқ ҳақида кечаги ҳикоят

Икки қишлоқ.
Икки қишлоқ ораси — пахтазор майдон —
Қишлоқлардан кенг.
Икки қишлоқ орасида борди-келди бор,
Таниш-билиш,
Қариндош-уруғ дегандек.
Ўтиши керак айланиб
Бу пахтазор майдонни ҳамма.
Шубҳасизки,
Ўтмас айланиб
Бу пахтазор майдонни ҳамма,
Шубҳасизки,
Беш-ўн қадам ортиқ йўл юриш
Кўпчиликка келади малол.
Қарабсизки,
Пайдо бўлар ёлғизоёқ йўл
Пахтазор майдон ара.
Ҳар йил ялпи шудгор қилинар
бу пахтазор майдон,
Ҳар йил ялпи чигит экилар
Бу майдонга ҳам,
Ёлғизоёқ йўл тушар ҳар йил
Бу майдонга.
Ёлғизоёқ йўл боис,
Тўғрироғи,
Ёлғизоёқ йўл ҳисобига,
Қанча меҳнат кетади бекор.

Бригадир неча бор ўйлади буни,
Неча бора мажлисга солди,
Бир натижа чиқмади.
Ахийри, қасд қилди
Таъзирини бериб қўймоққа
Ёлғизоёқ йўлни очувчиларнинг!

Эртаз баҳор,
Ғўзалари унганда текис,
Ётди йўл пойлаб.

Бир маҳал, қараса,
Бузғунчи келар,
Келар — пиёдамас,
Эшагини йўрттириб.
Бамайлихотир.
Келар ўша, ҳамишаги
Ёлғизоёқ йўлнинг ўрнидан,
Бамайлихотир.
Келар аллақандай бир ашулани
Қилиб хиргойи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келар ғўза ниҳолларин
Пайхон қилиб,
Бамайлихотир.

Буни кўриб юзларидан қон
Қочди бригадирнинг
Ва югурди бузғунчи истиқболига,
Томоғига тиқилиб нафас:
«Аммо, нима қилсам-қиламан», дея.

Майдоннинг қоқ ўртасида
Дуч келди икков.
Бригадир қараса,
Қўшниси — Мамарайим.
Мамарайим қараса,
Қаршисида бригадир —
Авзойи чатоқ.

Бу гаплардан бехабар эшак
Юришда этди давом...

Бир қўли билан эшак юганин тутиб.
Бошқа қўли билан олиб
Ёқасидан Мамарайимнинг,
Қотди бригадир.
Ғазабидан қалтираб-қақшаб,
Сўзга келмай тил.
Узуқ-юлуқ гаплар чиқди
Бир муддат ўтиб
Оғзидан бригадирнинг:
— Ноинсоф!.. Пахтани!..
Садқаи одам кет!.. Садқаи!..

Мамарайим билди:
Мум тишлаш лозим,
Ортиқчадир ҳар қанақа сўз,
Ёниб турган оловга лампа-мой қуймоқ —
Билан тенгдир — сўзламоқ ҳозир!
Тураверди жим,
Эшаги мисол.
Тураверди, бригадир
Ҳовридан сал тушгунга қадар.

Бригадир-ку ҳовридан тушди,
Бироқ боши қотди
Энди қандай йўл тутмоқ керагин билмай.
— Бўшат, — деди, — майдонни, қани?!
Бўшат, лекин бошқа бирор туп
Ғўза ниҳолига зиён етказмай!!.

Эшак — эшак,
Қаён юрмасин,
Иложи йўқ ғўзани босмай.
У ён — ғўза,
Бу ён — ғўза,
Ғўзадир ҳар ён...
Шунча кўпки,
Шунчалар кўпки,
Жой йўқ оёқ босишга ҳатто...
Аламлари келди Мамарайимнинг,
Аламидан йиғлаб юборай деди!..
Баттар эди аҳволи бригадирнинг ҳам.
Лекин билар эди бригадир —
Ким ҳақ эканин,
Ўзининг ҳақлигин билар эди у,
Шу нарса берди ҳуқуқ
Бақирмоққа Мамарайимга...

— Нетай, ахир, ҳов! — деди
Мамарайим бўғилиб, —
Олдинга юролмасам,
Орқага юролмасам!..
— Уч, — деди бригадир, —
Осмонга уч, — деди у,
Миясига келган фикрдан хурсанд, —
эшак-пешагинг билан!..
Отлар учганини эшитган эди,
Мамарайим, эртакда,
Лекин эшак учганин...
Кўрмаганди тушида ҳам ҳеч.

Воқеанинг қандай тугаганлиги
Бизга қоронғу.
Балки ҳамон тургандир улар —
Бригадир, Мамарайим ва эшак
Ўртасида пахта майдонин.
Балки ҳамон зуғум қилар
Бригадир — Мамарайимга
Уч, деб, эшагинг билан.
Балки ҳамон Мамарайим
Истар эшагининг қанот чиқариб
Қилишин парвоз.

Учгандир ҳам эшак эҳтимол.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўстлар

Ҳикоя



Нормурод Норқобилов

Расмни **Х. Лутфуллаев** ишлаган

Улар мактабда ўқиб юришган даврларидаёқ тўн кийиб дўст тутиндилар. Изғиринли кунларнинг бирида оталари бекорчиликдан зерикиб, бири иккинчисига шундай деб қолди: «Жў-ўра, қараб турсам, болаларимиз жуда оқибатли кўринади. Шу-у, битта жонлиқ сўйиб иккисини дўстлаштириб қўйсак, бизга ўхшаб бир майизни тенг бўлиб ейишса, нима дединг?» Бу гап унисига ҳам маъқул тушди: «Чин гапни айтдинг, ошна», дея боқувдаги қора қўчқорини бўғизлаб, дилтортар оғайниларини оқшом меҳмонга чорлади. Буниси гуручи билан ичимлигини кўтарди...

Ўша оқшом икки бола қишлоқ оқсоқолининг айтганларини сўзма-сўз такрорлаб, бир умрга дўст бўлишга қасамёд қилдилар.

Мактаб йиллари ҳам ортда қолди. Эндиликда ҳар икковиям учтадан боланинг отаси. Берди ферма молларини боқади, Салом эса район марказидаги қурилиш ташкилотларидан бирининг машинасини ҳайдайди. Шанба-якшанба кунлари, унинг таъбири билан айтганда, одамга ўхшаб дам олади. Берди эса ҳордиқ нималигини билмайди, йил — ўн икки ой пода ортидан юргани-юрган.

— Ҳой, нафини билмаган, тентак! — дейди Салом баъзида унга ичи ачиб. — Қачонгача пода кетидан чанг ютасан, ташла бунақа ишни! Ёнимга ўт... бирга ишлаймиз.

— Э-э, қўйсанг-чи, — дейди Берди қўл силтаб, — одамни кўп безорижон қилаверма. Биласан, бари бир гапингни олмайман.

— Олмай ўл! — дейди Салом бўғилиб. — Туриш-турмушингни қара, эгнингдан тезак ҳиди келади... Чўнтагингда шопирлик гувоҳноманг бўлатуриб, шу иш сенга эпми? Начайникка айтайми ўзим?

— Мошин ҳайдаш эсдан чиққан-да, жўра! — Бердининг сира ён бергиси келмайди. — Тағин у ер-бу ерга урриб... давлатнинг нарсаси, товон тўлаб юрмай.

Дўстлар мактабни тугатган йили шофёрлик курсида ўқишган эди. Салом шу касбнинг бошини тутиб кетди. Берди эса отасининг қўлидан заранг таёқни олди. Аниқроғи, отасини (унинг боди бор эди) катта докторларга қаратгани шаҳарга жўнатди. Болалигидан подачиликнинг ҳадисини олган эмасми, ишни бемалол уддалаб кетди. Отаси шаҳарда бир ойча даволаниб уйга қайтгач, энди пода ортидан юришга ярамаслиги маълум бўлди. Буни эшитган ферма мудири Бердини аврай бошлади. Аммо аврашнинг ҳожати йўқ эди. Негаки сут соғувчи қизлардан Ҳадича деганини биринчи куниёқ у яхши кўриб қолганди. Подани ҳайдаб қайтгач, қизнинг атрофида парвона бўлар, ишига кўмаклашарди. Бунга жавобан қиз ширин табассумлар ҳадя этар, барча юмушларни бажариб сўнг қишлоққа бирга қайтишарди... Шу-шу Берди фермада қолиб кетди. Ҳадича ҳалиям сут соғади. Қўчқордай учта ўғиллари бор.

Подачилик айримларга диққинафас, зерикарли кўринса-да, Бердига ниҳоятда ёқар, қиш билан саратон чилласини айтмаганда, дунёда бундан аъло иш йўқ, деб ўйлар эди. Айниқса, кўклам кезлари... Сигир — кўп ювош жонивор, ушоқ молларга ўхшаб дайдимайди, бир жойда ўтлаб юраверади. Пода бошини қирга буриб қўясан-да, бирор тепаликка чиқиб ёнбошлайсан. Теварак-атрофинг кўм-кўк, майин баҳор еллари юзингни силайди. Шишадек тиниқ осмонда тўрғайлар муаллақ қотиб, вижир-вижир сайрашади. Кўз зўрға илғайдиган юксакликда бургут сузади. Шундоққина оёқнинг остида эса бутун бошли бир олам ҳаракатда: чумолилар карвони тиним билмайди, икки гўнгқўнғиз «копток» талашади. Бири ўлиб-тирилиб гўнгдан «копток» ясаган, иккинчиси тайёрга айёр — буни тортиб олмоқчи. Кўкат

www.ziyouz.com kutubxonasi

япроғидаги хонқизи қанотларини гоҳ ёзиб, гоҳ йиғиб, учишга узоқ тараддуд кўради, охири учолмай ерга қулаб тушади.

Берди ҳашаротларнинг хатти-ҳаракатларини соатлаб томоша қилиб ўтиради, зерикиш нималигини билмайди. Чумолилар-ку кун бўйи эрмаги. Аввал уларни нон ушоқлари билан сийлайди. Чумолиларнинг ҳамжиҳатлигини кўриб завқи тошади. «Ҳа, бўш келма! Торт-а! Нимага анқайиб турибсан, пойчасидан олсанг-чи! Ҳи-и, ана шундай», дейди тиззасига уриб. Кейин таёғини уларнинг йўлига кўндаланг қўяди. Чумолилар бир зум эсанкираб туришади-да, сўнг душман қалъасига ҳужум қилган аскарлардай силлиқ таёқ сиртига тирмашишади. «Ў-ў, силарга ҳеч нима писандмас», дейди Берди уларни мақтаб. Бу орада коптогини думалатиб яна битта гўнгқўнғиз пайдо бўлади. Берди унинг коптогини тортиб олгач, қўнғиз жон ҳолатда чир айланиб қидиринади. Берди ҳи-ҳилаб кулади...

Бундай беозор эрмакка у болалигидан кўниккан эди. Ҳашаротлар оламидаги ўзига хос қатъий тартиблару рақобатларни, қурт-қумурсқаларнинг қилиғини беш қўлдай билар, бу тўғрида истаганча ҳикоя қилиб бериши мумкин эди. Лекин эшитадиган қулоқ йўқ. Ўғиллари унинг бу ҳикояларидан кўра «мултик»ни афзал кўришади. Берди ноилож телевизорга тикилади: «О-ла, ҳеч замонда чумоли шиллиққуртга ошна бўлганми? Ўтирик-ку[1] бу. Чумолилар уни еб ташлайди-ку. Каттатевада шундай бир воқеани кўрганман...» Шунда болалари бараварига хўмрайиб қарашади: «Ота-а, бирпас гапирмай ўтиринг». Бердининг энсаси қотиб: «Хўп, мана жим бўлдик. Ўтирик нарсанинг нимаси ёқади силарга, ҳайронман... Кампир, чойингдан қуй!» дейди юзини четга буриб. Унга куй-қўшиқ бўлса бас — жон қулоғи билан эшитади. Даштга чиққанида ҳам кичкина радиоприёмникни ёнида олиб юради.

Даштда қўзиқорин униб чиққан кезлари Бердининг куни туғди, деяверинг, ҳар куни кабобхўрлик қилса-да, меъдасига тегмайди. Қўзиқорин кабоб тайёрлашни тантанали йўсинда ўтказади. Ўтган йилги тезак ва оққурайларни бир тўп қилиб гулхан ёқиб юборгач, хуржун тубига ташлаб қўйилган тўртта сихни олади-да, битталаб қўзиқорин теради. Туз сепиб, сихларни чўққа қўяди. Ана шундан кейин унинг ёқимли ҳидини искаб тўймайсан... Берди бу ишларни чордона қуриб ўтирган кўйи бажаради. Атай шундай қилади... Негаки, бундай дақиқаларда дашт ёлғиз ўзига дахлдордек туюлади — ўзи хон, кўланкаси майдон.

Пода фермага қайтганида Берди учун яна масъуд дамлар бошланади. Ҳадича, эгнида оппоқ халат, қўлида аччиқ кўк чой дамланган термос, юз-кўзида табассум билан: «Ҳорманг энди, отаси», деб қарши олади. Ҳарчанд уринмасин, Берди лаб-лунжини йиғиштиролмай, «Бор бўл!», дейди оғзининг таноби қочиб. Кейин фермахона биқинидаги лиқилдоқ сўрига чиқиб ўтиради-да, сигир соғаётган хотинидан кўзини узмай, узолмай, чойни майдалайди. Ичган сайин кўнглида ажиб туйғулар жунбушга келиб, ҳар қултум чойни роҳатланиб ютади... У сархуш ҳолатда анча ўтиради. Тинчини ҳеч ким, ҳатто бақироқ ферма мудири ҳам бузишга ботинолмайди.

Ҳадича эрига бўлган меҳрини, унинг меҳнатини нечоғли қадрлашини шу тарзда жўнгина ифода этади. Эри бундан қанчалик лаззат топишини яхши билади. Билгани учун ҳам кундалик одатини канда қилмайди.

Сигирлар соғиб бўлингач, эр эшакка миниб, хотин пиёда, гурунглашганча, уйга қайтишади. Эшикдан уч ўғил югуриб чиқади. Каттаси эшакни боғлаш билан овора бўлаётганда ўртанчаси Бердининг қўлига сув қуяди, кичиги бўйнига осилади...

Бердининг умри шу зайлда масъуд ўтаётгани Саломнинг хаёлига ҳам келмайди. Назарида, дўсти пода ортида юриб хор бўлаётгандек. Уззукун ёлғиз зерикмаганини бунинг, деб ўйлайди таажжубланиб ҳар сафар гапига кўндиролмасдан.

Салом кеч пешинда ишдан қайтиб, ҳуши келса, томорқасида куйманади, йўқса титилиб кетган эски қартасини чўнтагига солиб магазиннинг олдига чиқадида, ўзига ўхшаш «бекорчи»ларни топиб қарта ўйнайди. Ютқазган одамнинг яримта олиши бор... Оғзига озгина тегдими, Салом кенгликни, овни қўмсаб қолади. Қўшнисига минг ёлвориб кичик калибрли ов милтиғини олади-да, қишлоқ биқинидаги тутзорга бориб кун ботгунча чумчуқ отиб ўтиради. Чумчуқ гўштига тоби йўғ-у, эрмакка отади. Қуролни эгасига қайтараётиб афсус билан бош чайқайди:

— Эҳ-ҳ, милтиқ дегани пақиллаб отилса экан. Шуям милтиқ бўлди-ю...

— Борига шукр қилсанг-чи, — дейди қўшниси ранжиб.

Саломнинг отаси Тошпўлат уста зўр мерганлардан эди. Салом ҳам қўли бўш қолди деганча овга чиқиб кетарди. Аммо тоғ бағрида қўриқхона ташкил этилдию Шоди участкавой уйма-ўй юриб, кимда ов милтиғи бўлса, йиғиштириб олди. Салом кўп қайғурди. Гоҳ-гоҳ овни хумори тутиб қийналиб кетади. Овчилар жамиятига аъзо бўлиб янги милтиқ сотиб олай деса, ортиқча даҳмазаси кўп. Аъзо бўлмай деса, овнинг хумори ёмон. Қўшнисининг «индамас»ини қўяверинг... Шу йил баҳорда бир ўртоғи Бешкапалик кекса овчи милтиғини сотармиш, деган гап топиб келди. Салом дарҳол харидор бўлди. Шу милтиқ туфайли Берди билан биринчи бор қаттиқ уришиб қолдилар.

Салом Бешкападан қайтиб келаётиб, йўл-йўлакай машинасини пода ёйилиб юрган даштга бурди. Сотиб олган матоҳини дўстига кўрсатиб мақтанмоқчи эди.

Берди дўнглик устида ёнбошлаганча ётар, шундоққина тепасида муаллақ туриб қолган тўрғайнинг вижирвижиридан сармаст эди. У дўстини кўриб қувонганидан ўрнидан туриб кетди. Оғзидаги носни тупуриб ташлаб, кафтининг орқаси билан лаб-лунжини артди. Бошини қашиб ишшайди.

Салом одатдагидек унинг елкасига қоқиб сўрашди.

— Қалайсан, жўра! Бу дашт ҳалиям жонингга тегмадими?

Берди унинг гапига парво қилмади. Кўзи милтиқда эди.

— Э, бу нимаси?

— Милтиқ... — деди Салом чўнтагидан сигарет олиб тутатаркан. — Бешкапалик Аваз овчидан сотиб олдим. Бечоранинг кўзи овга ўтмайдиган бўп қопти.

Берди милтиқни қўлига олиб, худди биладиган одамдай, уёқ-буёғини кўздан кечирди. Кейин дўстининг кўнгли учун мақтаб қўйди.

— Яхши милтиқ. Ўзиям бир қўчқорнинг пулига олгандирсан?

— Сал камроққа, — деди Салом ундан милтиқни олиб. — Энди, жўра, қишда хотиннинг пинжига кириб ётмаймиз, вақти-вақти билан оёқнинг чигилини ёзиб турамиз...

— Ҳужжати йўқ нарсани сотволиб бекор қипсан, — деди Берди тоғ этагида қорайиб турган арчазорга назар ташлаб. — Бари бир қўриқчилар тортиб опқўяди.

[1] Ўтирик — ёлғон (шева).

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Берадиган аҳмоқ йўқ.
— Айтдим-қўйдим-да.
Салом чўнтагидан иккита ўқ олиб милтиққа жойлади. Берди ҳушёр тортди.
— Э-э, нима қиляпсан? Подани ҳуркитасан.
— Ҳи-и...
— Гуррайма.
— Гурраяётганим йўқ.
Салом тепага қараб милтиқ бўшатди. Йигирма-ўттиз қадам нарига нимадир тап этиб тушганини Берди кейин пайқади. Салом ўша томонга лўкиллаб чопди. Қандайдир қушнинг қанотларини ёзиб шодон қичқирди:
— Қара, калласини узиб кетибди. Кўзим мўлжални йўқотмабди.
Берди унинг ёнига бориб, қушни қўлига олди.
— Э-э, тўрғай-ку!
— Нима бўпти?
— Тўрғай... ҳозиргина тепада вижир-вижир қилиб турганди-я, — Бердининг ичи туз сепгандай ачишди. — Ҳозиргина тирик эди-я! Нима қип қўйдинг сен? Ўлай агар одам-подам эмассан! Тағин иршаяди...
— Ай-й, хотинларга ўхшаб, кўп оҳ-воҳ қилаверма.
— Милтиғим бор, деб кўринган нарсани отаверадими киши? Бугуноқ Шоди милисага бориб айтганим бўлсин. Милтиғингни опқўйганини бир томоша қилай.
— Бор-бор! Фақат бошингга рўмол ёпиб бор!
— Нима деганинг бу?
— Хотинга ўхшайсан-да!..
— Э, нимага унақа дейсан?
— Бўлмаса нима?.. Ҳар нарсага оҳ-воҳ қилаверадими? Эркак одамга бу ярашмайди, жўра! Қўйиб берсам, шу бир парча этни деб кўнглимни хира қилмоқчисан.
— Нимага энди бир парча эт бўларкан. Тирик жонивор эди-ку, бу. Кун бўйи қаватимда учиб-қўниб юрган эди... Келасолиб ўлдирдинг-қўйдинг!
Хуллас, Салом у деса, Берди бу деди. Қаттиқ уришиб қолдилар. Азбаройи қизишиб Саломнинг оғзидан ножўя сўзлар чиқиб кетди. Берди ҳам бўш келмади, саратон чилласида сўнадан қочган молни сўккандай, бир сўкиш қилдики, Салом ғазабдан қотиб қолди...
Дўстлар бир ҳафтагача қовоқ-тумшуқ қилиб юрдилар. Охири Салом чидамади, яримта ароқни қўлтиғига қисиб, кечқурун дўстининг уйига ўтди. Берди ўтирган жойидан турмаган бўлса-да, хотинига палов буюрди. Бу ярашувга дастлабки ишора эди...
Ўшандан буён дўстлар яна апоқ-чапоқ.

Ерга биринчи қор тушган куни Салом элга ош бериб, кичик ўғлининг қўлини ҳалоллади. Таомилга кўра, Берди тўйда тўн кийди. Салом бу тўнни дўсти учун атай тиктирган эди, уни ўз қўли билан Бердининг елкасига ташларкан, миясига ярқ этиб шу фикр келди:
— Берди, айни мавруди, катта ўғилларни дўст кириштириб қўймаймизми?
Ҳамманинг кўз ўнгида хижолат тортиб, тўннинг иккинчи енгини киёлмай қийналиб турган Берди қизариб-бўзариб ғудранди:
— Сен нима десанг шу-да, жўра.
Салом самовар бошида куйманаётган икки йигитчани ёнига имлаб чақирди, сўнг хотинига буюрди:
— Бор, уйдан иккита тўн олиб чиқ!
Шу тариқа, йигитчалар тўн кийиб дўст тутиндилар. Йиғилганлар буни қизғин маъқуллашди...
Орадан бир ҳафта ўтгач, кунлар яна исиб кетди. Ер селгиди. Тўйнинг майда-чуйда ташвишларидан қутулган Салом тўрғайни отган куниёқ омбортомга ташлаб қўйилган милтиқни жойидан олиб обдон тозалади, мойлади. Тушдан сўнг эран-қаран овга жўнади.
Қўриқхонага даштдан ўтиб борилар эди. У йўлни қисқа қилиш учун жар ёқалаб юрди. Жарликнинг боши ҳув олисдаги тоғ этагига бориб туташганди.
Салом кўп юрмади, бир пайт жар бўйидаги дўнгликда ўзини офтобга солганча мудраб ётган тулкининг устидан чиқиб қолди. Овчи бўлиб, шу пайтгача қушлардан бошқасига қизиқмаган, бирор марта бўлсин, бўри ёки тулки каби жониворларни овламаган эди. Лекин ҳозир... бир оз шошиб қолди. Ҳайтовур, милтиқни тез ўқлади. Аммо нишонга олгунча бўлмай, тулки сездими, ўрнидан сакраб турдию ўзини жарга ташлади. Ўқ жар лабини чангитиб юборди. У милтиқни қия тутганча жар ёқасига югуриб борди. Эгилиб пастга қараса, тулки сал оқсоқланиб ёлғизоёқ сўқмоқдан Каттатепа томонга кетиб боряпти. Саломнинг ҳафсаласи пир бўлиб йўлида давом этди.
Каттатепанинг бир ёни тик жарлик эди. Бу ерда каптар ва кўк қарғалар бўлиб тургувчи эди. Салом тепалик устида пода боқиб юрган Бердини кўргач, йўлни ўша ёққа бурди. Қўриқхонага боришдан айниди. Тепалик жарликнинг у юзида эди. Қияликдан пастга энаётиб, яна тулкини кўриб қолди. Тулки жар тубида яраланган биқинини ялаб турган экан, уни кўриб жонҳолатда жар бетига тирмашди-да, кўз илғамас пиллапоялардан енгил сакраб, жарнинг қоқ белидаги инига кириб кетди.
Саломнинг вужудига иссиқ қон югурди. Овчиларнинг бир гурунгида, тулкининг жар бетидаги ини саёз бўлади, деган гапни эшитганди. Кўнглида тулкини қўлга тушириш истаги уйғонди. Аммо бунинг иложи йўқ, пастдан тепага кўтарилиб бўлмас эди.
Бирдан Бердининг эшаги эсига тушди. Эшакда узун жун арқон бор эди. У пастга эниб, эчкисўқмоқдан тепага кўтарилди. Бориб Бердига мақсадини айтди. Берди ҳам шу ишга қизиқиб қолди.
— Тириклайин қўлга тушираманизми, а? — деб сўради у ҳайратланиб. — Тирик тулки... қизиқ бўлса керак-а? Ҳали ҳеч тирик тулкини тутиб кўрмаганман. Бир тутиб кўрсам ёмон бўлмасди. Кейин уни нима қиласан?
— Аввал тутайлик-чи, — деди Салом. — Бор, арқонни опке! Ўзи етадими?
— Етса керак.
Берди илдам бориб, эшакдан арқонни ечиб олди. Бир қаричдан зиёдроқ темирқозиқни жар лабидан сал берироққа оёғи билан тепиб қоқди.
— Ер бўш экан, — деди. — Оёғим билан босиб тураман... сен ҳаялламай тушавер.
Салом эгнидан пахталигини ечиб ташлаб, арқоннинг учини белига боғлади. Бир оздан сўнг пастдан овоз берди.
— Ини чуқур эмаскан. Кўзини мўлтайтириб қараб турибди... И-и, қўл етмаскан-ку. Энди нима қилдик?
— Газет ёқиб, тутунни ичкарига ҳайда!
— Газет нима қилади менда, — деди Салом жаҳли чиқиб. — Шу гапингни боя айтмайсанми. Гугурт ҳам пахталигимда қолган...
Салом арқонга осилиб юқорига чиқиб келди.
— Энди мен тушай-чи, — деди Берди тўнининг этагидан пахта суғуриб олгач. — Жуда қизиқиб кетяпман. Тутиб олсак, зўр бўларди-да. Тўхта муаллимга обориб берардик.
— Нега энди Тўхта муаллимга обориб берарканмиз? — деди Салом ҳайрон бўлиб.
— Нега дейсанми? Тулкини болаларга кўрсатиб дарс ўтади-да. Бурноғи йили иккита типратикан ушлаб бергандим. Мактабда боқадиган жой бор эмиш...
— Хай, олдин тутайлик-чи, — деди Салом энсаси қотиб, — кейин бир гап бўлар.
Берди арқоннинг учини белига боғлаб тайинлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi



— Қозиқни маҳкам босиб тур! Тағин...

— Юрагинг ёрилмасин...

Берди арқонга осилиб пастга тушиб кетди. Орадан кўп ўтмай ёш боладай қувониб, қичқирди:

— Э, бунинг тишлайман дейди-ку. Пиғиллашини қара... Вой-бўй, жаҳли ёмон-ку...

Салом алаҳсиди, қозиқдан оёғини олиб, пастга энгашди. Берди арқондан икки қўллаб тутганча, оёқларини жар бетига тираб, тулкининг инига мўралаб турарди. Салом, тезроқ бўлақол, деб қистаса-да, эътибор бермай, илжайганча: «Оббо сени-ий, ёмон экансан-ку», дея тулкига гап қотишга тушди. Саломнинг аччиғи чиқиб ён-веридан кесак излади... ва шундагина юмшоқ ер ўпирилиб, қозиқ бир томонга оға бошлаганини пайқаб қолди. Кўкси билан қозиқ устига ташланди. Аммо қозиқ қўлидан чиқиб кетди.

Бир оздан сўнг Бердининг жонҳолатда бақирганию гурсиллаб қулаб тушгани эшитилди. Салом даҳшатдан қотиб қолди. Жар тубига қарашга ҳам сабри чидамай эчкисўқмоққа интилди.

Берди бўзтупроқ устида тош қотиб ётарди. Салом борасолиб, унинг бошини кўтарди, Берди миқ этмади. Энгашиб кўкрагига қулоқ тутди, жон асари сезилмади. Қўрқувдан Саломнинг тиззалари қалтираб ўтириб қолди. Кўз ўнгида бундан кейин бўладиган воқеалар гавдаланди: биринчи бўлиб ҳассасини тўқиллатганча Бердининг отаси Райим чол етиб келади, кейин хотини, оғаинилари... Энди бир умр унинг боши таънаю маломатдан чиқмайди. Ҳаммасидан ёмони Шоди милиса... у оёғини ерга теккизмай милисахонага олиб кетади. Айбдор эмаслигини исботлаб кўрсин-чи... Шуларни ўйлаб Салом пиқиллаб йиғлаб юборди. Кейин бирдан ҳушёр тортиб атрофга олазарак назар ташлади. Кўзига бирор тирик жон чалинмагач, сакраб ўрнидан турди-да, дўстининг жонсиз юзига илкис нигоҳ ташлаб, тепага шамолдай елиб чиқди. Ерда ётган милтиқ ва пахталигини қўлига олиб, жар ичи билан қишлоқ сари жадал юриб кетди.

Уйга келиб ҳам Саломнинг жони ором топмади, гоҳ томорқага, гоҳ молхонага ўтиб, гарангсиб юрди. Хотини бир гап айтса жеркиб берди. Уни қўрқувдан ташқари яна бир нарса қийнамоқда эди.

Бир маҳал бошини кўтариб, нақ қаршисида Бердининг тўнғич ўғлини кўрди. Ўтакаси ёрилиб, йигитчага бақрайиб қаради.

— Амаки, — деди бола ҳайрон бўлиб. — Қўштутдан тоғамлар келишди. Энам айтди, чиқиб меҳмонлар билан гурунглашиб ўтираркансиз.

— Хўп, — деди у ғўлдираб, — ҳозир чиқаман...

Шу билан болани ҳам, унинг гапини ҳам унутди.

Охири чидаёлмади. Оқшомга яқин қишлоқ ёнидаги тепаликка чиқиб, Каттатепа томонга кўз ташлади. Кўз ташладию ҳайратдан қотиб қолди. Берди, эшакда, дала йўлидан подани ҳайдаб келаётган эди. Салом ўзида йўқ қувониб пастга отилди. Бир оз юргач, аъзойи бадани бўшашиб тўхтади. У бутунлай бошқа Берди эканлигини, энди дўстидан айрилганини бутун вужуди билан ҳис этиб пешонасини муздай тер босди.

Подaнинг боши фермахонага етай деб қолганда дарвоза ёнида оппоқ кийинган аёл пайдо бўлди. У аччиқ кўк чой дамланган термосни қўлида ушлаганча эрининг йўлига кўз тикиб турарди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чолқор

Кичик қисса

Рус тилидан **Маҳкам Маҳмудов** таржимаси



Владимир Соколов

Андрюха ер бағирлаб ётиб олганча рельсга қулоғини тутди. Ноаниқ, сезилар-сезилмас гувиллаган товуш эшитилди. Келаётган поезднинг товуши бунақа бўлмайди, кўпроқ ноғораникига ўхшаб кетади. Бу эса, икки ёқлама — Россия ва Туркистон томонларга чўзилган темир изларнинг саратон ҳароратида живирлаши эди.

Андрюханинг эсига бир гап келиб қолди. У бир куни:

— Адавой, биз киммиз, Туркистонликми ёки Россияликми? — деб сўраганди. Отаси: «Туркистонлик»,— деди.

— Ундай бўлса турклар эканмиз-да?

— Йўқ, Андрюха, сен билан биз руслармиз.

— Ҳов, ановилар туркларми?— деб яна сўради Андрюха олисдаги кулбаларни кўрсатиб.

— Йўқ, улар қозоқлар.

— Ундай бўлса, қозоқлар яхшими ё руслармі?

— Инсонлар яхши,— деди отаси.

— Ундай бўлса, бу ерларни Инсонистон деб атай қолайлик!— деди Андрюха.

— Ўзиям шунақа...— деб маъқуллади отаси.

Андрюха айтган Инсонистон ана шу бепоён, жазирама даштда жойлашган бўлиб, бу ерда эртадан кечгача қуёш оташ пурқайди. Яна бу ерда қора ёғи чиқиб ётган бадбўй шпаллар устида мовийранг товланувчи рельслар — темирйўл излари бор. Перрон пастак панжара билан ўралган. Пештоқига икки бошли бургут расми солинган бу қизил бино атрофида шохлари қуруқшаган акаслар бор. Нарироқдаги ғиштин уйда эса Андрюха отаси билан яшайди. Опаси Таня фақат таътил пайтлари келиб туради, у, бу ерда яшашни хоҳламайди. Яна нарироқда, сув минорасининг орқасида деворларига таппи-тезаклар ёпиб ташланган, деразасиз, ер бағирлаган яккам-дуккам кулбалар сочилиб ётибди, у ёғи эса кулранг шувоқлар ўсиб ётган кўримсиз қумлоқ... Шу жойларни Чолқор дейишади.

Икки кун ўтиб, учинчи куни перронга гумбурлаганича пишқириб, пассажир поезди келиб тўхтади. Бошига қизил фуражка кийган отаси поездни кутиб олди. Акас дарахтлари тагида индамас кампирлар ўтириб олишган, баъзилари бир қулоч туя юнги ушлаган, айримларининг олдида оппоқ қурутлару қўй ёғи солиб пиширилган, қотиб қолмайдиган патир, кулчалар. Биринчи даражали ялтироқ вагонлардаги одамлар перронга чиқишмас, деразалардан қараб кулишар, иккинчи даражали вагонлардан баъзан талабалар, шамсия тутган хонимлар тушиб, харид қилинадиган нарсалар олдидан ўтаётганида «Ростдан ҳам бу егуликми? Бу нарсаларни еб бўладими?» деб ажабланишарди. Аммо, учинчи даражали вагонлардан чакмон кийган, бошларига юнги тўзиган телпак қўндирган мужиклар гуриллаб тушишар, улар кўпинча нон олишар, аммо роса эзмаланиб, ушлаб, эзиб, ҳидлаб кўришганидан кейингина, четидан синдириб еб кўришарди. Перроннинг у чеккасида турган сув чиқарувчи машинист Миша мужикларга қараб, жаҳл билан: «Рассея... Умрингда нон кўрмаганмисан?.. Ҳоз-зир пойиздан туширвораман!»— деб ўдағайларди. Темирйўлчилар фуражкасини кийган Мишадан мужиклар ҳайиқишар, телпакларини бошидан олиб, ергача эгилиб қуллуқ қилишарди. Озода кийинган жанобларга эса Мишанинг ўзи оғзининг таноби қочиб таъзим қиларди.

Андрюха Мишани ёмон кўрарди. Ҳар гал пассажир поезди тўхтаб ўтганидан кейин Миша ўлгудай маст бўлиб олганча перронда тентиб юрар, ҳайҳотдай чўлга қараб: «Одам зоти азалдан осий,чиркин, чувалчангдан бадтариндур, ана — одамнинг мояси! Улуғлар айтмиш: «Эй, Бобил, бадбахтсан, тошдан бўлсанг ҳам кунинг битажак! Ҳамманг лаънатга мустаҳиқсан!» деб бақирарди. Андрюхани кўриб қолса, тутиб олмоқчи бўлар, «Бойвучча! Бойвучча! Лутфан қўлингизни чўзинг, ўпиб қўяй!» дерди. Шунда бирдан Андрюханинг отаси пайдо бўлиб қолар, Мишанинг ёқасидан ушлаб, сув минораси томон судраб кетар, бошидан муздек сув қуярди.

Қуёш тиккага келди. Энди у кўйлакдан ўтиб, елкаларни ҳам куйдира бошлаган эди. Рельслар бориб туташган олис-олисларда сув мавжланар, одамнинг чўмилгиси келарди. Аммо бу сароб эди. Андрюха бари бир ўша ёққа югуриб борарди. Борса шунақа қуруқ қум бўлиб чиқарди. Чигирткалар эрталабкидан ҳам баттар чириллашарди. «Нима учун офтоб чигирткаларга таъсир қилмай, мени қийнайди?»— деди Андрюха ўзича гапириниб. Лекин ҳеч ким жавоб бермади. Шунда у рельслардан тушиб, акасларнинг олачалпоқ соясига ўтди. Панжара устида

www.ziyouz.com kutubxonasi

кампирлар қолдирган бешта қурутни кўрди. У дарров битта қурутни оғзига солди-да, қолганларини қўлига олиб, атрофга қулоқ тутди. Чигирткаларнинг иссиқдан додлашига энди қўнғироқчаларнинг товуши аралашди. «Карвон!» деб ўйлади Андрюха суюнчи ичига сиғмай ва перрондан пастга тушиб, қум устидан водокачка томон чопқиллаб кетди.

Гувала деворли уйчадан рельсларга томон йўғон темир қувур чиқиб турарди. У ерга етгач, қувур тикка кўтарилиб сўнг яна эгилар ва шу жойида паровозларга сув қуядиган брезент «хартумча» бор эди.

Уйча олдида узун охурга ўхшаш ҳовузча бўлиб, у ерга бошқа кичикроқ қувур чиқиб турарди. Қувурнинг сув очгич мурватлари ичкарида, машина гувиллаб ишлаб турган жойда эди.

Миша эшик ёнида фуражкасини кўзигача бостириб кийиб, гердайиб турарди. Карвон гўнг сочилган майдончада тўхтаган эди. Туялар сувнинг дарагини сезиб бўкиришар, «чўк» деса чўкишмас, эшаклар эса қулоқларини чайқаганча қаққайиб туришарди. Пўстин кийган одамлар ҳам қотиб қолгандай қимирлашмасди. Сочи оқарган, чўққисоқол бир қозоқ Мишага қараб қўлини пахса қиларди:

— Ты какой савсем чалавек, а? За питнасит верблуди сколка денга дават? Где берем денга? Вечер триста баран приходит, три ден баранларга вода нет савсем! Триста баран исколка денга дават? Ўй-ўй, иш чатоқ, савсем чатоқ, тақсир!

— Унингни ўчир-ей, тўнғиз!— акиллади Миша.— Бу ерларда сенларнинг малайинг борми? Ҳар туяга — гривенник[1], эшакка — семишник[2], ҳар қўйга бир тийиндан берасан! Одамларни текинга суғораман, майли. Бу ерда бақиришга бало борми, қари эчки!

Миша фуражкасини тўғрилаб олди-да, пойлаб туриб, чолга туфлаган эди, пўстинига тушди. Шу заҳоти қандайдир йўғон илонга ўхшаш нарса қум аралаш чарсиллаб Андрюхага урилди ва қуйдиргандай бўлди. Ўқдай учиб келган суворий эшик олдида тўхтаб қолди, лекин Миша дарров чап бериб, ичкарига яширинишга улгурди. Олд оёқлари тикка кўтарилган от орқасига бурилди. Миша эшикдан бош чиқариб, ўдағайлади: «Ваҳший! Қузғун! Кимга қамчи кўтаряпсан? Мансабдор одамга-я?..» У яна яширинди, эшикни ичидан беркитиб олди. Бостирма олдида гижинглаб турган тулпорда аёл киши виқор тўкиб ўтирарди.

Андрюханинг отаси терлаб-пишиб, қип-қизарганича етиб келди.

— Кимсизлар? Нима тўполон?

— Вода нет, тақсир,— деди чол алам билан.

— Кудяков, шу ердамисан?— деб чақирди Андрюханинг отаси.— Қани, эшикни оч, Кудяков!

— Анови нарироқ турсин,— деб хириллаб жавоб берди Миша,— у қузғуннинг қамчиси бор!

— Нарироқ тургин-чи, қарағим. Мужикни қўрқитворибсанку,— деди кулимсираб Андрюханинг отаси ва тулпорнинг сағрисига шапатилаб қўйди. Суворий аёл Танядан анча каттароқ кўринарди. У алвон сирвол (шаровар), жиякли камзул кийган, сувсар телпаги остидан икки ўрим сочи чиқиб турарди. Аёл отини орқага буриб, брезент «хартумча» ёнида қоққан қозиқдай туриб қолди. Шундан сўнггина бостирма эшиги ғийчиллаб очилиб, Кудяков кўринди. У фуражкасини кийганча, қўрқа-писа ташқарига чиқди.

— Нима гап, Кудяков?

— Нима гап бўларди, Митрофан Палич! Мен мановиларга, худо ҳаққи, тижорат аҳлидай муомала қилсам, булар балоқазодай ёпирилиб, пичоқ чиқаришяпти! Қандай қутулиб қолганимни билмайман, бусурмонлар қўлида ўлиб кетсам майлийди, лекин имонсиз кетардим-а, ҳай-ҳай!

— Йўқ, ундоғ бўлмади,— дея узун енгли қўлини пахса қила бошлади чол.— Биз бедни луди, тихий луди, биз вода просил! Восим ден верблуд вода нет, три ден баран сув жўқ, она говорит — десит копек верблуд, семишник — эшак, один копек баран — где денга возмем?..

Митрофан Павлович ранги оқарган Мишага гўё ажаблангандай мулойим қараш қилди.

— Сенга биров халал бермаса, Кудяков, шу кетишингда коммерция маслаҳатчиси мартабасига етишинг ҳеч гапмас, а? Бошинг ишлайди... Сувни пул қиласан!

— Бусурмонлар ёлғон айтишяпти,— деди Миша.

— Ҳа, ёлғон айтишяпти. Улар сени чавақлаб ташламоқчи бўлишган, тўғрими? Сен эса, анойилардан эмассан, ўзингни ҳимоя қилгансан. Яхши, яхши. Йўловчилар сувсиз кетишаверсин, чунки уларнинг пули йўқ,шундайми?

— Нега энди, ҳозир кранни очмоқчи эдим...

— Фариштa одамсан, Кудяков. Семинарийда бекорга иштонни яғир қилмагансан.

Митрофан Павловичнинг қизариб бўғриққан, мулойим юзига қараб, ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Шу аснода у бирдан овозини кўтарди:

— Сувни оч, аблаҳ! Ўрнингга одам келиши билан, бу ердан думингни тугвораман! Станциядан қорангни ўчир!

Миша лип этиб ичкарига, кранни бурашга кириб кетди. Кекса қозоқ эса кўксига туфлаб: «Ҳай, ҳай, ҳай, роса сержаҳл тақсир экан-ку!»— деб қўйди.

— Кетдик, Андрюха,— деди отаси.

Шу пайт брезент «хартумча»дан гувиллаб сув кела бошлади, ҳовузчадаги чанг ва ахлат осмонга сапчиди; тулпор қутургандай сувга талпинди, устидаги аёл унинг бўйнидан қучоқлаб олган эди. Икки отлиқ қозоқ аёлни ушлаб қолиш учун шошилишди.

— Сал хато қилдим, хўжайин,— деди илжайганча чиқиб келган Миша.

Митрофан Павлович индамай, унга бир тарсаки урди. Миша йўлидаги челакни ағанатиб, яна бостирмага қараб қочди.

Андрюха қўлидаги қурутларни туширириб, йиғлаб юборди. У ҳали одамлар бир-бирини уриши мумкинлигини, айниқса, отаси шундай қилишини билмасди.

Отаси Андрюхани кўтариб, қумни шиғиллатиб босганча, чурқ этмай турган қозоқлар ёнидан ўтиб, уйга қараб кетди.

[1] Гривенник — ярим танга, яъни ўн тийинлик.
[2] Семишник — етти тийинлик.

Бинафша баҳорнинг элчиси, дейдилар. Аслида қишнинг қаҳри босилгач, майин шабадалар эса бошлайдики, баҳорнинг илк даракчилари шулар бўлади. Бироқ бизнинг ютоққан нигоҳлар токи солланган бинафшани кўрмагунича оламнинг яшарганлигини туймайди. Ҳар бир адиб ижодида ҳам бинафша каби ярқ этиб кўзга ташланадиган, бинобарин, унинг номини халқнинг юрагига олиб кирадиган асари бўладики, унда истеъдоднинг кўлами, имкони ва нималарга қодирлиги белги бериб туради. «Виждон хасталиги» — мен уни тўлақонли асар деб биламан — Владимир Соколов ижодида мана шундай ўрин тутади ва у истеъдодли адиб қалами келгусида янада салмоқли асарлар яратишига умид туғдиради.

Владимир Соколов саховатли қалбга эга, у жуда жонкуяр, фожиани теран ҳис этади ва унинг илдизларини нозик илғай билади — унинг публицистик асарлари шундай дейишимизга тўла асос беради. Зеро, бутифос масаласини ҳеч ким у каби иттифоқ миқёсида бу қадар кескин кўя билмаган, ҳолбуки шу бало йиллар мобайнида саломатлигимизга путур етказиб келар эди...

Владимир Соколов қаламига мансуб Сўз кишини беэътибор қолдирмайди, у халқнинг дардини айтиб чиқади, шунинг учун ҳам унинг овози халқнинг юрагига етиб боради. Иттифоқ китобхонлари томонидан асарларининг севиб ўқилаётганлиги ҳам шундан аслида.

«Ёшлик» журналхонлари ҳукмига ҳавола этаётган ушбу қисса қозоқ ва рус халқларининг биродарлиги ҳақида. Адиб кўргулик ситамлари эзиб ташлаган бекўним Жақсиликнинг саховатли қалб ҳимматидан баҳраманд бўлишини ишонарли тасвирлайди. Чолқорнинг муҳаббати ҳам қиссада икки халқ тақдиридаги туташ нуқтанинг рамзий ифодаси каби туюлади.

Владимир Соколов қаҳрамонларига катта инсоний муҳаббат ва дард билан ёндошади, ва ўйлайманки, бу муҳаббатдан ҳали баркамол, янада жозибали асарлар дунёга келади.

Одил ЁҚУБОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуёш ботаётган эди. Дўнгликлар узра осмон ҳамон тутаётгандай қизариб турарди, совий бошлаган ўт-ўланлар қисирлайди, қумлоқларга тахир ва қуруқ салқин синга бошлайди. Акаслар сукутга ботади.

Оқсоч Фрося ошхонада оёқ учида юриб, ликопчаларни аста тарақлатиб, ўзича нималарнидир пичирлаб ишлайди. Меҳмонхонадаги осма лампанинг яшил нури ойнадан равоққа тушади, ундан саҳрога чўзилади. Таня креслода китоб ўқийди, отаси дераза олдидаги столда алланарсаларни ёзади. Андрюха эса полдаги гиламда узала тушганича сирли қоронғиликка қарайди, тун садоларига қулоқ тутади.

Ойилари ўлиб кетган, Таня ойисини эслайди, Андрюха эслаёлмайди. Андрюха Пенза шаҳрини ҳам эслолмайди, у ҳақдаги гапларни ҳам тушунмайди. Шаҳар, тоғ, полиз, унинг хаёлида ёвуз аждаҳолар, алвастилар ва подшолар билан аралашиб кетади.

— Адавой, бизникига отда кимдир келяпти, — деди Андрюха.

— Ҳм...

Отнинг мулойим дупури эшитилиб, равоқ олдида тинди, суворий аёл кўринди. Андрюха унга қараб қўл силкиди. Аёл индамади, у хат устида энгашган Андрюханинг отасига, унинг сочи тўкила бошлаган бошига қараб турарди. Андрюха яна қўл силкиди. Аёлнинг яшил нурдан шуълаланган кўзлари чарақларди.

Тўқ, тўқ, тўқ... Суворий аёл қайтиб кетди.

Ғира-шира осмоннинг нариги тарафидан тўлин ой балқиб чиқди. Соявонли лампа оҳиста жимирлайди, равоқда қора чигиртка жон куйдириб чириллайди, олисдаги чиябўрилар улийди — тунда уйқу қочганида мана шунақа турфа товушлар эшитилади.

Ҳовлида кимдир одоб билан, аста йўталди. Отаси ручкани қиртиллатишдан тўхтаб ташқарига чиқди, қоронғиликда ким биландир саломлашди.

— Танюша,— деб қичқирди у ёқдан,— айвонга чой-пой чиқаринглар, Фрося, қарашвор, меҳмонлар келишди.

Меҳмонлар! Андрюха ташқарига ўқдай отилди. Зинапоядан, тортиниб, «уҳ-уҳ»лаганча тунов кунги чол билан яна бир қозоқ йигит чиқиб кела бошлашди. Улар ясаниб олишган, янги яктак билан нақшли оқ юнг қалпоқ кийишган эди. Самимий ҳол-аҳвол сўрашишди. Аммо, чой келгунича ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Отинг нима, оқсоқол?

— Жақсилиқ, отим Жақсилиқ.

— Сеники-чи, ука?

— Бу — Ниятали. Русчани яхши билмайди. Ниятали, менинг укам.

— Мен Митрофан Павловичман, мана танишиб ҳам олдик.

— Ҳа, ҳа, биламиз, Митрофан Палич, хороший тақсир, биламиз...

— Меҳмон бўлиб келдингларми, ё иш биланми, оқсоқол?

— Иш билан келдик, тақсир. Катта иш билан.

— Гапиравер, қулоғим сенда.

— Тунов кунги одамни жазолаш керак эмас, тақсир. Одамларимиз шуни илтимос қилишяпти. Оллоҳ ўзи уриб қўйибди — ақли жойидамас унинг.

— Мен у овсарни жазолаёлмайман, бунга ҳаққим йўқ. Лекин ишдан ҳайдашим мумкин. Тушундингми, ҳайдавораман.

— Сал ўйлаб кўр, тақсир. У — бечора одам. Сен — катта одамсан.

— Хўп, майли, ўйлаб кўраман. Ишинг фақат шуми?

— Йўқ, тақсир. Яна катта иш бор.

Отаси папирос тутатди, меҳмонлар назокат билан пиёладаги чойдан ҳўплашди. Чол кўкимтир тутунни томоша қиларкан, соқолини силаб қўйди ва бир йўталиб, гап бошлади:

— Ҳозир менинг уруғларим, Жақсилиқ уруғи келган бу ерга. Илгарилари жуда бой-бадавлат уруғ эдик, қўйимиз кўп, ўтовларимиз кўп, одамларимиз кўп эди. Пулимиз ҳам етарлийди. Болаларни ўқишга бердим. Бир ўғлим офицер эди, япон ўлдирди. Кенжа қизимни Вернийдаги билим юртига берганман. Қизим тўққиз йил ўқиди. Эсли, ҳушли, саводли қиз. Русчани биладди, ҳар хил куйларни чалади. Бутунлай бошқа тилниям биладди. Фарангимиди, ҳа, Париж... Кейин тўрт қиш жуда оғир келди. Мол-ҳол қирилиб кетди. Қолганлари билан жанубга кўчдик. Қизимниям бирга олиб юрардим. Одамларим кам қолди, емиш тугади, касаллик кўпайди. Мол-ҳол йўқ, одамлар йўқ, уруғимиз камайиб, камбағал, кучсиз бўп қолдик. Бегона келса ҳаммасини тортиб олади. Бермай бўладими? Шунинг учун кочиб юрибмиз...

Отаси сабр билан тингларди. Майли, ўйларди у кўнглида, озми-кўпми нақд пул тўпланиб қолган, банкда ҳам тўрт мингдан ошиқ жамғармаси бор, қарз бериб туриш мумкин. Чўл одамлари алдамайди, даштда пулдан кўра ор-номус устун.

— Узоқларга қочдик,— дея давом этди чол.— Устюрт томонга. У ерда икки йил яшадик, ишимиз ўнгланди. Мол-ҳол яйраса, одамлар ҳам яйрайди. Миршаб келса озроқ пул берамиз. Бухородан ясоқчи келса — ясоқ берамиз. Тинчгина кунимиз ўтаётганди.

Кейин у ерга бошқа уруғ келди. Хўжаси — Қўнайбой. Уни Эсен деган ули бор эди. Чакки йигит эмасди! Чиройли, кучли, ҳеч кимдан қўрқмасди. Фақат жаҳли ёмон эди. Биз томонга келиб, Чолқорни сўради.

— Чолқор?— дея ажабланди отаси.

— Ҳа, қизимни сўради... улар бой уруғдан, биз камбағал уруғдан. Қўнайбой яхши қалин берди. Олмай бўладими? Чолқор хоҳламади, йиғлаб-сиҳтаб, Вернийга кетаман, рухсат бер, деб ялинди. Қандай рухсат бераман? Қўнай жуда бой бўлса, қариндош-уруғи кўп, бутун дашт уники. Чолқорни уларга бердим. Ўтган йили.

Кейин қиш ўтди, баҳор ўтди. Бир куни кечаси Чолқор қочиб келди. Оти зўриққанидан таппа ташлаб ўлди. Ҳайриятки, ўзи тирик қолди, лекин анча вақтгача тили гапга айланмади.

Эсен сержаҳл, жуда ёмон эди... Отини урарди, итини урарди. Чолқорни ҳаммадан бадтар урарди. Вернийни эсласа — уради, билим юртини эсласа — яна уради. Мен сени жоҳила қиламан, менга оқила хотин керакмас, дерди. Тез-тез туркман карвонларини талашга борарди. Жуда кўп туркманларни ўлдирган. Жуда қўрқмас, ёвуз эди, худо ўзи асрасин. Чолқорниям бирга олиб кетарди. Хотинсиз туролмайман, хотин бўлмаса жуда ёвуз бўп кетаман, дерди.

Ўшанда талончиликка кетган йигитлардан фақат бештаси қайтиб келди. Чолқор ҳам. Яна иккита йигит билан Эсеннинг жасадини туяларга ўнгариб келишди. Айтишларича, туркманлар қаттиқ отишма қилишибди. Ярим кун отишма бўпти. Ҳамма отибди. Чолқор ҳам отишибди. Ўқ Эсеннинг қулоғини тешиб ўтибди. Туркманлар тўрт кишийкан, ҳаммасини ўлдиришибди. Қарашса — карвон қуп-қуруқ, туяларга саксовул ортилган экан.

Кечқурун оқсоқоллар кенгашибди. Энг кексаси айтибдики, Эсенни ким ўлдирганлигини билмаймиз. Туркманлар ўлган. Чолқор ҳам ўлсин — ўшанда ким ўлдирган бўлсаям, ҳаммаси ўлган бўлади. Бари бир ў бошқа эр қилмайди, дебди. Кечқурун Чолқор ҳеч кимга сездирмай сувдонни олибди-да, отга миниб қочиб қолибди. Шундан бери қочиб юрибмиз, ё оллоҳ, ўзинг асра... Қўнай етиб келса иш чатоқ, Чолқорни олиб кетади. Чунки, қизим энди уларнинг уруғидан бўлиб қолган.

Отаси аллақачон учинчи папиросни чекар, чолни шоширмай, жим тингларди. Чол тараддудланиб, тўғрисини айтди:

— Тақсир, Чолқорни беркит. Шу ерларда қолиб, нафас ростлашга рухсат бер.

— Гап бу ёқда экан-да,— деди отаси.— Жуда ғалати ишлар бўлибди-ку.

Чол унга ташвиш билан тикилди. Ниятали эса, русчани тушунмагани учун, пиёладан кўз узмай, ҳайкалдек ўтирарди.

— Бу ишга бир оз фурсат керак...

— Ҳали бир ой вақт бор. Қўнайбойнинг мол-ҳоли кўп, тез юролмайди. Биз жуда тез юрдик, тинкамиз қуриди.

— Бир ой бўлса — яхши, иложини топармиз. Эҳтимол, Вернийга юборармиз.

— Вернийга бўлса жуда соз бўлади, тақсир.

— Яхши, келишдик, эртага қизингни бошлаб кел, ўзи билан гаплашиб кўрамиз.

— Эртага нимаси? Ҳозир қизим шу ерда.

Ҳовлибоғ ортида отнинг пишқиргани, у ёқдан бу ёққа ўтгани эшитилди. Ҳамма у томонга ўгирилди. Хира тортган ой ёруғида суворий аёлнинг кўзлари ёниб турарди.

— Вой, жуда қизиқ-ку!— деб вижирлади Таня.

Суворий аёл кокилини силкитиб, жиловни қўйиб юборди. Қумликда бораётган от дупури узоқлашиб тинди.

Эртасига Митрофан Павлович телеграф орқали Вернийдаги эски дўстига хабар юборди. У билан Техника олий ўқув юртида

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирга ўқишган эди. «Яхши таниши, қозоқ чолнинг қизига вақтинча бошпана бериб туришни» ундан сўрамаса, кимдан сўрайди? Илтимоснинг жавоби кундузи соат иккида етиб келди. «Митроша, кечирасан, хотиним сира кўнмади».

Бошқа танишлардан умид қилиш қийин эди. Шунга қарамай, Митрофан Павлович уларга ҳам илтимоснома жўнатди.

Турмуш ташвишлари, югур-югурлар билан кунлар ўтаверди. Ҳар оқшом боғ панжарасининг ортида от туёқларининг дупури эшитилганда Андрюханинг отаси ташқарига чиқар, аммо чарақлаган тун қўйнида ҳеч кимдан дарак бўлавермагач, ажабланиб елкасини қисганча хонага қайтиб кирарди. Шунда суворий аёл яна пайдо бўлар ва қоронғиликдан Андрюха томонга, отасига тикилиб турарарди.

Тез орада ҳамма бунга кўникиб қолди. Очиғи, аёлнинг чеҳраси ҳаммани тўлқинлантирарди. Бир куни Таня унинг жуда чиройли эканлигини, бундай гўзал аёлни биринчи марта кўраётганлигини айтди. Андрюха ҳам опасининг фикрига қўшилди.

Жақсилиқ кейинги ҳафтада жаноб станция бошлиғини меҳмонга чорлади. Митрофан Павлович раҳмат айтди, бормади. Темирйўлга катта ревизия келиши кутилар, шунинг учун иш кўпайган, идорани ташлаб кетишнинг иложи йўқ эди. Ўзининг ўрнига у болаларини юборди.

Кун қиёмга етиб, иссиқ тоб ташлаганида Таня шамсиясини қўлига олиб, укасини перрондан чақирди, иккаласи меҳмондорчиликка отланди.

Анча-мунча йўл босишга тўғри келди. Станциядаги пастак кулбалар, ахлат ташланадиган ҳандақ ортда қолди. Сўнг тоза, офтобда жизғанак бўлиб ётган қирликка қараб узоқ юришди. Қирнинг учига чиқишганида кутилмаганда гангиб қолишди. Жақсилиқ уруғининг олисдаги ўтовлари томондан бўрибосар итлар ириллаб, улар томон чопиб келишарди. Таня: «Қимирлама!» деб қичқирди.

Ўтовдан бир одам ўқдай отилиб чиқиб, эгарсиз отга сакраб минди-да, итларнинг кетидан қувиб кела бошлади. «Қайт, қайт!» деб қичқирарди ҳалиги одам. Итлар бирин-кетин орқага қайтишди.

— Келдингизларми? Биз сизларни кутаётгандик, итларни боғлаб қўйишни унутибмиз,— деди суворий аёл хижолат бўлиб, — роса қўрқиб кетгандирсизлар?

— Йўқ,— деди ажабланиб Андрюха, чунки итлар уни сира хафа қилишмаган, аксинча, у итларни хафа қилган пайтлари бўлганди...

— Қани, юринглар.

Чолқор отдан тушиб, ўрнига Андрюхани қўлтиғидан даст кўтариб отнинг кенг ва силлиқ яғринига миндириб қўйди. Бола яйраб қийқириб юборди.

— Йиқилиб тушмайдими?— деди Таня хавотирланиб.

— Йўқ, бу от болаларни йиқитмайди,— деди Чолқор.— Нима, отангиз келмайдиган бўлдими?

— Ревизияга ҳужжатларни тахтлаяпти. Келолмайди.

— Иссиқда роса чарчагандирсизлар? Майли, ўтовда дам оласизлар.

Жақсилиқ меҳмонларни кутиб олишга чиқди. Юзи қуёшда қорайган чол кулиб турар, бир тутам сийрак соқолини шамол юлқиларди.

— Ҳай, баракалла, катта йигит бўлиб қолибсан,— деди у Андрюхани отдан тушириб ва катта одамдай қўл бериб кўришди.— Хуш келибсизлар. Қани, уйга марҳамат, меҳмон бўлинглар.

— Ахир, бу уй эмас, ўтов-ку,— деди Андрюха. Лекин Жақсилиқ унинг гапини эшитмади. Чол орқада қолиб, Чолқорга алланималарнидир уқтираётган эди.

— Барибир бораверамaн,— деди Чолқор қозоқчалаб.

— Орқанга қарама!— деб Таня тирсаги билан укасини туртиб қўйди. — Беодоблик бўлади...

Ўтов ичи салқин, ювилган тоза юнг ҳиди келарди. Андрюха кигиз устига ўзини шартта ташлаб ўтирди, сўнг дастурхонга яқинроқ сурилди. Унда тўп-тўп чақмоқ қанд, ликопчаларда оқтошга ўхшаш оппоқ конфетлар ва ёнғоқлар қўйилган, гўшт тўғралган ликопчалар атрофига жажжи чойнак, пиёлалар терилганди. Таня ҳам укасининг ёнига чўккалади.

Ўтов ортидан узоқлашиб бораётган от туёқларининг оҳиста дупури эшитилди.

— Тань, қаёққа кетди у?

— Жим ўтир. Ҳаммасини билишинг шартми?

— Кетди,— дея хўрсинди Жақсилиқ.— Қани, этдан олинглар, марҳамат...

Кечқурун катта хонада бутун оила жам бўлди. Отаси энди ҳеч нима ёзмас, тагликка қўйилган ручканинг перосидаги қотган сиёҳ яшимтир товланиб турарди. У калта, қалин соқолига қўлини тираганча деразага, кимсасиз қоронғиликка қараб ўтирар, гўё мудраётганга ўхшарди-ю, аммо кўзлари қандайдир чўғланиб, ялтирарди.

— Ада-а!

Отаси жавоб бермади. Андрюха отасининг бурнига қўл тегизди. Бурни чайир ва совуқ эди. Отаси кулиб, Андрюханинг малла сочини қўли билан тўзғитиб юборди:

— Нима дейсан?

Дупур-дупур... Панжара ортида узанги шилдираб, от қаттиқ пишқириб қўйди. Отаси ўзини қаёққа қўйишни билмай, қўлига яна ручкасини олди ва дафтарча юзига седанадай ҳарфлар тўкила бошлади.

— Эҳ, Митроша, Митроша, — деб ғўлдиради у, — сочингга оқ тушса ҳам шайтонга ҳай бермаяпсан-а...

Креслода ўтирган Таня отасининг оқ кител ёпишиб турган елкасига қараганча нимагадир сирли жилмаярди. Боғ панжараси ортида — лампа нурларида кўзлари чақнаб — суворий аёл турарди. От туёқлари ўрнини алмаштириб, гоҳо думи билан ўзининг биқинларига уриб қўярди. Ой олисдаги қирлар ортидан машаққат билан кўтариларди. Танянинг Пензадаги дугоналари ҳозир ўз чорбоғларида юргандир? Ҳар оқшом улар қайиқларда сайр қилишади. Студентлар уларга қучоқ-қучоқ мойчечак ва бўтакўзлар келтиришади... Оҳ, расида йигит ўнғайсизланиб, нимадандир хижолат чекиб, ҳаяжондан нафаси тиқилиб, оёқларинг остига ўтлоқлар ҳиди анқиб турган тоғ-тоғ нафосатни тўкиб ташласа, бунда қанча сеҳр-жозиба бор-а! Бу ерда-чи! Даштда шувоқ билан туяянтоқдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Даштдаги одамларнинг кўнгли очиқ, лекин ҳар бири ёлғизликда, ҳар бири ўзининг сирли олами билан яшайди. Сирларнинг энг қизиғи — Чолқор! Илгари оддий ва тушунукли бўлган отаси ҳам энди сирли кўринади. Ҳатто маст-аласт, сўконғич Миша ҳам ғалати қилиқлар чиқарди — атрофдаги қирлардан бери келмайди, Жақсилиқ овулида неча марталаб итларга таланди. Пайт пойлаб, у Чолқор билан гаплашишга уринади, у эса Мишани қамчи билан уриб ҳайдайди... Бу одамлар Таня учун сирли жумбоқ бўлиб қолди. Романтик хаёллардан Танянинг юраги орқасига тортиб кетади, ширин энтикади. Хаёлида отаси билан Чолқор учқур тулпорларда барханлар бўйлаб учишади, қўлига қонли ханжар тутган, негадир қалпоғига укпар тақиб олган Қўнай уларнинг ортидан қувади. Аллақайси тамтамли Гвадалахарага ярашадиган ғалати манзаралар сокин оқшомларда Танянинг хаёлига бостириб келаверади.

Аммо, бу қум-саҳроларда шамширбозлик кетмайди. Бу ердаги воқеалар аслида соддароқ, қайғулироқ эди.

Жақсилиқ ўтов тикканига уч ҳафта бўлганида Таня билан Андрюха яна овулга боришди. Бу гал хотин-халаж игна-ип тутган Танянинг чеварлигига қойил қолиб, ҳангу-манг бўлишди. Андрюха эса, болалар билан танга тикиб ўйнади. Бор тангаларини ютқазса ҳам қайғурмади. У энди керакли жойига қўрғошин қўшилган, сира ютқазмайдиган, махсус тангаларини олиб келиш учун югуриб орқасига қайтди. Йўлда шўхлиги тутиб, туя бўлиб кўрди, шунинг учун уйга яқинлашганида ҳам бўйнини осмонга қайириб, қорни ва қўлларини лўкиллатиб, пишқириб, ўнгу сўлига тупуриб келди. Тупуги отга тушганидагина уни кўриб қолди. Отнинг жилови панжарага боғлоқлиқ эди. Болани кўрган от туёқларининг ўрнини алмаштирди. Андрюха билмай тупургани учун отдан кечирим сўради, туя бўлиб депсинди. От йўл бериб уни ҳовлига ўтказиб юборди.

Андрюха айвон панжарасига осилиб чиқди-да, бўялган, муздай полга чўзилиб ётиб олди. Бу ерга чироқ ёруғи тушмасди, нафас ростлаб олиш мумкин эди. Очиқ деразадан залдаги отаси билан Чолқорнинг гангир-гунгур гаплашаётгани эшитиларди.

— Менга хайр-садақа керакмас.

— Тентаклик қилма. Яқинда опамдан телеграмма олдим, у сени кутиб олишга рози. Опам Пензада яшайди. Шунақа шаҳарни эшитганмисан? Яхшироқ жой топилгунча ўша ерда яшаб турасан. Софья жуда оқкўнгил, одамижон аёл. У ҳам ёлғиз туради. Таня билан бирга кетасизлар, хўпми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ. Мени шу ерда қолдирасиз.
— Отанг илтимос қилган...
— Шу ерда, шу уйда қоламан.
Хонага сукунат чўкди. Бир неча марта гугурт чақилди, лекин ёнмади.
— Мени қизалоғим деманг. Мен аёлман, сизни яхши кўраман.
Гугуртлар чақилиб, қисирлаб, полга тушгани эшитиларди.
— Қачон улгура қолдингиз, ё раббий...
— Мен билан бунақа гаплашманг...
— Хўп, кечирасиз, — Андрюха отасининг овозида киноя оҳанги борлигини сезди. — Лекин, сиз ёшсиз, хато йўлдан асрашим керак сизни. Ахир бу гапни қандай одамга айтяпсиз, ёшим бир жойга бориб қолган, иккита болам бўлса...
— Иккита камлик қилади. Мен сизга яна ўғил туғиб бераман.
— Танягинам сиз тенги бўлиб қолган...
— Мен Таняга нисбатан ҳаёт кўрганман!
Гугурт шиддат билан ёнди ва отаси оғир хўрсинди.
— Ўзи нималар бўляпти? Сизни ҳайдаяпманми? Чолқор, азизам, ахир мен ҳам Сизни кўп ўйлайман, бу жуда даҳшат, тушунсангиз-чи.
— Нимага? Ахир бу қувонч эмасми?
— Даҳшат, азизам. Буни тан олишимнинг ўзи даҳшат. Сиз қаёқда-ю, мен қаёқда? Ер билан осмончамиз... Яна туйғуларимизга эрк бериб ўтирибмиз-а...
— Майли. Бари бир сизни севаман.
Отаси чинқириб юборди.
— Менга нисбатан... бундай... кўнглингиз борлигини қаёқдан билибман? Ахир менинг ҳам кўнглим бор-ку!.. Болалар нима бўлади? Ҳаш-паш дегунча бизни бу ердан ҳайдаб юборишса нима қиламиз? Тентираб қаёқларга борамиз? Сибиргами? Фақат Сибирда сиғдиришади. Ўшандаям мешчанлар табақасидан бўлсак. Мен эсам инженер, йўлчиман. Бошқасини билмайман, савдогарчилик қўлимдан келмайди.
— Кечирасиз, мен бу томонини ўйламабман.
— Шунинг учун, хафа бўлмагин... Ҳай, қаёққа, Чолқор?!
— Бўлди. Кечиринг мени.
Жувон айвонга чиқди. Бир зум тўхтаб, Андрюханинг ёнига ўтирди. Кўзларига тикилди. Боланинг гарданига тушган малла сочларини сийпалаб, пешонасидан ўпди. Қуруқшаган лаблари ёниб турарди. Полни ғижирлатиб, муштумини қисганича, отаси чиқиб келди. Аммо, суворий аёл аллақачон жиловни ечиб, отини ниқтаган эди.

Чолқор пассажир поезди билан Туркистон томонга кетди. Ўша куни Миша ҳар сафаргидан мастроқ, перронда поездни кутиб, тоқатсизланар, ҳадеб депсинарди.
— Ит-тарсангиз, эшик очилади, дейишган донишмандлар, онайни... тилига шакар! Доно Аввакум еле можаху, ах-ах-ах! — Бирдан Андрюхани кўриб, телбаларча ўкириб юборди: — Бойвучча! Лутфан қўлингизни узатинг, охирги марта... ўпиб қўяй!.. Пойиздан тушировраман ҳаммангни!
Андрюха энди Жақсилиқ одамлари орасига беркиниб олганди. Отаси қўнғироқ олдида ҳайкалдай қотиб ранги оқариб турарди. Миша гандираклаб, унинг олдида пайдо бўлди:
— Биз энди эркин қушлармиз, жаноби ол..., жаннат осмонида сайр этиб учамиз! Қаёққа хоҳласак борамиз, бундан ортиқ роҳат борми? А? Ит-тарсангиз, оч-чилади, дейишган донишмандлар. Биззи иш энди поезд ювиш эмас, сайр қилиш, ёлғон айтсам тил тортмай ўлай!
Андрюханинг отаси унга қарамасди. Миша қуюнда қолгандай, айланиб-айланиб, кекса Жақсилиқ олдига бориб тўхтади.
— Ҳой, сенга айтяпман, эшитдингми, бува, — деб ғўлдирай бошлади у чолнинг яктаги енгидан юлқилаб. — Авайлаб-асраймиз қизингни. Тошқўрғонга ишонгандай ишонавер. Ёнимдан бир қарич ҳам нари жилдирмайман. Билдингми?
Жақсилиқ афтини буриштирди, у Мишанинг терлаган қўлини нари итарди, соқоли сезилар-сезилмас титрарди.
Ниҳоят пассажир поезди келди. Чолқор зиналарга оёқ қўйди. Орқасига ҳам қарамасдан танбурда ғойиб бўлди. Сўнг Миша сандиғи билан бир амаллаб чиқиб олди. У ҳам ортига қарамай ичкарига ўзини урди. Андрюханинг отаси поезд жўнайдиган вақтда бонг урди. Сўнг у ҳам ановилардай, ортига қарамасдан станциянинг баланд эшигини ёпди.
Худди ўша куни Жақсилиқ уруғи бу ерлардан кетди. Станцияда ҳаёт яна эски изига тушди. Ҳар гал поезд келгунича энди бутун атроф сукунат ичида қоларди.

Лутфий

* * *

Зулфдин қатъи қилиб юзунгга ҳайрон бўлдум,
Мен агар кофир эдим, эмди мусулмон бўлдум.

Лаълингиз сўзидин ул рамзки мен фаҳм эттим,
Борлиғимдин бу жаҳон ичра пушаймон бўлдум.

Бош кўтарди сочинг ўғриси қамар давринда,
Ул татаввулни кўруб асру паришон бўлдум.

Минг яшаб Нуҳ агар бир йўли тўфон кўрди,
Кунда бу ёш била мен ғарқаи тўфон бўлдум.

Малакул-мавт агар бўлса рақибинг не зиён,
Чун лабинг ишвасидин боштин аёқ жон бўлдум.

Мен кўнгул бермас эдим ҳусн элига золим деб,
Ғамзанг устодлиғин кўрдиму нодон бўлдум.

Бир оғиз Лутфий кўнгул торлиғин сўрмади ҳеч,
Гарчи ул писта оғиз фикрида бирён бўлдум.

* * *

Эй турки париваш, не ажаб жон етилибсен,
Давлат чаманинда гули хандон етилибсен.

Бўй чектингу офоқ ичида қўпти қиёмат,
Ҳай-ҳай, не бало сарви хиромон етилибсен.

Ақлиндин озар Миср элидек, ким сени кўрса,
Бу даврда сен Юсуфи Канъон етилибсен.

Изҳори тажаллий қилур ул чеҳра сафоси,
Сен оинайи ояти раҳмон етилибсен.

Ҳусн аҳли агар бўлса сенга қул, ажаб эрмас,
Ким хўблиқ иқлимида султон етилибсен.

Ҳам руҳи мусавварсену ҳам ақли мужассам,
Бу лутф ила сен фитнаи даврон етилибсен.

Сол соя менинг бошима, эй рашки санавбар,
Ким ғайрати тўбийдаги ризвон етилибсен.

Лутфий сўзининг лутфина табъинг етар, онжоқ,
Аҳсантаки маҳбуби сухандон етилибсен!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳабибулла Қодирий

Фельетон қироли ёки ўз элининг махсус мухбири

Абдулла Қодирий ижодини фаразан икки даврга, яъни, матбуотчилик ва романчилик даврларига бўлиш мумкин. Биринчи даврда (1925—1926 йилларгача) Қодирий матбуотда асосан кичик асарлари (ижтимоий-сиёсий мақолалар, ҳикоя, ҳажв, драмалар) билан қатнашади. У киши кўпроқ Жулқунбой, Абдулла Жулқун, Муштум, Абдулла Муштум лақаблари билан таниладилар. Иккинчи даврда эса гўзал тарихий романлари, қиссалари ва Абдулла Қодирий номи билан шуҳрат топадилар.

Биз ушбу рисоламизда Қодирийнинг биринчи давр ижодий фаолиятларидан ҳикоя қилмоқчимиз. Зеро, у кишининг бу даврдаги матбуотчилик фаолиятлари ўқувчилар оммасига кенгроқ ёритиб берилмаган. Чунки, у давр адабиётимиз тарихидаги энг мураккаб, чигал бир давр бўлиб, ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Бинобарин, вазифамиз хийла мураккаб, ёзув жараёнида анча пухталик ва синчковлик талаб этди: архив, кутубхоналардан 1913—1937 йиллар матбуотини излашга, уларни бирма-бир варақлаб чиқишга тўғри келди. Бу хайрли вазифани бажаришда бобосининг ижодий мероси билан қизиқиб шуғулланувчи журналист ўғлим Хондамир Қодирий ёрдам берди.

Муаллиф

Ҳеч бир буюк ёзувчи йўқки, у ўзининг мумтоз асарларини қўлига қалам олган кундан бошлаб яратаверган бўлсин. У узоқ вақт қаламкашлик заҳматини чеккан, тадрижий йўл босиб ўтган, сўнграгина соҳиби қаламликка эришган. Кўпчилик китобхонлар Қодирий яратган сўнгги икки-уч машҳур асарларини — «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон»ни ўқийдида, ёзувчи ҳақида ўша асарлар доирасида фикр юритади. Аввал ёзган каттадир-кичикдир асарларига тегишли қиймат бермайди ва бера олмайди (бунда албатта, ўқувчилардан ўпкалаб бўлмайди. Чунки, кичик асарларнинг деярли барчаси 20- 30-йилларда араб имлосида босилган ва кейин тўплаб тўла ҳолда чиқарилмаган). Яъни ёзувчининг машҳур асарлари гўё аввалги кичикларига соя солгандек кўринади. Ваҳоланки, ўша сояда қолган асарлари кўп вақтларда ёзувчининг тадрижий ўсишини, маҳоратини, дунёқарашини, шахсини, ҳаётини, даврини, халқига хизматини ва яна кўп жиҳатларни ўрганишда, белгилашда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

* * *

Вақтли матбуот Туркистон вилоятида Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан сўнг (1865) пайдо бўлади. Туркистон генерал губернатори Фон Кауфманнинг фармони билан 1870 йил июль ойидан бошлаб Тошкентда ўзбек тилида биринчи бор «Туркистон вилоятининг газети» чоп этила бошлайди. Газета жуда содда, ибтидоий кўринишда бўлади, албатта. Унда асосан илоҳиёт, подшоҳ, губернаторлар улуғланади ва улар тарафидан чиқарилган турли буйруқ-фармойишларни тарғиб қилиш билан чекланилади. Шу йўсин Туркистонда матбуотчиликка асос солиниб, 1916 йил охирига қадар вилоятимизда ўндан ортиқ номда газета-журналлар чиқарилади. Февраль ўзгариши йилининг ўзида (1917) эса қарийб йигирма чоғлиқ номда газета-журналлар босилади. Масалан газеталар: «Ўрта Осиёнинг умргузаронлиги тараққий», «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Тужжор», «Осиё», «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», журналлар: «Ойна», «Ал-ислоҳ». 1917 йилда чиққан газеталар: «Нажот», «Фарғона саҳифаси», «Шўрои ислом», «Турон», «Ҳуррият», «Кенгаш», «Эл байроғи», «Турк эли», «Фарғона нидоси», «Улуғ Туркистон», «Турк сўзи», «Халқ дорилфунуни». Журналлар: «Кенгаш», «Юрт», «Ҳуррият», «Чаён», «Ишчилар дунёси», «Изҳорилҳақ».

Бу газета-журналлар хусусий бўлиб, турли синф, фирқа, оқим кишилари тарафидан чиқарилган ва асосан Тошкент, қисман Самарқанд, Фарғона, Қўқон шаҳарларида чоп этилган. Ғоялари подшоҳликни, буржуазияни, ислом динини, уламоларни, жадидликни ёқлаш ва тарғиб қилишдан иборат бўлган. Улар савияларининг паст бўлгани, маълум тузум, табақа талабига жавоб бера олмагани, ўқувчи оммасини ўзига торта олмагани — бинобарин, моддий жиҳатдан ўзларини таъмин қила олмаганлари сабабли кўплари йиллаб эмас, ҳатто ойлабгина чиқиб, тўхтаб қолганлар. Фақат биргина «Туркистон вилоятининг газети» 1917 йилга қадар мунтазам босилиб келган (Умуман, бизнинг мавзуга кирмагани учун юқоридаги газета-журналларнинг кенг тафсилотига киришиб ўтирмаймиз).

Ўзбекистонда вақтли матбуотнинг кенг ривожланиши асосан Буюк Октябрь инқилобидан кейин, яъни 1918 йил аввалидан бошланади. Бу матбуот энди большевиклар партияси, Советлар ҳокимияти, эзилган, хўрланган меҳнаткаш халқлар матбуоти эди. Большевизмнинг туб мақсадларини оммага тушунтириш, ерли халқларни улуғ Ленин байроғи остига жипслаштириш, буржуа-феодал тузумига ва эскиликнинг барча зарарли кўринишларига қарши ўт очиш бу матбуотнинг бирдан-бир ғояси, вазифаси эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳали савиялари етилмаган, эскилик-бидъат, хурофот билан чулғанган умум қора халққа Ленин ғояларини тушунтириш, сингдириш, неча-неча асрлардан бери давом этиб келаётган чирик тузумга ва унинг кўпдан-кўп ашаддий вакилларига қарши курашиш осонми эди?

Биз юқорида айтган ўзбек қизил матбуоти инқилобдан кейин дарҳол кўнгилдагидек ривожланиб, ўнгланиб кета олмаган; аввалида, бирмунча вақт тескаричилар қўлида қолиб, қийинчиликларга дуч келган. Бунга сабаб, асосан қуйидагилар эди: миллий кадрлар ҳали йўқ даражада, борлари ҳам ўз ишларида нўноқ (шунинг учун Ўзбекистон партия-ҳукумати ёш, умидли зиёлилардан бирмунчасини, айниқса, 1924 йилдан бошлаб Москвага ўқишга жўнатади), иқтисодий танқислик ва қоғоз етишмовчилиги...

Февраль ўзгаришидан кейинги йилларни эслайлик: икки ҳокимиятчилик кураши, Октябрь инқилоби, ҳарбий иқтисодий сиёсат, интервент ва босмачиларга қарши кураш, очлик, бузғунлик, харобот, янги иқтисодий сиёсат, ер ислоҳоти, миллий чегараланиш, районлаштириш, саводсизликни тугатиш, паранжи ташлаш, Шўрога ҳақлик-ҳақсизлик, катта ер эгаларини қулоқ сифатида тугатиш, колхоз-совхозлар тузиш ва ҳоказо кампаниялар. Иккинчи ёқдан эса ички турли-туман зарарли жамият (партиялар)га қарши курашиш... Бу кураш кампанияларнинг барчасида, аввалам бор, маҳаллий матбуотимиз балогардон...

Фидойи матбуотчиларимиз, жумладан, Қодирий ҳам ана шундай оғир, мураккаб бир даврда қалам тебратадилар, барча кампанияларда Совет қаламкашлари билан бир сафда туриб, матбуот қозонида қайнади, ленинизм-большевизм ғояларини афкор оммага қизғин тарғиб этади. Қодирий ўз таржимаи ҳолида инқилоб бошларидаги иш фаолиятлари, ижодлари ва оилавий аҳволлари ҳақида шундай ёзадилар:

«Николайнинг тахтдан йиқилиб, ҳуррият бўлғонига хурсандлиғим, албатта дунёга сиғмас эди ва сиғмаслиги табиий эди. Айниқса, 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди. Февраль инқилобидан (1917) кейин учредительное собрание бўлар эмиш, деган гап чиқди...

Шу вақтларда матбуотда Русиядаги сиёсий фирқалардан социал-демократ, социал-революционер, кадет, интернационалист сўзлари сўзланиб турар эди. Айтиб ўтишим керакки, ҳалиги сиёсий исмларга газета ўқийдурғон бўлғонимдан бери таниш бўлсам уларнинг чин маъноларига тушуна олмас эдим. Чунки бизнинг ўзбекчада ва на тоторчада бу сиёсий фирқаларнинг йўлларига оид ҳеч бир ўқийдурғон асар йўқ эди. Февраль инқилобидан кейин газеталарда ўртоқ Ленин исми ва «большевик» деган гаплар чиқа бошлади. Буюк Октябрь инқилобидан сўнг ўртоқ Исмоил Обидов билан танишдим[1] Ул инқилобдан кейин Дохилия[2] комиссарига ўринбосар тайинлонғон ва эски шаҳар ўзбек ишчи-меҳнаткашларини уюштиришда раҳбарлик қилар эди. Унинг билан танишғоним менга кўп фойда берди, чунончи: большевик ва бошқа сиёсий фирқаларнинг йўллари билан танишдим ва унинг таклифига мувофиқ эски шаҳар ишчилари орасида бел боғлаб ишлашга киришдим. У вақтларда Тошкентда бир неча уюшган ишчилар, бинокорлар бўлиб, агар мен зиёлий ҳисобласам, уларнинг орасида ишлай бошлоғон зиёлий фақат менгина эдим».

1918 йилдан партия аъзоси бўлган (1881—1970), Тошкент шаҳар, Қани қишлоқ, «Қизил шарқ» колхозида яшаган Султон ота Содиқов ҳикоя қилган эдилар:

— Инқилобнинг биринчи йили, фирқага янги кирган кезларим эди. У чоғларда Тошкентда гадой, қаландар, маддоҳлар кўп бўларди. Улар куни билан бозорларни тентиб, ҳазрати Ғавсил Аъзам, Баҳовиддин пирим номларини талқин қилиб, нон, пул, мева-чева йиғар эдиларда, Ҳожибемалолнинг такиясида (Чорсудаги эски ҳаммом орқасида — Ҳ. Қ.) тўпланишиб, жами бемазаликларни қилиб ўтиришарди, на оила ғамин ер, на сиёсатни тушунар, на дунёда нима бўлаётганини билар эдилар. Эски шаҳар фирқа қўмитаси менга ана шундай бекорчи дайдиларни йўқотиш, уларни ишга ўрнатишни топширган эди...

Бир куни атайлаб мулла Абдуллани бошлаб, шу тақияга кирдим. Чой чақириб, Абдулла билан сўзлашиб ўтирдим. Гадой, қаландар, маддоҳлар бири таряк-кўкнор ичар, иккинчиси наша чекар, яна бириси оғзига келганини ўтлаб ҳангама сўқар эдилар. Мен уларни кўрсатиб мулла Абдуллага:

— Бу бекорчи савилларни йўқотиш керак, ишга жойлаш керак,— дедим.

— Кошки эди,— деди Абдулла,— йўқотилса катта иш бўларди, илож қанча!

— Шеркат[1] очамиз, уларни ишга тортамиз, ёрдам берасан...— дедим.

Абдулла «хўп» деди. Чорсу билан Эскинамозгоҳ ўртасидаги жарликда (ҳозирги «Москва» меҳмонхонасининг орқа томонида — Ҳ. Қ.) Боқижон бойнинг пахта заводи (Боқижонбой инқилобдан кейин заводни ташлаб кетган) бўлар эди. Ана шу заводни наматчилик шеркатига айлантирдик. Мен раис, Абдулла саркотиб бўлиб иш бошладик. Ҳар куни икковимиз (ишни бошлаб юборгунча) Ҳожибемалолнинг тақиясига тушиб, ҳалиги бекорчи гадо-қаландарни ишга ундаймиз, ташвиқот қиламиз. Абдулла бўлса эълон ёзади, қўлида қоғоз-қалам, ишга борадиганларни рўйхат қилади.

Шундай қилиб, шеркатимиз бошида бир оз ривож топмай турса ҳам кейинчалик жуда гуриллаб кетди. Даромади дуруст бўлгани учун бир-бирларини «тортиб» кела бошладилар. Кўп гадо, қаландар, маддоҳлар ўз «ҳунар»ларини тарк қилиб, шеркатда ишлаб кетдилар. Шеркатимиз янги барпо бўлган давлатимизга ҳам яхши фойда берди. Янги ташкил қилинган қизил аскарларнинг отларига тўқим тайёрлаш учун намат зарур эди...

Инқилоб йилларида ходимлар оз, Абдуллага ўхшаш ўқиш, битиш, ўрисчага чечанлар ҳамма ерда етишмас эди, шу важдан Абдулла мен билан уч-тўрт ой бирга ишлашгач, бошқа юмушга чақириб олинди ва мен ҳам бир-икки йил шу шеркатда ишлагач, Фарғона область фирқасига ишга тайинланиб кетдим».

«Эски шаҳарда янги уюштирила бошлоғон касаба союзларининг ҳар бирини янги очишда саркотиб тариқасида иштирок этар ва уларга қўлимдан келгани қадар раҳбарлик қилар эдим.

1918 йилнинг бошларида Эски шаҳар озиқ комитети бойлар қўлидан олиниб, комитетнинг раислиғига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев тайин қилинғон эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблиғига кирдим. 1919 йилнинг авваларида озиқ комитетининг исмидан чиқарилмоқчи бўлғон «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлиб тайинландим. 1920 йилда касабалар шўросига саркотиб бўлиб кирдим ва эски шаҳар касабачилик ҳаракати тўғрисида газеталарга хабар ва мақолалар ёзиб турдим. Шу кунгача Шўро идораларида қилғон хизматларимни бирма-бир санаб ўтириш узоққа чўзилатурғон бўлғонликдан, мундан кейин муассаса исмларинигина аташ билан кифояланаман: «РосТА» деворий газетасида мухбир бўлиб, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида сотрудник, собиқ Туркистон Марказий фирқа қўмитасининг ташвиқот бўлимидан чиқадурғон «Инқилоб» ва «Коммунист йўлдоши» мажмуаларида саркотиб ва сотрудник бўлиб, ҳам «Муштум» журналининг муанниси ва таҳририя аъзоси бўлиб, то 1924 йилгача (шу йили А. Қодирий ўқиш учун Москвага кетади — Ҳ. Қ.) меҳнаткашлар манфаатига холис ишлаб келдим. Шу ўтган йил орасида шўролар ҳукумати ва фирқадан бир оғиз танбия олмадим. Хулоса, бошқаларнинг хизмати дафтар билан собит бўлса, меним хизматларим матбуот билан равшандир. Ва хизматим инқилобий «Қизил Ўзбекистон»нинг ҳар бир аъзосига маълумдир.

Ишчи-деҳқонлар ёзғон асарларимни суйишиб ўқийдилар ва мени ёзувчилар қаторига киргиздилар ва ҳамон ўқирлар ва унутмаслар. Чунки мен уларнинг ўз ичларидан чиққан, уларнинг дард ва тилакларини яқиндан билгувчи, бунинг устига Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг унинг шароитида, тарбиясида етишган бир ходимлари эдим.

Шу хизматларимни албатта осонлик билан майдонга қўймадим. 1917 йил билан 1923 йил ораларини хотирингизга олингиз. Мамлакатда рўзғор бузғунлиғи, босмачилик, очлик ва бошқа хароботлар.

Ишчилар ҳукуматига хизмат қилишда оилам билан оғир, фожиъ, очлик кунларини кечиришга тўғри келди. Оладурғон маошим менга қарашлиқ тарбиямдаги етти-саккиз жоннинг озиғига ҳеч етмас эди. Лекин озодлиғ йўлида ҳар қандай оғирлиққа ҳам чидаб, муқаддас хизматимни ҳамиша давом эттира бердим».

---

[1] Исмоил Обидов — татар зиёлиси. У 1906 йилда Тошкентда чиққан «Тараққий» газетасига муҳаррирлик қилган (ред.)

[2] Дохилия — Ички ишлар (ред.)

[1] Шеркат — артель (Ҳ. Қ.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жасорат

Педагогика фанлари кандидати, математик, шахсий пенсионер Обидқори Каримов (1900—1979) ҳикоя қилган эди:

«1919—1920 йиллар бўлса керак, Тошкентда «РосТА»[1] газетаси чиқар эди. Сиёсий, ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу газета босмахонада йирик араб имлосида бир ёқлама босилиб, негадир дўконларда сотилмас, кўча-кўй бурилиш жойларига,мачит дарбозаларига ёпиштириб қўйилар, йўловчилар тўхтаб ўқиб ўтар эдилар. Абдулла Қодирий (Жулқунбой) шу чоқлардаёқ танилган ёзувчи. РосТАда унинг қизиқ-қизиқ мақола, фельетонлари босилиб турар эди.

Қодирийнинг танқидий, сиёсий, адабий аҳамиятга эга бўлган мақолалари мазмундорлиги, равонлиги, ҳаётийлиги билан кўнгилга тез ўтирар, шу жиҳатдан у бошқалардан кескин ажралиб турар, халқ тарафидан севиб ўқилар эди. Мен ўша вақтларда бир намозхон, ўқитувчи йигит эдим... Тўғрисини айтганда, Қодирий ёзган ана шу тиниқ ажойиб фикр-мулоҳазалар, дастлабки чоқларда менинг дунёқарашимнинг ўзгаришига зўр таъсир кўрсатган, десам муболаға бўлмайди.

Отам (Карим қори) руҳоний киши эдилар: ўзлари Кесакқўрғон маҳалламизнинг имоми бўлган бўлсалар ҳам тараққийпарвар, очиқ фикрли, намозга чиққанларида мачит дарбозасига ёпиштирилган РосТА газетасини кўзойнак тақиб ўқир ва бошқаларга ҳам ўқиб эшиттирар эдилар. Баъзан менга: «Бу Жулқунинг қурғур, зап тутилмаган қизиқ гапларни топиб ёзади-да, ўзи қозоқми?», дердилар. Гоҳо қариликдан намозга чиқа олмаган чоқларида, хумор қилиб сўрардилар:

— Обидқори, бугун масжидга янги газет ёпиштирибдиларми?

— Ҳа.

— Жулқунбой гап ёзибдими?

Мен газетанинг мазмунини баён қилиб берар эдим. У киши завқланиб тинглар эдилар...»

* * *

Адабиётшунос олим Абдураҳмон Саъдий 1924 йилда «Туркистон» газетасида босилган «Олти йил ичида» (Ўзбек шеърий адабиёти) номли мақоласида Ўзбек адабиётининг олти йиллигига якун ясаб шундай ёзади:

«Ўзбек қизил матбуотининг шу олти йиллик умри ичида биз ўзбек шеърий адабиётининг ҳам аҳамиятлик бир ўлчовда тараққий этиб кетганини кўрамиз... Русия ижтимоий ўзгаришидан (яъни, Октябрь ўзгаришидан — Ҳ. Қ.) кейин шу оз фурсат ичида кўпкина шеърий кучларни қўзғотиб тезлик билан ўсдириб юборди. Гўё Туркистонда рус ҳукмдорлигининг истибдоди билан бўғулуб ётган шеър булоқлари бирдан очилиб, яйраб оқиб кетгандек бўлди. Ҳозир мана шу чашмалардан оққан ёш ва янги ижодларнинг Туркистонда инқилобий катта бир шеърий дарё ҳолиға кириб борганлиги ўзбек шеърий адабиётини таъқиб этиб келгувчиларга маълумдир...

Олти йиллик Қизил Ўзбек матбуоти даврида ўзбек шеърий адабиёти кўпгина адиб ва шоирлар етиштирди. Булар ёш ўзбек адабиёти туғдирувчилар, ҳам шуни тараққий эттирувчилардир.

Мирмулла Шермуҳаммад, Фитрат, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Хуршид, Жулқунбой (А. Қодирий), Ғози Юнус, Боту, Шокир Сулаймон, Элбек, Зеҳний, Ҳамза Ҳакимзода, Рафиқ каби ўртоқлар шулар жумласидандирлар. Яна «Иштирокиюн»да ёзғувчилардан Авлоний, «Тангри қули» деган имзоларни ҳам айтиб ўтиш керакдир.

Ҳикоялар ва айниқса ҳажвий ҳикоялар ёзмоқда кўб усталик кўрсатувчи кучлик ёш инқилобий ўзбек адиби Жулқунбой (А. Қодирий) ҳам олти йиллик даврда ўзбек шеърий адабиётининг бўёқдан кўтарилишида катта бир омил бўла олади. Бу шеърий талант «Инқилоб» журналида босилиб келган «Ўтган кунлар» деган романи билан ўзбек шеърий адабиёт майдонида роман ёзувчиликнинг биринчи қадамини босиб юборди.

Олти йиллик Қизил матбуот даврида ўзбек шеърий адабиётининг кўзга кўринадурғон бир томони эса ҳажвий қисмидир. Бу давр ичида уч қалам ўзини очиқ танита олди: Жулқунбой, Ишчи, Шапоқ маҳзум. Булар «Иштирокиюн» газетасидан (1918 йил — Ҳ. Қ.) бошлаб ишлаб келадилар. Қаландар ҳам шуларга қўшилди. Ҳажвлар кўпроқ сиёсий ва ижтимоий мавзуларда бўлди.

Бироқ, Жулқунбой қаламининг умуман ҳажв бобида санъаткор ва кучлик бир қалам эканини бу жойда алоҳида қайд этиб ўтмасдан бўлмайдир...»

21 июнь.

Неъмат Ҳаким номли бир адабиётшунос олим яна шу йили (1924) «Туркистон» газетасида «Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар» мақоласида бундай ёзади:

«Энди адабий муҳокамаларга келамиз. Бу мақолаларнинг энг кўби газеталарда кичкина фельетон равишида ёзилғонлар. Бу тўғрида ёзғувчи имзолар:

Боғбон, Санжар, Қадамкаш, Ғози Юнус, Шапоқ маҳзум, Жулқунбой, Фитрат, А. Беги, Х. Обидов, Лутфий, Х. Беккулов, Ҳожимуин, Тўрақул ва бошқалар.

Буларнинг қуйида исмлари ёзулғонлардан бошқалари бириккидан ортиқ ёзмаганликларидан улар ҳақида муҳокама юргизиб туриш ҳам мумкин эмас. Орада энг кўб ёзғувчилари Ғ. Ю., Шапоқ маҳзум, Жулқунбой ўртоқлардир. Бу уч (2)[1] ўртоқнинг ёзғонлари ғоят очиқ, енгил, адабий қалам билан ёзилғондир.

Умуман, Ғози Юнус билан Жулқунбойнинг қалами кўтаришга арзийдирғон қаламлардандир. Лекин булар маълумотларини юқорилатсалар тағин-да яхшироқ ёзар эдилар».

25 июнь

Қодирий ўзлари ҳам шунча мақтовлар бўлса-да, ҳажвиётда ҳали ожиз эканликларини, юқори поғонага кўтарила олмаганликларини иқрор қиладилар: «...биз — «Муштум» ёзувчилари орамизда ўткур кулги ижодчилари йўқ, ҳаммамиз ҳам ўз ҳолимизга яраша кулги тўқиймиз. Жамият қитиғига тўғрилаб, қўл юбора олмаймиз. Буни иқрор қилмасдан чора йўқ. Бироқ, яхши•хусусиятимиз шундаки, ҳар замон жамиятнинг қитиғини излаймиз, ишлашдан чарчамаймиз ва ўтириб қолмаймиз. Масалан, мен ўзимнинг беш-ўн кунлик «Муштум» билан бўлган яқин алоқамда буни яхши ҳис этдим. Доимий ёзишувчиларимизнинг ўн беш кун илгари ёзгани билан ўн беш кун кейин ёзгани орасида кўп айирма бор», дейдилар. («26-нчи йилда кулдирувчиларимиз» мақоласи, 1926 йил. «Муштум», 24 октябрь).

Неъмат Ҳаким ўз мақоласининг охирида «маълумотларини юқорилатсалар» деган иборани ишлатади. Дарҳақиқат, Қодирий бу камчиликларини инкор этмайдилар. «Октябрь кунданкунга ўсди», — деб ёзадилар Қодирий ўз таржимаи ҳоллари да. — «Унинг ўсиши баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўсди. Юқорида ҳам айтиб ўтдим. Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида замон шароити ва мажбурияти остидаги чала-чулпа гаплар эди. Кейинги кунларда нодонлигим ўзимга қаттиқ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим. Ва 1924 йилда хизматимдан жавоб олиб, Москвага ўқишга кетдим. Мақсадим, уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлинмак эди», — деб иқрор бўладилар.

Гарчи, отага болаларнинг баҳо бериши одобдан бўлмасада, шу ўринда кўнгилга бир андиша келади: «Бола эҳтиётсизлиги, шўхлиги туфайли бир идишни синдирди ёки кимса билимсизлиги орқасида бир хатога йўл қўйди. Шунда отаси «Синдирдинг!» деб кимсани ҳадеб жазолавермайди-ку! От тўрт оёқда ҳам қоқилади. Араблар, «Инсон хатосиз бўлмайди», дейдилар. Шундай экан, инсонга қоқилиш, хато қилиш табиийдир. Ким билимдон бўлиб туғилибди, ким хато қилмабди? Бу «фалсафа»ни олимларимиз яхши тушунадилар. Ўзи иқрор бўлганидек, Қодирий шу озгина ибтидоий билими билан тиришиб шунчалик улуғ санъаткор даражасига эришгани учун офаринлар ўқимоқ ўрнига, ҳадеб икир-чикир «хато»ларни пеш қилиб, гапни узибулайвериш жоизмикин? Бу борада биз улуғ рус маърифатчиларидан ибрат олмоғимиз керак.

---

[1] РосТА — Россия телеграф агентлиги газетаси. Бу инқилобий газета 1918—1920 йилларда чиққан.

[1] Яъни, мақолалар кўпинча шу уч имзо билан ёзилган бўлиб, бундан иккиси (Шапоқ Махзум ва Жулқунбой) А. Қ.га тегишли, дейилмоқчи — Ҳ. Қ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Машҳур рус ёзувчиси И. А. Гончаров ёзади:

«...бизда ўтмишдан қандайдир бирор шахсни топиб оладилар-да, уни худди мой бўёқли эски суратни матосидан шилгандек, ўз давридан юлиб оладилар. Унинг ранги, жозибаси, замонасига хос жиҳоз-жилоси билан ҳисоблашмай, ўз даврларининг қонун-қоидаси билан шафқатсиз судлаб ўлимга буюрадилар. Улар ахир ўз асрининг ғояларини, руҳини, тарбиясини, урфларини ва шунингдек, бошқа турли кўриниш-шароитларини илгари сурганлар-ку! Бу билан улар ҳисоблашмайдилар. Ваҳоланки, замон тараққиёти туфайли билим, тажриба, кашфиётлар тобора сарбастлана бориб, авлодлар аждодлардан анча илгарилаб кетадилар». (Асарлар тўплами, 7-том, Москва, 1952 й., 292-саҳифа.)

Сўнгги аниқлашимизча, Қодирийнинг кичик асарлари қарийб уч юзга яқин. Булар барчаси фельетон, ҳажв, ҳангома ва ижтимоий, сиёсий мақолалар бўлиб, улар бир-биридан сара-мумтоз, гўзал, ихчам, равон, содда халқ тилида ёзилганлиги ва пурмазмун-тўлақонлиги билан ажралиб туради. Қодирий албатта бу асарларни йўқдан бор этмаганлар. Кундалик ҳаётдан, ўз теваракларидан кўриб, кечириб, билиб ёзганлар. Асарларининг севилиб ўқилишининг бир боиси ҳам бизнингча ана шунда бўлса керак. Чунончи, Қодирий ўзлари «Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида» номли мақолаларида бу фикримизни қувватлайдилар:

«...Ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман менинг бошимдан кечирганларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина роль ўйнаганлар. Ҳақиқий ёзувчи бўлишни истаган ёшларимиз ҳам дастлаб шу турмуш ичига киришлари, уни билишлари керак. Турмушнинг турли соҳаларида ишлашим натижасида мен ўзбекларнинг урф-одатларини, улар ичида учрайдиган типларни ўрганолдим.

Ёзувчининг ўзидан қўшиш (русча айтганда, «вымысел») адабий асарда катта роль ўйнайди. Лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман. Ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабабчи бўлади...»

«Муштум»

Юқорида, Қодирий ўз таржимаи ҳолларида, инқилоб аввалидан то «Муштум» журнали ташкил топгунга қадар ўтган давр ичида қайси муассасаларда, идораларда, редакцияларда ишлаганликлари ва ижодий адабий фаолиятлари ҳақида бир қадар маълумот бериб ўтдилар. Ўша давр газета-журналлари варақланса у кишининг юқорида айтганлари тасдиқланади: матбуотда нақадар фаол қатнашганликлари, турли тахаллусларда кўплаб жиддий, ҳажвий мақолалар, фельетонлар ёзганликлари кўрилади. Жумладан, «Муштум» журналидаги фаолиятларини бир оз батафсил ёритиб ўтишни лозим кўрамиз. Чунки у кишининг матбуотчилик фаолиятини, адабий, бадиий қарашларини «Муштум»сиз тасаввур қилиш қийин. Ҳажвда, фельетончиликда, публицистикада Қодирий гўё «Муштум»гача бўлган давр ичида қалам чархлаган, ҳадис олган бўлсалар, «Муштум» журнали ташкил топгач, ижод булоқлари фаввора ургандек бўлади.

Ҳажвий адабиёт барча халқларда ҳам қадимдан озми-кўпми мавжуд бўлган. Ўз ораларидаги етишмовчилик, камчиликларни танқид, ҳажв этганлар, бир-бирлари устидан кулганлар. Бундай ҳажв, танқидлар аввалда оғзаки ривож топган бўлса, кейинкейин ёзув-чизув пайдо бўлгач, битикларда ҳам ифодалана бошлангандирки, булар даврлар оша бизгача етиб келмоқда ва келажакка ҳам абадий мерос бўлиб қолажакдир. Навоий, Турди Фароғий, Гулханий, Завқий, Муқимий, Фурқат каби ўтмишдаги кўп шоирларимиз асарлари ва яна бошқа жуда кўп Шарқ, Ғарб ёзувчиларининг меросларидир бунга мисолдир. Умуман, ҳажвий танқидий адабиётнинг алоҳида жанр йўсинида матбуотларда тартибли чоп этила бошлаши ўн саккиз-ўн тўққизинчи асрлардан бошланади. Бизда эса (Совет Иттифоқи миқёсида) ҳажвий, танқидий асарларнинг маҳаллий матбуотда мунтазам равишда босила бошлаши Буюк Октябрнинг биринчи кунлариданоқ кенг, мустаҳкам ўрин олди. Махсус ҳажвий ва юмористик газета ҳамда журналлар чоп этила бошлади[1].

«Муштум» — сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, адабий, танқидий, расмлик кулги (ҳажвий) журналидир. Қодирий ўзлари «Шаллақи» номли мақолаларида («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1925 й. 8.25) шундай ёзадилар: «23-йилнинг февралида шекиллик, «Туркистон» газетасига ўртоқ Абдулҳай Тожи муҳаррир белгиланди ва шу ўртоқ, бир кулги журнали чиқарингиз, деб мен билан Ғозини чиқирди (Бу вақтда Ғози газетанинг мудири эди). Биз икков ишга киришдик...»

Албатта, «Муштум» журнали ташкил бўлиб чиқа бошлаган кунлариданоқ дарҳол ривож топиб кета қолмайди. Ҳали газета-журнал ўқишга одатланмаган халқ уни дарҳол тушунмайди, қадрламайди, ҳатто бой, эшон, мутаассиб кимсалар «Муштум» ўқишни тақиқлайдилар. Биринчи вақтларда уч-беш минг нусха босилган «Муштум» ҳам сотилмай дўконларда чанг босиб ётади. Бундай ҳол «Муштум»чиларни чандон ўйлашга мажбур қилади, олдиларига жиддий, муҳим вазифа қўяди: қандай бўлмасин «Муштум» сифатини ҳар жиҳатдан яхшилаш, ўқувчилар оммасини жалб қилиш лозим эди. Бироқ, биринчи вақтларда «Муштум» ёзишғучилари ҳали жуда оз, борлари ҳам талабга жавоб берарли эмас эди. Бинобарин, барча қийинчилик асосан икки кимсага, яъни Жулқунбой билан Ғози Юнус устига тушади. Улар бир томондан ўз тажриба-маҳоратларини ошириш, «Муштум»боп янги-янги асарлар яратиб журналхонларни мамнун қилиш устида қайғурсалар, иккинчи ёқдан, ўзгаларнинг хом материалларига «ишлов бериш», тузатиш билан ҳам жиддий банд бўладилар (Бу орада Қодирий бошқа газета-журналларга ҳам мақола ёзиб туришни унутмайдилар). Шундай қилиб, Қодирийнинг машҳур «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Шарвон хола нима дейди?», «Эшонларимиз», «Тошкент бойлари» каби қатор ҳажвий асарлар туркуми яратила бошлайдики, бу асарларни «Муштум»хонлар писанд қиладилар, завқ билан ўқийдилар, давомини кутадилар. Шу йўсин «Муштум» журнали «қизийди», ўқувчилар сони оша боради, нусхаси ҳам кўпаяди, халқ «Муштум»нинг чиқишини орзиқиб кутадиган бўлади.

Бунчалик сердиққат, тинимсиз ижодий меҳнат (бу орада муаллиф аллақачонлар «Ўтган кунлар» романини бошлаб қўйганлигини ҳам унутмайлик) ёш ёзувчининг соғлиғига из солмай ўтмайди. Қодирий 1923 йилда бирмунча вақт хасталаниб қоладилар. У кишининг хасталиги тўғрисида «Муштум»нинг 1923 йил 15-сонида «Жулқунбой касал» номли бир мақола босилади.

«Журналимизнинг бирдан-бир ёзувчиларидан ўртоқ Жулқунбой қаттиқ оғриб қолган. Докторларнинг айтишича, ўртоқ хафақон касалига йўлиқиб, бора-бора бу касали зўрайиб диққинафасга айланган эмиш.

Докторлар бу ўртоқнинг тездан тузалиб кетиши учун ошғич чоралар кўриб, қуйидаги маслаҳатларни берадилар:

1. Ёзув-чизув ишларидан қўл йиғиб, хуш ҳаволи ёхуд кўп тунумли (тинч-ред.) ерларга саёҳатга чиқиш.

2. Ҳар кун уч марта «ноз» дорисидан еб туриш.

3. Китобларни кўп ўқимаслик. Ўқиган чоқда ҳам қизиқ роман, журналлардан кулгили, кўнгил очадирганларини, айниқса, «Муштум»нинг 14-сонигача ёзилган эшонлар мазхакасини ўқиб туриш.

Мана шу тартиб-чоралар кўрилса, ўртоқ Жулқунбой тездан тузалиб қолса керак, деган умиддамиз.

Шапалоқ»

Журналист, ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (тахаллуси —Тошқин, 1883-1965) 1924-1927 йилларда «Муштум» идорасида Қодирий билан бирга ишлаган. У киши Қодирийнинг ижодий фаолияти, мақола — асарларини қандай ёзиши ва маълумот тўплаш, типлар танлаш, яратиш бораларида ёзувчини бир оз бўлса-да кузатган, Қодирийнинг ўзидан эшитган. Қуйида унинг «Жасоратли адиб» номли хотирасидан баъзи ўринларни келтирамиз:

«Ҳозирги «Муштум» журнали Абдулла Қодирий билан Ғози Юнус томонидан 1923 йил февраль ойидан ташкил топиб чиқ-

[1] Ўзбекистонда «Муштум» журналидан ташқари газеталарга илова тариқасида «Машраб», «Таёқ» (Самарқанд), «Қизил тикон» (Наманган), «Панжшаха» (Тошкент), «Чиғириқ» (Фарғона) каби ҳажвий мажмуалар ва «Октябрский бичъ» («Октябрь найзаси») сатирик газетаси (рус тилида) босилиб турган бўлса-да, улар кейинги вақтларда, ҳатто йигирманчи йиллар охиридаёқ босилишдан тўхтаганлар. (Ҳ. Қ.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Журналнинг 1-сонига бош мақола ёзган ҳам Абдулла Қодирий бўлди...

Абдулла Қодирий ҳар нарсага танқидий назар билан қарар, хурофот, бидъатларга ғоятда қарши эди. Унинг ҳар бир сўзидан ҳажвий ифода анқиб турар эди.

Ғоятда жасоратли, ўз сўзида устивор ва барқарор, ғоятда заковатли эди. Ўрни келганда юқори даражадаги кишиларни ҳам танқид қилишдан чўчимас эди.

У ҳар бир образнинг ўзига яраша сўз танлай билар, ким тўғрисида ёзадиган бўлса (масалан, «Калвак маҳзум», «Тошпўлат тажанг» сингари) худди ўша шахснинг ўзи бўлиб кетар эди. Бунинг учун ўша типдаги кишиларнинг бутун ички сирларидан огоҳ бўлиш керак, албатта. Фавқулодда заковатга ва жасоратга эга бўлган бу ёзувчи, мазкур типдаги шахслар орасида юриб, ҳар бириси билан алоҳида суҳбатлашишдан тортинмасди: муллалар билан ҳам, бориб турган қиморбоз, беданавоз, чапанилар билан ҳам, зўр ўғрилар билан ҳам, эшонлар, муридлар, сўфийлар, дарвешлар, қаландарлар билан ҳам; кўкнори ва бангилар билан ҳам гаплашаверарди.

Халқ унинг асарларини ғоятда қизиқиб ва севиб ўқир, янги асари босилиб чиқишини орзиқиб кутар эди. Босилиб, дўконларга чиқиши билан минг-минг ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз ва татарлар навбатга тизилишар эди.

У бир мақола ёки ҳикояни ёзишга ўтирганда, ўшани ёзиб тугатмасдан ўрнидан туриб кетмас, баъзан узун кечалари ёзавериб, тонг оттириб юборар эди. Бу аҳволни мен унинг ўз сўзларидан англар эдим.

Марҳум Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиётида хизматлари зўр бўлиб, фавқулодда маҳоратли, жасоратли ва заковатли бир адиб эканлигига шубҳа йўқдир».

1957 йил, 5 май

Агар Мўминжон отанинг юқоридаги баҳолари ёнига қуйидаги сўзлар ҳам илова қилинса, Қодирийнинг «Муштум» журналига қўшган ҳиссалари ҳақидаги тасаввур янада тўлароқ бўлади: «Фельетонлар қироли Жулқунбой (Абдулла Қодирий) кулдириб йиғлатади, йиғлатиб кулдиради...» Бу сўз Қодирийнинг «Муштум»нинг 4-сонида босилган (1924 й.) шарж сурати тагига ёзиб қўйилади.

Юқорида Қодирийнинг 1924 йилда Москвага ўқишга кетганлари ҳақида айтиб ўтилди. Матбуотда «қайнаб» турган Қодирийнинг тўсатдан жимиб, Москвага кетиб қолиши ўқувчилар ўртасида тушунмовчилик, турлича миш-мишлар туғдиради. Шу боисдан «Муштум» журнали 8-сонда (1924 й) «Жулқунбой тўғрисида» номли бир кичкина мақола ёзиб, ўқувчиларни қаноатлантиради:

«Шаҳардаги баъзи бир оғзи сасиган ўра, ичи кўмир куйдиратурғон кўра ўртоқлар Жулқунбой тўғрисида куракда турмоғон ёлғонларни тўқубдирлар. Шундоқки, гўё Жулқунбой ҳукумат томонидан (нима учун?) тўрт йилга ҳукм қилиниб, Туркистон тупроғидан ҳайдалибдир. Шунинг ила жониға теккан акалар Жулқунбойдан қутилибдирлар!! Очиган оғиздан сасиган сўз! Ҳолбуки, Жулқунбой ҳукм қилиниб эмас, ўз ихтиёрича ўқиш учун бир неча вақтга Москвага кетган эди. Яъни, сизга ўхшоғон акаларнинг миясида яхшилаб ёнғоқ чақишга ҳозирлик кўрмоқ учун, наинки сургун бўлиб ёки бошқа йўсинда!

Ҳой, оғзи ириб, ичи чириб, қулоғидан кар, кўзидан басир, бетидан пес бўлғонлар! Битта қўчқорнинг боши кеткунча, нечта тузоғ узарлар ўчоққа кириб чиқадилар. Бу жиҳатдан хотиржам бўлинсин.

Жулқунбой тўғрисида «Ол, кетди» қилиб виждонига куйдирги чиққанларга «Муштум»нинг айтадирган сўзи шул ва лекин райи ўзлариникидир».

Қодирий Москвада ўқиб турсалар-да, ўз ватанлари матбуотидан кўнгил узмайдилар. Кечикиброқ бўлса-да, кундалик ўзбек матбуотини мумкин қадар кўздан кечириб, турли мавзулардаги мақолалар, унда кечган баъзи ноўрин истилоҳлар, ғализ жумлалар, воқеа-хабарлар ҳақида ва баъзан эса иш ёки ўқиш юзасидан Москвага бориб қолган ватандошлар, тасодифлар тўғриларида фикр-мулоҳазаларини гоҳ жиддий, гоҳ ҳажв-кулги йўсинида «Муштум»га йўллаб турадилар.

«Бу кун Туркистондан газеталар олдим, — деб ёзадилар Қодирий Масков хатларида». — Қўлтуғимда «Фарғона», «Зарафшон» ҳам «Туркистон» газеталари: йўл бўйича ўқиб бораман.

«Туркистон» кўз кўриб, қўл тутқундек (Ўратепанинг суфрасидек дейишга оғзим бормайди) байналхалқ катта бир газета бўлибдир. (Мундаги «байналхалқ» истилоҳини «байналмилал» деб тушунмоғингизни ўтинаман. Меҳробдаги домла имом поччани беҳаловат қилғон афанди, ўзининг жавобида «ҳикматини орқамдағидан сўра» деган экан. Унга ўхшаш сиз ҳам бу истилоҳнинг ҳикматини эгасидан сўрангиз!..)»

Қодирий Москвадан 1925 йилнинг июнь ойида ёзги таътилга Тошкентга қайтадилар. Газета ва «Муштум» идораларининг «борма, бизга зарурсан» деб ундашлари ҳамда оилавий қийинчиликлар сабабли қайтиб ўқишга бормайдилар ва «Муштум»да ишлашни давом эттирадилар.

Қодирий «Муштум»да ишларканлар, фақат ўз истиқболлари, ўз асарлари қайғусинигина чекмайдилар. Умуман, «Муштум» журналининг сифатли, мазмундор, бадиий юксак, ўқимишли, кулгили, чин муштум бўлиши учун қайғурадилар. «Муштум» ёзишғучиларига, «Муштум»хонларга мурожаат этиб, уларни ҳафсаласизликда, яъни «Муштум»га кам хабар, мақола ёзишликда айблайдилар ва «Муштум»да баъзан кечадиган камчиликларни эътироф этадилар.

«Шукур, — дейдилар Қодирий, «Муштум»ни иккинчи ёши билан табрик ҳам унча-мунча панд ва насиҳат» номли мақолаларида. — Кўпчиликнинг қарғиши баракасида букун сиз шум «Муштум» бир ёшингизни тўлғазиб, иккинчи ёшга ўрмалай кетдингиз. «Ёмонга ўлим йўқ!» дейдирлар; бу тўғри эмиш. Азизларнинг садағаси кетайлик!

Баъдаз муборакбод, фақир «Муштум» адамиздан сўрайдирманким, башарти ўзингизнинг-ку, исм шарифингиз ёмонлиққа йиртилиб, дуойи хайр ўрнига қарғиш, буғдой экиб какра ўрибдирсиз. Бас, вазифангиз ёмонлиқ, кўнгил оғритиш, риоясизлик, тумшуққа тушиб, манглайдан ғурра чиқариш бўлғондан кейин, бул вазифаий шарам-шараққосни «муллаларникидек» қилиб адо қилдингизми ва қилғонингизга имонингиз комилми?

Албатта бизнинг кирсиз, олмоққа арзон, емоққа маза бўлғон бўрсилдоқ сўзимизга (ўзингиз танти бўлғонингиз учун) бўйнингизни эгарсиз умидидамиз. Тузук, сиз ўзингизнинг бир мириси кам бир йиллик умрингизда анчагина ваҳмалик картиналар кўрсатиб, кўп бемаъниларнинг елка қичиғини қондирдингиз ва ўзини қоп-қора, кўнглини сип-сиёҳ, яъни кўмир бозоридан маккадор қилдингиз. Шундай, биз бундай хизматларингизга қойил!

Аммо латтачайнарликка қолиб, хўжа али-али хўжа, икки ўнбеш бир ўттиз бўлиб, чуқурга тушиб қолғон чоқларингиз, қичиғини тимискилашга мажбур бўлган замонларингиз ҳам бўлди.

Тузук, сиз айтарсизки, маним ёнимда турадирғон Тарсак бўлмади, Шапалоқ келмади, ҳатто ўзинг ҳам бир неча вақт тарвақайлаб юрдинг, деб.

Яхши, мен тарвақайлаган бўлсам турмушнинг оғирлиғидан ва ўзимнинг аёлмандлигимдан тарвақайлагандирман, аммо Самарқанддаги Тарсак билан Фарғонадаги Шапалоқ ўз вазифасини билиб, тушуниб адо қилмас экан уларга бизнинг сўзимиз шулгина:

— Букундан кўра, ўлганинг яхши, икки юзинг қора бўлсин; «Муштум» дадангни уволи тутсин!

Бу ергача бўлган борди-келдимиз, фақат сиз «Муштум»нинг «сўз» ёғингизда бўлди. Аммо расм жиҳатингизга келганда тишимизни тишимизга қўйишга мажбурмиз. Карикатура турмушнинг ичкарисига лўнда бўлиб кириб ўтира олмас экан, ундан-мундан, устидан ғажиб-ялмаб юрар экан... нима деймиз, энди, ўзингиз айтгандек, айб на дўлда, на тегирмонда. Фақат пешонамизнинг шўрлиғида деймизми? Бўлмаса, ўзимизнинг жунбошлардан «ўшанақалар» етишгунча эмас, онадан туғилиб, урчиб, ўқиб, ўрганиб бўлғунча «дим!» ўйнаймиз-да, энди!

«Муштум» дада! Иккинчи йилга қараб асби тозининг бошини қўяр экансиз тўғридан-тўғри лўли маҳалласига қараб эмас, пастқам, қинғир-қийшиқ кўчалардаги жиннихоналарга ҳам марҳамат қилингиз!

«Муштум»га кўмаклашиш тилагида бўлғон:

Хо-о-ов, элдаги оғалар,

Менга томон қаранглар!

Элларингиз ичида қиттагина еридан бузулғон мохов, кишалозим бўлғон тентак, ачиган қаймоқ, сасиғон эт, таги йўқ челак бўри баковул, тулки ясовул, алохозалқиёс кўрсаларингиз тўрт энлик носвой қоғозига битиб «Муштум»га юборингизлар!, деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Муштум» қайғисини еб,

Абудумбул.

«Муштум»: Панду насиҳатингиз кам-кўстсиз қабул этиладир. «Муштум» ўз айбини иқрор қилувчи ўғил боладир. Элимиз ичида ҳали песини кўрсатсанг, «ун теккан эди» деб ғўдаювчи васиқасиз хунасалар жуда кўпдир. «Муштум»нинг ҳар номери устида бўлғон пала-партиш ҳужум, ялонғоч сўкишлардан шояд хабарингиз бордир. Лекин «Муштум»нинг уларга жавоби яна муштдир».

(«Муштум» 1924 й. 18-сон)

Қодирий юқоридаги мақолаларида «Муштум» сифатини яхшилаш мақсадида ёзишғучи ва ўқувчиларни тез-тез хабар, мақолалар ёзиб туришга ундасалар, кўмак сўрасалар, қуйидаги «Дўстларга узрим» мақолаларида матбуотчи, ёзувчи, «Муштум»хонлар олдига бошқача талаб қўядилар. Яъни, улар шу кунгача «Муштум»ни ўқиб келадилар-ку, лекин биронталари журналнинг марғуб-номарғуб жиҳатларини текшириб танқид, тақриз ёзмайдилар, танбеҳ қилмайдилар...

«Муштум» букун ўзининг 25-сонини тўлдириб байрам қиладир, — дейдилар Қодирий. — Бу байрамда ўзимнинг ҳам иштироким бўлғони учун... узрсиз безрайгали уёлдим, тўғриси. Яъни, узр айтмакчиман.

Узрим гуноҳимдан (?) хунук чиқса, яна узрим бор!

Биз, Шўролар ҳукуматининг баракасида «Муштум» деган бир кулги журнолға эга бўлдиқ. Ҳа, эга бўлдиқ... тушунибми, ёхуд «бўлғонлар» қаторидами?..

«Кулги журнол» от қўюб, «Муштум»ни чиқариб келган бўламиз. Чиндан ҳам кулгими эди, ёхуд унинг ўзидан ҳам кулганлар бўлдими?

Кундалик матбуотимиз бир эмас, учлаб, тўртлаб бор. Уларнинг анчайин ҳавойи мавзулардан баҳслар очуб, гуллар сочуб ҳовлиқишлари ҳам йўқ эмас. Иккинчи томонда, «Муштум»ман, деб мушт кўтариб чиқғон журналимиз бу кун йигирма бешинчи сонини тўлдириб «юбилей» номери билан байрам қиладир, қадаҳ кўтарадир... «Ҳай тентак, ким сенга юбилей қилишға ҳақ берди?» деб, агар унга савол берсак, эҳтимолки ҳеч кимдан ҳам туртки емаймиз. Нега десангиз, шу йигирма беш сон «Муштум»нинг бирортасиға кундалик матбуотимизда танқид ва ё тақриз йўллуқ бир гап ёзилдими? «Бунинг тузук, унинг чакки» деган йўл-йўриқ кўрсатилдими, «Фарғона»да, «Зарафшон»да, «Туркистон»да ҳеч!

Бунга қандай маъно бериш керак, кундалик матбуотимизнинг ҳамоқати деймизми, мағрурияти деймизми, нима ахир? Лекин бу «Муштум» учун ҳақоратдир, анулар учун разолатдир, жаҳолатдир.

Биз «Муштум»ни йўлға сола олурлиқ кишимиз бор чиқар, деб хом хаёлда юрғон эканмиз... ҳақиқатда эса манзил узоқ, роҳила оз эмиш...

Ҳой, ўртоқ! Яхши онглаки, матбуот дунёсида кулгандан — кулиш қонуни ҳали ҳам бор. Иштони йўқ тиззаси йиртиқдан кулган бўлса-да ажаб эмас... Ўзинг ҳам кулгучининг масъулияти тўғрисида ҳеч бир назария ўқуғон эмасдирсан!

Бу кунда кулгулик — ҳажвиётнинг чин эгаси йўқлиғидан фойдаланиб «сув йўғида таяммум, эшагига яраша тушови» деганларидек, мард майдон сифатида икир-чикирлар ёзиб «арзимаса-да, арзитарсиз» умидида келаман. Келасидаги кулгулик боғимизнинг булбули эмас, заҳизғони, гули эмас, тикони бўлғонлиғимни-да иқрор этаман. Гул ёғочида бошлаб чечак эмас, — тиканак ўсадирким, энг ози шу ҳолни кузатиб ажзимни иқрор қилишка мажбурман. Биноан алайҳи сўзим қўпол, муомалам дағал, латифам аччиғ, мутоябам хунук; кулдуриб йиғлатиш, ачитмай тўқуниш ҳунарлари манда йўқ. Шу ҳунарсизлигим орқасида холис бандаларимдан, кирсиз тўқунишларимдан хаёлий натижалар, шайтоний мақсадлар чиқаришға тиришқучи «фаттойи кафиш»лар оз эмаслар. Лекин ман ўшандай шумшук махдумлардан сатқаи хафалик қиламан. Чунки шу кунгача маним мезоним виждоним бўлуб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида. Демак, маним истиқболим таъмин қилинғондир. Қоро ниятлик киши мохов бўлғай.

Узрим шул: тиласанг йиғла, тиласанг кул!

Жулқунбой (А. Қ.)»
(«Муштум», 1924 й. 25-сон)

Ёдингизда бўлса, Қодирий юқорида «...панд ва насиҳат» мақолаларининг бир ўрнида: «Узинг ҳам бир неча вақт тарвақайлаб юрдинг», жумласини қўшиб ўтадилар. Бу сўз тагида кичкина бир тарих бор.

Шундайки, «Муштум» ташкил топиб 8- сони чиққач, «Туркистон» газетасининг муҳаррири Абдулҳай Тожи ишдан кетади. У кетгач, «Муштум» штатида ўзгариш ясалиб, Қодирий ҳам ишдан кетадилар. Ғози Юнус «Муштум» муҳаррири бўлиб ишда қолади. Қодирий бу ишдан кетиш сабабини юқорида «турмуш оғирлигидан, аялмандлигимдан» деб кўрсатсалар ҳам, менимча, бунда «Ўтган кунлар» романини ёзиб тугаллаш ташвиши бўлган бўлса керак. Бироқ, шундай бўлса-да, Қодирий «Муштум»дан бутунлай узилиб кетмайдилар. «Калвак махзум», «Тошпўлат тажанг» каби қиссаларни ва баъзан буюрилган мақолаларни ёзиб, журналда четдан бўлса-да, фаол қатнашиб турадилар.

«Муштум» журналининг илғор етакчилари (адабий-бадиий жиҳатлардан) биринчи даврда асосан икки киши: Ғози Юнус ва Абдулла Қодирий (Жулқунбой)лар бўлгани маълум. Аммо улар кулги журналининг маънан ва бадиятан қандай шаклмазмунда бўлиши масаласида икки турли фикр, қарашда бўладилар.

Ғози Юнус кулги журнали ҳам кундалик матбуотнинг бир тури, ҳаётда нимани кўрилса, сезилса уни ўшандай ёзиб, кўрсатиб ёзиш керак, яъни нарсалар, воқеалар қайд қилинса, ўша нарса ёки кимсага тўғридан-тўғри хитоб қилинса, муносабат билдирилса, таъсир этилса — бас, бадиийлик, санъаткорлик, гўзаллик — булар иккинчи даражадаги гаплар, деб қарайди.

Қодирий эса бу масалага аксинча қарайдилар: кулги журналида ҳаётда учрайдиган камчилик, етишмовчиликларни расман ифодалаб қўяқолмай, унга кулги «тўни» ҳам кийгизиш, назокат ишлатиш, бадиий тус бериш керак. Яъни, ҳам кузатилган ғоя, муддао, сиёсат сақлансин, ҳам ўқувчи кулсин, ҳордиқ чиқарсин. Шундагина отилган ўқ мўлжалга тўғри тегади ва фойдаси, таъсири онавинга қараганда кучли бўлади, дейдилар.

Албатта, Қодирий тутган бу йўл ҳақиқий сатирачилик қонуниятига мувофиқ. Лекин бундай кулги мақола, асарни барча ҳам ўринлатавермайди. Ўринлай олмагач эса, баъзилар ҳақиқатдан юз ўгирадилар.

Бундан ташқари, Қодирий айниқса «Муштум»га четдан иштирокчи бўлганларидан сўнг, журналда яна кўп бошқа хатоликлар, камчиликлар рўй бера бошлайди. У киши куйинадилар, ачинадилар ва юқорида «Дўстларга узрим» мақоласида айтганларидек, бирон кимса тарафидан танқид-тақриз қилиниб, «Муштум»ни тўғри йўлга солинишини кутадилар ва ниҳоят бундай мунаққид чиқавермагач, бу ишга ўзлари қўл урадилар ва бир кун «Қизил Ўзбекистон» («Туркистон» газетаси 1925 йилдан «Қизил Ўзбекистон» деб аталади) газетасида «Муштум» номли катта бир мақола ёзиб журнални танқид қиладилар (1925 й., 193-сон).

«Муштум» отини эшитганингда муштуминг қичийдир, аччиғинг қистайдир, энсанг қотадир, — дейдилар Қодирий мақолада. — Чунки «Муштум»дан бизнинг кутканимиз чин «Муштум»лик эди. Икки йилдирки мавзу бир:

«Эшонимнинг тасбеҳлари носвой қовоқ,
Домла поччам саллалари узун-чўзоқ!»

Кўп кутдик: «Э, эшонингни тасбеҳи билан домла поччангни салласи қурсин-э!» дейтурган одамни... Ҳеч қаердан садо чиқавермагач, яна кутиб ўлтиришга сабр чидамай, бу чидамсизликка яна «Муштум»нинг ўзи қитиқ солди. Яъни «Муштум» кейинги вақтларда йўл йўқотиши устига мажнунона ҳужумга ҳам киришди: унарга ҳам мушт, унмаска ҳам мушт! Кетма-кет тушиб турғон бу думбул муштларингиз кимга, мушт егувчилар кимлар, отаси ва ўзининг касби нима? деб сўрамоқчи ва шу баҳонада «Муштум»нинг ўзини ҳам бир кўздан кечириб чиқмоқчи бўлдик.

Устига қарайсиз: «Муштум» — сиёсий, ижтимоий... ойда икки добқир чиқатурғон расмлик кулки журнол!» Ичкарига қараймиз: сиёсатда на сатира унсури ва на ижтимоиётда юмор таъми! Очиқдан-очиқ қоровул чақириш ва: «Тут, мани!»

Биз «Муштум»нинг «кулки» деб аталишидан сатира маъносини оламиз, аммо «Муштум» «кулки» деб аталиб қолғонига ўзи ҳам ҳайрон...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёзғувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони, фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш, сўз эмас — санъаткорона, яъни шундоқ сўзки, айтмоқчи бўлғон фикрингни ифодаси учунгина махсус яратилғон бўлиб, ясама бўлмасин! Фикр кулги пардасидами ифода қилинмоқчи ёки жиддий равишдами — бу албатта вивескага қараб бўладир. Мана шу шароитни бажарилиб бу жиҳатдан таъмин этилгач, бошқа масалаларга ўтишга ҳақ олғон бўласан. Аммо бизнинг «Муштум»да бу биринчи галда кузатиладирган шароитни топиш қийин. «Муштум» ҳаммадан илгари танпарастлик қайғусида. Тузсиз ва мазасиз ошлар билан бўлса ҳам қорнини тўлдириб, қаппайтирмоқчи, сакиз саҳифасини саксонга еткузмакчи... Журнолнинг чин эгаси бўлғон деҳқонда тил йўққи, «Маъносиз, ғовлоғон палак мени қон йиғлатадир!» деб айтса...

Услубсизлик тўғрисида гапириб ўлтурмай шунигина айтамиз: услуб деган нарса тил билишка боғлиқ бўлғон ва ҳар бир ёзғувчининг тилининг характери каби бўлиб танилғон бир хусусиятдир. Демоқчимизки, ёзишға малака ҳосил қилинғоч, услуб ҳам ўз-ўзидан туғиладир. Сўзда иқтисодсизлик ҳақида юқорида бир маротаба ёзиб ўтдик. Аммо бу ўринда тамом қаноат билан шуни айта оламиз: йигирма тўрт бет «Муштум» кулгисини саккиз бетка келтириш асл сиз кўзлаган мундарижа ва тўлалиққа зарар бермаганидек, қуйидоғича иқтисодий ва ижтимоий манфаатлари ҳам бўлур:

1. Қоғознинг учдан икки ҳиссаси иқтисод;
2. Наборшиклар ўринсиз хизматдан озод,
3. Ўзларига ҳам ҳафтада уч кун сайл;

Ва тўртинчиси, ҳам энг каттакони: халқни зериктирмаслик.

...Умуман, биз «Муштум»нинг расм қисмига юзакироқ қараб ўтдик. Чунки маънони суратдан эмас, сийратдан олиниши машҳур бир мезондир. Ундан сўнг ўз ҳаётимизнинг лавҳаларига чин либос кийдиргучи ўз кишимиз, ўз суратқашимиз йўқ, бу йўқлик ҳам тилни тишлатадир.

Жулқунбой».

Албатта, Ғози Юнус ҳам бу танқидни ўқиб, тинч ўтирмайди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Танқидми, тош отиш?» номли бир жавоб мақоласи ёзади (17.8.25). Шу йўсин, юқорида айтилганидек, икки орада мунозара бошланади. Баҳс доираси кенгайиб кетади. «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Шаллақи» (А. Қ. 25.8.25), «Шаллақи ким?» (Ғ. Ю. 28.8.25), «Ўжар кўр» (А. Қ. 6.9.25) мақолалари босилади. Жумладан, Ғози Юнус Қодирийни шахсиятпарастликда, тадрижчиликда, қўрқоқликда айблайди (яъни, Ғози Юнус халқ ичидаги мутаассибликка, эшон-домла, имомлар ва бидъатга қарши матбуотда очиқ курашга чиқиш керак, сен бундай чиқишдан қўрқяпсан, дейди). Қодирий Ғози Юнус қўйган «айб»ларнинг барчасига далиллар билан жавоб қиладилар ва «Ҳозир, дин ва таассибнинг энг кучли бир даврида, уларга қарши очиқ курашга чиқиш, авом орасида дин пешволарини баралла қоралаш, эътиқодларини оёғ ости қилиш, бу оқиллар иши эмас, ҳамма нарса тадрижий йўл билан, аста-секин тушунтириш билан бормоғи керак», дейдилар ҳамда сўзларининг исботи ўлароқ, «Шаллақи» номли мақолаларида шундай бир мисолни келтирадилар:

«Бултур, Москвадаги собиқ Бухоро билим юртида ўртоқ Сталин отиға «Қулуб» очилатурғон бўлиб, расми кушодга ҳалиги ўртоқ билан Калинин бобой таклиф қилинғон эдилар. Мажлисга Масков ўқувчиларимизнинг кўплари иштирок қилиб, ўртоқ Калинин раислик этди ва ярим соатлик насиҳатомуз нутқда: «Масковга маърифат истаб келган сиз, мазлум Шарқнинг деҳқон болалари биринчи галда билим олмоққа, ундан сўнг шу олғон билимингизни ўзингиз туғилиб ўскан ердаги онгсиз, мазлум, динда мутаассиб ишчи-деҳқонларингизга силлиқлик билан юқтиришка ҳаракат қилингиз. Русия шароитидан тамоман бошқа бўлғон бир муҳитда жуда нозик масъулиятни ўтагувчи қаҳрамонлар эканингизни унутмангиз!», деди.

Бу улуғ раҳбар Шарққа келмай туриб мундаги таассиб билан ғойибона ҳисоблашар, биз шогирдларига энг маъқул ва ҳассос васиятини сўзлар эди».

Бу баҳс, ниҳоят, «Қизил Ўзбекистон» газетаси идорасида муҳокама қилиниб, «Холисона хато тўғрисида бир неча сўз» номли мақолада, Қодирийнинг мунозарада ҳақ эканлигини эълон қилинади (29.10.25).

Баҳс кетидан баҳс деганларидай, юқоридаги ошкора баҳсдан сўнг кўп ой ўтмай матбуотда яна бир баҳс бошланади. Шундайки, 1926 йилнинг бошларида «Муштум» журналида Қодирийнинг «Йиғинди гаплар» номли бир мақолалари босилади ва бу мақола ўз даврида аҳиллар орасида бирмунча гап-сўз, мулоҳазаларга сабаб бўлади. Бу мақола тўғрисида ҳозирги кунда ҳам баъзи кексалар ва улардан эшитган ёшлар қош-кўз қўйиб сўзлаб юришади. Биз ана шу мақоланинг таҳлил-тафсилидан олдин, уни тўлиқ ҳолда ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

Йиғинди гаплар

«Ўқуғучилар билан дардлашмаганимга қарийб бир ярим ой бўлди.

— Қайси бурчакда ухлаб қолдинг? — деб сўрама, жиян. Бу ўлкада нима кўп экан — ухлайдирғон бурчак ва унда ўмпайиб, тўмпайиб ухлоғучи менга ўхшаш овсарлар! Мен сенга айтсам ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорифи, маданияти, иқтисоди, шалтай-балтайи, хуллас, барчаси ҳам ухлайдир. Аммо ўчоқбошини холи топқон олақарғалар бўлса хўбам билган номаъқулчилигини киляпти! Қилаверсин, эгасига товоқ, қошиқ керак бўлса, ахир бир кун қатрон-патрон қилиб оларов, оғайни! Ишқилиб ўлмасдан баҳорга чиқиб олсак бўпти... «ўсма нетар, ювса кетар» деган экан ото-бобо.

Мен шу дунёдаги одамзоднинг куйди-пиштисини темиртакда қийнаб ўлдурсам дейман:

— Ерлилашдириш!! Ўзбеклашдириш!! Фалончининг виждонига куйдирги чиқғонми?? Ўлиб бўлдик-ку!! (тўнғиз қўпсанг йўқ, дедимми!) Ярам янгиланди! Кўрчипқонимни кимнинг олдида ёрай?! (Бувингнинг олдида ёр!) Маҳалламдан шунчаси ишсиз, фалончаси оч!! (Оч бўлса кафанини ҳозирла!)

Кўчага чиқсанг кўринган кишидан эшитадирган сўзинг шу. Қулоғингга пахта тиқмасанг бошқа иложинг йўқ!

— Вой ўша куйди-пиштини йиғиб-териб эгам чоқирсин! Ҳали-ку бу оғзаки ғишғиша. Аммо кечаги кун газетада Охунбобоевдек битта саркорингдан ҳам феълим айниёзди. Ҳаммадан ҳам буниси қизиқ.

Маданглик (маданий — Ҳ. Қ.) маориф ходимчилари қурултойида маъруза ўқиб нима дейди денг:

Жумҳуриятимизда ҳар 200 мурассаъ чоқирим ерга, ёхуд ҳар 4909 одамға битта мактаб бор. Ёки ўқиш ёшида бўлғон болаларнинг ҳар (эмас, хўтук) 979 тасига бир мактаб тўғри келадир!»

Ана бу мияси ачимаганнинг гапига қаранг энди! Худоға шукр, қорнинг тўқ, қайғунг йўқ — бас, тинчгина фароизхонлик қилмасдан оқсоқоллиғингни қилаверсанг бўлмайдими, уста Йўлдош!

Тузук, чақирим-пақиримингга маним ҳам қаршилиғим йўқ. Раҳматлик бобой саккиз чақирим бир тош бўлади, бир тошни яхши отинг бўлса бир соатда босасан, деб айтар эди. Икки юз чақириминг... ҳисобнинг калласи минан 24 тош бўлса, ҳалигидек отинг саман бўлмаса бир қўниб, эртасига туш чоғида аранг етиб борасан. Уловинг эшак бўлса-ку ниятни сафарга қилиб рўзангни баҳузур еявер!

Гап қаерда эди ҳали... ҳа, айткандек, ҳар беш минг одамға битта мактаб ёхуд 979 тагина уйида энасини зериктирган гўдакка биттагина эрмак тўғрисида эди.

Шу замонадаги баъзи одамларга ажаб ҳайрон қоламан. Бир минг болага битта мактаб бўлса нима-ю, ўн мингига битта. Тўғри келса сен билан менга нима ҳасрат! Башарти муддао мирзабошиларни кўпайтириб, идораларни ерлилаштириш бўлса азбаройи Ленин ва Маркс узаткан оёғингни йиғма; Кўча чиқсонг ҳар қадамда битта мирзабоши, ҳасратидан чанг бурқийди. Иш йўқ, куч йўқ, ўн тўққузта ерлилашкан идорадан ҳафта ўтмай чиртинг-пиртинг қоғозини олибдир. Ростини айтсам, «Қул ўлмас, ризқи камимас» мақолини унча-мунча одам тўқиб ташламоғон. Дарҳақиқат, ҳар беш мингига битта мактаб бўлса ҳам бечораларнинг йиғлаб-сиқтаб, яғирига кул сепиб бир кунини кўрянти. Бунинг устига кун сайин таппа-таппа келиб турғон бешик-белик ва қадр ҳурматлик меҳмонларга ҳам сиррини бергани маълум эмас. Энди бир мингига битта

www.ziyouz.com kutubxonasi

мактаб тушкан ҳар беш мингнинг хўтуклари ҳам бир кунини кўриб кетар, деб ўйлаймиз. Битта-яримтанинг ўчоғига косов бўлар ёки от боқарми, ахлат қоқарми, ишқилиб бир бало бўлар-ку! Бас, менга қолса мундоқ майда гапларнинг қайғусини чекиш ҳеч арзимайдир.

Энсамни қотирғон гапларнинг яна биттаси анови кун бўлиб кечкан маданглик маориф ходимчиларининг қурултойидир. Тўғрисини айтганда, зиёлиларни фойдалик қилиш масаласидир. Лекин ашаддий қаҳқаҳамга мужиб бўлғон гап ҳам шуниси. Ўртоқ Акмалча Чўлпонбойнинг:

Зиёлимассен зиёнли хезлардан,
Упа-элик олудаси қизлардан —
Охунд бобо ўғли каби эр керак,
Боёнлардан олинғуси ер керак!

— деган шеъри билан зиёнлиларнинг афтига туфурган ҳолда яна нима учундир имони сусайиб «ҳезлар тавба-тазарруъ қилса фирқанинг қучоғи уларга очиқ!» деб қўядир. Дарҳақиқат, ҳезлардан биттаси тавба қилиб, истиғфор айтса Акмал жиндек бу тавбага ишонадими, йўқми ҳозирча унинг ичига кириб чиқ ғон махлуқ йўқ. Бироқ бунга ишонар экан, Акмалингга айтадирган икки оғиз гапим бор:

Сенга мисол бериш учун Шайх Саъдийнинг ҳикматига ва ё Калиланинг Димнасига мурожаат қилиб ўлтирмайман. Мисолни худди нақ мутакаллимдан эшит:

Мен ҳар куни худоға тўққуз маротаба осий бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман. Исёним бепоён бўлғонидек истиғфорим ҳадсиз ва лекин исёнсиз қолғон соатимга жуда оз учрарман! Бас, онглоғилким эй Акмал! Тавбага бўйин буккан банда, бандаларнинг энг ярамасидир, қуллуқ бунёд қилғон расво, расволарнинг яна ашаддий расвосидир. Ўз бутунлиғини сақлай олмоғон бошқаға эн бўла оладир, деган гапни ҳеч бир китобда учратолмадим. Айтмоқчиманки, тавбаси бошини есин, сен бўлсанг ишингдан қолма, отингни чуҳ, де! Ҳақиқат олдида бўйин эгиш тавбадир, ўзгаси ғовғодир!

Шу оралардаги муҳим ҳангамаларнинг яна биттаси «Миллий қўшиннинг фирқа конференцияси» деб арз қилсам эҳтимолки ҳеч кимнинг кўнглига оғир келмас. Нафсиламбир, қилай деса иши, ётай деса оғриғи йўқ йигитларимизни башарти мувофиқ кўрилса ва газармаларингиз бўш бўлиб кўнгилларига гап келмаса қўлларига милтиқ топилмоғонда ҳам битта-битта кетмон даста бериб уруқчиликка (қўруқчиликка бўлса керак — Ҳ. Қ.) қабул қилиш чакки бўлмас, деб хаёл қилурмиз. Яна раъи ўзлариникидир.

Ер ислоҳоти муносабати билан Ўзбекистонда бошқа ислоҳотлар ҳам ясалар эмиш, деб эшитдим. Дарҳақиқат, мамлакатда ислоҳотга муҳтож масалалар кўбдир. Масалан, катталарга ақл ва басират ислоҳоти, муҳаррирларга тил ва маъно, шоирларга илҳом ва услуб (маъно бўлмаса ҳам майли), ёшларга ахлоқ ва кийим, хотинларға жабру-зулм, домлаларга дин ва салла, «Муштум» ёзишғучиларига фақат шахсларнинг ёқасиға ёпиша беришлик ва бошқа мавзулар тўғрисида ўйлаб ҳам қарамаслик ва ҳоказо ислоҳотларга ниҳоят даражада эҳтиёж кўбдир.

Овсар.
«Муштум» 8.4.26, 27-сон, 2-3-бет».

Қодирий, бу мақола босилгач Ўзбекистон жиноят қонунлари мажмуасининг «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш...» моддаси билан қораланадилар. Ёзувчи устидан жиноий иш қўзғатилади. Тергов идоралари иш олиб боради. Қарийб уч ойлик сўроқ-терговдан сўнг Ўзбекистон Олий Суди (Самарқанд шаҳрида) Қодирийни судлайди. Судда Қодирий бундай дейдилар (бу сўзлар стенограммадан кўчирилган бўлиб, уни Қодирий ёзма равишда ўқиб берадилар — Ҳ. Қ.):

«Йиғинди гаплар» мақоласини маъниси, келган-кетган гаплар, деган сўздир ҳам фақат кулги тариқасида ёзилғондир. Ҳақиқатда кулги тариқасида ёзилғонлиғини исбот қилмоқ учун қуйидаги изоҳотни бериб кетишни лозим топаман:

(Қодирий бу ўринда кулгулик ва унинг бошланиш тарихи, кулгулик қонуниятлари, турлари, ўзбек кулгулиги ва унинг Октябрь инқилобига қадар ва ундан сўнгги давр тафовутлари ҳақида фикр юритадилар. Қизиқувчилар «Кулгу ҳақида» номли мақолага қарасинлар)[1].

Маним 27-нчи сон «Муштум» журналидаги «Йиғинди гаплар» сарлавҳалик кулги мақолам ҳам шу асосларга солиниб ёзилғон сажиявий чин кулги эди. Мазкур мақоладаги мақсадим кулги мезони билан ҳарфат жадидга олинғонда қуйидаги мазмунлар ҳар кимга, ҳар бир гўдакка ошкора бўладир: мақолани биринчи устун 4-йўлидаги «Ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорифи, шалтай-балтайи алх. ухлайди» жумласи фақат муболаға мақмида қўллонғон бир гапдир. Мундан бошқа маънолар чиқариш хаёлот ёки васвасадир. Зеро, бошида бир оз муҳокамаси бўлғон ҳар бир киши Ўзбекистоннинг Улуғ Октябрь инқилобиғача бўлғон ҳоли билан Октябрдан кейинги тўққиз йил ичидаги интибоҳини[2] (ижтимоиятда, илм ва маданиятда, хулоса ҳар бир жабҳада) чақиштириб кўрса ўзини тамоман бошқа бир оламда ҳис этадир. Бас, мундаги жумла муболаға орқалиқ ишчи-деҳқонни қитиқлаш, яъни уни яна ҳам юқори томонга қараб судраш мақсадида келтирилган; бу жумла зоҳирий тузилишдан муболаға — кулги, ички маънодан қитиқлаш. Турмушдан мисол келтирилганда, масалан: Тошпўлат аканинг бир ўғли бор. Тошпўлат ака ўғлининг ишда ихлосини, ўз ишида муваффақиятини яхши биладир. Лекин, шундоқ бўлса ҳам ўғлини «сен ялқовсан, одам бўлмайсан!» деб камситадир. Бу камситиш, яъни пўписа камситилғучининг чиндан ҳам ялқов ва ғафлатда эканини кўрсатмайдир, балки уни яна ҳам излатишга ва ўз нуқсонини қидириб тағин ҳам юқориланишга хизмат этадир.

Мазкур жумладан кейинги: «Аммо ўчоқ бошини холи топқон олақарғалар бўлса хўбам билган номаъқулчилигини қиляпти» жумласидирки, мазмуни ҳаммага ҳам яширин эмас: Чор ва сармоя ҳукуматининг Ўзбекистонда қолғон ва қўй терисига бурканиб эски хўжалиқни димоғидан чиқара олмоғон жониворлари ҳамма шўро идораларида ҳукм сурадирлар. Албатта, улар қўлларидан келганича ишчи-деҳқон иқтисодига ва шу восита орқалиқ унинг маориф ва маданиятига зарба беришга тиришадирлар. Ҳам зарарликда шулар қаторидан қолишмайдирғон, фақат ўз шахсий роҳати йўлида элни эмиб,қайғусиз, ғоясиз, эчкининг оти Абдукарим бўлиб етмаса иғвогарлик билан кун кечиргувчи ўзимизнинг баъзи столпараст, танпараст шахсларимиздан киноядир. Мундан кейинги «Қилаверсин, эгасига товоқ-қошиқ керак бўлса, ахир бир кун қатрон-патрон қилиб олар-ов, оғайни! Ишқилиб ўлмасдан баҳорга чиқиб олсамиз бўпти...» Бу ердаги эга — ишчи, деҳқонлар ва чиқиладирғон баҳор уларнинг юксалиб чин социализмга етишмакладирдир. Яъни ишчи-деҳқонларимиз иқтисодан юксалиб, маърифатан юқорилашсалар, ўшандай зарарлик мустамлакачи ва бошқа унсурлардан қутулурлар, қатрон қилиб уларни йўқотурлар, юварлар, деган маънода.

«Ерлилашдириш, ўзбеклашдириш... алх.» — Бизда бир хил кишилар бор, яъни зиёлинамолар. Ўзлари амалда бир пуллик иш қилмайдирлар, аммо оғизда кўча саситиб, ҳасратланиб юрадирлар. Мазкур жумлалар ўшандай ишсиз, фақат ҳасратигагина таянғон унсурлардан киноядир. Масалан: «ерлилаштиришдан ҳеч бир натижа чиқмади, фалон иш билан мундай ҳолатга тушдим, ҳасратингни кимга айтасан» деб юрғучи олифталарга ҳамма вақт учрашиладир. Овсар бўлса уларга «бибингни олдида ҳасрат қил, ҳезлар!» деб заҳарханда қиладир. Юқорида зикир қилинғонидек, мақсадлари фақат мансабдан, кайфу-сафодан иборат бўлғон унсурлар бизда ҳали қуритилғон эмаслар ва бунга газета бетларидаги хабар ва шикоятлар жонли шоҳиддир ва шулар қаторида ҳалигидек қуруқ ҳасратчилар ҳам йўқ эмаслар. Аммо буларнинг қаршисида жони билан, тани билан ишчи-деҳқон саодатига қурбон бўлиб бош тикканлар ҳам кўп, жумладан ўртоқ Охунбобоев бунинг тимсоли — мужассамидир. Ул ҳар қачон ҳар ерда камлик ва нуқсонларимиздан сўзлаб, бунинг учун чоралар, тадбирлар излашга, ҳам ишчи-деҳқон саодати йўлидаги тўсиқ-ғовларни олиб ташламоқ учун барчани кўмакка чақирадир.

Биринчи устуннинг 25-йўлидан бошлаб иккинчи устуннинг 4-йўлиғача бўлғон ўртоқ Охунбобоев тўғрисидаги гаплар

---

[1] «Абдулла Қодирий», кичик асарлар тўплами, Ғафур Ғулом нашриёти, 1969 йил.

[2] Интибоҳ — уйғониш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёлғиз унинг шу сифатидан киноядир. Масалан, фақат кўча саситиб, оғзаки ғишғиша қилиб юрган анави ҳасратчилар қаршисида ўртоқ Охунбобоев активний равишда мажлис ва газеталарда камчиликларни чертиб отадир. «Ҳали-ку бу оғзаки ғишғиша, аммо кечаги кун газетада... алх» (5-йўл, биринчи устун) муқаддимаси шуни ифодалайдир.

Иккинчи устун 5—6-йўллардаги: — «Шукур қорнинг тўқ, қайғунг йўқ, бас тинчгина оқсоқоллиғингни қилаверсанг бўлмайдими?» жумласи шахсий ҳазил бўлиши баробарида юқорида зикр қилинғон қорни тўқ, бошқа қайғуси йўқ унсурлардан замзамадир. Яъни айтилмоқчиким: Эй, Охунбобоев! Нега сен анавиларга ўхшамайсан! Қайғурасан, ўртаға соласан; сен ҳам ўшалардек қорнингни силаб ётсанг бўлмайдими? Аммо бу жумладан анави танпарастларга англатилмоқчи бўлғон, айтилмак исталинган маъно бундайдир: Эй, Абдулҳақлар ва эй, тан бандалари, ўртоқ Охунбобоевдан нега намуна олмайсизлар, ул сизларга ўхшаш қорним тўқ, қайғум йўқ деб тинчгина ётибдирми? (Мана шу ўринда айтилган маънони қуйидаги жумлалар, яъни кулгунинг кетиши ҳам таъкидлайдир).

Иккинчи устун 7-йўлдан бошлаб 13-йўлнинг охиригача бўлғон «Тузук, чақирим-пақириминга мен ҳам қаршилиғим йўқ...» жумласи эса ўртоқ оқсоқолнинг мазкур маърузасини, дарҳақиқат, илтифот этишга лойиқ бир цифр эканини, бизнинг тўкис маориф-маданиятга эришмагимиз учун яна катта фидокорликлар кераклигини кўрсатиб англатиш учун келтирилган.

Иккинчи устун 17-йўлдан бошлаб «Шу замондаги баъзи одамларга ажаб ҳайрон қоламан, бир минг болаға битта мактаб бўлса нимаю, ўн минг болаға битта тўғри келса нима қайғу?» жумласи билан яна юқорида айтганимча ўртоқ оқсоқолнинг чиндан ишчи-деҳқон маорифи ва бошқаси учун ғамхўр ва бош оғритганини кўрсатмакчи ва шу гуноҳи, яъни мазлум халқ маориф-маданияти йўлида ўз-ўзини машаққатлагани учун овсарона уни шилталамакчидирман. Бундай киноялик мадҳ аксар халқ орасида истеъмол қилинадир. Масалан тиришқоқ ва жонкуяр бўлғон кишига иккинчи биров ўзини овсарликка солиб «қўй, нима керак сенга мунча ташвишни! Шукр, бир кунинг бўлса ўтиб турибдир; беш кунлик дунёда сен ҳам тинчгина юрсанг-чи!» дейдирлар.

Иккинчи устун 20-йўлдан бошлаб 3-устуннинг бешинчи йўлиғача бўлғон «муддао мирзабошиларни кўпайтириб идораларни ерлилаштириш бўлса...алх» кулгулари ёлғиз ўртоқ Охунбобоевнигина эмас, балки бошқа ўртоқлар диққатини ҳам ерлилаштириш ва маданий-маориф ишларига жалб қилиш учун қўлланилғондир.

Маълумки, бизда икки хил зиёлилар бор: 1) эски, яъни октябргача бўлғон зиёлилар, 2) Янги Шўро зиёлилари. Такрорга ҳожат йўқ: инқилобғача бўлғон ва Октябрдан кейинги зиёлиларни етиштирган омиллар ва шароит ҳаммага маълум. Шунинг учун мен уларнинг таҳлилига киришмай, мазкур «Муштум» сонидаги зиёлилар ҳақида бўлғон кулгулигим устида гапираман:

Учинчи устун 15-йўлдан бошлаб то 35-йўлғача бўлғон гаплар мазкур икки хил зиёлиларни текширув мақсадида ёзилғондир. Масалан: «Ўртоқ Акмал Чўлпонбойнинг... шеъри билан зиёлиларнинг афтига тупургани ҳолда яна нима учундир, «ҳезлар тавба қилса уларга фирқанинг қучоғи очиқ!» деб қўядир. Дарҳақиқат, ҳезлар тавба қилса ўртоқ Акмал бу тавбага ишонадими, йўқми аммо унга айтадурган гапим бор...» Бу жумлалар зиёлиларни фирқа кўзида тавба қилғон бўлиб кўриниб, риёкорлик қилмасинлар, тавбаларга қуруқ сўз беришдан иборат бўлмасин мақсадида айтилган. Мундаги ҳарфан кузатилган муддао эрса мундоғ: Эй зиёлилар! Сизлардан баъзи бирларингизнинг яқин мозийдаги камбағаллар ҳукуматига берган зарарларингиз майдонда, бунинг учун меҳнаткашлар афтларингизга туфласалар ҳақлидирлар. Меҳнаткашларнинг қучоғи бизлар учун очиқ экан деб риё билан меҳнаткашлар ишига аралаша кўрмангиз, чунки меҳнаткашнинг ақли-ҳуши бошида, яқин ўтган кунларингиз унинг кўз оқида Эй ўртоқ Акмал, агар улардан бирортаси мазкур риёкор мунофиқлик ҳолатида ишга аралашадирғон бўлса, сен бунда ҳозир бўл, эҳтиёт тур! Аммо тавба тўғрисида сенга айтадирғон сўзим бор: «Мен ҳар куни худоға тўққиз мартаба осий бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман». Яъни бу гапдан мурод уларнинг тавбалари биздаги оддий маънода юрган тавбадан бўлмасин. Букунги фирқа олдида қилинадирғон тавба тамоман янги, чин маънодаги тавба бўлсин, ҳар куни тўққиз маротаба истиғфор айтиб, ўн саккиз маротаба қайтадирғон тавбадан меҳнаткашларга фойда йўқ.

«Тавбага бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик бунёд қилғон расво, расволарнинг яна ашаддий расвосидир». Бу жумла билан ўша оддий маънода бўлғон тавбани инкор қилинадир, яъни тавба кулликдир, бўйин эгиш бандаликдир, банда эса ҳақиқатга тушуниб эмас, кучланиб, ожизланиб бўйин эгадир. Бас бу ҳолдаги тавба — тавба эмас, балки шахсий ихтиёрни, муҳокамани қўлдан бериб одамгарчиликдан чиқишдир. Тавба, қуллик (бу дунёда) қилиш бўлмасин, чунки бу расволик, аммо ҳақиқат олдида бўйин эгиш бўлсин. Ўзинг бир ҳақиқатга қонмай туриб ва ўзингнинг хатойингга тушунмай туриб, фақат ожиздан қилинғон тавба тавба эмас; ҳам ўзингни, ҳам ўзгани алдашдир, расволиқдир.

«Ўз бутунлиғини сақлай олмағон бошқаға енг бўлолмайдир». Бу жумла юқорида айтилган ихтиёрий шахсни такрорлайдир. Яъни шахсий бутунлиқ, мустақил шахсият қуллик билан зиддир. Шахсий бутунлиғи бўлмағон, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи тополмағон ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалик ва чин аъзо бўлолмаслар. Чунки, аксар мунофиқлик ва майдалик ихтиёрсиз ҳам ўзига ишончсиз ва имонсиз кишилардагина гавдаланиши илмий равишда исбот қилинғондир.

Мени маъюблар курсисига ўтқизғон «Йиғинди гаплар» мақоласининг асли кузатгани ва ёзғучисининг мақсади юқорида мазкур шарҳлардан иборатдир. Бундан бошқа маънолар чиқариб, турлик эҳтимолларга бориб қайтиш ўринсиздир. Агар баъзи ўртоқлар шундай мулоҳазаларга кетган эканлар бу эса кулгуликнинг, айниқса адабий кулгуликнинг бизда ҳали ёшлиғидан ва ўзлашиб етмаганлигидан келадир. Шуни ҳам айтиб ўтишни, ёдларингизга солишни лозим топаманки, кулги мақоладаги мустаор имзо мақоланинг ҳаракатини аксар вақт ўз тарафларига буруб юритадир, яъни музика ёзғучи мустаор шахсига лойиқ гаплар, жумла ва таъбирлар орқасидан эргашадир. Мақоланинг имзоси Овсар қўйилғон, демак ундаги кўп таъбир, ифодалар овсарона, далиёнадир. Тентакни тентак тинглайдир деганларидек, кулгулукгагина эмас, умуман сажиявий адабиётга яқин турғон кишилар бу мақолани шу нуқтадан қараб текширсалар яна ҳам ҳақиқат очиладир. Масалан, маним кулгулукда ишлатадирган неча турлик мустаор имзо, яъни қаҳрамонларим бор: Калвак махдум, Тошпўлат, Овсар, Думбул, Шилғай ва бошқалар. Агар сиз шу имзолар билан ёзилган кулгулукларни текшириб чиқсангиз мунда асли ёзғучининг шахсини тамоман кўролмайсиз, фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзиданғина эшитасиз: Калвак махдумни ўқинг; кўбдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлоғон холис бир маҳалла имомини кўрасиз. Тошпўлатни ўқинг: ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмоғон ва шу фақирлик орқасида ўғирлик ва фаҳшият денгизида сузиб тажангланган холис бир чапанини кўрасиз. Овсар ва Думбулларни ўқинг ва текширинг, ҳоказо.

Адил судлардан сўрайманким, мен айбланган мақолани, меним устимда турлик шубҳалар туғдирған кулгулукни шу юқорида саналғон мезонларга солиб текширилса ва ҳукм берилса экан. Кулгуликда улар айтгандек ёмон ният билан яширилғон ҳеч бир маъно йўқ. Ҳарна ёзилғони бир «Овсар» тилидан фақат ишчи-деҳқон манфаати кузатилиб айтилган, ҳукумат кишиларига бўлғон гаплар ўртоқлик ҳазили, шахсий мазохар, мундан бошқа гаплар, маънолар бўлса юқорида бир даража теъдод қилиб ўтдим. Олий Судга менинг фақат шахсий адоват орқасида бир ҳолга тушганим яхши англашилди деб биламан.

Гувоҳ ўртоқ Левченконинг сўзига қарағонда, 27-сон «Муштум»нинг дунёга чиқарилишига рухсат берилган, яъни мени мазкур сондаги «Йиғинди гаплар» мақолам судларга илмий ва адабий йўлда шарҳлаб берганимдек зарарсиз, нафсониятчилар айтган маънода эмасдир ҳам шундоғ бўлиши табиий. Аммо бир неча шахслар бу мақолани ўзларининг билмадим қандоғдир тарозуларига солиб зарарлик топишлари эрса ғаразгўйлик, тирноқ остидан кир излашдан бошқа нарса эмасдир.

(Қодирий бу ўринда юқорида биз баъзи ерларидан фойда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган ўз таржимаи ҳолларини ёзадилар[1] ва шу сўзлар билан гапларини тугаллайдилар):

Қисқача таржимаи ҳолимни баён этиб, сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиман: мақолани зарарсиз топиб босишга рухсат бергучи журнал муҳаррирининг ўзи эди. Бугун ўз лавзидан қайтиб, виждони олдида қип-қизил ажива бўлғучи, мени қоралағучи ва устимга бошқа бўҳтонларни тақигучи ҳам унинг ўзи бўлди. Уч ойлардан бери матбуот саҳифаларида ўринсиз ва бошқа фақат менга қаратилиб бўлғон ҳақсиз ҳужумлар, англашилмовчиликлар, бемаза исноднар ва жимжималик замзамалар мени кўра олмаган ўша айрим шахсларнинг адоватидандир. Хулоса, адоват мамлакат рангида бўялди.

Сўзимнинг охирида ўзимнинг асли ғоя ва маслаким билан ҳам қисқача таништириб қўяйин: Мен Шарқ озодлиғини ва унинг мазлум пролетариати саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишиға ишонган бир кишиман. Бу гапни сизнинг берадиган жазоингиздан қўрқиб эмас, балки виждоним, имоним тазйиқи остида сўзлайман. Лекин бу озодликдаги чин курашчилар — лавзсиз қўрқоқлар, шахсий адоват орқасида бахт куткучи майда кишилар бўлолмаслар; аммо, ўртоқ Ленининнинг соғлом, улуғ, ғазаматсиз, гидирсиз йўлиға томон холис ниятда бел боғлағучи қаҳрамонларғина бўлурлар. Маним ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Ленининнинг ҳароратлик шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим.

Сўзим охирида адил судлардан сўрайман, гарчи мен турлик бўҳтон, шахсият ва сохталар билан, ҳам англашилмовчиликлар орқасида иккинчи оқланмайдурғон бўлиб қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг олий бўлғон жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамс ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл виждонлик йигитга бу қадар хўрлиқдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди, жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир. Адил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман».

Суд уч кун (1926 йил 15, 16, 17 июнь) давом этиб, охири Қодирий устидан унга икки йил қамоқ жазоси бериш ҳақида ҳукм чиқарилади. Бироқ Олий Суднинг ўзи шу куниёқ Ўзбекистон ССР Олий Советига уни озод қилиб юбориш тўғрисида илтимоснома ёзади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми махсус мажлис чақириб, шундай қарор чиқаради:

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиум мажлиси 1926 йил, 17 июнь, Самарқанд.

Мажлисда (опросом)[2] Президиум аъзолари: Охунбобоев, Биксон, Ғозиев, Волик, Икромов, Иванов, Қосимхўжаев, Раҳимий, Строгонов ва Челогузов ўртоқлар иштирок этдилар.

Қосимхўжаев — раислик, Раҳимий — котиблик қилди.

Эшитилди: Ўзбекистон Олий Суди шу йил 15—16 июнда суд қилиб икки йилга озодликдан маҳрум этилган Абдулла Қодирийнинг қамоқ муддатини ўтамасдан озод қилиб юборилишини сўрайди.

Қарор қилинди: Ўзбекистон Олий Судининг илтимоси қондирилсин. Икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган Абдулла Қодирий қамоқ муддатини ўтамасдан озод қилинсин!

Раис: Қосимхўжаев. Котиб: Раҳимий.

Шундай қилиб Қодирий 1926 йилнинг 18 июнида эркинликка чиқиб, 20 июнда Тошкентга қайтадилар.

Кейинги чоқларда мулла Зайниддин амаки[3] билан суҳбатлашиб билишимча, Қодирийнинг ҳибсдан тез чиқариб юборилишларига Охунбобоевнинг ўзи ҳам бош қўшган. «Жулқунбой ҳазил қилган, тўғрисини ёзган, таҳсил кўрмаганман, ўқишим керак, жавобгар қилманглар уни» дейди. Бу сўзларда жон борга ўхшайди. Чунки, Охунбобоев арбоб эди. Арбоб кибрсиз, адоватсиз, гина-кудуратсиз, ҳасадсиз, ҳар бир ишга (гарчи ўз шахсига тегишли бўлса ҳам) ҳаққоний баҳо берувчи одил кимса бўлмоқлиги қадимдан айтиб келинади. Зеро бу сифат — хислатлар арбобни янада улуғвор, халқ эътиборига сазовор қилади. Ахир, Охунбобоев отанинг халқ тарафидан ҳамиша севилиб келиши ҳам шундан эмасми? Ота, дарҳақиқат, «Мени танқид қилдинг» деб Қодирийга гина-адоват сақламайди. Улар, баъзи хотираларимда ёзганимдек, сўнгги чоқларга қадар бир-бирлари билан самимий муносабатда бўладилар.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, Қодирийнинг баъзи асарлари (айниқса фельетонлари) Ғарб услубида, яъни мураккаб истеҳзо, истиора, киноя, чистон йўсинида ёзилган. Шунинг учун ёзувчининг мақсадини дарҳол тушуниб етиш ўқувчига қийинроқ кўчади. Ғози Юнус ҳам «Танқидми, тош отиш» мақоласида Жулқунбойга: «Санинг қайси бир ёзғонларингга ишчи-деҳқон тушунадир?» деб киноя, муболаға қилади. Қодирийнинг ўзлари, юқорида бу эътирозга «баъзи ўртоқлар шундай мулоҳазаларга кетган эканлар, бу кулгуликнинг, айниқса адабий кулгулукнинг бизда ҳали ёшлиғидан ва ўзлашиб етмаганлигидан келадир» деб изоҳ берадилар.

Қодирий жисмоний меҳнатда ҳам, ақлий ишда ҳам ва ҳатто, айтганимдек, ёзишда ҳам жуда тезкор эдилар. Демак, у кишининг ўйлаши, фикрлаши ҳам тез эди десак янглишмаймиз. Қодирийнинг яшаш «шиор»лари шу эди: доим ишлаш, интилиш, нимадир янгилик кашф қилиш, жамият билан баробар қадам ташлаш, ўтириб қолмаслик... «Кундан кунга замон ўзгарадир, ишлар янгарадир. Матбуот саҳифаси ва адабиёт саҳифаларигагина, ҳаётнинг ҳар бир соҳасига чуруқ-чориқ, латтапутта ёзғонлар раҳмсиз суратда суприлиб, аксар кунлари жувоз ҳайдашга қоладир» дейдилар Қодирий, сусткаш, тебранмас, ортда қолган қаламкашларни «Ўжар кўр» мақолаларида танқид қилиб.

Бир хотира ёдимга тушиб кетди: 1930 йилнинг бошлари, коллективлаштириш ва қулоқ қилиш кампанияларининг авжи қизғин даврлари эди. Самарқанд дарбоза маҳалламиз активлари иккига бўлиниб гуруҳбозлик бошланиб кетди. Бир гуруҳи ҳақиқатчилар, иккинчи гуруҳи эса Самарқанд дарбоза мавзеининг «катта»лари бўлиб олиб безорилик, беданабозлик, порахўрлик, жамоат мулкини талон-тарож қилиш, атроф колхоз аъзолари ўртасида иғво тарқатиш, колхозларни бузиш билан шуғулланувчилар...

Албатта, Қодирий бу ишларга аралашмас, «катта»лар эса (улар ўқимаган, ҳатто саводсиз, билимсиз кишилар эди) қулоқ қилиш ишлари билан «жиддий» шуғулланиб, «Жулқунбой бойиб кетди, уни ҳам қулоқ қилиш, бадарға этиш керак» деб, папка қўлтиқлаб юқори идораларга арз қилиб юришар эди. Қодирий эса уларнинг бундай хатти-ҳаракатини орқаворатдан эшитиб кулар эдилар. Ниҳоят, «катта»лар ўз жиноятларини хаспўшлаш учун ҳалиги ҳақиқатчилар устидан туҳмат уюштирадилар. Бироқ, барибир, иш чаппасига айланади, «катта»ларнинг сир-жиноятлари очилади, 1935 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Олий Судининг Сайёр ҳайъати Самарқанд дарбоза маҳалласининг чойхонасида уларни очиқ суд қилди ва ҳаммалари қилмишларига яраша жазо олдилар. Шундан сўнг, Қодирий, ҳалиги ҳақиқатчиларнинг илтимоси билан «Қизил Ўзбекистон» газетасига «Катта»лар ҳақида «Кўрқоқ олдин мушт кўтарар» номли кичкина бир фельетон ёзадилар...

Ёз эди. Бир куни кечки пайт ош дамладик-да, Раҳимберди амакимни таомга таклиф қилдик. (дадам тансиқроқ овқат пиширилганда амакимни албатта таомга таклиф қилар эдилар). Таом чоғида амаким дедилар:

— Фалончини[1] газетага ёзибсан, укалари айтишяпти...

— Нима дейишяпти, номаъқул эмишми? — дадам кулдилар.

— Маъқулми, йўқми... ҳарҳолда, бир ернинг одамимиз-да... кўнгилларига олган кўринишади...

— Мен уларни газетага суддан кейин ёздим. Бундан уларнинг гуноҳи оғирлашмайди ҳам, енгиллашмайди ҳам. Фақат ўзгаларга бир-бир ибрат бўлади, холос, — дедилар ош ошаб дадам, — асли ўзи бу жиноятчиларни уч-тўрт йил бурун танқид қилиш, газетага ёзиш керак эди. Бир ерни одамимиз деб, айбини яшириб ўзи катта хато қилганмиз, ака.

— Нима хато?

— Шайх Саъдий айтади: чуқурликдан сизиб чиққан сувни

---

[1] Бу таржимаи ҳол кичик асарлар тўпламида 1969 йили тўлиқ босилган.

[2] Опросом — Мажлис (заседание) аъзолари бир ерга тўпланмай, тайёр ёзилган қарорга «Мен ҳам рози» деб қўл қўйиб берилиши.

[3] Мулла Зайниддин —Эшонгузар маҳаллалик, инқилобга қадар Қодирий каби приказчилик қилган, бухгалтерлик касби ҳам бўлган. Дадамнинг яқин улфатларидан. 1970 йилда тўқсон ёшлардан ошиб вафот этди (Х. Қ.)

[1] Бу киши вафот этиб кетган бўлса ҳам номини (умуман ўша жиноятчиларнинг номларини) очиқ кўрсатишни мувофиқ кўрмадик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир тош билан бекитиш мумкин. Бироқ сен бекитмадинг, вақт ўтди, сизган сувдан аста кўл ҳосил бўлди. Уни энди бир тош эмас фил билан ҳам бекита олмайсан[1]... Шунга ўхшаш, агар хатоларини вақтида кўрсатиб танқид қилинганда, огоҳлантирилганда эди, улар бу қадар жиноятлар содир қилмас, жамоат оқчаси, мулки ҳам соврилмас, ўзлари ҳам балки зарарсиз қутулғон бўлар эдилар...

Бу сўзлардан англашиладики, вақтида қилинган танқид, огоҳлантириш кўп ҳолларда жиноятнинг олдини олади, давлат — шахс мулкларини соврилишдан сақлаб қолади ва жиноятчини тўғри йўлга солади.

Қодирий танқидчилик хусусида кўп асарлар ёзганлар, фикр-мулоҳазалар юритганлар. Чунончи, у киши дейдилар:

«Адабиёт дунёсида икки турли танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид. Жиддий танқид ўзининг кузатган нишонаси устида ўзгаришлар ясаса ҳам, аммо кўпчилик авомга мажҳулроқ бўлиб ўтади. Айтиш мумкинки, жиддий танқид баҳс қилинган масаланинг ўз аҳлига, яъни юқори табақа — зиёлиларга махсус кабидир. Ундан сўнг жиддий танқид турмушнинг ҳар бир бурчагига кириб юриш учун ҳам таназзул этолмайди. Бу жиҳат билан қаралса-да, у оммавийлик хусусиятидан йироқдир.

Танқиднинг иккинчи хили бўлган ҳажвий (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўлади. Чунки кулги танқид турмуш бўйлаб учқувчи бургутдир. Ҳаёт шароитига ярамаган заиф, қизғанч, манфур, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир.

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир. Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиатидаги кулгилик унсури авомнинг маҳбуби, тағин тўғриси унинг ўз ижодидир.

Бир миллатнинг ҳар бир соҳада тутган мавқеи маданиятдаги даражасига, яъни савиясига қараб ҳукм қилинса ҳам, аммо ҳажвиётдаги даражаси бунга қарамайди. Миллатнинг кулгулик даҳоси аксар ўша қавмнинг интибоҳ тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринади. Масалан, Италияда (Данте), Испанияда (Сервантес) ва Россияда (Гоголлар) каби. Чунки даҳоларни етиштирувчи бош омил бузуқ шароит эди.

Бизнинг кулгимизнинг ўз оти бирмунча тарихи бўлса ҳам, аммо янги ҳажвиётимиз ўзининг чин негизини ҳали сола олган эмас. Зеро, Октябрь ижтимоий инқилобининг туртуги билан интибоҳ кўчасига томон уйқусиратти. Онадан туғма турли соҳаларда иш кўра бошладик. Шунинг учун-да, биз бу кунги ҳажвиётимизда кескинлик кўролмаймиз.

«Машраб», «Муштум» кулги мажмуаларимиз ҳажвиётда унча чуқурлаша олмайдилар. Бироқ шуни айтиш керакки, улар бу асоснинг кетмонини чопувчи ва истиқбол ҳажвкашларининг ундовчисидир...»

Қодирий юқоридаги мақолаларида гўё ҳажвиёт тарихи, танқидчилик назарияси, даҳолари, ўзбек ҳажвиётининг аҳволи, ютуқ-камчиликлари, тараққиёт умидлари тўғрисида фикр юритсалар қуйидаги мақолаларида эса ҳажвчилик сирлари, танқидчилик шартлари, кулги йўллари хусусида сўзлаб қаламкашларга ўгит берадилар, ўз асарларидан мисол келтириб таҳлил қиладилар, ёзишғучиларни «Муштум»да янада фаъолроқ қатнашиб туришга даъват этадилар:

«Муштум» ўзининг ёзишғувчиларининг самимиятини, дардини яхши биладир — дейдилар Қодирий. — Чунки дард бўлмаса, самимият бўлмаса биз подачини қўлида калтаги билан кўрмас эдик.

Биз бу ўринда шу самимий йўлдошларимизга, қўлдошларимизга, бир-икки оғиз гап сотмоқчи бўламиз: сиз бир муҳитда яшайсиз, яъни қишлоқда, шаҳарда ёки кўйда. Шу ўзингиз яшаган муҳитда, шубҳасиз, дағаллик бор, қўполлик бор, қинғирлик бор, қийшиқлик бор. Шу аносири арбадан қайси бўлса бўлсин мутаоқиб сизнинг ижтимоий руҳингизга ўзининг чучмал таъсирини бермай ва нафратингизни уйғатмай қўймайдир. Албатта, шу вақт «Муштум»ни ўйлаб қўлингизга қалам оласиз. Аммо шу қалам олишдан илгари бирмунча андиша лозимдир; шошмаслик керак. — «Шошган қиз эрга ёлчимас» мақолини балки эшитганингиз бордир. Ўн карра ўлчаб, бир мартаба кесмоқ яхши.

1. Сиз олган мавзуни ижтимоий ва сиёсий манфаати. 2. Қош қўйиб, эвазига кўз чиқармайсизми. 3. Масала замирида шахсий манфаатингиз, яъни олди-берди жанжалингиз йўқми... Бу жиҳатдан қаноатингиз том бўлса, энди навбат қаламникидир.

Яхши билиш керакки, қалам — ўқлоғи, матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!

Кулги журналида иштирок қилиш бир оз назокат талаб қилади. Чунки сизни нафратлантирган, истеҳзолантирган масала ёки шахсни ўз ҳаётидан, ўз хусусиятидан олиб, кулги ҳолига қўйишингиз керак. Яъни сиз бу кулгуликни ясаган бўлиб кўринманг, балки ўзи ясалган бўлсин. Ўз ҳолини ўзи арз қилсин. Токи ўқувчингизгина эмас, ҳатто кулгида қолган рақибингизни ўзи ҳам можаросиз сиз билан биргалашиб кулишмакка мажбур бўлсин.

Адабиётда бир неча хил кулги йўллари бўлса ҳам (масалан, пичинг, кесатиш, киноя, тағофил ва бошқалар...), лекин энг мўътабари характер кулгисидирки, юқорида айтиб ўтдик, аммо бунда қуйидаги шартларнинг топилиши керак:

1. Қаҳрамоннинг характери (яъни сизнинг олган масалангиз ва ёки кишингизнинг ўзидагина топилган табиат), масалан: сўз, иш, феъл ва...

2. Шу характеристика ичидан сиз бермакчи бўлган маъно ёки ибратнинг ўз-ўзидан томиб туриши.

3. Шу икки турлик нарса ичидан истеҳзо ёки хо-хо-хо моддасининг табиий суратда келиб чиқиши.

Бу ўринда масала яхши англашилсин учун бир мисол берайлик: Тошпўлат ака маҳалла комиссиясидан ўз таъбирича бир қийиқ қоғоз олади-да, севиниб кетади. «Ҳа, дедим; подшоликка энди йигит керак бўптими, дедим» дейдир.

Таҳлил қилсак бунда кўрамиз:

а) Тошпўлат тажангнинг ўз ибрати — сўз характери (кўринишидан);

б) Тошпўлатнинг оч қолиб, подшоликдан иш кутиши (маъно-дан);

в) ҳолбуки, бу қийиқ қоғоз билан уни ишга чиқорилмайди, балки ундан беш сўм налог олинмоқчи (кулки).

Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик, айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдадир. Бундан бошқа, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги лозим. Шундагина ибораниг тузатиб босишига йўл қўймаган ва мустақил услуб ва ифодага эга бўлиб, ўзингизнинг қаламдаги истиқболингизни таъмин қилган бўларсиз. Кишига ишониш ва беҳуда кучаниш маъқул гап эмас, бировга орқа қилиб ўзингизда бўлган талантнинг руҳига фотиҳа ўқий кўрмангиз. Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдали, ҳам умидликдир.

Бундан сўнг «Муштум»ни кичкина қилиб чиқариладир. Аммо сиз сиғмай қолишдан қўрқмай, ёзғонларингизни бизга йўллай берингиз. Ёзишғучи сўфиларимизда ҳунар бўлса, хонақоҳ ҳеч бир вақт торлик қилмас. «Муштум» эскича ўғирлик, жаҳолат, залолат ва ғайрилар билан курашни давом эттиради. Бироқ, бундан сўнг ул тилга — санъатига, адабга риоясини том қилиб қўлидан келганча ёш талантларни шу доирада ўстиришга тиришади».

(«Ёзишғувчиларимизга» мақоласи. «Муштум» 17-сон, 1926 й.)

Юқорида Қодирий («Муштум») «ёш талантларни ўстиришга тиришади» дейдилар. Дарҳақиқат, Қодирий ўз ижодлари, тажрибалари, услублари, ўгитлари билан фақат замонаси кишиларинигина эмас, балки ҳозирги талантларни ҳам ўстириб, йўл кўрсатиб келмоқдалар. «Матбуотчилик, ёзувчиликни Жулқунбойдан ўрганаман» деб фахрланиб юрувчилар авваллари кўп бўлганидай ҳозирда ҳам оз эмас. Ёш ёзувчи одатда ёзувчиликни тақлид қилишдан бошлайди, кейин — мустақил йўлга ўтади. Масалан, «Муштум»нинг аввалги давр сонларида тақлидан ёзилган шундай ҳажвларни кўрамиз (ҳатто, баъзи ҳажвкашлар «Жулқунбойга тақлид» деб очиқ ёзиб ҳам қўядилар): «Шоҳ Машрабнинг саёҳати», «Тожи хўроз нима дейдир?,

[1] Мен Саъдийнинг бу ҳикоясини дадамдан эшитганимча, хотирамда қолганича олдим.(Ҳ. Қ.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Мавлавий Пўстин мулақаб мокиён махзум саргузаштлари», «Розиқ гов нима дейди?», «Қори Унбирвоқи махзумнинг хотира дафтаридан» ҳоказо. Бундай тақлидчилик ҳозирги кунда ҳам ёшларимиз орасида учраб туради.

Қодирийнинг «Муштум»да босилган турли жанрлардаги кичик асарлари жуда кўп. Уларнинг бир қисми 1969 йилда «Абдулла Қодирий» номи билан катта тўплам бўлиб чиққан (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти) ва бир қисми бу йил яна ўша нашриётдан «Ғирвонлик Маллабой» номи билан катта тўплам бўлиб чиқди, бунда Қодирийнинг «Муштум»да босилган асарлари билан бир қаторда бошқа асарлари ҳам бор) ва яна бир қисмини эса тўплам қилиб чиқариш ҳозирлигидамиз. Чиқарилган тўпламларни кўпчилик ўқувчиларимиз кўрган, ўқиган ва ўз ҳаққоний баҳоларини берарлар, деб ўйлаймиз.

Тахаллусни халқ тўқиб қўймайди, балки ёзувчининг ўзи танлаб олади. Тахаллус икки хил: очиқ (яъни халққа маълум) ва яширин (мустаор тахаллус) бўлиши мумкин. Тахаллус билан ёзиш, айниқса мустаор имзо ишлатиш нега керак бўлган, сабаби нима?

Биз юқорида матбуотчиларнинг 1917—1932 йиллар миёнасидаги оғир ва масъулиятли меҳнатлари ҳақида бир қадар сўзладик. Социалистик тузум душманлари бўлган капитал ва ер эгалари янги қурилаётган ҳаётга ҳар замон ғов солиб турар, чирик-мараз эшон-уламолар авом халқни мудом оғулаб ва ҳатто баъзи бировларни янги тузумга қарши қўяр эди. Бунинг устига халқ орасида қадимдан ҳукм сурган бўлмағур бидъатлар, билимсиз, ғоясиз, ишсиз-кучсиз лақиллаб юрувчилар, давлат идораларига ўрнашиб олиб, қўпорувчилик, ўғрилик қилувчиларчи? Мана бундайларга қарши кураш олиб бориш, уларнинг ҳақиқий башараларини очиб бериб, халқ орасида шарманда қилиш, обрўсизлантириш совет маҳаллий матбуотчиларининг муҳим вазифаларидан бири эди. Бу вазифани юқорида айтганимиздек, онгсиз, мутаассиб халқимиз орасида амалга оширишдаги нозиклик, қалтисликларни ўйлаб кўрилсин...

Қодирий таржимаи ҳолларида «Мени бойлар, эшонлар кўролмас эдилар, чунки мен уларни ишчи тилидан чаққан ва сирларини очувчи душманлари эдим...» деб ёзадилар... 1923 йили «Туркистон» газетасида босилган «Хусусий мактублардан» номли ҳажвий мақолаларида шундай дейдилар:

«Каминаларни хусусий кабинетларида ўтириб, янгигина почтальон томонидан топширилган дўст-душман мактубларини ўқиб, гоҳ кулар эдилар, гоҳ йиғлар эдилар. Мана дўст-душман мактубларидан бир неча нусха:

«Оғзингга қараб юр! Кечаги газетада мен ҳақимда алжиганингни бу галча бола-чақанг ҳурматига кечирдим. Йўқса, битта каллакесарга заказ берилган эди... (имзо)»

Жавоб:

«Ўзим ҳам жондан тўйиб юрибман...

«Жулқунбой».

1925 йилнинг 27 ноябрь сонида «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Газетачи» имзоси билан босилган «Мухбирлар устида» номли мақолада бундай дейилади: «Сўнгги вақтларда мухбирлар устида ҳужумлар, дўқлар, ҳатто уларга суд ва ҳукмлар давом этмоқдадир.

Русияда бўлса уч-тўрт йилдан бери қизғин суратда мухбирларга ҳужум авж олиб, ўлдиришлар ҳам бўлиб туради. Бизда бўлса мухбирлар ҳаракатининг кучайган вақти сўнгги икки йил ичидадир. Бу икки йил ичида кўп мухбирларга таҳдидлар, қўрқитишлар, ҳатто суд қилиб ҳукм қилдиришлар бўлиб ўтди.

Бу ҳол мухбирлик вазифасини қандай оғир ва масъулиятлик эканини кўрсатадир. Бу қийин бир вазифани тўғри адо қилмовчиларга ҳам шўролар ҳукуматининг тегишли жазо қонуни бордир.

Бироқ, бизнинг Ўзбекистонда мухбирларни мудофаа иши жуда суст, уларни биргина газета идорасидан ташқари мудофаачиси йўқ. Бу ҳол бизнинг энг катта камчиликларимиздан бири ҳисобланади.

Мухбирлар ичида лаёқатсиз ва ўзининг шахсий душманлиги учун бошқаларнинг оёғидан тортувчи мухбирлар ҳам йўқ эмас, бор...»

Юқорида келтирилган мисол — ибратлар ёзувчи, журналист, мухбирларнинг ўз даврида қандай мушкилот, таҳлика остида ишлаганларини, совет ҳокимияти душманларига қарши қай вазиятда кураш олиб борганларини яна бир бор кўрсатади. Бинобарин, «Муштум» ўз ёзишғувчиларини эҳтиётлаш борасида тадбирлар ҳам кўради. Масалан, «Ёзувчиларимизга қўлланма» номли мақоласида (1924 йил, 11-сон) бундай дейилади:

«Бугундан кейин «Муштум»га ёзувчилар қуйидаги қоидаларни асос тутсинлар:

1. Ёзғон нарсаларини ойнаксиз ўқишга мумкин бўлсин.

2. Мақолага асло жиддий имзо қўйилмасин, лекин исм, фамилияси, адреси мақола ёзилган қоғознингина остига ёзилсин. Алоҳида қоғозга ёзишнинг эҳтиёжи йўқдир.

3. Ёзилган ҳар бир нарса тўғри ва шахсиятдан холи бўлиб, сувдан чиққан келиндек тиниқ бўлсин.

4. Агар бирор кишининг ёзғон нарсасида қитти шахсият иси келса, у нарсани бошдан уч қатла айлантириб, ерга уришга «Муштум» идораси ҳақлидир. Бундай бўлғонда меҳнатингиз зойиъ бўлур.

5. Адрес: «Туркистон» газетаси бошқармасида «Муштум» идораси, деб кўрсатилсин, алоҳида шахслар отига ёзилмасин.

Бу қонунга итоат қилмовчилар «Муштум» идорасининг мажбурий қарорига итоат қилмаган ҳисобланиб, ишлари илгари босмайдир. Бундай бўлғондан кейин қилинган шикоятларни «Муштум» идораси қабул қилмайдир».

Бу юқоридаги маълумотлардан мустаор имзо ишлатишнинг нега зарур бўлганлиги маълум бўлган бўлса керак. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, матбуотчиларни, айниқса танқидчиларни, ҳажвчиларни душманлардан эҳтиётлаш масаласи Октябрдан сўнг, бизда эса «Муштум» ташкил топгандан кейингина бошланган тадбир эмас. Бу мустаор имзо қўйиш анъанаси Шарқ ва Ғарб адабиётларида қадимдан мавжуд бўлгандир. Масалан, инқилоб олди даврларини олайлик: Ленин имзоси ҳам аввалида Владимир Ильичнинг мустаор имзоси бўлган. Кейин-кейин у оммалашиб, очиқ тахаллусга — номга айланган.

Шундай қилиб, биз, юқорида умуман тахаллуслар, айниқса мустаор тахаллуслар нега керак бўлганлиги ҳақида гапирдик. Энди, Қодирийнинг ўзига хос тахаллуслари борасида озгина сўз юритамиз.

Қодирийнинг маҳаллий матбуотда босилган мақола (кичик асар)лари қарийиб 300 га яқин бўлганлигини юқорида айтиб ўтилди ва бу мақолалар эса 60 га яқин тахаллуслар билан ёзилганлиги аниқланди. Албатта, буни-да ҳали тугал деб бўлмайди, текширувларимиз давом этади. Яна шуниси диққатга сазоворки, ўзбек адабиёти тарихида энг мўл турли-турли тахаллуслар билан ёзган, ижод қилган матбуотчи қаламкаш ҳам Қодирий бўлганлар...

Бу тахаллуслар ҳақида бирон ерда рўйхат ёки фалон тахаллус фалончиники, деган маълумот қолмаган. Бинобарин, тахаллусларни белгилашда, аниқлашда қуйидаги шарт-асосларга таянилди: бир қисми каминага ёшликдан таниш, бир қисмини ўша давр матбуотчиларидан сўраб (бундай сўраб билиш ҳам унча ишончли эмас. Чунки мустаор тахаллус шу қадар махфий тутилганки, уни ҳатто редакция ходимлари ҳам билавермаган, фақат муаллиф, муҳаррир ва таҳрир қилувчигина билган бўлиши мумкин) ва баъзиларини ўша давр матбуотини синчиклаб ўқилганда, Қодирий ўзлари ёки бошқа муаллиф ёзган мақолаларда, маълум тахаллуснинг ўша кишиники эканлигига шама қилингани сезилиб туради. Бундан ҳам ишончлироқ аниқлашнинг мезони эса бу Қодирийнинг ўзларига хос ёзиш услубларидир: фикрлар қуюқ, теран, жумлалар равон, мухтасар, ортиқча гап-сўз йўқ, мақсад аниқ, ўқувчи асло зерикмайди, гўё кўнглидагини топиб ёзилгандай завқ беради, ҳоказо...

Баъзан шундай ҳолат ҳам бўлади (мисол): Мақолада Андижонда кечмиш бир воқеа тасвирланади. Услубан бу мақола Қодирийникига ўхшаш кетади. Уни шу ҳолда Қодирийники деб бўладими? Йўқ, бўлмайди. Бу мақола андожонлик бирон ёзувчи, мухбир тарафидан ёзиб юборилган бўлиб, уни Қодирий таҳрир қилган, тузатган бўлишлари мумкин. Шу боисдан унда Қодирий услуби бордек сезилади, холос. Чунки, Қодирий мақола уюштириш учун Андижонга махсус бориб келишларига ишонгимиз келмайди (агар махсус топшириқ бўлган бўлса). У кишига мақола ёзиш, уюштириш учун Тошкент шаҳри воқеалари етиб ортарди... Ундан ташқари бегона мақоланинг қандай бўлмасин, бирон бир жиҳат билан Қодирийники эмаслиги ҳар ҳолда сезилиб туради. Биз аввалги нашрларда бундай ҳолатларни ҳисобга олмай, бир неча мақола, тахаллусларни, Қодирийники, деб китобга киритган эдик. Бу гал уларни тушириб қолдирдик ва шу билан бирга янги аниқланган ишончли тахаллус, мақолаларни китобга киритдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гоҳо ўқувчини шундай «муаммо» ҳам ўйлатиб қўяди: Ёзилган мақола танқидий эмас, унда ҳеч ким айбланмайди, қораланмайди, аксинча ўқувчига холисона маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатишади. Шу ҳолда мақола тагига мустаор имзо қўйилган бўлади, сабаб?

Бизнингча сабаб шуки, мақолага шундай яширин имзо қўйилмаса, ўқувчиларда «нега бу бунча кўп ёзаверади, газета-журнал идораларининг Жулқунбойдан бошқа ёзувчиси йўқми?» деган иштибоҳ туғилиши ва қалам ҳақи тўлашда ҳам тушунмовчиликлар содир бўлиши эҳтимол... Ундан ташқари ўқувчилар «У ҳар соҳада ҳам ёзаверади, билмаган нарсаси йўқ» деб таъна, киноя қилишларидан ҳам ўзларини сақлаган (мен бундай сўзларни ўзларидан эшитганман) бўлишлари мумкин. Масалан, ёдимда, «Муштум»нинг биргина 27-сонида (1924 йил) Қодирийнинг 8 та жиддий ва ҳажвий мақолалари босилган (мақолаларнинг барчаси катта ҳажмли ва теран фикрли). Яна шуниси диққатга сазоворки, умуман, ҳар бир қўйилган таҳаллус ўша мақоланинг руҳини, мақсадини ўзида акс эттириб туради.

Баъзан шундай ҳолатлар ҳам учрайди: Бир мустаор имзо билан бир неча муаллифлар ёзган бўлиши мумкин. Табиий, бундай ҳолларда яна мақоланинг ёзилиш услубига, мазмунига ва вазиятига қараб кимнинг асари эканлиги белгиланади.

Қодирийнинг кичик асарлари асосан: «Садои Туркистон», «Нажот», «Улуғ Туркистон», «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «РосТА», «Касабачилик иши», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Шарқ ҳақиқати» газеталарида ва «Тонг», «Болалар дунёси», «Инқилоб», «Билим ўчоғи», «Коммунистлар йўлдоши», «Муштум», «Ер юзи», журналларида босилган. Агар шу газета-журналларни йилнома тарзида ўқиб, фикр юритилса, Қодирий имзосининг нақадар ранг-баранглигини ва сиёсий, адабий, ижтимоий жиҳатлардан тез ўсиб борганини тафовут қиламиз.

Шундай қилиб, сўнгги текширишларимиз натижасида, ҳозирча Абдулла Қодирийнинг олтмиштача таҳаллусини аниқладик. Шулардан бир қисмини ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқчимиз:

А. Қодир
Абудумбул
Боғбон
Бойқуш
Бемаза махзум
Гўзиматчи
Гўсхўр
Думбул
Думбулниса
Думбулбой ўғли
Думбул девона
Домла думбул
Овсар
Совринбой
Совринбой ўғли
Тарсак
Хатиф
Чин дўст
Чичора
Чирманда ботир
Жиянингиз муштум
Жиян
Жирттаки
Жўра Алимов
Индамас сўзи
Йўловчи
Калвак махзум жияни
Калвак махзум шоший
Карнайчи
Муштум
Мулла Жулқунбой
Мирза Жулқун
Шаккок
Шархчи
Ўткинчи адиблар
Қ.
Қақилдоқ хўжа
Қо-ф (Қодиров)
Эски шайтон

Бу исм ва тахаллуслар ичида энг машҳурлари, яъни халқ орасида очиқ ва кенг тарқалганлари: Абдулла Қодирий, Қодирий, Жулқун, Жулқунбой, Абдулла Жулқун, Муштум, Абдулла муштумлардир.

Биз юқорида «ҳозирча» деб ўтдик. Чунки, Тошкент архив-кутубхоналарида сақланиб келаётган ўша даврга оид газета-журнал тўпламларининг барчаси ҳам тўлиқ эмас. Баъзи сон ва мақолалар (барака топкур олимларимизнинг кўчириб олишга вақтлари етмай) йиртиб олинган, газета тўпламлари йўқотилган, баъзилари эса умуман тўплаб тикилмаган. Шу боисдан Қодирийнинг кичик асарларини ва тахаллусларини тўлиқ аниқлаш учун ҳали кўп изланишга тўғри келади.

АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆

Мирпўлат МИРЗО (МИРЗАЕВ). Чимкент областининг Сайрам қишлоғида 1949 йили туғилган. 1966—71 йиллари В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетида ўқиган. Кўплаб шеърий мажмуалар муаллифи. Ҳозир «Ёш гвардия» нашриётида ишлайди.

СССР Ёзувчилар союзи аъзоси.

Олим ОТАХОНОВ. 1951 йили Тошкент шаҳрида туғилган. ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетини тугатган. «Болалик кабутарлари», «Оқшом хаёллари» каби ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон радиосида хизмат қилади.

СССР Ёзувчилар союзи аъзоси.

Машъал ХУШВАҚТ. Андижон областининг Асака шаҳрида 1961 йили туғилган. 1980—82 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилган. Айни пайтда Ленин райони ремонт-ишлаб чиқариш бирлашмасида хизмат қилади. Республика ижодкор ёшларининг IV семинар-кенгаши қатнашчиси. Шеърлари «Ёшлик» журналида илк бор эълон қилиняпти.

Шукур ҚУРБОНОВ. Қозоғистон ССРнинг Жамбул шаҳрида туғилган. ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган (1975 й.). Шундан сўнг «Шарқ юлдузи» журналида ишлади. Биринчи шеърлар тўплами — «Оққушлар кўли» 1978 йилда нашрдан чиққан. «Соғинч дарвозаси», «Нафас», «Она тилим» каби қатор тўпламлари бор.

Ҳозир Республика радиосида хизмат қилади.

СССР Ёзувчилар союзи аъзоси.

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дон Жуан

Достондан парча

Жорж Гордон Байрон

XV

Юлиянинг эри Альфонсо кўркам,
Элликка кирганга ўхшамас ҳаргиз.
Яшарди бошқалар каби улар ҳам
Бир-бирин нуқсини кечириб шаксиз,
Уларни ишқ ёқмас, куйдирмас алам:
На биринчи ҳис бор, на иккинчи ҳис.
Баъзан рашк қилса-да сипо эр, аммо
Буни сездирмасди ҳеч кимга асло.

XVI

Юлия, — ҳайронман шунга, — қил ўтмас
Қадрдон дўст эди Инеса билан;
Бири-ку ўқимас, қалам ҳам тутмас,
Бири — нақ донишманд, бу яқинликдан
Барча лол ва лекин дерлар (бир нокас
Тўқиган ғийбат-да, мен ишонмайман):
Яқинроқ бўлганмиш бундан ўн ҳисса
Бўйдоқ Альфонсога бир пайт Инеса.

XVII

Хуллас, давом этди бу дўстлик йиллаб,
Касб этиб тобора бир сипо жўрлик.
Инеса, сўнг, зўр йўл ўйлаб топди зап:
Энди Юлияга қилар ғамхўрлик —
Меҳрибон опадек ҳар ерда мақтаб
Альфонсо дидини, кўзга боқар тик;
Қанча суқилмасин бу сурбет ғийбат
Бетлаб келолмасди унга оқибат.

XVIII

Бундан воқифмасми Юлия, билмам,
Очганми ўзгалар унинг кўзин ё, —
Бироқ у ўзини тутар хотиржам
Бу сирдан бутунлай бехабарнамо;
Балки хабарсиздир ўзи чиндан ҳам,
Балки рашк нелигин билмасдир асло:
Нима ҳам дердим мен, қулф-ку ҳар аёл, —
Очилиб, қилмаса агар шарҳи ҳол.

XIX

Зап ширин бола-да Жуан, бир юввош;
Юлия эркалар уни укадай.
Бири — йигирмада, бири — ўн уч ёш,
Боқиб жилмаясан: на гўзал, бай-бай!
Бироқ жилмайишдан мен тортаман бош:
Йигирма уч билан ўн олти, ҳай-ҳай,
Хатарли жаранглар — шу қисқа уч йил
Бутунлай ўзгартар жануб халқин, бил!

XX

Хуллас, не бўлса ҳам ўзгарди бари:
Бири — совуқ, сипо, бири — тортинчоқ,
Улар дуч келаркан, шошқин сўзлари
Кўзлар тубидаги маънодан йироқ;
Бу қизиқ ҳислардан бордир хабари
Донна Юлиянинг, шубҳам йўқ, бироқ
Океан қаршисида турганин қайдан
Билсин денгизни ҳам кўрмаган Жуан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XXI

Юлия сипо-ю, лекин мулойим,
Қўллари сал титрар бехосдан, аммо,
Жуаннинг қўлига тегаркан доим;
Билиб-билмагандек силаб бесазо,
Қўлин тортиб олар, йигит қолар жим
Қандайдир нотаниш қайғуда, зеро
Сеҳрли таёғи Армиданинг гар
Тегса ҳам титрамас Жуан бу қадар.

XXII

Жуанга дуч келса Юлия кулмас,
Кулгудан ширинроқ, лекин, нигоҳи:
Юракнинг тубида ловуллаб бесас
Ёнган эҳтиросни сочарди гоҳи
Жуанни ёндириб, қилсин деб сармаст.
Аслида яширин муҳаббат оҳи
Юзига айёрлик пардасин тортар,
Ишқ бизни ёшликдан шунга ўргатар.

XXIII

Аммо эҳтиросни яширмоқ мушкул,
Қанчалик сир тутсанг — шунчалик ошкор,
Кўк юзин қоплаган булутдек гап ул:
Қанча қуюқ бўлса — шунча чақинвор;
Қувлик қил, алдагил, майли, сохта кул, —
Бундай устомонлик, барибир, ночор;
Ғазабми, нафратми ё совуқ хитоб, —
Буларнинг ҳаммаси бир онлик никоб.

XXIV

Сўнг гоҳ-гоҳ изтироб, гоҳ-гоҳ хўрсиниш,
Нигоҳлар меҳрибон, лекин ўғринча;
Юзда гоҳ саратон, гоҳ акс этар қиш,
Орзиқар бир-бирин токи кўргунча, —
Буларнинг ҳаммаси дебоча жунбиш,
Чўчитар ёшларни баъзан бирмунча;
Зотан тажрибасиз ошиққа бешак
Ишқ қулфин очмоққа бир туртки керак.

XXV

Шўрлик Юлиянинг аҳволи чатоқ,
Юрагин қамрамиш хатарли туйғу;
Оила шаънига туширмай деб доғ.
Диёнат, номусни ўйлаб, ўзин у
Қўлга олмоқ бўлди аввал хўп; сўнгроқ
Ҳатто Тарквинийга солгудек қўркув,
Илтижо айлади Биби Марямга —
Аёллар ишида энг зўр ҳакамга.

XXVI

Онт ичди кўрмайман Жуанни дея,
Инесса суҳбатин олай деб бир дам,
Лекин, эртасига борди Юлия;
Ўлтирмоқ эса-да қанча хотиржам
Бўлмади: эшикни ким очди қия?
У эмас, хайрият, ё Биби Марям!
Бу-чи, ким?! У эмас!.. Уф!.. Шу тун аммо
У Биби Марямга боқмади қиё.

XXVII

У ўйлар: хўш, нечун покиза аёл
Гуноҳга юзма-юз келишдан қўрқар?!
Қалбин забт этолмас ҳеч нопок хаёл, —
Гар имон бут бўлса, у зумда тарқар;
Дўстона суҳбатда шошмай, бемалол
Ўзини тутмоқни унга ўргатар, —
Токи ёш йигитча билсинки шуни,
Юлия ука деб ҳисоблар уни.

XXVIII

Бордию шунда ҳам, — шайтон жуда шум, —
Юраги бошқача урса-ю, ногоҳ
Маҳбубига боқиб, ўзини бир зум
Унинг қучоғида ҳис этса, эвоҳ...
Бекор гап бу боқиш, беун табассум:
Шарт кесар «Йўқ!» сўзи — энг кучли жарроҳ;
Сизга ҳам тавсиям шудир, эй гўзал
Ёшгина хонимлар, бунақа маҳал.

XXIX

Шунингдек, биласиз, бордир яна бир
Фаришталаргаю бекаларга хос
Сипою илоҳий муҳаббат, ахир, —
Лўндаси, Афлотун қолдирган мерос
Ки, унда бўлмагай ҳеч гуноҳ содир.
Юлия ўйлар деб: «Шу ишқ менга мос».
Бўлсайдим у ёниб ўйлаган эркак,
Мен ҳам қувонардим бу ишқдан бешак.

XXX

Зотан бундай севги сабий, безарар,
Икки ёшга унча хатарли эмас.
Қўллар чирмашади, сўнг эса лаблар...
Рост айтсам, бу ўйин менга ёт ҳавас
Ва лекин буни сўнг чегара дерлар,
Меҳрдан нариси жиноятдир, бас.
Ким у чегарадан ўтса гар ногоҳ,
Мен айбдор эмасман — этдим-ку огоҳ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

XXXI

Хуллас, пок Юлия бурчга ҳеч халал
Бермовчи севгига аҳд этди зийрак,
Ахир, бундай севги фақат ҳар маҳал
Ёш ва шўх Жуанга беради кўмак;
Бу ишқ меҳробида пухтадир тамал,
Унинг пок ёғдуси йигитга бешак
Сабоқ-ку беражак, лекин не сабоқ? —
Мен ва Юлияга бу ҳали жумбоқ.

XXXII

Кўнглини тинчитгач, олди сал ҳузур
Инеса пок аҳдни тенгсиз зирҳ билиб,
Атрофга боқарди сокин ва мағрур
Номусни бир қоя, бир тўғон қилиб,
Аҳд этди шу кундан яшашга масрур, —
Ёқимсиз тергашдан буткул тийилиб;
У аҳдда турдими, ё йўқми, бироқ,
Айтаман пайт келгач сизга кейинроқ.

XXXIII

Унга бу режаси кўринарди пок:
Йигитча бор-йўғи ўн олти яшар;
Ғайбат қилса-қилар қайсидир шаккок,
Дил тоза бўлса бас, сочолмай заҳар
Вишиллаган туҳмат бўлгуси ҳалок, —
Соф виждон кишини асрар нақадар!
Ёққан-ку бир-бирин насроний мазхаб
Ҳар бири ўзини Хаворий санаб.

XXXIV

Бирдан эри ўлиб қолса-я? Ё раб!
Ўзинг асра бундан, бу не шаккок сўз!
Ўнгда ҳам, тушда ҳам (хўрсинар титраб)
Бундай мусибатдан бор дунё тўс-тўс!
Лекин рўй берса-чи, барибир шу гап,
Мен фақат айтяпман буни inter nos.[1]
(Асли entre nos[2], — қўймас қофия:
Ахир, французча ўйлар Юлия.)

XXXV

Мен фақат тахминий гапни айтяпман:
Дейлик, етти йилда рўй берса бу ҳол,
Бахтли қилоларди улғайиб Жуан
Қўр-қутли ёшгина бевани алҳол;
Унгача (қайтмаймиз ўша қарашдан)
Ёмон бўлмас эди Жуан бемалол
Ишқий усулларга кўрсатса рағбат, —
Мен билган покдомон севгида фақат.

XXXVI

Энди Юлиядан Жуанга ўтай.
Бечора йигитча! Қандайдир тенгсиз
Ҳисда Овидийнинг Медеясидай
Мастона яшарди ҳам зўр, ҳам ожиз:
Гўёки сеҳрли кашфиёт атай
Кутарди дунёда бир уни ёлғиз, —
Жиндак сабр этса бас, унга бу дунё
Улкан бир гўзаллик бағишлар гўё.

---

[1] Ўз аро (лотинча).
[2] Ўз аро (французча).

XXXVII

Ўйчану қайғули, лолу паришон,
Эманлар соясин этганча маскан,
Бир қўмсаш ҳиссидан ҳам шод, ҳам нолон,
Ёлғизлик истарди, кўплардек, Жуан;
Ёлғизлик менга ҳам ёқар бегумон,
Аммо харобаю чўлни севмайман.
Ғордаги танҳолик менга керакмас:
Султондек ҳарамда танҳо бўлсам бас.

XXXVIII

«Оҳ, Севги! Сен овлоқ ёки ўрмонда
Шавқ ила оромни этаркан ҳамроз,
Гўё маъбудасан ўшал маконда:
Ҳукмингга тобеъдир ҳар қалб, ҳар овоз».
Шеър яхши, ўқийсан зўр ҳаяжонда,
Иккинчи мисраси чатоқдир холос:
Ҳамроз бўлолмагай «шавқ ила ором»,
Аниқ маъно бермас, бу ибора — хом.

XXXIX

Менингча, шу эрур шоир мақсади:
Қаерда, қайси пайт бўлмасин, доим
Бўлинса тушлик ё сирли суҳбати
Ёки севги рози — ёқтирмас ҳеч ким, —
Ахир, бу — ҳаётнинг жўн ҳақиқати!
Тўғри, «ҳамроз», «шавққа» сўз демам, мен — жим,
Лекин мен уларнинг «оромга» қандай
Алоқадорлигин, хунобман, билмай.

XC

Ёш Жуан кезаркан жилғалар бўйлаб,
Қучмишди нотаниш ўйлар қуюни;
Қушчалар чах-чахлаб, япроқлар сўйлаб,
Майсалар бўй сочиб қутларди уни;
Ўшал маъноларни шоирлар куйлаб,
Бизларга бахш этар ажиб туйғуни.
Уларни куйлашда, очиқ айтсам гар,
Биргина Уордсворт дудуқлик қилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XCI

У, Уордсворт эмас, албатта Жуан
Кезиб, юрагини тингларди бот-бот,
Гўё бу хилватда дардига баъзан
Топгандек бўларди давою кушод;
Баъзида сўзлашиб ўз-ўзи билан
Шундай чувардики ўйлари, ҳайҳот,
Ўзи ҳам билмасдан хаёлни ўнг дер:
Метафизикага Кольриждек шўнғир.

XCII

Ўйлар олам ҳамда ўзи ҳақида,
Ўйларди турли хил урушлар, одам,
Зилзила бўлган юрт, улус ҳақида;
Ҳаво шарларининг учганини ҳам,
Ўйларди ой билан юлдуз ҳақида, —
Буларни ёқмиш, деб, қай шайтон, қай дам.
Сўнг тушиб фалакдан ерни бўйларди; —
Донна Юлиянинг кўзин ўйларди.

XCIII

Бунақа фикрлар, учқур хаёллар
Аслида донишманд аҳлига хосдир;
Бўлса бу бировнинг қонида агар,
Бировга севгидан ўтган меросдир;
У ҳолда, ажабо, нечун титкилар
Бизнинг ёш йигитча фалакни бир-бир:
Буни файласуфлик десангиз — ғалат,
Гар дангал айтсам, бу — жинсий балоғат.

XCIV

Тикилиб гулларга, суюб япроқни,
Тингларди еллардан сеҳрли садо,
Ўлмас маъбудалар қўнган ўтлоқни,
Ул қадим дунёни қўмсарди танҳо,
Кезарди унутиб ҳатто сўқмоқни,
Ногаҳон, боқаркан соатга гоҳо
Англар у вақт — чопқир, тезроқ нақадар:
Тушлик ўтиб бўлмиш аллақачонлар.

XCV

Баъзан Гарсилассо ё буюк Боскан
Китобин варақлаб, сезарди шуни:
Мисрлар уфурар қалбга дафъатан
Шеърият нафасин, ажиб жодуни.
Бу жоду элтарди ул сирли маскан,
Сеҳрли юртларга япроқдек уни
Қадим бибиларнинг эртаги аро
Жодугар чорлаган шамолдек гўё.

XCVI

Шундай гўшанишин яшарди, ўзи
Ўзидан қониқмай, ўзин англамай;
На мунгли ўйлар-у, на шоир сўзи
Унинг қалб дардига дармон бўлолгай, —
Қайсидир сийнага тонггача кўзин
Юммасдан бош қўйиб хўрсинмоққа шай.
Яна неларгадир шай турарди ул,
Менингча, бу ҳақда жим қолган маъқул.

XCVII

Ғамгин кезишларга не асл сабаб —
Эканин Юлия англади дарҳол;
У ҳатто ўзгарган Жуанга қараб,
Қувониб хўрсинган бўлса — эҳтимол;
Донна Инесанинг, лекин, во ажаб,
Диққатин тортмади нечундир бу ҳол:
Саволга тутмади ўғлин донишманд
Бу майда гаплардан тургандек баланд.

XCVIII

Мен яна таъкидлаш истардим шуни:
Маълумки, рашкчи эр хотинин агар
Бузар деб ўйласа шаръий қонунни, —
Инжилнинг қай боби? Ёдда йўқ, — (магар
Хавфлидир келтирмоқ, унутманг буни,
Қонундан таваккал қилиб парчалар.)
Ўзига қийиндир, мен сизга айтсам,
У шошиб қоқилар тўғри йўлда ҳам.

XCIX

Асли рашкчи бўлар ҳақиқий эркак,
Бироқ адаштирар ножўя гумон:
У ҳайдар ўзгалар хотинин севмак
Гуноҳ, деб билгувчи пок дўстни, инон;
Дўст санаб инсофсиз суюқни, тентак, —
Билмас: кув дўстлардан иборат жаҳон.
Сўнг, бир кун кечаркан дўсту хотиндан,
Ўзининг кўрлигин, афсус, олмас тан.

C

Ота-оналар ҳам кўра билмас гоҳ,
Зийрак қулоқлари ожиздир баъзан
Илғашга қўшнилар «миш-миш»ин, эвоҳ,
Муаллимаси ё мисс FANNU [1] билан
Бир тонг UOIND NORELILHИ[2] тутарлар ногоҳ;
Нақ йигирма йиллик орзу пуч бирдан; —
Отаси ўшқирар, она йиғлар зор:
Қайдан пайдо бўлди бундай нобакор?!

CI

Бироқ оқила-ку Инеса, зеро
Сабаби бордирки, ўғлининг бундай
Ҳислар овунчоғи бўлганин гўё
Билмаганга солиб юрарди атай;
Чунки бир тарбия бу ҳам аввало:
Ҳислар синовига Жуан турсин шай,
Сўнг очсин кўзини дон Альфонсо ҳам:
Гўзал хотин билан фахр этсин ҳар дам.

CII

Мана, ёз оқшоми, биласизки, ёз
Аслида тан учун хатарли мавсум;
Баҳорда ҳам бунча қизимас мижоз,
Ҳамма айб қуёшда экани маълум;
Хуллас, бундай кунлар жазманларга соз.
Бошқа ойларни ҳам бўлмас деб маъсум:
Мартда қуёнларнинг куни туғса гар,
Тўшакни ёндирар майда жононлар.

---

[1]. Фэни (Фанни) — аёллар исми, айни пайтда иккинчи маъноси ҳам бор: кет, қуйруқ (инглизча).
[2]. «Келажаги порлоқ» деган киноявий ибора (инглизча).

www.ziyouz.com kutubxonasi

CIII

Хуллас, ёз оқшоми, олтинчи июнь, —
Ҳа, мен хуш кўраман: вақт борасида
Аниқ бўлмоғи шарт йил, ой, ҳатто кун;
Чунки улар не-не давр орасида
Қисмат чарчоқ отни янгилаш учун
Бир зумга тўхтовчи бекат аслида;
Қисмат тағин учиб, тарих қолдирар,
Художўйлар эса боқиб қалтирар.

CIV

Олтинчи июнда, кечки пайт соат
Олти яримларда, еттида балким,
Боғ ичра Юлия худди Муҳаммад
Ваъда қилган ҳурдек ўлтирарди жим;
Гўзал тасвирламиш бунақа ҳолат,
Бундай манзарани шоири азим
Анакреон Мур ҳам шеърида бизга, —
Ёр бўлсин мангу шон шоиримизга!

CV

Во ажаб! Юлия эмасди ёлғиз,
Қандай рўй бермишди, билмам, бу висол,
Билсам ҳам, барибир очмасдим оғиз —
Душманинг — тилинг, деб ўргатар мақол;
Ўриндиқ бурчида, туғён уриб ҳис,
Жуан Юлияга тикиларди лол, —
Ёш қондан ёноқлар ловуллаган чоқ,
На гўзал бўлмасин, лозим кўз юммоқ.

CVI

На гўзал Юлия! Яширин ҳаё
Юзларин қизартмиш, қандай бегуноҳ!
Оҳ, Севги! Инсонни ўзгартар ҳатто,
У-айёр, у — ҳақдир, удир иштибоҳ:
Ўзини унутар ҳар қандай доно,
Қилур шоҳни гадо, гадони подшоҳ;
Шундан, жар бўйида туриб Юлия
Хатарни сезмасди, покман-ку, дея.

CVII

Ўзига маҳкам у, ёш эрур Жуан:
Недан ўзни тийсин — рўй бермас зино,
Ҳар недан ғолибдир оилавий шаён,
Гарчанд дон Альфонсо элликда, оббо,
Қайдан ҳам эсладим буни мен!.. Зотан
Қандай юрт бўлмасин, қандай об-ҳаво, —
Севгини қиздирмас эллик ёш, аттанг,
Йиллар олтин эмас, санаб қувнасанг.

CVIII

«Сизга мен э л л и к бор айтдим, биродар», —
Деса рақибингиз, баҳс катта демак;
Шоир: «ёздим, — деса, — э л л и к шеър» агар,
Ўқиб бермаса деб қўрқасиз бешак;
Гар ўғри элликта — ғазнага хатар;
Элликда ишқингиз гул эмас, печак;
Ҳар кимга, ҳар қайда хушёқар беҳад
Эллик червон, деган сўзгина фақат.

CIX

Шубҳасиз, Юлия ичмишди қасам
Туюб Альфонсога эзгу муҳаббат, —
Никоҳ узугига юқтирмай гард ҳам,
Жуфти ҳалол бўлиб яшашга фақат.
Ҳали шу пайтгача онтин бирор дам
Бузмаган, хўш, нечун тортгай хижолат! —
Шундай хаёл билан сезмай Юлия
Тутди Жуан қўлин ўз қўлим дея;

CX

Кейин ўзи билмай суялди ногоҳ
Сочларин силаган иккинчи қўлга;
Ним юмуқ кўзлари бўларди гувоҳ
Дилдаги курашга, ички довулга.
Наҳотки, Инеса бўлмади огоҳ?!
Наҳот, икки ёшни солмади йўлга, —
Ўғлини кузатиб қадам-бақадам?!
Бунга йўл қўймасди ҳеч м е н и н г онам!

CXI

Сунг қўли Жуаннинг қўлин бепарво
Билинар-билинмас сиқиб қўйди сал,
«Қўйворма, дадил бўл!», дегандек гўё;
Бу далда эдики бирам пок, гўзал, —
Ҳаммаси ҳақиқий Афлотуннамо;
Шунчаки бу ўйин покликка ҳалал
Беришин сал сезса, Юлия шу он
Қочарди қувгани каби чўнг илон.

CXII

Жуан нени бу пайт ўйларди, билмам,
Аммо сиз истаган ишни қилди у;
Бу шавқдан миннатдор, эгилиб ҳуррам,
Лабин нозик қўлга шошиб босди-ю,
Дарҳол ўзин тортди бир чўчиб: қайдам, —
Ҳаддан ошмадими оловли туйғу?!
Юлия қизариб, ўзин йўқотди,
Тили ҳам айланмай, сўзин йўқотди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

CXIII

Кун ботиб, юксалар, мана, сарғиш ой:
Шайтонни миндириб ёвузлик сочар;
Уни ким пок деса — хато ҳойнаҳой;
Йигирма биринчи июнда ҳам гар
Истаса уч соат ичра пойма-пой
Кўп ишлар қиларки бу қув жодугар, —
Не тўлин ойлару кунлар ҳам, эвоҳ,
Қилолмас ҳеч қачон бунча кўп гуноҳ!

CXIV

Бундай пайт хатарли сукунат ҳоким,
Унда ҳатто айтар ўз-ўзига роз
Ҳар юрак ҳисларга тўлиб ломмо-лим,
Юракка табиат бўлади ҳамроз:
Ўйнар кумуш ёғду қуббаларда жим,
Ўрмону далалар, боғлар сарафроз, —
Тотли бир орзиқиш этарки ато,
Уни ором дея атамоқ хато.

CXV

Бу пайт ўлтирарди Юлия, хуллас,
Хафа бўлмай ўзин кучган Жуандан;
Титроқ қўллар недир истарди сармаст
Нафис титраб турган ўжар бадандан.
Шарт туриб жўнаш-ку, асли қийинмас,
Лекин кетмоқ қийин гўзал маскандан.
Сўнг... Ҳайҳот!.. Қолгани худога аён;
Бундай ҳикоямдан ўзим ҳам пушмон.

CXVI

Афлотун! Афлотун! Хаёлкаш тентак!
Сен, ғолиб келгай деб қалбдан ирода,
Янги нопокликка йўл очдинг бешак
Бу асли ахлоқсиз, нопок дунёда:
Ахлоқни сенчалик бузмаса керак
Бор шеъру романни йиғса мабодо!
Гумроҳми, сурбетми — сен ўзинг кимсан?
Энг катта қўшмачи экансан, билсам!

CXVII

Юлия хўрсинар айтолмай бир сўз.
Керак бўлмай қолди сал ўтгач сўз ҳам;
Шунда инжу тўкди ажиб шаҳло кўз,
Бесабаб эмасди бу, сизга айтсам,
Ахир ақл ва ишқ ҳеч бўлганми дўст,
Ахир, ҳеч эҳтирос билганми тўхтам?!
Қизарар, курашар, титрар овози:
«Ҳеч қачон кўнмайман!..» деб бўлди рози.

Инглиз тилидан **Абдулла Шер** таржимаси

Машҳур адабиётшунос Борис Соловьёв ёшлар билан қилган суҳбатларида кўпинча Блок, Брюсов, Пастернак ҳақида қизиқ воқеаларни сўзлаб берарди. Нима бўлдию, бир кун гап айланиб Байронга тақалди. Уша пайтларда «Байрон жинниси» бўлиб юрган камина жўшиб гапга аралашдим ва «Дон Жуан» асарининг таржимасига бел боғлаганимни айтдим. Борис Иванович: «Оҳ-о, инглиз тили жуда бой ва мураккаб тил!» деди. Мен таржимани рус тилидан қилишимни айтдим. Суҳбатдошим мийиғида кулиб: «Биласизми, Жюль Ренар ўзининг «Кундаликлар»ида нима деган: «Таржима — у тилни ҳам, бу тилни ҳам билмай туриб, уларнинг ўрнини алмаштиришга дадил бел боғлаган ноинсоф одамларнинг доимий жиноятидир». Антиқа киноя. Лекин тагида, андак бўлса-да, ҳақиқат бор», деди.

1975 йилнинг мартида Ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ семинар-кенгашида бўлиб ўтган бу гап жуда қаттиқ иззат-нафсимга теккан, жон-жонимдан ўтиб кетган эди. Шу-шу бўлдию Тошкентга қайтгандан сўнг ҳам негадир таржимага қўлим бормай қолди. Орадан бир оз вақт ўтгач, мен «Дон Жуан»ни аслидан таржима қилишга қатъий аҳд этдим ва инглиз тилини ўрганишга киришдим. Асарни таржима қилар эканман, мўйсафид мунаққиднинг ўшанда нега бунчалик ҳафсаласи пир бўлганини тушундим. «Дон Жуан»нинг рус тилидаги энг яхши ҳисобланган таржимаси ҳам ҳеч қачон аслият ўрнини босолмаслигини, асар ўз миллий руҳини бир қадар йўқотганлигини тушуниб етдим. Бошқа тил воситасида қилинган таржима эса ҳақиқатан ҳам «шўрвасининг шўрваси» бўлишига инондим. Ва айни пайтда бундай таржима маълум маънодаги бировнинг меҳнатидан фойдаланиш, ўзгалар очиб берган осонгина йўлдан бориш эканини ҳис қилдим.

Ҳозирги кунда муайян тилдан бевосита таржима қилаётган шоирларимиз йўқ эмас: Жамол Камол (инглиз), Шавкат Раҳмон (испан), Садриддин Салим (немис)... Лекин бу саноқ ҳали жуда кам. Зеро, биз таржимонларнинг бугунги кунда тўғридан-тўғри таржимага ўтишимиз давр тақозосидир.

Таржимон

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инқилобнинг алвон чечаклари

Бегали Қосимов



У дастлаб олис хаёлларда пайдо бўлди. Сўнг тахмин-фаразларга ўтди. Замон ва тарих соясида унинг қатъий илмий ҳақиқати таркиб топди. Ва 1917 йил октябрининг 25-кунида, мазлум Россияда реалликка айланди. У афсона ва эртакларда, шеъру достонларда етилди. Мансурнинг «Анал ҳақ!» нидосида ҳам, Машрабнинг «Барча — ғалат!» деган инкорида ҳам у бор эди. У «лисонул ғайб» Ҳофизнинг покиза олам ҳақидаги саркаш хаёлларида ҳам, Фузулийнинг «саодати азалий» ҳақидаги шаддод исёнида ҳам йўлдош эди. У инсоннинг ақлу қудратига, ғайрату меҳнатига муносиб жамият топмаган Алишер Навоийнинг бундай дунёни «боштин яратиш» — қайта қуриш тўғрисидаги ҳайқириғида барҳаёт эди. «Арастуйи соний» Форобий «Фозил шаҳар кишилари...» асарида олис келажак хусусида махсус тўхталган, тенг, озод, донишманд кишилар ҳақида сўз очган, Низомий эса ўз Искандарини шоҳи ҳам, гадоси ҳам бўлмаган юртга бошлаб борган эди...

Бироқ адабиёт инқилоб ва янги замон ташвишларига ҳеч қачон XX аср бошидагидек юзма-юз келган эмас.

Машҳур Юсуф Хос Ҳожиб ўз «Қутадғу билиг»ида бундай ёзган экан:

Кичикда адаб йўқ, улуғда билиг,
Ўтунлар ўкуш бўлди, йитти силиг.
Билиглиг кўпи сўзлаюмаз сўзин,
Тишидан увут кетди, ўртмас юзин.
Аталиқ қилур, кўр, атақа ўғул,
Ўғул бег бўлуб, кўр ата бўлди қул.
Чиғай, тул, етимиг суюрқағли йўқ,
Ажун текшурулди, тангирқағли йўқ.
Ажун бўлди ахир, тўру артади,
Эсизлариг эзгу кўру артади.

(Мазмуни: Кичикда адаб, улуғда билим йўқ. Нокас кўпайди, яхши қуриб битди. Доно сўзни рўй-рост сўзлай олмайди. Аёлдан уят кетди — юзини ёпмайди. Боқ, ўғил отага оталиқ қилади. Ўғил бек, ота қул бўлди. Етим, камбағал, тулни йўқловчи йўқ. Олам тафтиш бўлди — англагувчи йўқ. Замон охир бўлди, низом бузилди. Емонларни кўриб, яхши бузилди).

Тили ҳисобга олинмаса, бу сатрларнинг 900 йил олдин ёзилганига ишонгингиз келмайди. Унда ижтимоий муносабатларнинг инқирозий бир ҳолати тасвир этилмоқда: оталар болалардан, болалар оталардан рози эмаслар; турмуш ва ахлоқ ҳақидаги жорий қоидалар эскирган, кўп нарсалар янгиланишга муҳтож...

Бу ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичларидагина юз берадиган, моҳиятан нарса ва ҳодисаларга қарашларнинг, қадриятнинг ўзгариши билан изоҳланадиган ҳолат. Бу, айтиш мумкинки, инқилобий ҳолат. Тўғри, унинг амалга ошиши учун ҳали бошқа омиллар ҳам зарур эди. Лекин шу ҳолда ҳам унинг аҳамияти ҳазилакам эмас. Негаки, шундай ҳолатлар бўлмаса, инқилоблар бўлмасди. Инқилоблар бўлмаса, тарих жўн, бир хил воқеалар тизмасидан иборат бўлиб қоларди. Яна бир нарсага диққат қилайлик: асосий зиддият эски ва янги ўртасида. Янгилик тарафдорлари, кўпинча, ёшлар. Бу, мантиқли, албатта. Болалар — оталарнинг давомчилари. Лекин бу давомийликни тўғри чизиқ шаклида тушуниш хато бўлур эди. Бу ҳар қандай бузилиш ва узилишлардан холи бўлмаган, Одам ва Олам ҳақиқатини кашф этишда гоҳ олға, гоҳ ортга кетувчи давомийликдир.

«Қутадғу билиг»даги юқоридаги ўн сатр кишини мана шундай ўйларга бошлайди.

XX аср татар адабиётининг забардаст вакили, Фотиҳ Амирхон 1812 йилда бундай ёзган эди:

«Шарқ боласи уйқуда. Унинг бутун онги, сезгиси, туйғулари ҳам уйқуда. Унинг кўзлари рўпарасида турган даҳшатли йиртқичларни кўрмаслик, қулоқлари ер-кўкни ларзага солувчи чинқириқларни эшитмаслик, қўллари ўзларини кесиб бораётган қиличларнинг қонли оғриқларини сезмаслик, оғзи халқумидаги заҳри қотилнинг таъмини пайқамаслик даражасида карахтдир» («Онг» ж., 1912 й., 1-сон, 10-бет).

Тошкентлик Мирмуҳсин Шермуҳамедов 1916 йилда ёзади:

«Йигирманчи асрнинг маданий тўлқини неча асрлардан бери жаҳолат уйқусида ётган «Туркистон бобой»ни ҳам таъсирсиз қолдирмади. Ун тўққизинчи аср охирларигача ҳам тинчгина ётиб уйқуга қонмаган «Туркистон бобой» йигирманчи асрни ҳам одатдагича уйқуда ўтказмоқчи эди. Лекин бахтига қарши «одобсиз» болаларидан бир нечтаси бешинчи-олтинчи йилларда «Бизга ислоҳ керак!», «Тараққий керак!» деб бошқа онгли халқлар билан баробар майдонга чиқдилар. «Туркистон бобой» ўз қучоғидан учирма қилган бу «даҳрий» ва «одобсиз» болаларига темир бармоғини чўзди, уларни ғазаб билан серпахта кўрпасига чирмаб ухлатмақчи бўлди. Лекин «Туркистон бобой»нинг бу плани болаларини йўлдан қайтара олмади...» («Шўро» ж. 1916 й., 8-сон, 206-бет).

Ҳар икки адиб фикр-мулоҳазасининг шакл-ифодасида маълум фарқ бор, албатта. Бироқ, улар мазмунан ғоят яқин. Ҳар иккисида ҳам ижтимоий ҳаракатсизликдан қаноатланмаслик мавжуд. Лекин у биринчида жуда кучли. Оҳанг кескин, фожиавий даража касб этган. Бу муаллифининг муайян ғоявий-эстетик қарашлари билан изоҳланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин факт шуки, 1905 йил бутун Россияни, шу жумладан, марказдаги Татаристону олисдаги Туркистонни ҳам тубтубигача чайқатиб юборган эди. Машҳур Абдулла Тўқай:

«Биз Бешинчи йилда бир кун кўзни очдик тонг билан,
Ишга даъват этди бизни кимдир эзгу ном билан»,

деб ёзди. Тошкентлик Нозимахоним 1905 йил 9 январь фожиасида қони тўкилган «юрт эрлари»ни ҳимоя қилиб чиқди. Ҳақиқатнинг албатта қарор топажагини айтди. «1905 нчи йилғи инқилоб ҳаракати таъсири натижасида сиёсий маслак ва мақсадларга тушуна ва ўргана бордим», деб ёзади Авлоний. Ҳамза 1908 йиллардан инқилоб билан «танишгани»ни маълум қилади. Бу адабиёт ва инқилоб ўртасида пайдо бўлган боғланишдан далолат эди. (Евгений Евтушенко «Огонёк» журналида эълон қилинаётган «XX аср рус шеърияти» материаллари муносабати билан ёзади: «Биринчи рус революциясининг мағлубияти муваффақиятсизлик эмас эди. Биринчи рус революцияси матбуот эркинлигининг биринчи ютумларини берган эди ва жамият ўпкасига тушган бу покнафас ҳаво гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб бораётган чеклашларга қарши курашмоқ учун унга куч бахш этди».)

1914 йил кириб келди. Биринчи жаҳон уруши бошланди. Бир ҳовуч давлатмандларнинг мол-дунёга ҳирсини қондириш учун миллионлаб кишилар очлик ва ҳалокат гирдобига ташланди. Бутун Россияда, шу жумладан, Туркистонда ҳам урушпарастлик, ватанпарастлик васвасаси авж олдириб юборилди. Матбуотда «Император ҳазратлари»га камарбасталик билан ёзилган ҳамду санолар кўпайиб борди. Иккинчи томондан, Туркистоннинг Россия таркибига кўшиб олинганининг 50 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик борарди. Чор мустамлакачилик сиёсати пухта ниқобланган, зоҳиран Туркистон «оқ подшо»нинг меҳрига мушарраф бўлгандай, бу оқибатларнинг ҳаммаси ўша туфайлидек эди. Уруш шароитига қарамасдан «улуғ юбилей» ўтказилди. Миссионерлиги билан машҳур бўлган «Туркистон вилояти газети» редактори Николай Остроумов «Колизейда» (ҳозирги Свердлов концерт залида) узун маъруза қилди. Тантаналарда Туркистоннинг донгдор бойлари, руҳонийлар, миллий буржуазия вакиллари иштирок этдилар. Барибир «оқ подшо»нинг кўнгли тўлмади. Катта байрам муҳорабадан кейинга қолдирилди.

«Бу «юбилей»га мусулмонлик исмин тошиғон Туркистон хоинлари, абдул курсоқ (қорин бандаси — Б. Қ.) бойлари, миллий кофурлари иштирок этишдилар, фавқулодда шодланишдилар. Мартсонлар, остроумовлар, галкинларни,[1] семёновларни қўлларин қисишдилар. Оғиз-оғизга ўпишдилар»[2] деб ёзган эди ғазаб билан 1917 йилда Мирмуҳсин Шермуҳамедов.

Лекин уруш ва унинг оқибатлари, хусусан, «Мардикорлик воқеаси» деб ном олган ва бутун ўлкани қоплаган миллий-озодлик ҳаракатлари «фуқаропарвар оқ подшо» ҳақидаги барча хом-хаёлларни тўзғитиб юборди. Халқ уйғонди. Мардикорлик эллик йилдан буён итоаткорона сукутда келаётган халқнинг жон томирига теккан эди. У ўрнидан кўзғолди. Эҳтимолки, биринчи бор «подшо ҳазратлари»ни «золим», «қон жаллоб» деб атади. Уни «тахтдан ағдармай қўймаслик»ка онт ичди. 1916 йилнинг 9 августида Тошкентга келган Оренбургдаги «Вақт» газетасининг мухбири Шаҳид Муҳаммадёров ёзишича: «Мардикорлик ари уясига чўп суққандек бўлди. Туркистонда бамисли ер ларзага келди. Халқ бош кўтариб ён-атрофга қаради. Бу Туркистон учун чинакам 1905 йил бўлди».

Кўҳна Туркистоннинг Октябрга келишида 1916 йилнинг энг муҳим босқич ҳисобланиши шундан.

1908 йилда Хивада бўлган шарқшунос олим А. Самойлович «Ўрта Осиё туркий шеърий адабиётида янги давр бошланаётир» деб ёзган эди. 1916 йилда эса Тошкентнинг «Колизей»ида маҳаллий театрни тамошо қиларкан, фақат поэзия эмас, проза ва драматургия ҳам янги даврга кирганини қайд этади.

Адабиётда 10-йиллардан янги мазмун билан бир қаторда янги шаклий, ифодавий усуллар ҳам кўпайиб борди. Унинг янгиланишида Ҳамза, Аваз, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Чўлпон каби ёшлар асосий ролни ўйнадилар. Завқий, Сўфизода сингари Муқимий мактабининг истеъдодли вакиллари, Самарқанд (Самойлович бу ерни янги адабиёт маркази деб атаган эди) адабий-маданий ҳаракатчилигининг Беҳбудий, Фитрат, Сиддиқий-Ажзийдек забардаст намояндалари ўлка пойтахти Тошкентдаги анъанавий лирикада ҳам, «миллий шеър»да ҳам (XX аср бошида миллий-ижтимоий мазмун ифодаловчи шеърлар шундай аталган) баравар қалам тебратган Сидқий Хондайлиқий ва тараққийпарвар-лик фаолияти билан шуҳрат қозонган Абдулла Авлонийлар ёшлар билан ёнма-ён бордилар.

Ҳамдлар ўлсун худога, қайда кўрсанг ёшлар,
Миллий ишларга ташаббуслар қилур кенгошлар.
Андижону Марғинону Ўш, Наманган, Ҳўқанд
Ёшлари бир-бирлари бирлан бўлуб сирдошлар.
Кетди ғафлат, келди улфат, туғди даври интибоҳ,
Қайда кўрсанг ёшлари бир туғмадек қардошлар.
Бу замондан неча йил аввал қаён эрди бу ҳол
Ёш бўлсун, хоҳ қари гўё эди кундошлар.

Шеър Авлонийнинг 1915 йилги Фарғона сафари муносабати билан ёзилган.

Ёшларнинг иноқлиги яхши, албатта. Айниқса у муайян маслак-эътиқод йўлида бўлса. Олайлик, кенг халқни маърифатли қилиш, янги турмушга ҳозирлаш йўлида бўлса. Хўш, ёшларнинг ўзлари бу ҳақда нима дейдилар. Тошкентлик Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг бу хусусдаги фикри шундай: «...инсон ўзининг ҳақ деб таниғон йўлини ўзина бир маслак-эътиқод этиб олади. Бу маслаги учун на қадар оғир машаққатларга учраса-да, чидайди... Тутқон маслаги орқали мақсадина — ғояи аъмолина эришиш фикрида бўлади. Мухолифлари билан курашади, талашади, тортишади».

Табиийки, шу давр Умумроссиясидаги сингари Туркистон ёшларининг ҳаммасини ҳам ғоя ва мақсадларига кўра бир хил маслак эгаси сифатида баҳолаш мумкин эмас эди. Социалистик инқилоб яқинлашган сайин ёшларнинг орасида ҳам ажралиш кучайиб борди. Лекин бу ажралишни биргина манфаат ва интилишлар билан боғлаб қўйиш, ўйлаймизки, бир томонлама бўлур эди. Турли ва хилма-хил ижтимоий тартиб, удум, тушунча, фикр-қараш ҳукмрон бўлган, марксистик идеология маҳаллий аҳолининг ниҳоятда оз қисмига таниш Туркистонда тўғри йўлни танлаш ғоят мушкул бўлганини, ажралишлар, адашишлардан ҳам холи эмаслигини кўзда тутмоқ лозим.

Мирмуҳсин фикрларини кузатишда давом этайлик. Унинг 1917 йилда ёзган «Динчилар, тараққийчилар» мақоласида шундай бир мулоҳазага дуч келамиз: «...бетараф туруб ҳақиқий фикр ила бу икки ием (яъни «динчи», «тараққийчи» — Б. Қ.) остинда юрувчи зотларни мулоҳаза этилса, «динчиман» деб даъвода юрганларнинг ўндан саккизи имонсиз, дин ўғрилари, «тараққийчиман» деб оғиз очиб юрганларнинг ўндан тўққизи тараққийпарвар исмини булғаган миллий хулиганлар бўлиб чиқади». Мирмуҳсиннинг бошқа мақолаларида (масалан, шу йил ёзилиб «Шўро»нинг 12-сонида босилган «Туркистоннинг усули идораси ҳаққинда» каби) улар янада конкретроқ, «провакатор уламолар ила буржуаз золим бойлар» деб айтилган. Бошқа бир ўринда эса («Ҳуррият»дан нечук фойдаланамиз?», «Ҳуррият»г., 1917 й., 5-сон) «Аларни (яъни «миллати ҳокима»ни — Б. Қ.) эзиб ташлаб мазлум миллатни юзага чиқаратурғон» вақт келганлиги гапирилади. Юқоридаги «Маслак ишқи ва фидокорлик» мақоласида кадет ва анархистларга қарши курашиш ҳақида гап очган эди. Октябрь арафасидаги Туркистонда энг реакцион ролни «Шўройи исломия» билан «Турк адам марказият» ўйнагани маълум. Ҳолбуки буларнинг ҳаммаси «ҳуррият», «адолат», «мусовот» (тенглик) каби шиорлар билан иш кўрган эдилар.

Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Янги дунё эски жамият бағрида кўз очмоқда эди. Унинг учун шафқатсиз ва тинимсиз кураш борар эди. Лекин, айни пайтда, инқилоб

[1] Мартсон — 1914 йилдаги Туркистон генерал-губернатори. Галкин А. С. — генерал, Сирдарё область ҳарбий губернатори, 1916 йил кўзғолонини бостиришда иш кўрсатганлардан.
[2] Тарихий даврлар, «Ҳуррият» газ., 1917 й. 5 декабрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аталмиш бу жангоҳнинг ҳар икки тарафидаги ўз муборизлари ва мухолифлари билан бир қаторда минг-мингларча сиёсий курашдан бехабар, воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини англаб олишга улгурмаган, гоҳ у-гоҳ бу оқимга ғайришуурий бпр тарзда қўшилаётган кишилар ҳам бор эди.

Янги турмуш учун кураш мана шундай мураккаб бир шароитда кечди.

* * *

Адабиётимиз қаҳрамонида ўтган асрнинг сўнгги чорагидан маълум ўзгариш кўзга ташланади. Лирик қаҳрамонни олинг. Муқимий билан Фурқатда у анъанавий ошиқ доирасидан бир қадар четга чиқди, ижтимоий қиёфа касб этди. Жамиятдаги айрим ноҳақликларни англаш, танқид қилиш, маърифат тимсолидаги муайян ижтимоий идеални ифодалаш даражасига кўтарилди. 1905 йил билан бошланган XX аср ҳодисаларидан озиқ олган янги даврнинг лирик қаҳрамони эса курашчи-инқилобчи авлоддир. Шу жиҳатдан у ўз салафларидан кескин ажралиб туради. Айни пайтда лирик қаҳрамоннинг ўзгариши билан шеърнинг ўзи ҳам янгиланиб борди. Масалан, Сиддиқий-Ажзийнинг 1916 йилда босилиб чиққан «Айнул адаб» («Одоб булоғи») тўпламидаги шеърларда анъанавий марказ-ўқ ўзгарган. Шоир шеър марказига Ватан ва миллатни қўяди. Ҳамма нарсага унинг кўзи билан қарайди. Ҳамма нарсани унинг манфаати билан ўлчайди. Мана шу Ватан, халқ манфаатига хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани бутун вужуди билан қўллаб-қувватлайди. Унга халақит берувчи ҳамма нарсани рад этади. Тўғри, у анъанавий образ ва ифодалардан фойдаланди. Лекин уларга янги маъно, янги мазмун сингдирди. Масалан, «Парирўлар паришон зулфидек хотир паришонам, недан, хотир паришонлик-ла ҳайронам» матлаи билан бошланадиган шеърини олиб кўрайлик. Шеърда муайян ҳолат чизиляпти. Бу — хотирпаришонлик. У сочилган сочга қиёс қилиняпти. Бу образ янги эмас. Унинг классик намуналари бор. Фузулийни эсланг:

Паришон ҳолинг ўлдим, сўрмадинг ҳоли паришоним,
Ғамингдан дарда душтим, қилмадинг тадбири дармоним.
На дерсан, рўзгорим бўйлами гечсун, гўзал жоним,
Гўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним.

Ошиқона ҳолат. Фавқулодда аниқ, тиниқ. Таъсирчан, ўйноқи.

Сиддиқий-Ажзийнинг назирасида ҳам катта дард бор. Лекин унинг мазмуни тамом бошқа:

Недан овора дашти ғамда нолон кездуким билмам,
Магар Мажнуни Лайлоси нишоти базми урфонам.
Гирифтори саводу хатту холу сафҳаи дардам,
Асири кулфату ранжу балоу доғи ҳирмонам.

Дарҳақиқат, унинг қаҳрамони ҳам ошиқ. Лекин бу ишқ — маърифат ишқи. Унинг Лайлоси — маърифат. У ҳам худди булбулдек нола чекади. Лекин эл дардидан нола чекади. Миллий, ижтимоий зулмдан, Ватаннинг, элнинг бағри садпоралигидан нола чекади. У ҳам дардга гирифтор. Бу дарднинг номи — «иттиҳод» («бирлашиш»)! Унинг давоси — «анжуман», «шўро»! У иш кўрадиган тимсол ва қиёслар ҳам мана шу мазмунга мутаносиб. Масалан, унингча, юлдуз юлдуз эмас, халқ кўксига отилган тош. Лоланинг алвон япроғи эса, ноҳақ қонлардан қизарган Ватан тупроғи.

Қуйидаги сатрларга эътибор қилайлик:

Кўранда лола яфроғин гумон этмак чамандур бу,
Лисони ҳол ҳарифи дарси ибрат анжумандур бу.
Шаҳиди ханжари ишқу ватанлар лахта қонидин,
Кўрўнмиш пардаи номус илан хуни кафандур бу.
Бу гулшан саҳнида гул яфроғи ранги гумон этманг,
Қизармиш хуни ноҳақ рангидан хоки Ватандур бу!

Шоир айтганидек, қаерда бўлмасин, инқилобнинг ранги бир хил. У эскининг ҳалок бўлиши, янгининг ҳаёт кўриши. У — кураш, мағлубият, ғалаба.

«Дин шаҳид истар, осмон — қурбон,
Ҳар замон, ҳар тарафда қон, қон, қон!»,

дея исён қилган эди инқилобий тўлқин оғушидаги Тавфиқ Фикрат 1905 йилда ўзининг машҳур «Тарихи қадим» асарида. Унинг Хивадаги кичик замондоши Аваз масалани «бир чора замон борми?!» деб қўйди. Бу билан кифояланмади. Чорасизликка қарши бош кўтариб чиқди. Замонни «чорасиз» қилиб қўйган хоннинг «бошин олмоққа»ча жасорат этди. Авазни Тавфиқ Фикратдан таъсирланган деб бўлмайди. «Тарихи қадим» 1920 йилдагина матбуот юзини кўрди. (Бокуда босилган эди).

Бундай оҳанг биргина Авазга хосми? Йўқ, буни Ҳамза, Авлоний, Хуршид Образий каби жуда кўп шоирларимизда оз-кўп учратамиз. Ҳатто инқилобчи авлоднинг умумлашма образи яратилди. Сидқий Хондайлиқийнинг «Русия инқилоби» достонини олинг. Унда ер юзини «ўз қони билан лолазор» этган бир гуруҳ («хайл») ҳақида гап кетади. Шоир озодлик учун курашни 1772 йилги Пугачёв қўзғолонидан бошлаган, зиндонларда чириган «файласуф»лар, «Аёқда кишан, қўлда занжир» билан олис Сибирда «бенишон» кетган «доҳий»лардан гап очган. Туркистон элининг 1916 йилда «Зулм жонига етиб» «ҳурриятчилар сонига» қўшилганини таъкидлаган ва қўзғолон фожиаларининг таъсирчан манзараларини берган эди. Масалан, достондаги «Мақбул қурбонлар» боби шундай бошланади:

Бутун дунёда хурриятчи аро
Бу сўз бор эрур, англангиз, эй аго!
Ҳуррият олинмас ҳеч имкон ила,
Магар олса мумкин эрур қон ила.
Ҳуррият олинмади қурбонсизин
Ки тарихларнинг сўзидур чунин.

«Русия инқилоби» асаридаги барча «ҳурриятчи»ларга умумий бўлган бир хислат бор. У ҳам бўлса, маслакка садоқат, фидойилик. Шу шоирнинг икки революция оралиғида ёзган яна бир қатор шеърларида Тошкентдаги намойишлар, инқилобий ҳаракат лавҳалари чизилади. Чунончи, «Яшасин ёшлар!» шеъри бевосита 3,5 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтган намойиш ва митинг таъсирида ёзилган. Муаллиф унга «ҳозирги намойишчи тараққийпарвар Тошканд ёшлари ҳақинда» деб изоҳ беради. Шоир уларни таъриф этганда миллий-диний айирмалалардан юксак туришларига, «барча элга меҳрибон»ликларига алоҳида диққатни қаратади:

Демаслар бу қазоқдур ё нўғайдур ё бу — қишлоқи,
Бўлаклаб ё ўғайлаб четга кўймас ҳеч бир он ёшлар.
Разолатпешалар ахлоқин ислоҳига саъй айлар,
Туғушғондин зиёда барча элга меҳрибон ёшлар.

Муаллиф позициясига эътибор қилайлик: у бутун вужуди билан ўша ёшлар сафида. Бундай нуқтаи назар 1917 йил шароитида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, «Шўройи исломия» ва «Турк адам марказият» каби пантуркча, панисломча қарашларга берилган зарба эди.

Абдулла Авлоний Октябрь ҳақида бундай ёзади:

Октябрь — тўфон,
тўлқин!
Капиталга қарши тугён!
Октябрь — ҳаракат, жараён,
Бойларга зидлик,
исён!
Октябрь — йиғноқ,
уюшма,
Йўқсуллар бирлиги,
бўрон!
Октябрь — даҳшатли ўт,
ёнғин,
Душманларга ҳароратли вулқон!..
Октябрь — коммунизм эшиги,
социализм йўлида тўкилган қон!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Октябрь — маориф,
маданият бешиги,
миллатлар озодлиги учун
мезон!

Дарҳақиқат, Октябрь қудратли тўфондек эски, хароб турмушни йиқди, эрк ва бахтга ташна меҳнаткаш ҳаётига жонбахш тўлқин бўлиб кирди. Лекин буни чуқур англаш, тушуниш учун маълум тайёргарлик керак эди.

Нега?

Тарихчи Юрий Афанасьев «Ҳақиқат билан тарбиялаш» («Комсомольская правда» газ., 1987 й. 1 сент.) мақоласида мамлакатимиз тарихининг ёритилишида йўл қўйилиб келган камчиликлардан энг муҳими — тарихийлик принципининг бузилиши, яъни шу пайтга қадар тарих ва маданиятнинг фақат бир томони — ютуқлари ўрганилиб ва ўргатилиб келинаётганлиги, унга қарама-қарши бўлган иккинчи қутбнинг — хато концепцияларнинг назардан соқит қилиб келинганлиги деб кўрсатади. Бу гап, муаллиф таъкидлаганидек, Октябрь тарихига ҳам дахлдор. Умуман олганда, Октябрь инқилоби ғоят мураккаб ҳодиса эди. Унинг дастлабки йиллари бениҳоя драматик кечди. «Известия» газетаси ёзганидек, 1917 йилнинг 25 октябри бир кечада Россиядаги ижтимоий тузумни ўзгартди. Лекин йиллар давомида моддий муҳтожликда яшаган меҳнаткаш халқнинг аҳволини бир кечада ўзгартириб бўлмасди. (1987 й. 6 сент.). Неча йиллардан буён ҳукм суриб келган очлик ва қашшоқликни, юртни ютиб турган касаллик ва ўлимни, хор-зорликни бир кечада тузатиб бўлмасди. Унинг учун йил эмас, йиллар керак эди. Тинчлик-осойишталик керак эди. Мамлакат эса Октябрь воқеаларидан уч ой ўтар-ўтмас урушга киришга мажбур бўлди. 1918 йилнинг февралида Германия бостириб кирди. Ёзга келиб интервенция ва гражданлар уруши бошланди... Янги ҳокимиятдаги айрим хатоликлар, суиистеъмоллик вазиятни янада танглаштириб қўйди. «Большевиклар ҳокимиятни қўлга олиш билан бутун «Россия даҳшатлари»га дахлдор бўлиб қолдилар ва бу билан Россиянинг ижтимоий соҳадаги барча қолоқликлари учун айбдор бўлганларнинг масъулиятини ўз зиммаларига олган эдилар» деб ёзади «Известия» газетаси «Биз шундай бошлаган эдик» рубрикасида босилган юқоридаги мақоласида. Дарҳақиқат, Октябрь инқилоби мураккаб ҳодиса эди. Унга муносабат янада мураккаб ва масъулиятли эди. Негаки, у янги — ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятига, зулмдан озод бўлган халқнинг танлаган ва эришган йўлига муносабатни англатар эди. Бинобарин, у ҳақда билдириладиган ҳар қандай фикрнинг тоши оғир, салмоғи баланд эди.

Мана шу хил бир қатор жиҳатлардан олиб қараганда, «Огонёк» журнали саҳифаларида «XIX аср рус шеърияти» туркумида М. Горькийдан З. Гиппиусгача — социалистик реализм адабиётнинг асосчисидан XX аср боши рус декадентчилик адабиётидаги энг реакцион қарашлар муаллифигача келтирилиши ва мазкур рубрика остидаги материалларни шу яқин орада «Книга» нашриёти босиб чиқариши ҳақидаги Давлат нашриёт комитетининг қарори ибратли фактдир.

Бинобарин, олис Туркистонда Октябрь инқилобига муносабатнинг мураккаб бўлганлигига, ўйлаймизки, изоҳ шарт эмас. Чиндан ҳам социалистик инқилобни Ҳамза, Авлоний, Завқий каби революцион ҳаракат билан бир қадар боғланган адибларимиз интизорлик билан кутиб олдилар. Янги замон тимсоли «Шўро»ни, «Қизил байроқ»ни, «мададкор большевиклар»ни олқиш этдилар. Бу пайт Мирмуҳсин Шермуҳамедов Уфада эди, у 1918 йилдаёқ кўнгилли бўлиб Колчакка қарши урушга кетди. Уша ерда партияга кирди. Сиддиқий-Ажзий инқилоб арафасида большевикларнинг «Иттифоқ» уюшмасида аъзолардан эди. Шу сабабли унинг ҳам инқилобга келиш йўли қийин бўлмади. Ҳатто мадраса тарбиясида ўсиб улғайган Сидқий Хондайлиқий ҳам Октябрнинг Февралдан фарқини тез англай олди. Она ватанида инқилоб юз берганида Сўфизода Афғонистонда эди. Юртига 1919 йилда келишга муваффақ бўлган шоир бутун вужуди билан янги социалистик турмуш учун курашга шўнғиб кетди... Бироқ бир қатор ижодкорларнинг социалистик инқилобга муносабати мураккаб ва зиддиятли кечди. Фитрат уни бирданига қабул қила олмади; рад этди. Лекин у ҳам 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошида совет позициясига келиб қўшилди. Шу қисқа давр ичида ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган бир қатор илмий, бадиий асарлар яратди. Чўлпонда эса, бу ҳодиса янада мураккаброқ кечди: у Октябрни аввал қувонч билан қаршилади, кейинроқ бориб —1920 йилда айрим маҳаллий арбобларнинг «Туркреспублика» ҳақидаги миллий махдуд таклифини қизғин ҳимоя қилиб чиқди. Бу ғоя амалга ошмаганлигида эса, бошқа мазмун кўрди. Унинг ижодига умидсизлик кайфиятининг кириб келиш сабаби шундан. Лекин у ҳам бу хато йўлда муқим қолиб кетмади, орадан бир оз фурсат ўтиб, адашганини тушунди, келгуси авлодларгача етиб боргувчи баркамол асарлар ярата бошлади. Инсоф билан ўйлаганда, ўшандай оғир, ҳар жиҳатдан мураккаб йилларда бундай хатоликларнинг бўлиши табиий эди.

Масалан, 1917 йилдан ўз тақдирини инқилоб билан боғлаган 22 ёшли Мирмуҳсинни олинг. Унинг коммунистик эътиқодига бугунги кунда ҳам ҳавас қилса бўлади. Ўзбек большевик матбуотининг, ўзбек совет матбуотининг якдил тан олинган асосчиси. Ўз ижодини маърифатчиликдан бошлаган. Интернационал туйғу, умуман олганда, жуда кучли. Лекин 1917 йил Февраль революциясининг дастлабки кунларида ёзган ва «Ҳуррият» газетасида босилган «Тарихий даврлар» мақоласида, айтиш мумкинки, миллатчилик қарашлари мавжуд. Масалан, унда Кауфман, Черняев ҳайкаллари ҳақида гапириб, «Қўй буларнинг ўрнига ўз баҳодирларингни...» деб санаб кетади (фотиҳларни санайди, албатта). Ҳатто Туркистон учун «мухторият» талаб қилади.

Хўш, шунга қараб, уни миллатчига чиқариш керакми?

Йўқ, албатта. Асосий мезон унинг амалий фаолияти, ишлари бўлиши керак. Ҳар бир нарсани тарихий конкрет ўрганиш ва баҳолаш керак. Ҳақиқатан ҳам Мирмуҳсин орадан 15 кун ўтар-ўтмас ўз қарашининг нотўғрилигини англаб етади. «Ҳурриятдан нечук фойдаланамиз», «Маслак ишқи ва фидокорлик», «Динчилар ва тараққийчилар» каби мақолалар ёзиб, аксинча, Туркистонни инқилобий Россиядан ажратиб олишга бўлган ҳар қандай уриниш уни ўлимга маҳкум этиш, деб баралла айтади ва буни исботлайдиган ўнлаб далиллар келтиради. 1917 йил 4 июнда ёзилиб, ойда икки марта чиқадиган «Шўро»нинг 12-сонида босилган «Туркистоннинг усули идораси ҳақинда» мақоласида Тошкент ва Москвадаги мусулмонларнинг ҳар икки съезди қарорларини қатъиян рад этади (18-23 апрелда Тошкентда «Шўройи исломия»нинг ўлка съезди 1-11 майда Москвада Русия мусулмонларининг 1 съезди бўлиб ўтган, ҳар икки съезд ҳам «мухторият»ни ёқлаб чиққан эди. Москва съездида машҳур инқилобчилар Олимжон Иброҳимов ва Шоҳид Аҳмадиев ҳам қатнашган ва «муҳторият»га овоз берган эдилар. О. Иброҳимов татар совет адабиётнинг асосчиси, Ш. Аҳмадиев 1917 йилнинг мартидан партия аъзоси, Октябрда Қозон шаҳрида революцион штаб раиси бўлган. 1920 йилда Ленин топшириғи билан Ўрта Осиёга «Қизил Шарқ» поездини бошлаб келган эди). Мирмуҳсин мақолада Туркистонга идора усули сифатида «халқ жумхурияти»ни тақдим қилади. Бу ҳали большевистик позиция эмас, албатта. Лекин реакцион мухториятчилик ҳам эмас. Уни мана шундай халққа яқинлик Октябрга олиб келди, 1918 йилда Колчакка қарши курашга кўнгилли қилиб жўнатди. «Ишчилар дунёси», «Қизил юлдуз», «Қизил маёқ» каби ҳарбий революцион газеталарнинг, «Иштирокиюн», «Коммунист» сингари ўлка партия ва хукумат органларининг редактори даражасига кўтарди. Ўлка большевик матбуотининг асосчиси, интернационалист коммунист қилиб танитди.

Авлоний-чи?

1918 йилда партияга ўтган, Комманифестни таржима қилган бу адиб 1919 йилда ёзади:

Дерларки, ой(н)инг ярми қаро, ярмиси равшан,
Ўттиз куни ҳам бизга бутун қопқародур кўрасан.

(«Хафалик соатда» шеъридан)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу икки сатр билан муаллифни инқилобни қабул қилмаганликда айблаш мумкинми? Мумкин. Бир вақтлар шундай қилинган ҳам. Ҳолбуки, бундай ёндашиш адабиётнинг хос хусусиятини, масалан, унинг муайян руҳий ҳолат, кайфиятни ифодалаши мумкинлигини ва бу муаллиф позицияси, ижодининг умумий пафоси билан мутаносиб келгандагина белгиловчи роль ўйнаши ҳақидаги ибтидоий ҳақиқатни инкор этади.

Хуллас, адабиётдаги вульгар социология, ижтимоий-сиёсий тарихни, шу жумладан маданий-адабий тарихни бирёқлама ўрганиш ва баҳолаш тенденцияси умумсовет адабиётидаги каби ўзбек совет адабиёти тарихи босқичларини, хусусан илк даврини чала-ярим ёритишга, унинг айрим забардаст намояндаларини четлаб ўтишга олиб келди. Рус ва баъзи қардош халқлар адабиётида бу жиҳатдан қатор самарали ишлар қилинмоқда. Лекин ўзбек адабиётшунослигида бу соҳада силжиш ҳали ҳам кўзга ташланмаётир.

Инқилобий йиллар адабий ҳаракатчилигида, 20-йилларда учрайдиган миллатчилик туйғусининг мазмун-моҳиятини тушунишда В. И. Ленининг эзилган миллатдаги миллатчиликнинг мазмуни ҳақидаги қуйидаги кўрсатмаси, ўйлаймизки, жуда муҳим аҳамиятга эга: «Эзилган миллатнинг ҳар бир буржуа миллатчилигида зулмга қарши бўлган умумдемократчилик мазмуни бор ва ана шу мазмунни мутлақо ёқлаймиз». (Асарлар, 4-нашри, 20-жилд, 442-бет).

1916 йил июлда ёзган, Р. Люксембург, К. Каутский ва поляк неподлеголосчиларининг позицияларига баҳо берган, «Ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги дискуссиянинг якунлари» мақоласида эса мана буларни ўқиймиз: «Пролетариат фақат социал революция қилиш билан авлиё бўлиб қолмайди... Миллий адоват жуда тез битмайди: эзилган миллатнинг эзувчи миллатга душманлиги — тамомила қонуний душманлик — вақтинча қолади, бу душманлик фақат социализм енггандан кейин ва миллатлар ўртасида тамомила демократик муносабатлар узил-кесил ўрнатилгандан кейин йўқолади». (Асарлар, 4-нашри, 22-том, 392—393-бетлар). Ленин масалага шундай ёндашган эди.

Мавзуга қайтайлик. Октябрь ҳақида шеърлар кўп ёзилди. У умуман, социалистик мавзунинг муҳим, таркибий қисми сифатида ҳар бир ижодкорнинг совет воқелигига муносабатини белгилашда асосий мезонлардан бўлди. Айни пайтда мазкур ҳодисанинг хилма-хил қирралари ҳам очилиб борди. У маълум даражада шоирларимиз учун ғоявийлик ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди. Шу жиҳатдан бу мавзудаги шеърларни кўздан кечириш ўзбек совет шеъриятининг босиб ўтган йўлини кўздан кечиришдир.

Инқилобнинг дастлабки йилларида ҳодисанинг кўпроқ ташқи жиҳатларига, умумбашарий аҳамиятига эътибор берилди. Икки давр қиёси — қуллик ва озодлик, зулм ва адолат муқоясаси асосий ўринни эгаллади. Бу ўз даврида зарур ва муҳим эди. Ҳамзанинг машҳур «Яша, шўро!»си, Авлонийнинг «Октябрь байрами», «Қизил байроқ» шеърлари шонли инқилоб йилларининг ўтли садоси, ўзбек совет поэзиясининг дастлабки намуналари бўлиши фактининг ўзи билан ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Давр ўтиши билан уни англаш ва поэтик ифодалаш чуқурлашиб борди. Секин-аста унинг содда ва табиий, жонли ва таъсирчан образи яратила бошланди. Чўлпоннинг 1930 йилда ёзган «Октябрь» шеъри шу жиҳатдан мазкур мавзуни юқори босқичга кўтарган асарлардан бўлди.

Инқилоб ҳақида кўп ёзилади. Ҳар бир авлод уни ўз ақли, ўз шуури, ўз ҳаёт тажрибаси билан қайта идрок этади. Лекин инқилоб билан бирга туғилган илк инқилобий шеърлар оловли йилларнинг қайноқ тафтини бизга етказгувчи асарлар сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Октябрь, шоир тили билан айтганда, янги оламнинг эшиги, холос. Чинакам социализм, моддий тўкинлик ва маънавий баркамоллик йўлида кўпдан-кўп манзиллар бор. Ва буларнинг ҳар бирини эгаллаш ўзига хос инқилобдир. Улуғ мақсад йўлидаги инқилоб бугун ҳам давом этмоқда. «Қайта қуриш» деб ном олган ҳозирги қизғин жараён бу йил 70 йиллиги нишонланадиган Октябрнинг бевосита давомидир. Бинобарин, дунёда биринчи социалистик инқилобни амалга оширган, 20-йилларда унинг муқаддас принципларини ҳаётга жорий этиш учун курашган шонли инқилобий авлодимизнинг фаолияти ҳам, ўй-фикрлари ҳам бизга ҳар қачонгидан яқиндир.

ТИЛ САНДИҒИ

Сўз айлади инсонни ҳайвондин жудо.

Алишер Навоий



Чоли — яйловларда қўй сақлаш учун юлғундан ясалган қўра

Ғишша — қамишнинг эрта кўкламда ўсиб чиққан барра пайти

Ғуппа — қамишнинг анча бўй чўзиб, най олган пайти

Қилдир — кузда қамиш найлари қотиб, пишиб етилганда унинг танасини ўраб турадиган ингичка, баргсимон қисми

Портов — экин экилмаганлиги учун бегона ўтлар кўкариб, ғовлаб кетган, ташландиқ ер

Товора — якка девор, ҳовлиларни ўраб олиш учун синч усулида қурилган девор

Чешлов — хирмон янчганда чўплар аралаш чошдан донни ажратиб олишда ишлатиладиган йирик кўзли ғалвир

Чангча — рўзғор буюмлари осиб қўйиш учун айвон шифтига маҳкамланган илгакли ёғоч

Сўқи — жўхори туйиладиган ичи ўйиб олинган ёғоч идиш; кели

Аркач — ахта қилинган қўчқор

Сақар — пешонасида оқи бўлган қўй ёки эчкилар

Тўпловчи: **Маматқул ЖЎРАЕВ**,
Бухоро области Қоракўл районига
қарашли «Бухоро» колхозининг
Жиғачи қишлоғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуёшли чеҳралар

Адолат Носирова



Жоконданинг сеҳрли жилмайиши...

Афсуски, бу тасвирий санъат мўъжизасининг асл нусхасини кўриш бахтига муяссар бўлмаганман. Аммо унинг китоблардаги нусхаси ҳам кишини ўзига ром қилмай қолмайди. Гўё узоқ ўтмишдан дилимизга нурафшонлик, эзгулик бағишлаб тургандай. Мен унга меҳр билан тикилар эканман, момоларимизни, майли, Уйғониш давридаги эмас, бир-икки аср муқаддам яшаган момоларимиз сиймосини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қиламан. Қанча уринмайин Мона Лизаникидек бетакрор чеҳра ўрнига бир-бирига ўхшаш, ўша «камон қош, ғунча лаб» сунъий тасвирлар гавдаланаверади.

Айб мусаввирда эмаслигини биламан. Қасру саройларни киши ақлини лол қолдирадиган даражада безаб ташлаган беҳзодлар Шарқ Жокондасини ярата олишларига шубҳам йўқ. Афтидан, гап ислом ақидалари бўйича, мусаввирдан охиратда суратга «жон топиб беришини талаб қилиниши»да ҳам бўлмаса керак.

Беихтиёр қайсидир жоҳил ўйлаб топган паранжи-чачвон ёдга тушаверади. Ахир ўша ёпинчиқлар ғунчадек очилаётган ўн етти яшар қизни ҳам, умри хазон бўлган аёлни ҳам ҳуснда тенг қилиб қўймайдими? Беҳзодларимиз ана шу қафасни очиш, гулчеҳралар сиймосининг гўзаллигига бўёқлар топиш учун журъат этишмаган бўлишса не ажаб. Акс ҳолда, Нодирабегим шунчалик фарёд чекармиди:

Умед ҳаст ки субҳи умеди мо бирасад,
Ниҳояти шаби зиндонии бало бирасад.

Яъни, умидворманки, умидимиз тонги келиб етади, бало зиндонининг кечаси тугайди.

Туркистон аёлларининг «умид тонги» ўн еттинчи йил Октябрь инқилобининг шиддатли кунларида отди. Дарҳақиқат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли санаси байрам қилинаётган йили ўлкамизда «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги нишонланишида ҳам рамзий бир маъно бор. Зеро Октябрь тонги отмаганида паранжи улоқтириладиган гул ханлар ёқилмасди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига табрикномасида қуйидаги сатрлар битилган: «Бу байрам Улуғ Октябрь ғоялари нурафшон этган Сизларнинг тақдирингиз каби порлоқдир. Бу байрам кўпгина миллатларга мансуб хотин-қизларни тенг ҳуқуқлилик учун курашга отлантирган «Ҳужум» ҳаракатининг ўзи каби интернационалдир. «Ҳужум»нинг сарчашмаларида турган кўп миллатли совет оиласи кўпдан-кўп қизларининг шонли номларини давр ҳеч қачон хотирадан чиқара олмайди...»

Келинг, биз ҳам «Ҳужум»нинг фаол иштирокчиларидан бири Марям ая Исломова билан танишайлик.

Онахоннинг таржимаи ҳолини ҳурлик қуёшига чеҳрасини тутган барча ўзбек аёлларининкига қиёслаш эҳтимол унчалик тўғри бўлмас. Лекин қуёш қатрада акс этганидек, ўзбек хотин-қизларининг иқболи Марям аянинг ҳаёт йўлида яққол кўзга ташланади, албатта.

Марям ая Исломованинг хонадонида ўтирибмиз. У ўзининг газетада чоп этилган фотосуратига қайта-қайта тикилиб, астойдил хафа бўлади.

— Наҳотки шунчалик кексайиб қолган бўлсам? Йўқ, бу сурат ўзи меникимасга ўхшайди.

— Ойижон, ахир бу газета — уни босиш пайтида сурат хиралашади-да, сиз ҳали бардамсиз, кўркамсиз! — дея қувноқлик билан таъкидлашади Марям аянинг қизлари.

«Ҳужум»нинг 60 йиллиги муносабати билан мен берган саволлар онахон хотираларини алғов-далғов қилиб юборганга сезилиб турарди. Бошида у кишига илтимосим ёқинқирамади.

— Қўйинг, мен ҳақимда ёзиш шартми, — деб анчагача унамади.

Кейин қатъиятлик билан қилган илтимосларим туфайли унинг хотиралари тизгини, ўша даврдек қайноқ воқеалар ҳикояси бир-бирига уланаверди.

Энг аввал албатта марҳумлар ёдга олинади...

«Тўртинчилардан большевик Назиржон Халиловни чавақлаб кетишибди...» Аслида, Марям бу машъум хабарни эшитмаганмаъқул эди. Чунки у ўзига қайралган пичоқ бошқанинг жонига қасд қилганини биларди.

Улар Қўқондан қишлоққа бирга келишган эди. Яқиндагина комсомол аъзолигига қабул қилинган Марям уйма-уй юриб хотин-қизлар билан суҳбатлашар, уларга йўқсиллар ҳукумати унинг аёллар ҳақида чиқарган қонунлари ҳақида гапириб берарди. Янги ҳаёт қуриш биргина эркакларнинг иши эмас, унда хотин-қизлар ҳам фаол қатнашишлари кераклигини уқтирди. Мавриди келгач, суҳбатни паранжи ташлашга кўчирарди. Қўқонда юзини очган аёллар корхоналарда ишлаётгани, дўконлар очиб савдо қилаётгани, хат-саводга ўрганаётганлари ни айтарди. Паранжи-чачвон ичидан ҳадиксираб боқаётган кўзлардаги учқунларни Марям илғамай қолиши мумкин эмасди. У тенгдош дугоналарини янги турмушга жалб қилиш учун жон куйдиряпти холос-ку?! Афсуски, ташвиқотчи қизни ҳаётга интиқ нигоҳларгина эмас, балки қонга тўлган кўзлар ҳам таъқиб этарди. Марям уларни пайқамай қолса-да, лекин кўпни кўрган коммунист Назиржон Халиловнинг эътиборидан ҳеч нарса қочиб қутулмасди.

— Сен кеч тушмасдан Қўқонга етиб ол! — деб шоширди у бир куни Марямни.

— Қизиқсиз-а, — дея аввалига кўнмади у. — Ҳали анча ҳовлига кирганим йўқ. Қолаверса, бир неча қизлар билан келишиб қўйганман: кечқурун тўпланишиб, шу ерда комсомол ячейкасини ташкил этмоқчимиз.

— Ҳамма иш аста-секин бўлади, — деб гапни ҳазилга йўйди Назиржон. — Ҳамма қишлоқларда бирпасда ячейка тузиб чиқсанг, кейин ўзингга иш қолмайди.

Шундан сўнг жиддийлашди-да, тезда қишлоқдан кетишни буюрди.

Назиржон беҳудага ташвишланмаган экан. Марямни извош

www.ziyouz.com kutubxonasi

га ўтқазиб, Қўқонга жўнатиб юборганидан кўп вақт ўтмасдан уни нотаниш кишилар ўраб олишди.

— Аёлларимизни йўлдан ураётган анави уятсиз қани?! — деб ўшқирди улардан бири Назиржонга.

— Билмайман.

— Билмас эмиш! Айтмагин-чи, ичак-чавоғингни каллангга салла қилиб ўраб ташлармиз!

— Билмайман, дедимми, билмайман-да!

— Шундайми ҳали! Унда ўзингдан кўр...

Марям ая ўша мудҳиш воқеа ҳақида ҳикоя қилар экан, ҳали-ҳали ўзини босолмайди. Начора, қуёшга очиқ юз билан боқиш учун элнинг асл фарзандларининг қони билан хун тўлашга мажбур бўлинди. Аммо тарих ғилдирагини қонга беланган қўллари билан тўхтатиб қолмоқчи бўлган қотилларнинг уринишлари пучга чиқди. Бугун бу шаҳарда, эртага бошқа жойда кўкка ўрлаётган гулханда паранжи-чачвонларгина эмас, ўтмиш бидъатлари ҳам ёна бошлади.

Ана шундай гулханлардан бири 1926 йилнинг 8 мартида Қўқоннинг ҳозирги Ленин майдони ўрнида ёқилди. Ўша куни шаҳарнинг жуда кўп қиз-жувонлари паранжи ташладилар. Улар орасида Марямнинг яқин дугоналари М. Боқиева, Б. Ризаева, Р. Рўзиева ва бошқалар бор эди.

— Дугоналаримизнинг юзини очиш — уларни янги ҳаёт сари олиб бораётган йўлнинг боши эканлигини яхши тушунардик, — ҳикоясини давом эттиради Марям ая. — Уларни маърифатли қилиш, фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этиш керак эди. Бунинг учун ўқимишли бўлишимиз зарур эди...

Унинг отаси Исмоил бува ишчи бўлса ҳам Марям хат-саводни болалигидаёқ ўрганиб олганди. Чунки онаси Ойшахон опа ўқимишли аёл бўлиб, Инқилобдан сўнг муаллималик курсларини тугаллаган, бошланғич синфларда дарс ҳам берарди.

1920 йили Марямнинг ўзи ҳам Қўқондаги Камолҳожи ҳовлисида очилган бошланғич мактабда таҳсил ола бошлади. У билан бирга Мунаввар Саримсоқова, Собира Холдорова, Чиннихон Иброҳимова, Жўрахон Ироҳимова ва бошқалар ўқишарди.

Сўнгра Марям Исломова ўқишни Қўқондаги педагогика техникумининг икки ойлик тайёрлов курсида давом эттирди.

Улар ишга, меҳнатга, ҳаётга чанқоқ эдилар. Юзини очган хотин-қиз аёллар корхоналарга, қишлоқ хўжалик артелларига ишга олинар, кўп болали аёллар касаначилик билан шуғулланишар, хат-саводга ўргатилар, ҳаваскорлик театрлари ва ансамбларга жалб қилинарди. Ўша вақтдаги хотин-қизлар советларини қандай ишлаганлигини бир тасаввур қилиб кўрсангиз эди! Марям ҳам аёлларни актив ҳаётга тортиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлади.

Ўша давр учун «биринчи» сўзи ҳаётга ҳамоҳанг эди. Биринчи муаллима, биринчи олима, биринчи давлат арбоби.

— Ҳали-ҳали эсимда, — Марям аянинг қошлари чимирилиб, яна хотиралар гирдобига берилди — газеталарда ўзбек қизи Башорат ҳақида очерк босилиб чиқди. Унда келтирилган айрим сўзлар эсимда қолган: «Бу ерда одамлар нақадар тез ўсяпти. Мирбобоева парашютдан сакраган биринчи ўзбек қизи бўлди. Бу буюк революцион воқеадир». Очеркда ҳозир баландпарвоз туюлаётган ибораларга унчалик эътибор берманг. Кеча ичкаридан чиқолмай юрган Шарқ аёли ўзини осмондан ташласа! Буни эшитган хотин-қизларнигина эмас, эркакларнинг ҳам юраги така-пука бўлиб кетганини айтмай қўяқолай. Ўша воқеадан анча кейин, 1935 йилда Башоратни республикамиз президенти Йўлдош ота Охунбобоев ўз ҳузурларига таклиф қилдиклар. Ўша самимий учрашув пайтида Йўлдош ота ундан «Сакрашга кўрқмадингизми?» деб сўраганини айтган эди. Ўзим ҳам республикамиз оқсоқолининг худди шу саволини эшитганман. Лекин бу гал ота паранжини ташлаганимда кўрққан-кўрқмаганлигим билан қизиққан эдилар. Шунинг учун тутилиб-тутилиб: «Озодликка чиқишдан ҳам кўрқадими одам?» дегандим.

Биз оғир, баъзан таҳликали ҳаёт кечирсак ҳам қисматимиздан жуда бахтиёр эдик. Масалан, Надежда Константиновна Крупскаядек сиймо билан учрашиш бахтига ҳамма ҳам муяссар бўлаверибдими?

Шундай дер экан Марям аянинг мунис чеҳраси ёришиб, ёшариб кетди.

1928 йилнинг августида у Москвада матлуботчиларнинг Бутуниттифоқ кенгашида иштирок этади. Ўша йили уни коммунистик партия сафига қабул қилишган эди.

Худди ўша кунларда Москвада коммунистик интернационалнинг тўртинчи конгресси ўз ишини давом эттираётган эди. Унинг делегатларини табриклаш учун матлуботчилар кенгашининг қатнашчиларидан 10 киши Кремлга борди. Надежда Константиновна матлуботчилар билан бирма-бир сўрашди. Марямнинг қўлини олар экан жилмайди: «Ўзбек қизларининг сочларини шундай майда ўриб юришларини ёқтираман», деди.

Яқинда паранжиларини ташлаб, янги ҳаёт сари қадам қўйган аёллар тез орада масъулиятли вазифаларга, ҳатто республика миқёсидаги раҳбарлик лавозимларига ҳам кўтарила бошладилар. Бу даврда Марям куннинг қандай ўтаётганини сезмаётгандек эди. У партия активи курсини тугаллади. Кейин республика матлубот жамияти правлениесида бўлим мудири бўлди. Партия йўлланмаси билан Сурхондарё, Қашқадарё областларида колхозлар тузишда, маҳаллий Советларга сайловлар ўтказишда қатнашди. Ниҳоят, биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида республика социал таъминот халқ комиссари қилиб сайланди. Марям Исломова ўзбек хотин-қизларидан чиққан биринчи министр бўлди.

— Давлат, жамоатчилик ишларида бир мунча тажриба орттирган бўлсам-да, комиссарликдек юксак масъулият зиммамга тушишини ҳеч ўйламагандим, — деб эслайди Марям ая. —Янги лавозимда ишга киришарканман доимо қулоқларим остида Йўлдош ота Охунбобоевнинг: «Қизим, давлат арбоби халқ вакили. Шунинг учун сени обрўга сазовор қилган халқ ғамини егин», деган сўзлари жаранглаб турарди. Буни ота менга Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия комитетининг раисаси вазифасида ишлаб юрганимда айтган эди.

Марям Исломова Октябрь районида катта-кичик янги корхоналар қурилаётганидан қувонарди. Бироқ бу иш бир ёқлама давом этаётганди: завод ва фабрикалар бирин-кетин қад кўтараверарди, аммо ҳеч ким уй-жой, мактаб, болалар боғчалари, касалхоналар қурилиши билан қизиқмасди. Хўжалик раҳбарларидан нажот топа олмаган райижроқўм раисаси тўппа-тўғри Йўлдош ота ҳузурига борди: «Биз хотин-қизларимизни ишга тортиш тўғрисида кўп гапиряпмиз, — куйиб сўзлай бошлади у. — Лекин аёлларимизга шароит бўлмаса, улар корхоналарда қандай ишлайдилар? Хўжалик раҳбарлари эса бу масалада райижроқўм талабларини инобатга олмаяптилар».

Ота унинг куйиб-пишишидан завқланиб кетди. Марям гапириб бўлгач, у Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаевга телефон қилди: «Олдимда Октябрь район ижроия комитети раисаси Марямхон Исломова ўтирибдилар. Яхши таклифлар билан келибдилар. Менимча, бу масалаларни тезлик билан кўриб чиқиш керак. Зарур бўлса, республикамиз ҳукуматининг қарорини қабул қиламиз».

Бу гаплар кишига қанот боғламайдими? Кўп ўтмай Марям Исломова республика олий давлат органи —Марказий Ижроия комитети ихтиёрига чақириб олинди. Бу ерда у хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга ҳисса қўшди.

Марям Исломованинг комиссарлик фаолияти энг оғир давр 1938—1945 йилларга тўғри келди. Улуғ Ватан уруши бошланиб кетгач, Социал таъминот комиссарлигига фронтдан ярадор бўлиб қайтган жангчиларни даволаш, уларни ишга жойлаштириш, эвакуация қилинган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш вазифалари ҳам юкланган эди.

Комиссар буларнинг ҳаммасига улгурар, айни пайтда тез-тез корхона ва хўжаликлардаги хотин-қизлар орасида бўлиб, уларни фронт орқасини мустаҳкамлаш учун матонатли меҳнатга даъват этарди.

Умр оқар дарё. Лекин у тарих уммонига қандай жилғаси билан қўшилади? Марям Исломова ҳаётининг асосий қисмини ўзгалар бахти учун аямай сарфлагани билан фахрланса арзийди. Дугоналари, опа ва сингиллари тотли турмуш кечиришлари учун куйиб-ёнди, курашди. Шунинг учун бўлса керак ҳозир 77 баҳорни қаршилаган онахоннинг чеҳраси очиқ, кўзлари ёниқ. Негадир унинг нурли сиймосини Жоконданинг сеҳрли табассумига қиёслагим келаверади.

Кўҳна аср мусаввирларининг иложсизлиги оқибатида тасвирий санъатдаги кемтикликни навқирон алоднинг мўйқалам усталари зиёдаси билан тўлдирмоқдалар. «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллик тантаналари кунларида эса Тошкентнинг Хадра майдонида шу ҳурлик, бахтиёрликка яна бир ёдгорлик — «Шарқнинг озод аёли» — бўй ростлади. Ансамблнинг марказидаги гранит постаментда ўзбек аёлининг мағрур қиёфаси кўзга ташланади. Унинг очиқ чеҳраси қуёшга юз тутган. Бир қўлида китоб, юқорига кўтарилган иккинчи қўли эса дугоналарини бахт-саодат сари чорлаётгандек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нусратулла Жумаев,
Маҳмуд Тожибоев

Бир нуктада минг маъно

Мусиқий мерос муаммолари



Н. Жумаев. Мақомнинг мунгли оҳангларига қулоқ тутиб, мусиқий мерос ҳақида ҳар гал ўйлаганимда ёки ўзбек классик куй ва қўшиқларини тинглаганимда улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Кунда» романида айтилган мана бу сўзларнинг ҳаётий қудратини яна бир бор сезаман: «Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, ҳамдардлик ва илҳом — ҳаммаси мусиқада мужассам, шунинг учун мусиқадагина биз энг олий эркка эриша олганмиз. Инсоният шуури илк бор шуъалаланган онларданоқ бутун мозий мобайнида курашган, интилган бундай эркка биз мусиқада эришдик. Ва фақат мусиқагина барча замон ақидаларини енгиб ўтиб, мудом келажакка интилган... Шунинг учун ҳам биз айта олмаган фикрларни айтиш ҳуқуқи, имконияти унга берилган...»

Шундан бўлса керак, руҳимизда ҳузурбахш ва дардкаш наволарга доимий мойиллик ва ташналик ҳукмрон. «Санъатсиз ҳаёт ваҳшийликдир». Нақадар доҳиёна фикр. Санъатнинг бошқа турлари гуркираб турган ҳаётни мусиқа санъатисиз ҳали тўла маънодаги маданий ҳаёт дейишимиз қийин.

М. Тожибоев. Табиат инсонга кўриш, ҳид ва таъм билишдек сезгилар билан бирга, эшитиш, тинглай олишдек яна бир бебаҳо фазилат ҳам ато этганки, буни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Инсоният тарихида мусиқий товушларга эътибор жуда қадимдан бошланган. Балки ибтидоий одам ҳам тунда ғор шифтидан томаётган сув томчиларининг бир оҳангда садо беришига ёки ташқарида ёғаётган ёмғирнинг майин шивирлашига қулоқ тутиб, хаёлга толгандир.

Дунёда она алласидек беғубор мусиқа бўлмаса керак. Унда онанинг мурғак вужудга меҳру муҳабати, марҳамату муруввати мужассамлангандир. Аллани тингларкан, йиғлаётган бола бир зумда овуниб, ёнида унинг тинчини қўриқлаётган буюк она меҳри борлигини ҳис этади-да, ширин уйқуга кетади.

Мақомлар эса шундайин бағри кенг мусиқий мажмуадирки, унда мардлик ва қаҳрамонликка чорловчи улуғвор, тантанавор оҳанглар ҳам чин инсоний севгини куйловчи тароналар ҳам, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, гулгун ҳаётни куйловчи рақс қўшиқлари ҳам, ўтмишда зулм-истибдод азобидан фарёд чеккан боболаримизнинг фиғон ва нолалари ҳам ўз аксини топган. Қўйингки, мақомлар кишини кулдиришга ҳам, йиғлатишга ҳам қодир.

Н. Жумаев. Маҳмуджон, воқеан, мусиқа санъатининг сарҳадлари кенг, шахобчалари кўп. Уларнинг ҳар бири ўз муаммолари билан алоҳида ўрганишга сазовор. Келинг, суҳбатимиз мавзуига аниқлик киритайлик. Кўпчилик санъат шинавандалари мусиқий мерос деганда мақомлар ҳамда классик куй-қўшиқларни тушунадилар. Уларни бир нарса деб қабул қиладилар. Аслида, улар мусиқа санъатининг яқин, аммо алоҳида тармоқларидир. Ҳаттоки, мақомни қандайдир эски, зерикарли, оғир нарса деб қаровчи кишилар тоифаси ҳам мавжуд. Хусусан, ёшлар орасида мақом оҳанглари тарала бошлаши билан радио қулоғини бураб қўяқоладиганлари ҳам йўқ эмас. Бу уларнинг маданий савияси пастлигидан эмас, балки мақомнинг кам ўрганилганлиги ва эл орасида тарғиботи жуда пастлиги оқибатидир. Матбуотда мақом, классик куй-қўшиқлар ҳақида бирор ҳофиз ёки созанда юбилейи ёҳуд халқаро симпозиум, конкурслар муносабати билангина айрим мақолалар босилади, холос. Бу соҳада Исҳоқ Ражабийнинг «Мақомлар масаласига доир» китобидан бошқа махсус ёзилган етук асарни ҳам билмайман.

Сиз икки оғиз сўз билан журналхонларга тасаввур берсангиз: мақом, классик куй ва қўшиқларнинг бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос томонлари ҳамда муштарак, уйғун хусусиятлари нималардан иборат?

М. Тожибоев. Ҳозирги пайтда «мақом» сўзининг қўлланиши ва тушунилиши хусусида турли фикрларни айтиш мумкин. Аксарият мусиқа ҳавасмандлари, хусусан, ўзбек мусиқа шинавандалари ўртасида ашула агар танбур ёки дутор жўрлигида, оғирроқ усулда ижро этилса, уни мақом деб аташдек тушунмовчилик содир бўлмоқда. «Мақом» арабий сўз бўлиб, ўринжой, макон маъноларини англатади. Бундан ташқари, «мақом» истилоҳ сифатида мусиқада бошланадиган парда, аниқ бошловчи, лад маъносида ҳам ишлатилган. Ҳозирда эса «мақом» ўзбек, тожик халқларининг классик куйлари жамланган катта ҳажмдаги тўпламларига нисбатан ишлатилмоқда. Санъатшунос олим Исҳоқ Ражабий ўзининг «Мақомлар масаласига доир» асарида мақомларнинг юзага келишида халқ бастакорлари ва хонанда-созандаларининг хизмати катта эканини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, халқ ижодиётидан кенг ва самарали фойдаланиб яратилган асарлар одатда тез машҳур бўлиб кетади. Чунки унда миллийлик, фақат ўша халққа мансуб бўлган удумлар, сўзлашиш оҳанглари, қўйингки, ҳамма халқона хислатлар мужассам. Кейинги йилларда халқ бастакорлари яратган шундай асарлар борки, уларни классик даражадаги мусиқа деб ҳисобласак бўлади. Демак, мақомлар халқ ижодиёти асосида малакали халқ бастакорлари томонидан яратилган экан, эндиликда мақомлар асосида ҳам янги куй ва қўшиқлар яратилмоқдаки, бу ҳол мақом ва халқ ижодининг узвий алоқада эканини яна бир карра тасдиқлайди. Энди мақом ва классик куй, қўшиқлар фарқига келсак, мақом жуда кўп куй ва қўшиқларни ўз ичига олган, маъно, сюжет жиҳатидан бир-бирига боғлиқ равишда ривожланиб борувчи катта композицион мусиқа асаридир. Классик куй ёки қўшиқлар эса индивидуал равишда ҳар бири ўз ҳолича бир музика асаридир.

Н. Жумаев. Маълумки, ўзбек халқи Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар сингари *«Октябрнинг толе тонгида ўзлигини таниб қолди»* (А. Орипов). Халқ маданияти ва санъатининг бирор соҳаси равнақини шонли Инқилоб ғалабасидан айру тасаввур этолмаймиз. Шубҳасиз, мақом санъатининг тақдирида ҳам Октябрь инқилобининг тарихий хизмати каттадир.

М. Тожибоев. Инқилобга қадар мақомларнинг ижодкори ва чинакам соҳиби — меҳнаткаш халқнинг ўзи кўп ҳам ундан етарлича баҳраманд бўлавермасди. Чунки халқ орасидан ети-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиб чиққан машҳур ижрочиларни ҳукмдор синф вакиллари фақат ўзлари учун саройда хизмат қилишга мажбур этардилар. Машҳур бухоролик мақомчи Левича ҳофизнинг қисмати фикримизнинг бир далилидир. Бухоро амири унга халқ орасида мақомларни куйлашни ман этади. Ҳатто, ўша вақтларда Ўрта Осиёга экспедиция уюштирган «Пишущий Амур» грампластинка ширкатига унинг овозини ёздиришни тақиқлайди. Лекин у яширинча овозини граммафон пластинкага ёздиришга муваффақ бўладики, оқибат, мана, унинг овози бизнинг давримизгача ҳам етиб келди.

Бизнинг давримизга келиб жуда кўп уста мақомчи хонандалар етишиб чиқди. Юнус Ражабий, Берта Давидова, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Барно Исҳоқова, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ориф Алимахсумов энг илғор мақом усталаридир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ва такрорланмас ижро услуби, маҳорат мактабига эга.

Н. Жумаев. Мақомнинг истиқболи кишини янада қувонтиради. Мана, яқинда мақомчилар ансамблини кенгайтириш ҳақида махсус қарор қабул қилинибди. Мақомнинг бунчалик обрў-эътиборга сазовор бўлишига боис унинг замонавий аҳамияти, бугунги инсоннинг маънавий-руҳий тарбияси, камолоти йўлидаги хизмати бўлса керак?

М. Тожибоев. Мақомларнинг замонавий аҳамиятига келсак, улар бугунда халқимизнинг маданий-эстетик оламини бойитишда муҳим хизмат қилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, мен мақомларни Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги тарихий обидаларга ўхшатардим. Меъморий ёдгорликлар ва мақом оҳанглари қадимийлиги, халқнинг миллий хусусиятларини сақлаб қолганлиги, сеҳру жозибаси жиҳатидан бир-бирига яқиндир. Телеэкран ва радиокарнайлар эса мақомни бизга янада яқинлаштирди. Ҳозир, айтиш мумкин, мақом оҳанглари оғушида уйқуга кетамиз ва шу бедор наволар турткиси билан тонг-ла кўзимиз очилади.

Кейинги пайтларда орамизда, «мақомлар эътибордан қолянти, замонавий мусиқа асарлари уни кўмиб юборяпти», деб ташвишланувчилар ҳам чиқиб қолди. Назаримда, бу ғайриҳаётий тасаввур. Балки енгил-елпи ашулалар суронида қолиб, уни эшита олмаётганлар бордир.

Н. Жумаев. Бор. Худди сиз айтган гапга далил бўладиган бир воқеа ёдимга тушди. Ўтган йили ёзда бир тўйда бўлдик. Тўй оддийгина қишлоқда, куни бўйи ҳориб-толиб ишлаган катта-кичик меҳнаткашлар қуршовида ўтарди. Юзларча ёш бола ўраб олган давра саҳнида ўн-ўн беш йигит-қиз жавлон уриб рақсга тушарди. Хурсандчилик, базм авжида, ҳеч бир камчилик йўқ. Бунинг устига, давра ичкиликсиз. Бироқ созанда ва хонандаларнинг «баданида бор». «Дадиллик учун» отволишмаса, хизматни кўнгилдагидай уддалай олмасликларига кўзлари етганми... Хонанда йигит қардош тиллардан бирида завқ билан куйламоқда:

Севарам ман сани,
Севарам ўзгани...

Қўшиқнинг алоҳида эътибор ва муқом билан айтиладиган ушбу нақоратига раққоса қизнинг жонфидолик билан нақшу нигор, ғамзаю усул қилишига қараганда, у қўшиқни эшитмаяпти ва маъносини мутлақо тушунмайди. У-ку майли-я, уч юздан ортиқ давра аҳли ҳам қарсаквозлик билан «санъаткор»ларга олқиш ёғдиради. Чиндан ҳам, енгил-елпи қўшиқларнинг сурони уларни маънан ғафлатга чўмдирганга ўхшайди. Бу хонанда тўйчининг пешона тери билан жамғарган маблағи эвазига нимани тарғиб қиляпти ўзи? Қўшиқнинг асли садоқат, вафони тараннум этувчи «*Севарам ман сани*, **севмарам** ўзгани» сатрлари эмасми? Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. «Санъат — халқ мулки» деган ақида бор. Афсуски, одамлар ўзларининг бу мулклари ҳақида етарли қайғурмаяптилар. Кейинги пайтларда, тўй мавсумларида чинакам санъатнинг қадрини ерга урадиган «маҳаллий эстрада ансамбллари» кўпайиб кетяпти. Улар, асосан, бошловчи ёш ҳаваскорлар ва ҳали ўрта маълумотга ҳам эга бўлмаган музика мактаби ўқувчиларидан тузилади. Баъзи тўйлар бошдан-оёқ шуларнинг нимдумбул хонишлари ва зикр тушишлари билан ўтади. Элнинг улуғлари эса холис томошабин.

М. Тожибоев. Тўғри, бундай ҳоллардан маънавияти етук кишиларимиз огоҳ бўлишлари, сохта санъатга рағбат кўрсатмасликлари лозим. Бугунда мақом тинглайдиган одамлар ҳам

кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол. Сўзимнинг далили учун яқинда Тошкентда бўлиб ўтган II республика мақомчилари конкурси ҳақида гапириб берай. Олти кун давом этган конкурс концертларида консерватория зали тингловчилар билан лиқ тўла бўлди. 10 февралда Баҳор концерт залида бўлиб ўтган конкурс лауреатларининг якунловчи концертида эса, одам кўплигидан ҳатто фойеда ҳам туриб эшитишди. Мухлислар орасида турли ёш ва турли соҳадаги кишилар: оддий колхозчидан тортиб, академиккача, мактаб ўқувчисидан тортиб олий ўқув юрти талабаларигача бор эди. Бундан англашиладики, шашмақомни халқимиз севади, ардоқлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Н. Жумаев. Адабиёт каби санъатнинг ҳам ўзига хос анъаналари, ривожланиш қонуниятлари бор. Мақомчиликдаги анъана ва новаторлик ҳақида нима дея оласиз? Сизнингча, мақомнинг замонавий талқини қандай бўлиши керак?

М. Тожибоев. Мақомларни ижро этишда қадимдан ўзига хос анъаналар вужудга келганки, улар мақомчиликнинг ҳозирги замон даврига ҳам бевосита тааллуқлидир. Масалан, ижрочиликнинг овози диапазонига тўхталсак, мақом ижро этувчи овоз, у музика товуш қаторининг қайси актавасидан бўлишидан қатъи назар, икки актавадан кам бўлмаслиги керак. Яна, бундан ташқари, энг муҳими — овоз соҳиби усул, яъни иқоъдан тўла хабардор бўлиши лозим. Ижро пайтида кескин саккрашлар, мураккаб техникавий қочиримлар, ҳар хил мелизмлар ижрочининг маҳорат мезонини ташкил этади. Мақомнинг замонавий талқини хусусида сўз кетганда, шуни айтиш мумкинки, шашмақом ҳеч қачон қотиб қолган эмас. Шашмақом доимо ривожланишдадир. Ўзбек совет музикасининг отахонларидан бири бўлган, академик Юнус Ражабий шашмақом тараққиётида ўзига хос мактаб яратди, десак, мутлақо хато қилмаймиз. У мақомни нотага олиб унга қайта ҳаёт бағишлаш билан бирга, мақомчиликда илгари учрамаган хор санъатини унга дадил олиб кирди. Ўзбекистон радиоси қошида ташкил этилган мақомчилар ансамбли воситасида «Шашмақом»ни тўлалигича грампластинкаларга ёзиб олишга муваффақ бўлинди. Ҳозирги пайтда мақом нота ёзувларининг сўнггги мукаммал нашри амалга оширилмоқда ва ушбу грампластинкалар ёрдамида мақом ёшларга ўргатилмоқда. Совет даври мақом намояндалари хусусида сўз кетганида, машҳур бастакор ва созанда Фахриддин Содиқов тўғрисида ҳам сўзлаш жоиз. Юксак иқтидор соҳиби бўлмиш бу сиймо «Шашмақом»нинг «мушкулот» қисми куйларининг ўлмас тарғиботчиси ва тадқиқотчиси сифатида унутилмас ишлар қилди.

Н. Жумаев. Классик қўшиқлар мусиқий меросимизнинг катта қисмини ташкил этади. Классик қўшиқларни куйлайдиган хонандалар ва уларнинг мухлислари кўпайиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Айни пайтда, классик асарнинг барча маъно қирраларини тўла тушунмай ижро этиш ва мухлисларнинг ҳам тушуниб тингламаслик ҳоллари борки, бу ҳол кишини ташвишлантирмай қўймайди. Ҳаётий бир мисол келтирай. Таниқли хонандалардан бири:

«Ёрингиз васлин ғанимат *айлабон* **шукр айлангиз,**
Ким Навоий бўлди бекасликда зор, эй дўстлар»,

деб куйларди. Классик адабиёт ихлосмандларидан бири қўшиқни берилиб тингларкан, деди: «Воажаб, Навоийдай санъаткор ҳам бир мисрада «айламоқ» сўзини икки марта ишлатган экан-а!»

Ваҳоланки, Навоий ўша мисрани бундай ёзган:

«Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз...»

Демак, классик қўшиқ ижрочисида ҳам, ихлосмандда ҳам классик асарларни мутолаа қилиш етарли даражада эмас. Улуғ классик шоиримиз Бобораҳим Машраб ўз ғазалларидан бирида «Минг маънини бир нукта билан мухтасар эттим» дея фахрланган эди. Муболағали айтилган бўлса-да, классик асарларимиз ниҳоятда сермаъно эканлигига ишора бу. Шунга биноан, хонанда нуктадонлик ила классик асарнинг бутун маъно бойликларини ўз дард ва кечинмалари билан йўғириб, янада кучайтириб халққа етказса, айни муддао бўларди.

Қўшиқчилигимизда кейинги йиллар классик қўшиқларни эстрада оҳангларида ижро этиш тенденцияси пайдо бўлди. Бунинг ҳам ютуқ ва камчиликлари бордир, албатта?

М. Тожибоев. Мусиқа санъатимизга эстраданинг кириб келиши қувончли ҳодисадир. Чунки кутилмаган воқеаларга бой, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги тезкор замон ёшлари учун улардек тезкор музика ҳам зарур. Лекин бу бутун ўтмиш музика меросини эстрада асосида қайта ишлаш керак, деган гап эмас.

Н. Жумаев. Мен ҳам классик қўшиқларни эстрада оҳангларида ижро этиш кўҳна қўшиқнинг замонавий талқинини яратиш йўлидаги бир тажриба деб баҳолагим келади. Чунки бундай ижро, айниқса, ёшларнинг дили ва талабига яқин. У янграган онидаиоқ ёшларнинг эътиборини жалб этади ҳамда тез оммалашиб кетади. Яқинда, Машрабнинг «Ўртар» ғазали лирик хонанда Насиба Абдуллаева ижросида таралаётгани устидан чиқиб қолдим ва азбаройи қизиққанимдан магнитофон атрофида айланиб қолдим. Бу бир қарашда, таниқли хонанда Муроджон Аҳмедовнинг омма севиб қолган машҳур анъанавий ижросидан тамомила янгича, замонамизга яқин талқин. Лекин Машрабнинг мураккаб дунёқараши, асарнинг ғоявий-бадиий мазмуни жиҳатидан ёндашганда, бундай баҳони бериш қийин. Ҳозирги ёшларнинг ишқ, муҳаббат ҳақидаги тасаввурига кўра, бу эҳтимол, энг гўзал қўшиқлардан ҳисобланар. Лекин Машрабнинг ишққа муносабати тамом бошқача, чуқур фалсафий асосларга эгадир. Муроджон Аҳмедов ижроси эса ҳазин дард, пўртанали нола оҳанглари билан Машраб дунёқарашига жуда яқин. Унда бадиий мазмун билан мусиқий талқин ўртасида катта тафовут йўқ. Шунинг учун ҳам у том маънодаги классик қўшиқ даражасига кўтарилган. Демак, классик қўшиқ яратувчилар асарнинг бадиий мазмунини мукаммал акс эттириш учун шоирнинг дунёқараши ва бу дунёқарашнинг фалсафий асосларини ҳам ўрганишлари лозим экан.

М. Тожибоев. Чиндан ҳам, «Ўртар» халқ бастакорлиги анъаналари асосида яратилган классик руҳдаги қўшиқдир. Демак, унга жўр бўлувчи музика асбоблари ҳам соф миллий характерга эга бўлиши зарур. Муроджон Аҳмедов ижросида бу қўшиқ ўзининг ҳақиқий талқинини топган, десак бўлади. Классик шеър билан классик куй ўртасидаги уйғунликни тушуниш ва ижрода бунга эътибор бериш хонанданинг бош фазилатларидан.

Н. Жумаев. Маҳмуджон, Сиз бу йил республика мақомчиларининг II конкурсида ғолиб деб топилдингиз. Умуман, конкурс кўпгина умидли мақомчилар етишиб чиқаётганини кўрсатди. Бундай натижа ёш истеъдодларнинг мустақил, муттасил машқи, меҳнатсеварлиги самарасигина эмас, балки устоз санъаткорларимизнинг ғамхўр раҳнамолиги меваси ҳамдир. Сизнинг мақомга ошно тутинишингизда меҳри, меҳнати сингган устозларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз.

М. Тожибоев. Мени мусиқа оламига етаклаган илк устозим — бобом Давронбой ота Каримов бўладилар. У киши Фарғона водийсида Давронбой Ҳофиз номи билан машҳур эдилар. Устоди аввалимдан менга бир танбур мерос қолган. Уни муқаддас танбур деб биламан ва ҳамиша асраб-авайлайман. Кейинчалик қўшиқ ижросида Ориф Алимахсумов, созда Турғун Алиматов устозлик қилишди. Улардан чексиз миннатдорман. Бу санъаткорларда ҳали мен ўзлаштиришим лозим бўлган сеҳр кўп.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Музей — ёмонлик ёки яхшилик?

Биринчи мақола

Мухтор Комилов

Бухоро Аркимас, қулаб тушган бу —
Бизнинг хотирамиз, бизнинг ёдимиз.
Бу қора кечада қулаган ёғду,
Вайрона остида бизлар ётибмиз.
Таробий мақбарин бузмадилар, йўқ,
Имону номуснинг уйин буздилар.
Буздилар... исмсиз, қоринлари тўқ,
Ватансиз, онасиз кўрлар буздилар.

Хуршид Даврон

Бир ҳадисга кўра, Бухоро номи Фохира сўзидан келиб чиққан эмиш. Фохиранинг ўзаги эса фахрдир.

Бу шаҳарнинг азим иморатлари Ўрта Осиё меъморчилиги тарихида муайян ўрин тутади. Қолаверса, тарихий обидалар музей сифатида ҳам қимматлидир. Бухорода олти юздан ортиқ Иттифоқ ва республика аҳамиятига эга бўлган архитектура ёдгорликлари бор. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ва жиддий эътибор берилмаётган обидалар сони ҳам талайгина. Бухоро бугунги кунда жаҳон миқиёсидаги тарихий шаҳарлар сафига киради. Шундай экан, шаҳардаги архитектура ёдгорликларини Иттифоқ, республика ва маҳаллий тоифаларга ажратиш тўғримикин? Қизиғи шундаки, Бухоро меъморлари иложи борича аввал қурилган иншоот шакли ва безагини такрорламасликка тиришганлар. Шу сабабли ҳар бир обиданинг қаровсиз қолиши, вайрон бўлиши Бухоро меъморчилигининг ягона нусхадаги намунасини йўқотишга тенгдир. Эски шаҳарга кирар экансиз, қадимий кўринишга номутаносиб кўча номларига беихтиёр эътибор берасиз: кўчаларнинг қадимий номлари «таъмирланиши» натижасида шаҳар тарихи маълум даражада сохталаштирилган. Аслида, Бухоро кўчалари қадимдан гузар аҳолисининг ихтисосига қараб, ёки бирор тарихий сабабга кўра номланган. Шунинг учун ҳам кўчаларнинг асл номини қайта тиклаш — шаҳар тарихини тиклаш билан баробар илмий аҳамиятга эгадир.

Тарихий Шохруд ариғи ёқалаб Лаби Ҳовуз бўйига чиқиб келар экансиз, ҳовуз бўйидаги чорпояларнинг шом қоронғисида ҳам сайёҳлар билан гавжум эканлигининг гувоҳи бўласиз. Бу ерда обидалар қиёфасига ярашмаган замонавий электр лампаларига кўзингиз тушади. Агар электр лампалари қадимий фонус ёки шам шаклларида бўлганда борми, обидаларга уйғунлашиб кетар эди. Бунинг учун фабрикаларга буюртма берилса кифоя. Афсуски, буюртма берадиган ташкилотнинг ўзи йўқ.

Чорпояларда суҳбат қуриб ўтиришган нуроний бухоролик кексалар суҳбатига қулоқ тутсангиз, Бухоро обидалари, гузарлари тарихига оид кўпгина маълумотларга эга бўласиз. Суҳбат орасида бузилиб кетаётган обидалар тўғрисидаги гапларни ҳам эшитиш мумкин. Ана, чоллардан бири Бухоронинг қадимий чорбоғлари тўғрисида сўз юритмоқда. У форсий талаффузда чорбоғлар номини айтар экан, бармоқларини букиб санашга тутинди: «Чорбоғи кари», «Чорбоғи ширбудун», «Чорбоғи дилкушои дарун», «Чорбоғи дилкушои берун», «Чорбоғи ҳосса», «Чорбоғи ситораи моҳи ҳосса», «Чорбоғи гули сафед», «Чорбоғи гул...»

Нақл қилишларича, бир замонлар ўша боғларда кўшк ёки қасрлар ҳам қад ростлаб турган экан. Бундан ташқари, ҳайвонот боғи бор эди. Шу сабабдан ҳам ундай масканлар «чорбоғ» — «тўрт боғ» деб аталган бўлса эҳтимол. Ҳозир ўша боғу кўшкларнинг кўпчилиги бузилиб кетган. «Нега бузилади? Чамаси, Сиз айтаётган кўшк ва қасрлар сақлашга арзигулик бўлмаса керак?» деб берилган саволга мўйсафид: «Ситораи моҳи ҳосса»дан-да гўзал ва муҳташам қасрлар бор эди», деб жавоб қайтарди. Унинг гапларига шубҳа билан қаралганини сезиб, ёрдам кутгандай ёнидаги одамга ўгирилди-да: «Бу кишида ўша кўшк ва қасрларнинг сурати бор, балки кўрсатарлар», деб қолди. Биз қизиқиш билан чолнинг ҳамроҳига тикилдик. Маълум бўлишича, бу одам Абу Али ибн Сино номидаги область марказий кутубхонасининг илмий ходими Музаффар Аюбов экан. Биз Музаффар ака кўрсатган қасрларнинг фотосуратига ҳайрат билан тикилиб қолдик.

— Бу қасрларнинг энг сўнггилари 1974—75 йилларда бузилди. Бузилиш сабаблари бизга номаълум. Кўлингиздаги суратларда «Чорбоғи Ширбудун» ансамбли акс этган. Чорбоғда тўққизта қаср ва иккита масжид бўлиб, бу амирликнинг қишки саройи эди, — деди Музаффар ака.

Ажаб, бу гўзал қасрларни бузиш кимга керак бўлиб қолди

Архитектура ёдгорликларига нисбатан муносабатнинг мезонларини белгилаш илмий, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан тайёрлиги йўқ кишилар қўлига ўтиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Яқин йилларда ҳам худди шундай хавфли чегара олдига келиб қолган эдик, хайриятки, рўй бериши мумкин бўлган кўп нохуш воқеаларнинг олди олинди. Бир ўйлаб кўрайлик. Қадим даврларда маданият саройлари, спорт иншоотлари, кутубхоналар қуриш одат бўлмаган. Одат тариқасига кириб қолган иш — карвонсаройлар, мадрасалар, мақбаралар, масжидлар қуриш эди. Албатта, буларнинг асосий кўпчилиги диний эътиқодни ёйиш ва мустаҳкамлаш учун қурилган эди. Лекин обидаларнинг ўзи эса халқнинг неча минг йиллаб шаклланган, ривожланган маданий анъаналари, юксак меҳнат ва санъат малакалари, эстетик дидидан далолат берувчи тарихий-маданий ёдгорлик бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Ҳақиқий маданий мерос намуналарини улар орқали ташвиқот қилинган ғоялар билан аралаштириш маданиятимиз равнақига озмунча зарар етказдими! Ахир, халқ меъморчилигининг нодир намунаси бўлган ажойиб масжидлар, мадрасалар бузиб вайрон этилишидан ким зарар кўрди-ю, ким фойда кўрди! Ўрта аср меъморчилигининг намунаси бўлган кўплаб ёдгорликларни бузиб ташлаш аҳолининг диний эътиқодларини сусайишига хизмат қилди, деб айта олмайман.

Эркин Юсупов,
СССР Маданият фонди
Ўзбекистон бўлими правлениесининг раиси,
ЎзССР ФА академиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан? Биз архитектура ёдгорликларини сақлашу таъмирлаш тўғрисида қайғураётган бир вақтда муҳташам қасрларни вайрон этишдан мақсад нима?! Қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш комитетидаги масъул ходимларимизнинг кўзлари қаерда? Бу саволларимизга жавоб берадиган мард чорпояда ўтирган одамлар орасидан топилмади.

Музаффар ака келтирган фотосуратлар орасида Арк дарвозасининг сурати ҳам бўлиб, ундаги дарвоза тепасига осилган соат эътиборимизни тортди.

— Бу соат ўз тарихига эга, — деди Музаффар ака. —Амир Насруллахоннинг Қўқонга қилган юриши, ваҳшийликлари ҳаммамизга маълум. Ўша юришда Қўқондан Нодирабегим саройига тегишли мана шу соат келтирилиб, Арк дарвозасининг тепасига ўрнатилган. Соат 1939—40 йилларгача дарвоза тепасида турди-ю, кейин бирдан ғойиб бўлди.

— Соат зангининг овози ярим Бухорони уйғотар эди, — деб гапга аралашишди кексалар.

Ўша соат ҳақида Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ходимларидан ҳам сўраб кўрдик. Музаффар ака айтганидек, соат кўпларнинг эсида бор, лекин қаёққа олиб кетилгани ва нима бўлганини ҳеч ким билмайди.

Наҳотки ҳеч ким хабарсиз? Эҳтимол соат қаёққа кетганини жиддийроқ суриштириш, топилса ўз жойига қайтариш чораларини кўриш керакдир. Шунда унинг занг уришидан бухороликларнинг ярми уйғонадими-йўқми билмадим-у, лекин кўпларнинг қалбида ўтмишнинг бир парчаси тирилса ажаб эмас.

Усталар нега норози?

Бухоронинг архитектура ёдгорликлари таъмирланаётган объектларда усталар билан суҳбатлашсангиз, улардан: «ЎзССР Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти» бизларни устунбоп ёғоч билан таъминламаётгани учун ўймакорлик ишлари ўлда-жўлда қолиб кетмоқда», деган гапни эшитишингиз мумкин.

Шаҳарнинг қадимий обидалари орасида кўплаб вайроналарни учратасиз. Мисол учун, Арк ансамблининг тахт жойини олинг. Гўзал айвон шифтларининг тўртдан бир қисми ҳам қолмаган. Бу шаҳарга жаҳоннинг турли бурчакларидан кунига минглаб сайёҳлар келади. Хўш, айвонларни қайта тиклаш ниҳоятда қийинми? Йўқ, албатта. Маълумки, анъанавий ёғоч ўймакорлик санъати усталари бухороликлар орасида ҳам юзлаб топилади. Улар керакли ёғоч ва ускуналар билан таъминланса айвонларни аслидай тиклашлари шубҳасиз. Демак, усталарнинг айтган гапларида жон бор: токи улар керакли ёғоч билан таъминланмас эканлар, ўймакорлик санъати реставрацияси ўлда-жўлда қолиб кетаверади. Мабодо айвонларнинг бутун қисми ҳам ағдарилиб тушадиган бўлса, уларни қайта тиклаш учун қаердандир нусха олинади, ёки янги шакл изланади. Архитектура ёдгорликларига янги шакл бериш эса ўтмиш санъатини йўқ қилиш билан баробардир. Ўтмиш санъатини йўқ қилиш эса халқ мулкига хиёнатдир.

Мазкур соҳанинг масъул ходимлари бу тўғрида ўйлаб кўрдилармикин?

Бухородаги қадимий ёдгорликларни таъмирлаш идорасига 1987 йил учун 1.380.000 сўм маблағ ажратилган. Лекин бу маблағдан фақат 799 минг сўми қадимий обидаларни таъмирлаш учун ишлатилади. Қолган пуллар эса ўқув муассасалари ремонтига сарфланади. Шундай экан маблағ билан бир қаторда қурилиш материалларию усталарнинг ҳам «бўлиниши» шубҳасиз. Таъмирчи усталар ва ишчиларга иш ҳақи иш ҳажмига қараб берилади. Таъмир ишлари эса асосан қўлда қилинади. Таъмирчилар ҳатто оддий техника воситалари билан ҳам таъминланмаганлар. Иш ҳақини ҳажмига қараб тўланишига келсак, таъмирчилик қурилиш ёки ремонт иши эмас, балки ўтмиш санъатини қайта жонлантириш демакдир. Таъмирчилар қадимий иншоотларнинг ҳар қаричида ҳафталаб тер тўкишлари мумкин. Нозик ғиштин панжаралару майда сопол нақшларнинг мураккаблигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ҳажмига қараб ҳақ тўлаш адолатлими?.. Ишчиларнинг моддий манфаатини ҳисобга олмай туриб, сифат ҳақида сўз юритишимиз мумкин эмас. Биз таъмирчи уста Мўминжон Раҳимов ва ишчи Жўра Саидов билан суҳбатлашганимизда қадимий девор ғиштлари орасини тозалаб, пардоз берилганда 1 метр квадрат учун 28 тийин иш ҳақи тўланишини айтишди. Табиийки, бундай ҳолда уста моддий манфаатдорлиги туфайли... сифат эмас, самара ортидан қувлашга маҳкумдир.

Энди масаланинг иккинчи томонини ўйлаб кўрайлик: тажрибали, қўли гул усталар паст иш ҳақи эвазига таъмирлаш идорасига келиб ишлашга рози бўлармиканлар?

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Очил Бобомуродов ҳамкасбларининг сўзини тасдиқлаб: «Идорамизда усталар сон жиҳатдан етарли, лекин кўпчилик усталаримизнинг малакаси таъмирчилик санъати талабларига жавоб бермайди, — деди. — Таъмирлаш лойиҳасини тайёрлаш бўйича усталар совети тузилган. Аммо аслида лойиҳаларни тайёрлашда усталар қатнашмайди. Шунинг учун айрим лойиҳалар инқирозга юз тутмоқда. Бунга қайта тикланаётган Арк деворларининг битмасдан туриб ағдарилиб кетганини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Мен қадимий ёдгорликларимиздан бирининг таъмир лойиҳасини чизгандим. Кўпларга маъқул тушди, лекин қадимий ёдгорликлар тўғрисида мақолалари билан чиқиб турадиган таниқли журналистларимиздан бири: «Олий маълумотга эга бўлмаган оддий бир уста тайёрлаган лойиҳа бўйича таъмирлаш кулгили эмасми?» дегани учун лойиҳа қайтарилди. Қадимий обидалар тархини чизган отабололаримизнинг маълумотини паст дея оласизми? Меъморчилик санъатини биз уларнинг тажрибаларидан ўрганганимизда каттароқ ютуқларга эришган бўлар эдик. Мен ўша тажрибалардан олган сабоғим бўйича проект тайёрлаган эдим... Иш жараёнида берилаётган материаллар форма жиҳатидан бирбирига тўғри келмайди. Шу сабабли ёдгорликларнинг баъзан ташқи кўринишлари бузилмоқда.

Яқинда биз таъмирлаш идорамизга Т—26—5 размерда ғишт буюртма берган эдик, лекин Т—23—4 размерли ғиштлар тайёрланиб келтирилди. Бу ғиштларни ишлата олмаганимиз сабабли ҳозир бекорчи нарсага айланиб уюлиб ётибди. Ахир бу давлатимизнинг таъмирлаш учун ажратган маблағини ҳавога совуриш эмасми?

Ўтган даврда тарихимизга қора чаплашга уринишлар бўлганини биласиз. Ўша йиллари пештоқларида арабча ёзувлари бўлган кўплаб қадимий иншоотлар бузиб ташланди. Натижада тарихимизнинг номаълум саҳифалари вайроналар остида қолиб кетди. Ҳозир ҳам эътиборсизлик натижасида обидаларимиз бузиляпти, харобага айланяпти.

Қадимий обидаларимиз ичида ахлат уюмлари йиғилиб қолаётибди. Энг нодир архитектура ёдгорликларидан бири бўлмиш Масжиди Калон ансамбли икки йилдан ортиқроқ ахлатхона бўлиб ётди. Турли ташкилотларга мурожаат қилиб бораверишнатижасида 20 (йигирма) машина ахлат олиб кетилди. Қолганлари қачон олинади, билмадим.

Маданиятга интиламиз-у, лекин маданий меросларимизни ахлатхона қилиб қўйишнинг ўзи маданиятсизлик эмасми?

Бухоро область тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўлими директорининг ўринбосари Маҳмуд Рашидов билан суҳбатлашганимизда қуйидагиларни эшитдик.

— Ёдгорликларнинг таъмирланиши кўпинча талабимиз даражасида бўлмайди. Янги чиқарилаётган ғиштлар сифатсиз, бу ғиштлар билан таъмирланган жойларга эътибор бериб қарасангиз, иссиқ ёки совуқ иқлим таъсирида емирила бошлаганини сезасиз. Бу ғиштлар Бухоро область таъмирлаш идорасида қўл кучи билан тайёрланяпти. Ўша идора лоақал ўзининг тупроқ карьерига ҳам эга эмас. Шунинг учун пишиқ ғишт масаласи бизда жумбоқлигича қолмоқда. Бир неча йил бурун Ангрен шаҳрида таъмирлаш ишлари учун керамика маҳсулотлари тайёрловчи махсус завод қурилиши ҳақида қарор қабул қилинган эди, лекин ҳалигача бизга зарур бўлиб турган маҳсулотлардан дарак йўқ.

Бизнингча, зарур маҳсулотлар Бухоронинг ўзида тайёрланиши мақсадга мувофиқ шекилли.

Бу масалада юқори ташкилотларнинг ёрдамисиз ҳеч нарсага эриша олмаймиз, албатта. Кўпинча таъмирлашда қадимий шаклдаги ғиштлар керак бўлади, бундай ғиштлар бизда йўқ. Абдуллахон мадрасаси таъмирланаётганда таъмирлаш лойиҳасининг автори янгича ғиштлардан фойдаланишни таъқиқлади. Лекин республика Маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятидаги масъул ходимларимиз томонидан оддий ғиштлардан фойдаланаверишга кўрсатма берилди. Оқибатда қадимий ёдгорликларнинг кўринишида ўзгариш пайдо бўлди. Бу нарсани кераксиз қандайдир қурилиш деса бўлади. Ахир

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимий ёдгорликларимиз ўзининг шакли билан қимматли-ку! Лойиҳа авторлари таъмирлаш вақтида ишни кузатиб борсалар сифат даражаси бирмунча ортиб, кўпгина чигалликлар осонликча ечилган бўлур эди.

Биз қатор масалалар юзасидан бир неча бор юқори ташкилотларга мурожаат қилганмиз, лекин ҳанузгача дурустроқ жавоб олганимиз йўқ.

Ҳозир анча қадимий ёдгорликларимиз авария ҳолатида турибди. Кўпгина шифтлар ўпирилиб тушмаслиги учун устунларга муҳтожмиз. Устунлар эса бизда йўқ.

Область тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти билан шаҳарнинг 35 ташкилоти қадимий обидалардан фойдаланиш учун шартнома тузган. Фақат савдо муассасаларига қадимий обидаларимизнинг 35 таси хизмат қилиб, улар чойхона, ошхона, кафе-бар ва омбор вазифасини ўтамоқда. Обидалар ичига жойлаштирилган сартарошхона ва фотосалонларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Бу ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқи эса юқорида айтилган шартнома туфайли ёшларимизга берилмаган. Тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятидагилар обидаларга зарар етказаётган ташкилотларга жарима солиш билан чекланиб қолмоқдалар. Ташкилотлар гоҳида жаримани тўлайдилар-у, барибир ўз билганларидан қолмайдилар. Фикримизча, тарихий обидаларимизни муҳофаза қилиш учун тайинланган ёшларимизга жарима солишдан бошқа юридик ҳуқуқ ҳам берилиши керак. Биз ютуқларимизни безаб кўрсатишга, камчиликларимизни эса яширишга ўрганиб қолмадикмикин? Сохта таърифларга чек қўйишнинг вақти етмадимикин?

Авария ҳолатига келган Тош Сарой мадрасаси ва мадраса ёнидаги ахлатхона ёки ахлатхонага айлантирилган Абдулазизхон мадрасаси, Чор Минор, Чуқур мадраса, Ҳаммоми Кунжак масжидлари тўғрисида нима деб гапиришга лол қолади киши.

Бухороликлар Чор Бакир ансамбли дейилганда — кирза этиклар омборини, Модарихон мадрасаси дейилганда — шиша идишлар омборини тушунишади. Улуғбек мадрасаси рўпарасидаги Абдулазизхон мадрасасида «Интурист» меҳмонхонаси филармониясининг «Бухороча» ансамбли кун бўйи репитиция қилиб, кечқурун овоз кучайтириш аппаратлари ёрдамида концерт намойиш қилади. Доира ва бошқа музика асбобларининг кучли садосидан секин-аста кўчиб тўкилаётган деворларнинг сиртқи безакларини кўрсангиз юрагингиз ҳам қўшилиб тўкила бошлайди.

Зовурлар нега кўмилди?

Бухоро шаҳрининг тарихий қисмини ташқаридан қадимдан зовурлар ўраб турарди. Зовурлар қадим даврларда ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан обидаларнинг зах тортиб, нураб кетиш хавфидан асраб келган. Бухоро ерларининг захлиги ҳаммага маълум. Лекин кимнингдир буйруғи билан зовурлар кўмиб ташланди. Оқибат зах сувлар тупроқ юзасига сизиб чиқиб, обидалар бутлигига хавф сола бошлади. Қисқа фурсат ичида ёдгорликлар зах тортиб, энг қадимий ёдгорлик ҳисобланмиш Сомонийлар мақбараси, Чашми Айюб ва Моғоқи аттори масжидлари, ҳатто Минори Калоннинг деворлари атрофида 2-3 метрча туз қатлами пайдо бўлди.

Зах сувлар Бухородаги барча тарихий обидаларни секин-аста емирилиб кетишига сабабчи бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Афсуски, ҳамон зовурларни қайтадан қазиш чоралари кўрилмаяпти.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин кўп ўтмай В. И. Ленининг имзоси билан барча тарихий ва маданий ёдгорликлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди.

Умумхалқ мулки! Бу сўзлар замирида чуқур маъно бор. Меҳнаткаш халқ ўз қўли билан яратган тарихий, маданий, бадиий, маънавий бойликлар хазинасидан бевосита баҳраманд бўлиш имконига эга бўлди.

Лекин умумхалқ мулки кўз қорачиғидек асралмади. Кўпгина обидаларни вайрон этишларига йўл қўйдик, уларга эски лик қолдиғи деб қарадик. Бу совуққонлик ҳатто бугунги кунда ҳам давом этяпти.

XVI аср ёдгорлиги Хўжа Зайниддин масжидининг пештоқларида ёрилиш пайдо бўлди. Масжид диний ташкилотга қарашли бўлганлиги сабабли ЎзССР Маданият министрлиги бир неча бор мурожаат қилинишига қарамай зарур ремонт-таъмирлаш чораларини кўрмаяпти. Бу яна бир архитектура ёдгорлигининг вайрон бўлиш хавфи демакдир.

Мақоламизнинг бошида тўхталиб ўтганимиздек, Бухорода 600 дан ортиқ Иттифоқ ва республика аҳамиятига эга бўлган архитектура ёдгорликлари бор. Асрлар давомида яратилиб, архитектура гулдастаси шаклига келган эски Бухоро обидаларини ҳозирги фаровон замонамизда вайрон бўлишига йўл қўйиб бериш жиноят эмасми?!

«Бу шаҳардан бир кафт тупроқ кетса, тагидан етмиш минг шаҳид бош кўтаради», деб нақл қилинади Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида. Бу нақл Бухоронинг нақадар қадимий эканлигига ишора. Шаҳарни асрлар давомида яратилган тошкитоб деса бўлади. Кунгурадор айвонлар жилосига уйғунлашиб кетган нақшинкор устунларга ҳайрат билан боқиб киши бу устунлар нафақат айвон шифтларини, балки асрларнинг ўлмас санъатию тарихини бизгача кўтариб келганини сезади.

Биз ёдгорликларимизни кўз қорачиғидек асраш ва таъмирлаш тўғрисида баландпарвоз гаплар айтиб келмоқдамиз: гўё жиддий эътибор бермоқдамиз. Лекин обидалар тақдирини чала «усталар» қўлига таъмирлаш учун топшириб қўйишимизнинг ўзи бизнинг энг катта эътиборсизликларимиздан бири бўлса керак.

Наҳотки, бизда ҳақиқий қўли гул усталар кам бўлса? Усталар кам эмас. Бироқ, биз усталарни таъмир ишлари олиб борилаётган жойлардан сафарбар этиш билан кифояланиб қоламиз. Уста ва нақкошлар орасида республика конкурслари ўтказилиб, энг сара усталарни таъмирлаш ишига жалб қилиш мумкин-ку, ахир. Нега усталаримиз чет элларга тажриба алмашиб, таъмирлаш ишини ўрганиб келишлари учун юборилмайди. Нима учун биз архитектура ёдгорликларини таъмирлашда асрлар тажрибаси йиғилган, асрлар синовидан муваффақият билан ўтган қадимий услублардан фойдаланмаймиз. Таъмирлаш учун яроқсиз деб топилаётган ғиштларни қадимий хумларда тайёрлаш мумкиндир балки? Бухоро архитектура ёдгорликларини таъмирлаш учун ажратилган 799 000 сўм пул барча обидаларнинг ўндан бир қисми учун ҳам етарли бўлмаса керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шатранж ўйларида

Мамажон Муҳиддинов,
Шодмонбек Отабоев

Маълумки, шахматни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири — уни оммалаштиришдир. Республикамизда ана шу хайрли ишга баракали ҳисса қўшиб келаётган, бутун ҳаёти ва фаолиятини шу вазифага бағишлаган бир фидойи, заҳматкаш инсон бор. Бу киши — Мамажон Муҳиддинов. Унинг номи фақат республикамиздагина эмас, Иттифоқимиз ва хорижий мамлакатларда ҳам яхши маълум. У шахмат бўйича Ўрта Осиёдан етишиб чиққан биринчи СССР спорт мастеридир. Мамажон ака узоқ йиллар Ўзбекистон шахмат федерациясига раҳбарлик қилди, бир неча бор республика чемпиони бўлди. Айни чоқда у Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер, тарих фанлари кандидатидир. Яқинда халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) унга халқаро арбитр деган юксак унвон берилганини эълон қилди.

Мамажон ака олтмиш ёшга тўлди. Унинг куч-ғайратига, орзу-умидларига ҳавас қилмай илож йўқ. Ҳаётининг мазмунини шахмат маданиятини юксалтиришда деб билган бу заҳматкаш инсон сира тиниб-тинчимайди. Янги режалар, юксак мақсадлар билан яшайди. Кўпмингсонли мухлислар номидан унга сиҳат-саломатлик, ишларида омад тилаймиз.

Қуйида Мамажон ака билан қилинган суҳбат шунчаки одатдаги интервью ёки савол-жавоб эмас. Бу ўринда машҳур гроссмейстер Давид Бронштейннинг: «Ҳамма вақт нуқул шахмат сабоғидан гапиравермай, гоҳо шахмат ҳақида гурунглашиб ҳам туриш керак», деган ўгитига амал қилинди. Мақсад — шахмат мухлисларининг бу қадимий ўйин ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини янада кенгайтириш, уларнинг кўнглида шахматга чинакам қизиқиш ва ихлос уйғотишдир.

Ш. ОТАБОЕВ. — Мамажон ака, Сиз билан дўппини ерга қўйиб, бафуржа гурунг қилиш бундан кейин қийин бўлса керак. Негаки, халқаро арбитрнинг ўзига яраша масъулияти бор. Кўп вақтингиз сафарларда ўтади, шахмат чорраҳаларидаги ажойиб жангларга гувоҳ бўласиз.

М. МУҲИДДИНОВ. — Хайрли ишга қўл урибсиз, демак, «қайтиш йўқ».

Ш. О. — Шахматга машҳур гроссмейстерлар, жаҳон чемпионлари ва таниқли шахслар томонидан кўп ва хўп таъриф берилган. Ана шу таърифларнинг ўзидаёқ олам-олам маъно, завқ-шавқ бор. Сизга ўша таърифлардан қай бири кўпроқ маъқул?

М. М. — Биринчи расмий жаҳон чемпиони Вильгельм Стейницники: «Шахматни руҳан ожизларга чиқармаган...»

«Шахмат дегани бу — 64 хона, 32 дона ва бир хонаси... ҳасратдир», дердилар ёшликдаги устозимиз Мирсоли Шокиров. «Ҳасрат» нимаси, деб сўраганимизда: «Мот бўлган ёки қаттиқ зарб еган хонангиз бор-ку, ана ўшаниси ҳасрат», дея кулиб қўярдилар отахон.

1959 йили Тошкентда ўтказилган Осиё мамлакатлари халқаро турнирининг дастлабки куни мен Индонезия чемпиони Арафа Бахтиёр билан учрашган эдим. Ўйин кечиктирилиши олдидан икки пиёдани бериб, сипоҳларимни актив хоналарга жойлаштиришга муваффақ бўлдим. Бу қурбонга арзигулик эди. Эртасига ўйин давом эттирилганда рақибим зўр бериб дурангга интиларди. Шу пайт мен ҳаддимдан ошдим шекилли, кўп ўтмай кунгирадор ноль билан тақдирландим. Позицияга тўғри баҳо бермаслик оқибати эди бу. Ўшанда е3 хонасини ёмон кўриб қолгандим. Ўша хонада мот бўлмасам-да, рақибимнинг руҳи ана шу «хунук» хонага юришидан сўнг ўйин бой берилган эди.

Шахматчига хунук кўринувчи хоналар тобора ортиб, 64 тага етгач, нима бўлади дерсиз? Унда тахтани кўргиси келмай қолмайдими? Йўқ, шахматчилар «ҳасрат» қила-қила охири кўникиб қоладилар. Қолаверса, ўша «хунук» хоналарда рақибларини ҳам «ҳасрат» доғида куйдириб турадилар. Шу тариқа эски ҳасратлар йўқолиб, уларнинг ўрнини янги қувончлар тўлдириб туради.

Ҳаётда ҳам худди шундай эмасми? Одамни одам қиладиган турмуш уринишлари-ку! Бунга чидаш, сўнгра курашнинг тўғри йўлини топиш мумкин.

Ш. О. — Айрим мутахассислар, шахмат бемалол мантиқ дарсининг ўрнини боса олади, дейишмоқда. Бунга сиз нима дейсиз?

М. М. — Жавоб тариқасида бундан минг йил бурун яшаб ўтган файласуф Абузайд Аҳмад ибн Саҳл ал Балхий айтган фикрни келтира қолай: «Мен шунинг учун ҳам шахмат шайдосиманки, у ўйновчиларнинг ақл-идроки умуман нималарга қодир эканини аниқлаб, сирли ва мужмал нарсаларни яққол манзарага айлантириб, кузатса ва сезса бўладиган нарсаларни бир ипга тизиб беради. Бу ҳол тушунишни равшанлаштиради; илло, яққол кўрсатиш йўли билан англаса ва пайқаса бўладиган нарсаларгина энг тўғри асос ҳамда энг аниқ исботдир».

Маълумки, одам таълимнинг бошқа усулларига қараганда ўйин жараёнида тузукроқ ўрганади. И. В. Гёте ҳам «Шахмат — ақл тошидир», деб бежиз айтмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ш. О. — Мамажон ака, болани неча ёшдан шахматга ўргатиш мумкин? Унда қобилият борлиги қандай қилиб аниқланади? Айрим мутахассислар болани жуда эрта жисмоний, ақлий зўриқишлардан асраш керак дейишмоқда.

М. М. — Мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилган педагогик, психологик, физиологик тадқиқотлар беш-олти яшар болалардаги билимларни ўзлаштириш ҳамда умумий ўсишнинг потенциал имкониятлари ҳозиргача фараз қилиб келинганидан анча юқори эканини кўрсатди. Олти ёшли болаларни мактабга жалб қилиш, болалар боғчаларида шахматни ўргатиш каби тадбирлар бекорга жорий қилингани йўқ.

Ш. О. — Фараз қилайлик, шахматнинг аҳамияти ва фойдасини кўпчиликка тушунтира олдик. Аммо бу билангина иш битмайди. Жаҳон чемпиони Г. Каспаров яқинда «Правда» газетасидаги суҳбатида: «Биздаги спорт раҳбарлари биз шахмат энг кўп тараққий этган мамлакатда яшаяпмиз, деб ютуқлар, рақамларга маҳлиё бўлиб қолишган, аслида эса, шахматни пропаганда қилиш борасида биз ҳозир авангардликни бой бериб қўйганмиз», деди. Бу мулоҳазалар беихтиёр кишини сергаклантиради. Мисол учун узоққа бориб ўтирмайлик: ўлкамиз — шахмат Ватани. Республикамизда бу қадимий ўйиннинг мухлислари беҳисоб. Бироқ шахматга бўлган муносабат ва эътибордан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Бу ҳақда кўп гапириляпти. Масъул ўртоқлар оғизда хўп-хўп дейишади-ю, амалий ишга келганда лоқайдлик, сусткашлик қилишади. Мамажон ака, узр, дардингизни янгилаб қўйдим — бу масала юзасидан қанчалар азият чекиб, елиб-югурганингиздан хабардорман. Айтинг-чи, ана шу саъй-ҳаракатларингиздан бирон натижа чиқдими?

М. М. — Муаммолар кўп. Мен бу ўринда, ҳар қалай, республика матбуоти, радио ва телевидениеси шахмат пропагандасига катта улуш қўшаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти биз тақдим этган русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча шахмат терминлари луғатини шу йил чоп этмоқчи.

Шахмат адабиётлари чиқариш борасида республикамиз олдинги сафда эканлигидан мамнунмиз. Биласиз, шахмат китоблари жуда харидоргир — пайдо бўладию тез кунда тарқаб кетади. Лекин тиражи жуда кам. Шахмат адабиётларига бўлган реал эҳтиёж-талабни пухтароқ ўрганиб чиқиш ва шу асосда иш тутиш лозим.

Ўтган йили Тошкентда биринчи гроссмейстеримиз Г. Аъзамов хотирасига бағишланган дастлабки Бутуниттифоқ турнири бўлди. Ўзбекистон физкультура ва спорт давлат комитети жамоатчилик таклифини ерда қолдирмади. Аммо галдаги вазифалар ҳали кўп. Ҳаммасини тўкиб-сочишнинг ҳозир ўрни бўлмаса керак.

Ш. О. — «Агар сен санъатдан завқланмоқчи бўлсанг, бадиий жиҳатдан маълумотли бўлишинг керак». — Карл Маркснинг бу машҳур ўгитини бемалол шахматга татбиқ этиш мумкин. Дарҳақиқат, шахматни тушуниш, айниқса уни санъат сифатида ҳис этиш, ундан таъсирланиш, баҳра олиш учун бу ўйиндан дурустгина хабардор бўлиш, аниқроғи, бирмунча малака талаб этилмайдими?

М. М. — Албатта, камдан-кам шахматчи мастер бўлиб етишади. Бу шарт ҳам эмас. Лекин бу ўйин ҳаммани бирдек доимо ўзига тортаверади, уларни руҳий саргузаштлар оламига чорлайверади: тафаккур қилишнинг аниқ методларини ҳосил қилишда ёшларга кўмаклашади. Чунончи, боғчаларда шахмат ўргатишдан асосий мақсад ҳам уларни ўқув программаси тобора мураккаблашиб бораётган мактабга яхшироқ тайёрлашдир.

Шахмат ўйини ижтимоий ҳаёт ва спортдан четлашиб қолган кишилар учун айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Шахматни зўрлаб ўргатиш, махсус адабиётларни ўқишга ундашдан фойда йўқ. Ўзи қизиқмаса қийин.

Юқори малакали шахматчилар тайёрлашнинг методлари кўп. Аввало, шахмат мактаблари учун қобилиятли ёшларни танлашга катта эътибор бериш лозим. Оммавийлик жойида бўлса, танлаш ҳам осон бўлади. Ишқибозлар эса қандай хоҳлашса шундай ўйнайверишсин.

Ш. О. — Тошкентдаги шахмат-шашка клубида дам олиш кунлари мунтазам равишда мусобақалар ўтказилиши ҳақидаги эълонга кўзим тушди. Шу ҳақда қисқагина гапириб берсангиз.

М. М. — Бу тадбир асосан меҳнаткашлар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун мўлжалланган. Унда ҳамма қатнашиши, спорт разряди нормативларини бажариши, эсдалик совғалари олиши мумкин. Оддий ҳаваскор малакали шахматчилар билан куч синашиш имкониятига эга бўлади. Яхши ташаббус. Натижа ҳам чакки бўлмаяпти. Аслида бундай тадбирлар ҳар бир корхона, муассаса, ўқув юрти, мактаб, клуб, истироҳат боғларида ўтказилиб турилиши керак. Бунинг учун ҳаваскорларнинг ўзлари ҳам ташаббускор бўлишлари даркор.

Ш. О. — Маълумки, шахматда инсон шахси, характери анча яққол намоён бўлади. «Услуб — бу одамнинг ўзи», деган нақл шахматга ҳам таллуқлидир. Шу ўринда жаҳон чемпиони, фалсафа ва математика фанлари доктори Эм. Ласкернинг: «Менга нотаниш бир шахматчи ўйнаган партиянинг қуруқ текстини олиб келсангиз, унга характеристика ёзиб бераман», деган гапини эслайлик. Одамнинг ёзувига қараб феъл-атворини айтиб бера оладиган психологлар ҳақида эшитган эдик. Аммо шахмат партиясига қараб...

М. М. — Буюк Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони охирида шундай мисра бор: «Дунё — бир шатранждир, унутма буни».

Дунё — бу ҳаёт дегани. Навоий, Сервантес, Менделеевлар ҳам шахматни ҳаётга қиёс қиладилар. Бас, шундай экан, шахматчи ўйинларида унинг феъл-атвори, хулқи, нималарга тоби йўқлиги ва ҳоказо-ҳоказолар акс этмаслиги мумкин эмас. Уста шахматчи юришлар, режалар, ҳужуму ҳимоя усулларига қараб ўша шахматчи «портрети»ни чизиб беради, вассалом.

Ш. О. — Мамажон ака, гурунгимиз ўз-ўзидан шахматдаги курашда психологик факторнинг аҳамияти масаласига келиб тақалмоқда. Маълумки, шахматни жонли одамлар ўйнайди. Ўйинда эса томонлар хоҳлайдими, йўқми — бундан қатъий назар, уларнинг кучли ва заиф томонлари акс этади. Юқори малакали шахматчилар, шубҳасиз, ўйин пайтида бундан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, Ласкер бу ишнинг анча ҳадисини олган эди. Михаил Таль ҳам ундан қолишмаган. Масалан, унинг Ботвинник билан жаҳон биринчилиги учун ўйнаган илк матчини олайлик. Таль ўз тренери А. Н. Кобленц билан бўлажак курашнинг энг арзимас психологик деталларигача жиддий эътибор беришади.

Сизнингча, бошқа омиллар қатори психологик факторнинг роли ҳозирги босқичда қандай роль ўйнамоқда? Бунда озми, кўпми шахматнинг объектив, холис ривожига ҳалақит берадиган жиҳатлар йўқми?

М. М. — 1961 йили ўйналган реванш матчида Ботвинник ишга солган психологик тазйиқ рақибиникидан ҳам зўрроқ бўлиб чиқди. У шахмат «бўрон»ларининг асосий айбдори — Таль ихтиёридаги фарзинларни алмаштиришни ҳам муҳим деб ҳисоблади. Хўш, олдинги матчда Таль вужудга келтирган шахмат «чангалзор»ларида Ботвинник учун нималар хавфли бўлган эди? Фарзинлар, албатта. Бу гал Ботвинник фарзинларни (бунинг оқибатида позицияга анча-мунча путур етса-да) алмаштириб ташлайверди — қўрқинчли «чангалзор»лар эндшпил деб аталувчи оромбахш сайлгоҳларга айланаверди... Дастлабки учрашувда тўрт очко фарқ билан мағлуб бўлган М. Ботвинник бу сафар, 50 ёшида ўзидан икки марта кичик истеъдодли рақибини беш очко фарқ билан ютиб чиқиб, чемпионлик унвонини қайтариб олди.

Нафсиламбирини айтганда, психологик тазйиқ ҳалол бўлиши даркор. Баъзи шахматчилар ўйин пайтида қиладиган қилиқлар (кўпинча оддий ҳаваскорлар), чунончи, столни тиқирлатиш, астагина ҳуштак чалиш, ҳатто кетма-кет дуранг таклиф қилиш каби номуносиб ҳатти-ҳаракатлар «шахмат кодекси»га сиғмайди. Машҳур олим Б. Франклин ҳатто «Шахмат ва аҳлоқ» деган мақола ёзган. Шахматчи одоби ҳақида «Қобусноме»да ҳам анча яхши гаплар борлигини биласиз.

Ш. О. — Шахмат одамни ҳалолликка ўргатади деймиз. Шундай экан, дунёдаги энг одил инсон шахматчи бўлиши керак. Бу ўйинда таниш-билишчилик, кўзбўямачилик кетмайди. Аммо ўз мағлубиятига тўғри баҳо берадиган, рақибининг зўрлигини тан оладиган шахматчи камдан-кам топилади. Қизиқ, бу ерда ҳам ғалати бир қонуният бормикин? Бор бўлса, у шахмат билан боғлиқми ёки инсон табиатига хос хусусиятми?

М. М. — Бошқаларни қўйиб турайлик-да, шахмат «тождор»ларидан гап оча қолайлик: Карпов-Каспаров матчида ўйналган баъзи партияларда юз берган натижа ҳозиргача турли муноза-раларга сабаб бўлмоқда, иштирокчиларнинг бири уни қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нуний натижа деб билса, иккинчиси бу фикрни инкор этмоқда. Асосий сабабни шахмат тахтасидан ахтармоқ керак. Шундай экан, менинг ўйиним ютуқ эди дейдиган оддий ҳаваскордан сира ўпкаламаслик керак.

Ш. О. — Шахматда рақибларнинг ўзаро муносабати жуда чигал, мураккаб бўлади. Бир кунмас, икки кунмас, бир неча ой давомида юзма-юз ўтириб, бир-бирига қарши дона сурадиган шахматчиларнинг руҳий ҳолатини тушунишга ўрганиб кўрайлик. Тўғри, бу ҳаёт-мамот масаласи эмас, шунчаки мусобақа — спорт кураши. Томонлар хоҳлайдими, йўқми, ўртада ор-номус, ғурур деган омиллар бор. Мана шундай мураккаб, таранг вазиятда рақибларда беихтиёр бир-бирига нисбатан ғайирлик, ҳатто ғазаб туйғуси пайдо бўлмайдими?

М. М. — Бир суҳбатда Михаил Таль: «Шахмат ўйинидан мақсад — ғалаба қозониш. Характер ва ирода кучидан маҳрум шахматчи ютаман деб умид қилмаса ҳам бўлади. У энг аввало ўзини жангчи қилиб тарбиялаши керак. Шундай бўлсада, шахмат атрофидаги агрессивлик тахта ва доналар билангина чекланиб қолади — рақиб шахсига кўчмайди. Ўзим ҳақимда ҳам ўйиндан олдин «ўқланиб оламан» деб айта олмайман. Шахматчига антиқа қувонч ёр бўлади; битта яхши партия ўйнаб, у ҳақиқий санъат асари яратиши, шахмат тарихида абадий из қолдириши мумкин. Мен учун рақибни енгиш шарт эмас, яратилган ажойиб асарга ҳамкор — шерик бўлишнинг ўзи кифоя», деган эди.

Шахмат ўз табиатига кўра, юксак ахлоқ, маданият рамзи. Шахмат тахтасида яратиладиган ажойиб санъат асарлари ҳамиша ҳар икки томоннинг, юқорида айтилганидек, ҳамкорлиги натижасида юзага келади. Шундай экан, рақибга ҳурмат одоб тақозосидир. Аммо бунга зид фактлар ҳам учраб туради. Шахмат тарихидан маълумки, кучли шахматчилар, ҳатто жаҳон чемпионларининг ўзаро муносабатлари ҳамиша ҳам самимий, дўстона бўлавермаган. Масалан, Алёхин билан Капабланка ўртасидан «қора мушук» ўтган, ўзаро гаплашмай қўйган пайтлари бўлган. Аммо шунга қарамай улар охир-оқибат бир-бирларига жуда юксак баҳо берганлар.

Ш. О. — Шахмат ўйини тараққий этиб борган сайин шахмат этикаси деган тушунча ҳам кенгайиб, мураккаблашиб бормоқда. Ҳозир ўйинни бой бериши юз фоиз аниқ бўлгани ҳолда таслим бўлмай, беҳуда қаршиликни чўзавериш рақибга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Илгари эҳтимол бундай бўлмагандир?

Мамажон ака, Сиз жуда кўп мусобақа, турнирларда ўйнагансиз, судьялик қилгансиз. Кузатишларингиз, ўзингиз гувоҳ бўлган воқеаларни бир эслассангиз?

М. М. — Бу саволга муфассалроқ жавоб бериш учун кўплаб шахмат диаграммалари кўмагида фикр юритиш талаб этилади. Шундай бўлса-да, конкрет воқеалар билан унга бир оз аниқлик киритишга уриниб кўраман.

1955 йили Ворошиловград шаҳрида СССР команда биринчилиги ўтказилган эди. Кунларнинг бирида биз Москва терма командаси билан учрашдик. Биринчи тахтада гроссмейстер Ю. Авербах ўйнарди. Беш соатлик курашдан сўнг ўйинимиз кечиктирилди. Иккаламизда ҳам учтадан пиёда қолган эди: назарий жиҳатдан «қип-қизил» дурангнинг ўзи. Лекин рақибим — гроссмейстер, мен эса мастерликка номзод. Бунинг устига, у эндшпил бобида ном чиқарган, китоблари жаҳонга машҳур. Позиция тенгликка тенгку-я, аммо нозик жойлари ҳам кўп эди. Чидамим етмади — бир жойда ташаббусни бой бериб қўйиб, ютқаздим. Балки ўшанда ундан хафа бўлгандирман. Аслида эса бу ноўрин. Ахир ўйин бошида позиция тенг терилади-ку. Гап — маҳоратда.

Бир куни бир шахматчи билан узоқ ўйнаб қолдик. Уч пиёдаси кам бўлса-да, пинагини бузмай, сиз айтгандек, юз фоиз ютқазадиган вазиятда таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмасди. «Нега ўзингизни қийнаяпсиз?», десам: «Боя ўзингиз ҳам икки пиёда кам бўлатуриб таслим бўлмадингиз-ку?», дейди безрайиб. Ўзимни тутолмай, хахолаб юбордим.

Гап шахмат этикаси ёки шахматчилар ўртасидаги муомала хусусида бораркан, катта шахматчилардан ҳам сўз очмай туролмайман.

1984 йилнинг илк баҳори. Вильнюс шаҳрида тож талабгорларининг финал матчи бошланди. 21 ёшли Гарри Каспаров ўзидан уч баробар ёши улуғ собиқ жаҳон чемпиони В. Смислов билан куч синашарди. Каспаров икки очко ўзиб кетган бир пайтда Смисловнинг туғилган куни яқинлашиб қолди. 24 мартда навбатдаги партия ўйналиши керак. Смислов охирги тайм-аутни олай деса, кейин қийналиб қолиши мумкин. Шунда Каспаров танаффус эълон қилиб, ҳаммани ҳайратга солди. Ишқилиб, ютиб чиқсам бўлди-да, деб одамийликни қўлдан бермади, жаҳон чемпионига рўпара қиладиган «осон» йўл турганда, ўзи тайм-аут олиб, нафақат ҳарифининг, балки миллионлаб шахмат мухлисларининг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Ўтган йилги реванш матчининг Лондондаги 10-учрашувига Карпов хиёл кечикиб қолди. Оқ доналарда ўйнаган Каспаров дастлабки юришини қилиб, рақибининг соатини юргизиб юборса бўлаверарди. Қоида шундай. Лекин ёш жаҳон чемпиони юриб турган ўз соатини тўхтатмади — уч минутча вақтни «ўз ҳисоби»га олиб, харифи жойига келиб ўтиргандан кейингина юриш қилди. Ҳар бир икир-чикирга ҳушёрлик билан қарайдиган томошабинлар совет гроссмейстерининг бу олижаноблигини гулдурос қарсаклар билан олқишладилар.

1985 йилги матчнинг 5-партияси кечиктирилиб, тахтада томонларнинг фарзинлари, учтадан сипоҳи қолган бўлиб, Карповнинг атиги бир пиёдаси ортиқ эди. Бунақа вазиятда қаршиликни чўзиш мумкин-у, аммо Карпов кўпол хатога йўл қўймаса оқларнинг мағлуб бўлиши турган гап эди. Устунликдан фойдаланиш бобида рақибининг бетакрор маҳоратига кўп марталаб ишонч ҳосил қилган Каспаров мардларча иш тутди — учрашувни давом эттирмасдан таслим бўлди. Ўйнаб кўрса, ҳеч бўлмаса ёши улуғроқ ҳарифини чарчатарди-ку!

Муайян позицияларда таслим бўлиш-бўлмаслик, қаршиликни чўзиш-чўзмаслик ўйинчиларнинг маҳорат даражасига, турнир ёки матчдаги вазиятга, қолаверса, одобга боғлиқ. Шахмат этикаси жуда кенг тушунча.

Ш. О. — Биз шахмат этикаси деганда асосан рақибларнинг бир-бирига муносабатини назарда тутамиз, шекилли. Бу тушунча шахмат ҳақида ёзадиган журналист ва ёзувчилар, шарҳловчилар фаолиятига ҳам тааллуқли эмасми? Айрим шарҳчилар шахмат ҳақида гапира туриб, фалончи рақибини «эзиб» ёки «янчиб» ташлади деган сўзларни бемалол қўллайверишади. Бу нордон иборалар ўзаро суҳбатда ёки чойхонада айтилса бошқа гап. Кишининг ҳамиятига тегувчи шунақа сўзлар матбуотдан айтилса ғалати туюлмайдими? Баъзан яна бошқа бир ҳолни кузатиш мумкин. Ўйинчилардан бири (ҳатто юксак даражадаги учрашувларда) ютиб қолса, дарров унинг шанига ҳамду санолар ёғдирилади. Ахир мусобақа ҳали тугагани йўқ, қолаверса, жўжани кузда санайдилар-ку! Эсингизда бўлса, Каспаров матчдан олдин берган интервьюларидан бирида фантазия бобида Карповдан бир оз бўлса-да устунроқ эканлигига шама қилган эди. У биринчи матчда катта ҳисобда ютқизаётган маҳали марказий матбуотда журналистлардан бири уни нокамтарликда айблаб: «Мана, мақтанишнинг оқибати!» дегандек бўлди. Аммо охири Каспаров озми, кўпми ҳақ эканлигини исботлади-ку! Айтмоқчиманки, бундай қалтис дақиқаларда фақат шахматчидангина эмас, балки шарҳчилар, шахматга даҳлдор барча кишилардан юксак этика ва маданият талаб қилинади.

М. М. — Эсингизда бўлса, Карпов — Каспаров матчларининг биринчисида 27-партиядан сўнг ҳисоб жаҳон чемпиони фойдасига 5:0 (дуранглар инобатга олинмасди) бўлиб қолди. Яна битта ютса бас — матч тугарди. Ана шунда мен «Совет Ўзбекистони» газетасига берган галдаги шарҳимда «Каспаров жар ёқасига келиб қолди...» деган иборани ишлатганим ёдимда. Каспаровнинг ашаддий мухлисларидан бири редакцияга шундай мазмунда хат йўллади: «Мана кўрдингизми, Каспаров чемпион бўлди. Шарҳчимиз бўлса «жар ёқасида...» деб номаъқул гапни айтиб юрибди». Унга ҳам қийин: Каспаровни астойдил яхши кўрса-ю, бошқалар «ёмонлаб» турса Ёқмайди-да. Ўша машҳур миниатюра ёдингиздадир: ходим Иван Кузьмичга «Спартак» ютқизганини айтганда: «Хонага бошқатдан кир!» дейди...

Ҳисобни 5:0 га чиқара олган Карповдек шахматчининг яна битта партияни юта олмаслигини ким каромат қила оларди? Яхши ҳам, ёмон ҳам ўз вақтида айтилади, шарҳчи холис ҳолда бор гапни мухлисларга етказиши керак. Ёки уларнинг ким тарафдалигини ҳам кўзда тутиб, икки хил гап айтсинми? Менимча, юқорида қўлланган ибора ўрнида ишлатилган.

Шахмат сардорлари рақиб кучини тан олган ҳолда ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

кучига ишонадилар. Бўлмаса, жангга кириб нима қилишади?

Карпов 1985 йили апрель ойида Тошкентда бўлганида Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида шундай деган эди: «Дебютда Каспаров мендан устунроқ. Аммо ўйин ўрталари ва эндшпилда (бир эмас, икки босқичда — **М. М.**) менга бас келолмайди», деган бўлса, реванш матчи олдидан «Ютишга кўзим етмаса ўйнаб нима қиламан...», деди. Оқибат натижадан қатъий назар, Карповни қоралаб бўлмайди.

Хуллас, шахмат этикаси деганда қамровни кенгроқ олиб, ҳар бир вазиятга объектив ёндошишни тушунмоқ даркор. Шарҳчи ҳам ўзини чеклайверса, унда нимани ёзади? Тўғри, «урворди», «сурворди», «эзиб ташлади...»лар ҳазм бўладиганроқ йўсинда қўллангани маъқул.

Ш. О. — Ҳамма соҳада бўлганидек, шахматда ҳам талант ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аммо баъзан бунга зид фикрлар учраб қолади. Жаҳон экс-чемпиони М. Ботвинник ўзининг Капабланка, Морфи сингари «Вундеркинд», яъни туғма истеъдод эгаси бўлмаганини айтади. Машҳур гроссмейстер ва ёзувчи А. Котов ҳам ўзида катта шахмат таланти бўлмагани, кўп нарсага узлуксиз меҳнат орқасида эришганини ёзади. Қизиқ, ахир улар эришган юксак натижаларнинг ўзиёқ бу мулоҳазаларни инкор этмайдими?

М. М. — Дунёда талантсиз одам бўлмаса керак. Талант дегани, оддий қилиб айтганда, бирон-бир нарсага мойилликнинг зўрлиги демак. Бир одамда у кулолликда аксини топса, иккинчи бир одамда айтайлик, дурадгорликда, учинчисида хаттотликда намоён бўлади. Болаликдаги бу туғма истеъдод бировда такомилига етса, иккинчисида чала қолиб кетади. Айтишларича, Моцарт беш-олти яшарлигидаёқ опера ёзган экан. Кейинчалик у даҳоликка кўтарилганини ҳамма билади. Келинг, яхшиси ўзимиздаги шахматчилардан мисол келтира қолай.

Эллигинчи йилларнинг охирларида тошкентлик Эрнест Ким деган боланинг номи ҳатто бутун дунёга тарқалган эди. Беш ёшида кап-катта шахматчиларни ҳам «ўсал» қиларди. Кейинчи? Хулласи калом, спорт мастерлигига номзодликдан нари ўтолмади, охири ўйнамай қўйди. Бунинг асосий сабаби — тўғри йўлни тополмади, кўрсатсалар юрмади... Яна бир тошкентлик шахматчи Яков Юхтман спорт мастери бўлди, ҳатто СССР чемпионатларининг бирида бўлғуси жаҳон чемпиони М. Тални мағлуб этди. Бироқ, таланти бошқа бир қанча гроссмейстерларникидан юқори бўлса-да, улар даражасига етолмади. Характери бўш, хулқи айтарли дуруст эмас эди.

Энди ёш масаласига келсак, кейинчалик жаҳоннинг биринчи расмий чемпиони Вильгельм Стейниц билан матч ўйнаш даражасига кўтарилган буюк рус шахматчиси Михаил Иванович Чигорин 16 яшарлигида шахматни ўрганиб, 23 ёшидагина у билан жиддий шуғуллана бошлаган. Капабланка бўлса тўрт ёшида ўрганиб, охири жаҳон чемпиони даражасига етган. Унинг диди ниҳоятда ўткир бўлган. Машҳур гроссмейстер Сало Флор мураккаб бир позицияни таҳлил қилишга олти соатча вақт сарфлагани ҳолда, Капабланка тахтадаги доналарни кўзғатмай, беш минутдаёқ шу вазиятнинг сирини топган.

Талантнинг тўқсон тўққиз процента меҳнат, деган гап шахматга ҳам таалуқли эканига шубҳа йўқ. Бошқа соҳаларда бўлганидек, шахматда ҳам ана шу талант билан меҳнат омухта қилингандагина юксак натижаларга эришиш мумкин.

Ш. О. — Мамажон ака, шахматчининг кучини белгилайдиган абсолют ўлчов, мезон борми? (Жаҳон чемпиони унвонидан ташқари.) Бундан бир неча йил муқаддам бразилиялик машҳур футболчи Пелега «Жаҳоннинг шу маҳалгача бўлган энг зўр спортчиси» деган унвон берилган эди. Мабодо шахмат бўйича махсус шундай унвон таъсис этилса, Сиз уни кимга берган бўлардингиз? Ва нима учун?

М. М. — Сиз айтган унвон расмийлик даъвосини қилолмайди. Рамзий, қиёсий, холос. Алёхин вафотидан хиёл олдинроқ: «Капабланкадек истеъдод соҳиби ягона эди, бундан кейин ҳам битталигича қолади», деб ёзган эди. Бундан юксак баҳо бўлмаса керак! Бироқ жаҳон чемпиони деган унвон ҳам шахматчи кучини белгилайдиган абсолют ўлчов эмас. 60-йилларнинг охирларида йилнинг энг яхши шахматчисига «Оскар» мукофоти таъсис этилди. Лауреатни шахмат мавзуида ёзадиган журналистларнинг халқаро уюшмаси овоз бериш йўли билан аниқлайди. 1967 йили дастлабки «Оскар» даниялик Бент Ларсенга, 1968-, 1969-йиллари у Борис Спасскийга, 1970-, 1971-йиллари Роберт Фишерга насиб этган эди. Эътибор беринг-а, мазкур йилларда жаҳон чемпиони бўлган Т. Петросян (1967-1968), Б. Спасский (1969-1972) «Оскар»ни ололмаганлар. Жаҳон чемпиони уч йил мобайнида планетанинг «Энг кучли» шахматчиси (шу давр орасидаги мусобақаларда хоҳ қатнашсин, хоҳ қатнашмасин) ҳисобланади. Аммо «энг яхши шахматчи» деган унвон муайян йиллардаги нуфузли мусобақаларда энг кўп муваффақиятга эришган гроссмейстерга берилади. Бунда шахматчи рейтинги ёки ўртача коэффициенти — халқаро майдондаги обрўйи муҳим ўрин тутади. Унинг баландлаб ёки пастлаб туриши гроссмейстерларнинг маълум даврдаги ҳақиқий амалий кучидан далолатдир.

Сиз берган саволга мен: «Ҳар бир машҳур шахматчи ўз даврининг зўри!» деб жавоб берган бўлардим.

Ш. О. — Кўпчилик мухлисларнинг фикрича, қанчалик кўпроқ юришни олдинроқ кўролган, демак ҳисоб-китобга абжирроқ бўлган шахматчи устароқ, зўрроқ ҳисобланади. Масалан, спорт мастери ўн бешта, гроссмейстер эса ўн саккиз-йигирмата юришни олдиндан кўра олади, дейишади. Мундоқ қараганда, бу гапларда жон бор, албатта. Машҳур шахматчи Ретидан, қанча юришни олдиндан кўрасиз, деб сўрашганда у, битта юришни, деб жавоб берган экан. Жаҳон эксчемпиони М. Таль бу борада ўз бошидан ўтган қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади: «Гроссмейстер Васюков билан оқ доналарда ўйнаётган эдим. Бир маҳал сипоҳни қурбон қилиш имконияти туғилди. Аммо унинг оқибатини охиригача ҳисоб-китоб қилиб чиқиш жуда мушкул эди: қоралар учун ҳам бир неча ҳимоя вариантлари, оқлар учун ҳам кўплаб ҳужум вариантлари бор эди. Бир маҳал кутилмаганда хаёлимга Корней Чуковскийнинг бегемотни ботқоқдан қутқариш ҳақидаги масали келиб қолди. Умуман, мен Чуковский асарларини болаларга ўқиб беришни яхши кўрардим. Шахматга қарайману ҳеч нарсани кўрмайман: нуқул бегемот қандай қилиб ботқоқдан чиқар экан деб ўйлайман. Ниҳоят, хаёлан ўзимча чек ташлаб, сипоҳни қурбон қилдим ва оқибат ўйинни ютдим. Эртаси куни газеталар: «Таль қурбоннинг бутун оқибатларини кўра билгани ва пухта ҳисоб-китоб қила олгани учун ҳам ютиб чиқди!», деб ёзишди».

Мамажон ака, Таль бу ерда асосан **интуиция** ҳақида гапирмаяптимикин? Шахматда интуициянинг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

М. М. — Биринчи рус жаҳон чемпиони Александр Алёхиннинг вафотига 10 йил тўлиши муносабати билан 1956 йили Москвада улкан халқаро турнир ўтказилиб, у М. Ботвинник ва В. Смисловнинг ғалабаси билан тугаган эди. Иштирокчилар орасида аргентиналик гроссмейстер М. Найдорф ҳам бор эди. Турнирга бағишлаб чиқарилган махсус бюллетенда Найдорфнинг эсдаликлари ҳам ўрин олган.

«Мен, — деб ёзган эди М. Найдорф, — Алёхин билан 1937 йили Маргетда учрашиш шарафига муяссар бўлган эдим. У Бош турнирда, мен эса мастерлар мусобақасида қатнашган эдик. Алёхин Бёк билан учрашган куни 14-юришда бутун бошли бир руҳини қурбон қилдию менинг ўша партияни кузатиб турганимни пайқаб қолди ва: «Қурбон қалай?», деб сўради. Мен комбинациянинг тагига етмай турибоқ, «Жуда антиқа!» деб юбордим. У мийиғида кулиб қўйди. Икки йилдан сўнг яна Алёхин билан учрашгач, «сир»ни очдим: «Доктор, Маргетда Бёк билан ўйнаган партиянгизда руҳнинг қурбон қилиниши қалай эканлиги ҳақида фикрими сўраганингизда, мен сизга ёлғон гапирган эдим. Ўша пайтда мен ҳеч нарсани кўрмаганман. Ҳатто ҳозир ҳам сизнинг комбинацияни бошдан-оёқ олдиндан кўриб чиққанлигингизга ишонгим келмайди».

Алёхин кулимсираб: «Ҳечқиси йўқ, йигитча, мен ҳам ҳеч нарсани кўрмаганман, лекин тўғри юриш қилганимни сезганман, холос», деди».

Ҳақиқатан ҳам, шахмат катта санъат бўлиб, ўйин оқибатини кўришдан кўра, сезиш муҳимроқ.

Ким қанча юришни олдиндан кўра олиши масаласи нисбийдир. Озроқни кўриб, созроқ хулосага келиш — ҳақиқий маҳоратдан нишона.

Давоми келгуси сонда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғамхўр одамлар

Сотим Аваз

Кампирим билан иккимизнинг омадимиз бор экан: курортга борадиган бўлиб қолдик. Яна қанақасига денг — марказий курортга! Ғамхўр одамлар кўп, ёрдам беришди, барака топкурлар!

Хўш, десангиз, уйда кампир билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, путёвка берадиган идорага ариза ёздик. Мен ёзиб турибман, кампир тўқсон беш чойдан тутиб турибди денг...

«Мен — фалончи. Урушда етти фашистни отганман. Ҳозир ҳам иш бўлса «жонини оламан», деб ёпишаман, манаман деган шофёрларданман. Машинамнинг ғилдираклари тез-тез ейилиб, покришкалари тешилиб турса-да, мелиса болалар талонимни бир марта ҳам тешишган эмас.

Хотиним — пистончи. Бир мактабнинг ўти билан кириб кули билан чиқади. Шу пайтгача бир боланинг ҳам қулоғидан тортган эмас. Ўқувчилари кўрган ерда қуллуқ қилиб ўтишади. Биз ана шунақа одамлармиз. Пенсияни ҳам тан олмай ишлаб юрибмиз.

Дўхтир қиз, юрагингиз тақирлайдиган бўлибди, курортга бормасангиз тутун қайтаришингиз ҳеч гап эмас, демаганида, бу аризани ёзмаган бўлардим. Кампирим ҳам ёнидан бир пишак ўтиб қолса, бир ҳафта ўзига келолмай юради. Хуллас калом, бизга юракларимизни бир кўрсатиш учун курортга путёвка керак, ёз ойларига...»

Бир куни «тезда етиб келинг» деган хабарни эшитиб етиб бордим. Бу сафар ёшуллининг ўринбосари қабул қилди.

— Еттита фашистни гумдон қилган сиз экансиз-да? — деди у.

Уялиб кетдим. Буни қаранг, ҳеч кимга айтмай юраверган эканман, бирпасда отнинг қашқасидай танилиб қолибман.

— Курортга борадиган бўлибсиз-да?

— Ҳа.

— Кампир билан?

— Ҳа, — оғзимнинг таноби қочиб зўрға лабларимни жуфтладим.

— Жуда яхши, — курортга именно сизлар боришларинг керак. Сизлар учун юқоридан махсус путёвка олдирамиз. Омон бўлинг, отахон!

Одам деган ҳам шунақа меҳрибон, ширинсухан бўладими? Яна бирпас ўтирсам, худо ҳаққи, йиғлаб юборардим. Ўринбосар буни сезгандек, мени коридорга чиқариб қўйди.

«Курорт картаси тўғриланг!»

Бу хабарни эшитиб шошиб қолдим. Телефон трубкасини жойига қўйишни ҳам унутиб кампирга қичқирдим:

— Ҳой, кампиршо, тайёргарлигингни кўравер, эртага жўнаймиз!

Дўхтирма-дўхтир югуриб карта тўлғаздик. Шу куни уни ўринбосарнинг қўлига топширдим. У яна иззат-икром билан кутиб олди, сўнг қирқ йиллик қадрдондек кузатиб қўйди. Ўзи бундай жойда шунақа одамлар ишлаши керак-да!

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас шофёр шогирдим таксини учириб, ҳовлиққанча келиб қолди. «Тез бўлинг, уста, путёвка келибди», деди у. Ҳаялламай у билан бирга бордим.

— Гап бундай, — деди ўринбосар, — путёвка менинг қўлимда. Кисловодскка! Лекин булар консерва заводи директори ва унинг хотини номига ёзилган. Улар ҳозирча курортга боролмас эканлар. Қизини узатишармиш. Омадингиз чопиб турган экан, отахон!

— Ахир, мен консерва заводида ишламайман-ку, фамилияям ҳам бошқача?

— Буни тўғриласа бўлади. Цитрус-питрус дегандек, у ердагиларнинг ҳам қорни бор ахир!..

— Қўй шу гапингни, болам, менда қон босими бор. Гапимни иккита қилишса қизишиб ёниб кетаман.

— Унда ихтиёрингиз, отахон...

Бу ҳам бир ғамхўрлик-да, деб ўйлайман ўзимча. Ахир, бераман деса бошқа одам йўқми? Қолаверса, мени кимсан — консерва заводининг директори билан тенг кўришибди! Бечора директор, шундай жойга путёвка топганида тўй чиқиб қолганини қаранг.

Кунлар ўтди. Мен ҳам нима бўлса бўлар деб юравердим. Аммо кампир қисталанг қилиб, ҳоли-жонимга қўймади. Яна бордим.

— Отахон, хафа бўлмайсиз энди. Бизга боғлиқ эмас бу, деб айтган эдим-ку. Сизларга рад қилишибди, — деди ўринбосар мулойим оҳангда.

— Нега энди?

Ўринбосар узунлиги бир қарич келадиган қоғозни олдимга қўйди.

— Мана, ўзингиз кўринг.

— Ие, мана бу ерда консерва заводининг директори ҳам ёзилганми?

— Ҳа.

— Ахир, унинг тўйи бор эди-ку?

— Тўғри, энди у баҳорда эмас, ёзда дам олади. Сиз пастроқни, ўз фамилиянгизни қаранг.

Рўйхатнинг энг охирида ёзилгани учунми, Мўминтоев деган фамилия бировга ёқмабдими, номимнинг тўғрисига «йўқ» деб ёзиб қўйишибди.

Ёшуллининг ҳузурига кирдим.

— Эшитиб хафа бўлдим, — деди у. — Сиздақа одамлар курортга кўп борсин деймиз-у... Агар бизга боғлиқ бўлгандами... Ҳай, майли, ички имкониятларимизни бир чамалаб кўрайлик-чи?..

— Барака топинг, — дейман бирдан кўнглим юмшаб.

Ахир, бечоралар мени деб роса эзилиб кетди-ку. Икки ойдан бери каттаю кичик, ҳамма сарсон. Ҳали ... ёққа югуришади, ҳали бу ёққа. Дам юқорига ёзишади, дам ўзларидан излашади. Хуллас, топилди!

Буни қаранг, ўша куни сменада эдим, ўз машинамда йўлга чиқдим. Ҳовлиқиб бораётган эканман денг, светофорнинг кўк чироғи ўчиб, қизили ёнганини ҳам кўрмай ўтиб кетаверибман. Бир пайт чуриллаб қолди-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейин «чарқ» этказиб талонимни тешиб қўлимга тутқазишди...

— Мана, марказий курортга иккита путёвка! — деди ўринбосар мен эшикдан кирар-кирмас.

Йўлга тайёргарлик кўрилаётган кунларнинг бирида ўринбосар қўнғироқ қилиб қолди.

— Отахон, — деди у трубканинг ичидан мулойим овози билан, — бир ишни чала қилибсиз. Зилзиладан зарар кўрганлигингиз ҳақида справка керак.

— Зилзила дейсизми?

— Ҳа-да, путёвка ҳужжатларини расмийлаштириш учун зарур бўлиб қолди. Делога тикиб қўймоқчимиз.

— Қайси зилзилани айтяпсиз?

— Ўтган баҳорда бўлгани-чи? Ҳаммамиз кўчага қочиб чиққанмиз-ку?

— Ҳа, ҳа, эсладим! Лекин мен ўшанда ухлаб ётган эканман-да, билмай қолибман, эртасига эшитдим.

— Майли, «зарар кўрган» деб олиб келаверинг...

— Ахир, ҳеч қандай зарар кўрмаганмиз!

— Мен сизга зарар кўргансиз деяпманми?! Шунақа қоғоз келтиринг, тушундингизми?

— Тушундим, лекин...

— Отахон, сиз ахир, урушда етти фашистни... битта справка нима деган гап бўпти!..

Кўрдингизми, қанақа одам бу ўринбосар, бир оғиз гап билан калламни олди. Энди маҳалла комитетининг раиси Қўчқор ботирнинг олдига бўйин эгиб боришдан бошқа чора йўқ...

Справкани олсак, тез курортга учамиз. Эсон-омон бир даволаниб келайлик, шу ғамхўр одамларни бир хурсанд қилай...

ТОМОШАБОҲ

Константин Паустовский

Эртак қандай пайдо бўлади?

Ҳанс Кристиан Андерсеннинг мураккаб таржимаи ҳолига назар ташласангиз, бу қадар сеҳрли эртакларни у қачон ёза бошлаганини аниқлаб олиш қийинлигини сезасиз.

Болалигиданоқ Ҳанснинг хотираси турфа хил ғаройиб-ажойиб ҳодисалар билан тўла эди, лекин бу ғаройиботлар унинг миясида ҳали ҳаракатга келмаганди. Кичкина Андерсен ким бўлсам экан — қўшиқчими, раққосми, нотиқми, шоирми, ҳажвчими ёки драматургми, деб орзу қилаверар, лекин эртакчилик ҳақида сира ўйламасди. Бироқ шунга қарамасдан унинг ёзувчи сифатида ёзган гоҳ у, гоҳ бу асарларида эртакларнинг сезилар-сезилмас садолари торга секингина бармоқ урган каби жаранглаб қолар эди.

Ёзувчилардан бири, инсон туши қайси ашёлардан ташкил топса, эртак ҳам ўшандан яралади, деган экан.

Тушда кўпинча бизнинг реал ҳаётимиз акси калейдоскопдаги рангли шишачалар каби жимирлаб, эркин ҳаракатларда бир-бирига боғланади. Эртак ва тушнинг ўхшашлиги ҳақидаги фикр, эҳтимол, шу ердан пайдо бўлгандир.

Тушимиздаги ақл етакчилик қиладиган нарсалар ўнгимизда бизнинг чек-чегарасиз тасаввуримизни пайдо қилади.

Ҳур тафаккуримиз бизни қуршаб турган ҳаётнинг юзлаб бўлакларини тутиб олади ҳамда уни доно ва теран ҳикояга бирлаштиради. Эртакчи ҳисобга олмайдиган, менсимайдиган қарийб ҳеч нарса йўқ; хоҳ бутилканинг оғзи бўлсин, хоҳ зарғалдоқ ҳаракати туфайли баргдан томган шудринг, хоҳ занглаб кетган кўча фонари бўлсин у. Ҳар қандай фикр — энг улканми у, энг улуғми — мана шу кўз илғамайдиган ва босинқи ашёларнинг бир-бирига дўстона кўмаги туфайли пайдо бўлади.

Эртакчилик соҳасида Андерсенга нима туртки берган?

Ёзувчининг ўзи нақл қилганидек, қачонки у деярли ҳамиша юлдузларнинг хира шуъласи остидаги сийрак ва мудроқ туман билан қопланган Зеландия ўрмонларида дам олаётган чоғи, табиат билан танҳо қолганида, «унинг овозини тинглаётганида» эртак ёзиш ҳаммасидан осон кўринарди. Ўрмоннинг шу ерларига довур етиб келувчи денгиз шовури унга тушуниб бўлмас тилсимот ато қиларди.

Лекин биз биламизки, Андерсен кўп эртакларини қиш ўрталарида, болаларнинг арча байрамлари шуъласида ёзган ва эртакларга арча безакларига хос ҳашам берган, яхши безаган эди.

Приморье қиши, қор гиламлари, печкалардаги олов учқунларию қиш оқшомларининг шуъалаланиб ётиши — булар ҳаммаси унинг эртакларида жамол кўрсатган.

Эҳтимолки, Андерсеннинг эртакчи бўлишида Копенгагенда содир бўлган бир ҳодиса хизмат қилгандир.

Кичкина болакай Копенгагендаги кўҳна уйлардан бирининг рафида ўйнаб ўтирарди. Ўйинчоқлар унча кўп эмасди — бир қанча кубиклар, қўлдан қўлга ўтаверганидан рангини йўқота бошлаган эски, думсиз от ва қалайи солдатча.

Боланинг онаси, ёшгина аёл дераза қошида ўтириб нимадир тикаётганди. Шу вақтда кимсасиз кўчанинг нариги бошидан, кишини аллалаб ғичирловчи кемаларнинг мачталари кўриниб турган Кўҳна порт томондан узун бўйли, қорамағиз ва ориқ бир одам кела бошлади. У тезлик билан бир неча марта қадам ташлади-да, сўнг қандайдир ишончсиз юра бошлади. Энди у узун қўлларини силтаганча ўз-ўзи билан гаплашарди.

Нотаниш киши шляпасини қўлида ушлаб келар, шунинг учун унинг қия пешонаси, қайрилма қирғий бурни ва офтобдан қисилган кўзлари яхши кўринарди.

У чиройли эмасди, лекин бежирим, чет эллик киши каби таассурот уйғотарди одамда. Сюртугига тикилган рангдор ипга у хушбўй ҳид таратувчи ялпиз тақиб олганди.

Агар бу нотаниш кимсанинг ғўнғиллашини эшитиш имкони бўлганида эди, биз унинг хиёл қўшиқ қилиб айтаётган назмини тинглаган бўлардик:

Кўксимда асрадим мен сизни,
О хотирамнинг нозик гуллари...

Керги чамбарак орқасидаги аёл бошини кўтарди ва болага деди:

— Мана, бизнинг шоир келяпти, жаноб Андерсен. Унинг аллаларини тингласанг, сен бир зумда ухлаб қоласан.

Бола қорамағиз кишига хўмрайиб қаради, ўзининг ягона, чўлоқ солдатчасини қаттиқроқ сиқди, кўчага чопиб чиқди, солдатчани Андерсеннинг қўлига тутқазди ва шу заҳоти қочиб қолди.

Бу Андерсен учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада катта совға эди, у бунн кейин тушунди. Андерсен солдатчани сюртугидаги илгакка, ялпиз шохчаси ёнига қадаб қўйди — худди қимматбаҳо ордендай, сўнгра чўнтагидан рўмолчасини чиқариб секингина кўзларига босди, — афтидан, унинг дўстлари «сен жуда йиғлоқисан, ичинг ғалвирми!» дейишганида ҳақ эдилар.

Аёл эса тикувдан бошини кўтариб ўйлади: агар у шу эркакни севиб қолганида шу шоир билан нақадар яхши яшаган, шунингдек у билан яшаш қанчалар оғир бўлиши мумкин эди. Айтишларича, Андерсен кўнгил қўйган ёш қўшиқчи аёл Иенни Линд учун ҳам ўзининг шоирона одатларию ўйларини аямасдан ёзди. Дарвоқе, у севган аёлининг кўзларига тикилиб хоҳлаганча эртак тўқий оларди.

Бундай воқеалар унинг ҳаётида кўп такрорланарди. Бир гал у ҳатто Данияда эсувчи оқшомги шимоли-ғарб шамолларининг ҳасратли куйларини тинглаш учун балиқчиларнинг шхунаси мачтасига эол арфасини осиб қўйиб тун бўйи ухламай чиққанди...

Муқованинг 1—4 саҳифаларини рассом **А. Сухарев** ишлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ЕТМИШ ЙИЛЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

Тоҳир МАЛИК. Келажак умиди 2
Матёқуб ҚЎШЖОНОВ. Тоза виждон билан . 3

НАСР

Олим ОТАХОНОВ. Муҳаббат, муҳаббат... Ҳикоялар 4
Равшан ҚОДИРОВ. Чақмоқлар тинса. Қиссанинг давоми 23
Нормурод НОРҚОБИЛОВ. Дўстлар. Ҳикоя . 33

ТАНИШУВ

Машъал ХУШВАҚТ. Шеърлар 20

НАЗМ

Мирпўлат МИРЗО 21
Шукур ҚУРБОН 30
Жорж Гордон БАЙРОН. Дон Жуан. Достондан парча 55

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Владимир СОКОЛОВ. Чолқор. Кичик қисса 37

МУҲАББАТНОМА

ЛУТФИЙ 41

ПУБЛИЦИСТИКА

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ. Фельетон қироли ёки ўз элининг махсус мухбири 42
Мухтор КОМИЛОВ. Музей кимнинг мулки? Биринчи мақола 71
Мамажон МУҲИДДИНОВ, Шодмонбек ОТАБОЕВ. Шатранж йўлларида 74

АДАБИЙ ТАНҚИД

Бегали ҚОСИМОВ. Инқилобнинг алвон чечаклари 61
Тил сандиғи 65

«ҲУЖУМ»НИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Адолат НОСИРОВА. Қуёшли чеҳралар . . 66

САНЪАТ

Нусратулло ЖУМАЕВ, Маҳмуд ТОЖИБОЕВ. Бир нуктада минг маъно 68

ЕЛПИҒИЧ

Сотим АВАЗ. Ғамхўр одамлар. Ҳажвия . . 78
ТОМОШАБОҒ 79

ЁШЛИК

(«Молодость) ежемесячный литературно-художественный, общественно-политический журнал На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ
Техник редактор: Т. РАҲИМОВ
Корректор: Г. ЖЎРАЕВА

Адресимиз:
700117, ЧГСП, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси, 60-уй.

Телефонлар:
Бош редактор: — 78-94-05
Бош редактор ўринбосари: — 78-49-83
Масъул секретарь — 78-97-07
Проза бўлими — 78-97-58
Поэзия бўлими — 78-77-16
Публицистика, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 29.09.87 й. да туширилди.
Босишга 28.10.87 й. да рухсат этилди.
Р-08272. Қоғоз формати 84×108 1/16.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист.
Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 327762 нусха.
Буюртма № 1750.

Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Тошкент,
«Ёшлик», № 11, 1987. «Ёш гвардия» нашриёти.

www.ziyouz.com kutubxonasi